

323  
M 50



**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ  
ҒОЯСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ  
ЁЎНАШУВЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва  
жамият қурилиши академияси  
Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази  
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази

# Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий - услубий ёндашувлар

(КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ВАЗИФАЛАРИ  
ДОИРАСИДА)



“Академия” нашриёти  
Тошкент  
2002

Масъул муҳаррир - профессор А.А.Азизхўжаев

Муаллифлар - п.ф.д,проф Ш.Қурбонов,  
п.ф.д. Э.Сейтхалилов,  
п.ф.д. М.Қуронов,  
п.ф.н. Р.Ахлидинов,  
т.ф.н. И.Мажилов

Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов ва бошқ.

Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий  
- услубий ёндашувлар (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури  
вазифалари доирасида). Тошкент, «Академия». 2002 й.

© “Академия” нашриёти, Тошкент 2002 й.

## Сўз боши

Ушбу қўлланма миллий истиқлол гоясини ёш авлод қалби ва онгига сингдиришнинг ижтимоий тарбиявий вазифаларига бағишланади. Мазкур масаланинг алоҳида жиҳатлари Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурини амалга ошириш билан боғлаб таҳлил этилади.

Миллий истиқлол гоясини ёш авлод онгига сингдиришнинг назарий-методик ва ташкилий-амалий тамойиллари таклиф этилади.

Унда таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, аждоқларимиз мероси ва умумбашарий қадриятларни ўзлаштирган ҳар жиҳатдан баркамол шахсни камол топтириш масалалари муҳокама қилинади.

Методик материаллар сифатида таълим муассасаларининг тарбиявий фаолиятини ташкил этиш, унинг дарс ва дарсдан ташқари шакллари уюштириш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, илмий-маърифий дастурларини ишлаб чиқиш йўллари кўрсатилади.

Муаллифлар жамоаси илмий-методик кўрсатмалар билан бирга учрайдиган категориялар изоҳи, сўз бирикмалари, тушунчалардан иборат Тезаурус келтирилишини ҳам мақсадга мувофиқ деб билдилар.

Ушбу илмий-методик қўлланма Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази томонидан эълон қилинган «Болалар ва ўқувчи ёшлар онгида миллий истиқлол гоясини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари ва шарт-шароитлари» қўлланмасини тайёрлаш инновацион лойиҳаси доирасида бажарилди.



*Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафқурасининг бош мақсадидир.*

*Ислом Каримов*

*Агар мендан, ҳозир нималарга кўпроқ эътибор бераяпсиз - иқтисодиётдаги ва давлат тузилмаларидаги ислохотларгами ёки маънавият масалаларига, ахлоқий негизлар ва қадриятларгами, ҳар бир инсон вужудидаги юксак ва шу негизларни тарбиялашгами, деб сўрасалар, уларнинг бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, деган бўлур эдим. Моддий асоссиз маънавий фикр яшай олмайди, маънавиятсиз моддий асос ҳам ривожлана олмайди.*

*Ислом Каримов.*

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Инсон ҳуқуқи ва эркинликларига қатъий риоя қилиб, хўжалик юриштининг бозор муносабатлари, замонавий технология, жамиятнинг маънавий янгилиниши, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви асосида ижтимоий йўналтирилган иқтисодий шакллантиришни таъминлайдиган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг ўзига хос ва мос йўлини танлади ва ўзи танлаган йўлдан дадил қадамлар билан бормокда.

Белгиланган мақсадни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан асослаб берилган беш фундаментал тамойил асос қилиб олинди. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ислохотнинг бу шакли — «Ижтимоий ривожланишнинг ўзбек модели» номини олди.

Бу ислохотни амалга ошириш давлат ва жамиятни модернизациялаш ва ривожлантириш кафолатини берадиган энг муҳим, устувор муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш принципига таянади.

Мазкур стратегияга кўра давлат бошқарувини мақсадга мувофиқ ташкил этиш, иш юритишда устувор масалаларни ҳал қилиш йўллари мунтазам тадқиқ қилиш, ривожланишнинг янги манбаларини излаб топиш назарда тутилган.

Шундай қилиб, бу эскилик ва янгилик ўртасидаги муросасозлик стратегияси эмас, балки ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига асосланган, ўзгаришларга бой стратегия. У мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ғоясига мувофиқ келади.

Ислохотларнинг илк босқичида (1992-1996 йй.) республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ютуқларга эришилдики, улар янги босқич учун асос яратди. Бу демократик жараёнлар ва бозор муносабатларини тобора ривожлантириш, йирик ижтимоий лойиҳа ва дастурлар (жумладан, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури")ни амалга оширишга асосланган тараққиёт босқичи бўлди.

Ижтимоий ҳаётнинг янгича кадриятлари шаклланди. Бу истиклол ва демократия кадриятларидир. Уларнинг шаклланиши туфайли инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, инсоният идеаллари ислохотлар марказига қўйилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий истиклол ғоясини шакллантириш ва амалга

ошириш муаммоларини ўртага ташлаш, жамият томонидан бошқача қабул қилиниши (хатто қаршиликка учраши) мумкин эди.

Аҳолининг турли қатламларидан, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар томонидан турли хилдаги қарама-қарши фикрлар, мулоҳазалар кутиш мумкин эди. Бунда коммунистик мафқуранинг таъсири ва таъйиқидан сўнг умуман «мафкура» деган сўздан чўчиш, барча хилдаги гоёлардан воз кечишдан тортиб, миллий истиқлол гоёсини давлат гоёси ёки миллий-диний гоё даражасигача қўтариш ҳоллари учраши мумкин эди.

Ушбу ҳолатда жамиятнинг гоёвий жиҳатдан «қутблашуви»ни, ҳар хил мафқуравий-ижтимоий ҳаракатларни ҳисобга олиниши, шаклланиб улгурмаган ижтимоий гоё ва қадриятларнинг, жамиятни бирлаштирувчи умум миллий гоёнинг йўқлигини эътиборга олиш керак эди.

Коммунистик гоёлар ҳукмронлиги давридаги сиёсий қувгинлар одамлар хотирасидан ҳали кетмаган, жамиятда қўрқув ҳисси мавжуд эди.

Дарҳақиқат, тоталитар жамият шароитида ҳам шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро алоқаларини ўзига хос тартибга солишнинг назарий асослари ишлаб чиқилган эди. Аммо у даврда мафкура — бошқача фикрловчи одамни таъқиб этиш қуроли ҳисобланарди, ташаббуслар бўғилар, шахс мустақиллиги йўқ эди.

Ҳақиқатда эса бундай тамойиллардан воз кечиш ижтимоий онгнинг ажралмас элементи бўлган мафқурадан воз кечиш маъносини англамайди. Ҳар қандай жамият, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро алоқаларини белгилаб берувчи муайян қонун-қоидалар, муносабатлар принципларига ва ўз мафқурасига таянади.

Тоталитар тузумдан фарқли ўларок, демократик жамиятда шахс эркинликлари ва ҳуқуқи, мажбуриятлари қонунан ҳимоя қилинган шароитда гоё ижтимоий манфаатларни ҳаракатга келтирувчи куч, ижтимоий ва шахсий мақсадларни амалга ошириш воситасига айланади.

Бунда мафкура халқнинг анъанавий ҳаёт тарзи, унинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, урф-одатларининг инъикоси сифатида намоён бўлади. Шу аснода умумгоё миллийлик мақомини олади.

Мустақиллик йилларида халқимиз жипслашди, ўз келажагига ишонч ҳосил қилди, истиқболли келажак сари стакловчи ижтимоий гоёлар ва қадриятлар шаклланди. Жамиятимиз ўз мақсадла-

рига эришишнинг аниқ йўллари ва воситаларини белгилаб олди.

Шу билан бирга, халкнинг улуғ мақсади ва гоёлари йўлида тўсиқ бўлувчи «мафкуравий бўшлиқ» ҳосил бўлиши, уни диний ақидапарастлик ва сиёсий сафсатабозлик кўринишидаги турли хил гоёлар тўлдириши хавфи мавжуд эди.

Тарихан маълумки, бир ижтимоий тузумдан бошқасига ўтишда жамият ҳаётининг барча жабхаларида, жумладан, мафкура соҳасида ҳам бир қатор муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин халкнинг асл мақсади ва орзуларига тўғри келмайдиган коммунистик мафкурадан воз кечилди. Инсоннинг онгига зўрлаб сингдирилган гоё, ақида ёки мафкура бора-бора қарши таъсирга учраши муқаррарлиги яна бир бор исботланди.

Қолаверса, бетиним ривожланиб, ўзгариб турувчи ҳаёт жамиятни доимий изланишга, янгиланишга ундайди. Янгича шарт-шароитга мос янги гоёлар силсиласи вужудга келади. Зеро, буни ҳаёт оқими тақозо қилар эди.

Табиийки, янги, илгор фикр замирида замонавий мафкурани шакллантириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу заруриятни тушуниб етмаслик ёки назар-писанд қилмаслик оқибатида мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлиши ва бу бўшлиқ халққа бегона бўлган гоё билан тўлдирилади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда ушбу йўналишда анча ишлар амалга оширилди. Аммо янги дунёқараш, ижтимоий онгни шакллантириш жараёни - мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. Шундай вазиятда халқимизнинг эзгу мақсадларига ёт бўлган гоёларнинг фаоллашуви кузатилиши мумкин. Гоёвий чалкашлиқлар мавжуд бўлган жойда халқ иродасига, эзгу мақсадларига ёт бўлган гоёларнинг ривожланиш хавфи пайдо бўлади, мафкуравий таҳдид вужудга келади. Аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшларнинг онгини захарлашга уринишлар кучаяди.

Айрим мамлакатларда қатта таъсир кучига эга бўлган гоёвий таъсир кўрсатувчи марказлар вужудга келган қулай вазиятдан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Уларнинг асл мақсади фуқароларимизнинг онги ва қалбини эгаллаб, табиий ресурсларга бой мамлакатимиз тараққиётига ўз таъсирини кучайтиришдан иборат.

XX асрнинг 80-йиллари охирида мамлакатимизда ваҳҳобий-

лар, «Хизбут таҳрир» сингари гуруҳлар, турли секталар вакиллари пайдо бўлди. Улар халқимизнинг очик кўнгилчилиги, ишонувчанлиги, дин арбобларига ҳурмат кўрсатишидан фойдаланиб оддий одамларни, айниқса, ҳали диний билимга эга бўлмаган ёшларни тўғри йўлдан ура бошлади.

Бундай вазиятнинг вужудга келишига давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг старли даражада ғоявий-сиёсий ишларни олиб бормаганлиги, ижтимоий фанларнинг ривожига ҳаёт талабларидан орқада қолганлиги, ижтимоий соҳада кечаётган мураккаб жараёнларнинг илмий таҳлил қилинмаганлиги, шунингдек, ислом динини яхши билиб, тўғри тушунтирадиган мутахассислар етишмаганлиги ҳам сабаб бўлди.

Бугунги кунда ҳам жамиятимиз ҳаётига:

- ислом халифалигини тиклаш йўлида ҳаракат қилиш ва унинг байроғи остида мусулмон халқларининг янги империясини тузиш;
- ёш мустақил давлатларни собиқ иттифокка қайтариш ғояси;
- тарихимизни, миллий кадриятларимизни, диннинг моҳиятини сохталаштиришга уриниш;
- ахлоқ қоидаларига зид бўлган ғояларни тарқатиш, халқларнинг маънавий-ахлоқий асосларига путур етказишга интилиш;
- турли ғоявий воситалардан фойдаланиб ҳудудий ва халқаро миқёсдаги зиддиятларни кучайтиришга интилиш каби ғоявий таҳдидлар хавф солиб турибди.

Бундай ҳаракатлар тажовузқорона мафқураларнинг бир кўриниши бўлиб, энг аввало, оддий кишилар онгини эгаллаб, уларни миллий кадриятлардан, жаҳон цивилизациясининг ютуқларидан маҳрум қилишга қаратилгандир.

Халқимизни турли ғоявий зулмдан муҳофаза қилиш учун жамиятда ғоявий иммунитетни шакллантириш, халқни маънавий улуглайдиган кучли ички туйғуни шакллантирувчи ҳақиқий инсонпарварона мафқура зарур.

Жамият ва давлат миллий мафқура борасида изчил, доно ва қатъий сиёсат олиб боришдан манфаатдор бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов миллий мафқура моҳиятини қуйидагича белгилаб беради: «умумий ғоя жамиятимизда мавжуд кўпчилик ижтимоий тоифалар ва гуруҳларнинг хилма-хил фикрлари, ҳаётининг позицияси, интилишлари, орзу-умидлари, ишонччи эътиқодидан қатъи назар уларни

бир миллий байрок остида бирлаштиришга, халқ манфаатларининг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади».

Миллий истиқлол ғояси - жамиятнинг энг олий мақсади бўлиб, бирлаштирувчи ва сафарбар этувчи ижтимоий кучга айланади. Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти қуйидагича ифодаланган: «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат». Ана шу мақсад йўлида жамиятнинг барча ижтимоий тоифа ва гуруҳлари, ҳаракатлар ва партиялар, бутун Ўзбекистон халқи бирлашди.

Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳада стратегик жиҳатдан устувор режаларни амалга ошириш, жамият ҳаётини маънавий янгилаш - мамлакатни ривожлантиришнинг бош омили бўлиб, у «Ватан мустақиллиги ва равнақи, халқ фаровонлиги»га эришиш учун асос ҳисобланади.

Мафкура - сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, диний, фалсафий қарашлар ва ғоялар тизими сифатида, одамларнинг реал воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаш ва уни баҳолаш имкониятини берувчи ижтимоий онг шаклидир. Мафкура янги ижтимоий муносабатлар, илғор ижтимоий қадриятлар тантанасига йўналтирилган бўлиши, олий ижтимоий мақсад ва ғояларга эришиш учун ҳаракат қилаётган турли ижтимоий гуруҳлар, шахсларнинг қарашлари, фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ягона мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлмоғи керак.

Ҳозирги асосий вазифа - умуммиллий мақсад сари интилиш, янги ижтимоий онгни шакллантиришнинг шарт-шароитлари, тадбирлари, механизмларини ишлаб чиқишдан иборат. Миллий истиқлол ғояси айнан шунга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясининг назарий-методик, айниқса, ташкилий-амалий асосларини яратиш жуда муҳимдир.

Шу маънода Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури ижроси давлат ва жамоат ташкилотлари, барча Ўзбекистон фуқароларининг умумхалқ ишига айланди. Халқимиз мақсад - интилишларини ифода этувчи мазкур ҳужжатга миллий истиқлол ғоясининг ажралмас қисми, уни амалга оширишнинг муҳим омили ва механизми сифатида қаралмоқда.

Педагоглар (устозлар, тарбиячилар, маърифат ходимлари) жамият ўзгаришларида фаол иштирок этган ҳолда ёшлар билан мулоқотда ҳушёрлик ва донолик билан, масъулиятни тўла сезиб муносабатда бўлишга ҳаракат қилишлари керак.

Шунинг учун муаллифларнинг асосий умиди ижодкор фикр-мулоҳазали ва билимдон педагогларга қаратилган. Фикримизча, қалби саховат ва меҳрга тўла бу хил инсонлар яна куйидагича хусусиятларни ўзида мужассам этиши лозим:

- кенг қўламдаги ижтимоий-маданий соҳада фаолият юритиш қобилиятига эга бўлиши;

- ёшларга нисбатан хушмуомалали, сабр-бардошли, ёшларнинг соғлом дунёқарабини қабул қилишга тайёр туриши, уларни кўллаб-қувватлаши, лозим бўлса, химоя қилишни билиши;

- болалар психологиясининг ўзига хос томонларини тўтри англаш ва шахс мустақиллигини хурматлай олиши;

- ғурухлар ичида ва ғурухлараро алоқани ўрната олиши, болалар орасидаги зиддиятларни ҳал қила олиши;

- ҳар бир бола, айникса, тарбияси оғир бола психологияси ривождаги ўзига хос томонларни тушуниши, уларга ижтимоий ҳаёт тажрибасини оширишда ёрдам бера олиши ва уларнинг камол топиши учун қулай шарт-шароитлар ярата олиши;

- ўзи устида кўп ишлаши, шахс сифатида болалар ва ҳамкорлари учун жозибали мақсад сари ҳаракат қилиб, гайратли, бошқаларга ёрдам кўрсатиш учун доим тайёр, болалар ва катталар билан яхши муносабатда бўлиши керак.

Ҳозирги шароитда педагог - болаларни ўқитиш билан чегараланиб қоладиган шахс эмас, балки боланинг қандай ўқиётгани, ривожланаётганлигини тўла ҳис қила оладиган ва унга ёрдам бера оладиган шахс - педагогдир. Педагогиканинг шахсни ривожлантиришга йўналтирилган ғояси бутунги кунда янада ривож топмоқда: педагог болаларга фақат ахлоқ меъёрларини ўргатадиган ўқитувчи эмас, балки болаларни севувчи («болажон»), уларнинг ҳаётини ўз ҳаёти деб биладиган, унинг ички дунёси, маънавий-ахлоқий, умум-маданий ўсишига ёрдам берадиган, болалар даврасини кенгайтириб, ўзи камол топа оладиган, болалар ва катталар уюшмаларини мустаҳкамлашга имкон берадиган, кўмаклашади- ган шахсдир.

Шунинг учун ҳақиқий педагог фақат билимли одам эмас, балки болалар ва катталар билан ижодий ҳамкорлик қила олиш қобилиятига эга бўлган шахсдир.

Узлуксиз таълим тизимидаги янги кашфиётларга (кенг маънодаги маданий-маърифий фаолият учун) одамларнинг янги уюшмаларда ишлашга тайёр бўлиши, ўз муносабатларини сабр-бардош



билан, ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида олиб бораётган демократик ривожланишга йўл очиши керак. Бундай уюшмаларда кўп киррали ёндашувлар ва маданий-маърифий муҳит ҳақиқий демократик, фуқаролик жамияти моҳияти намойиш бўлиши мумкин.

Жамият ҳаётининг кўп кирралилиги миллий истиқлол гоёсини амалга оширишда кенг кўламдаги назарий-методик ёндашувлар хилма-хиллигини, маънавий-маданий маконнинг ҳар бир тармоғида янги гоё ва принциплар тизимини вужудга келтиради.

Буларнинг ҳаммаси мавжуд ҳолатни таҳлил қилишни тақозо этади. Зеро, янги шароитлар таълим тизимининг мазмунини, унинг фалсафасини объектив равишда ўзгартириб юборади, соҳанинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратади.

Бундай жараёнлар натижасида таълим соҳасида янги кадриятлар тизими вужудга келади, яъни инновациялар ва ислохотлар самараси ўлароқ педагогларнинг тажрибаси ва муайян мақсадга қаратилган ҳаракатлари асосида янги маънавий ва ахлоқий мафкура ва тамойиллар, демократик турмуш нормалари шаклланади ва рўйга чиқарилади.

Айни вақтда, истиқлол ва демократия каби янги ижтимоий кадриятлар (мафкура, гоё) бир томондан, педагогик фаолиятнинг муҳим асослари, иккинчи томондан, янги ижтимоий кадриятларнинг шаклланиши учун қулай маънавий-маданий замин яратади. Улар жамият томонидан қутилган ва ижтимоий заруратга мос умумлашган гоё ва тасаввурлар инъикосидир.

Жамият ҳаётида ва таълим соҳасида кадриятларни авторитар тарзда ўрнатиб бўлмайди, улар таълим мазмуни ва технологиясининг ривожланиши билан бирга тадрижий равишда ўзгариб боради.

Инсон ўзининг субъектив тажрибаси ва фикр доирасига кўра кадриятлар тизимини барпо қилади, ўзининг мақсадли фаолиятидан келиб чиқиб, уларнинг мезонини белгилайди. Ижтимоий кадриятлар ҳам, таълим мазмуни ҳам ўзгариб туради, аммо моҳиятан улар ҳамиша инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ифодалашга йўналтирилган бўлади.

Умумбашарий, миллий-маданий ва ижтимоий-маданий шакллarga эга бўлган кадриятларнинг умумий ифодаси таълим мазмуни ва стандартларига бевосита таъсир кўрсатади. Бугун улар таълимнинг ахлоқий ва маданий жиҳатдан белгиланадиган мақсадла-

рига қаратилган. Шунга кўра, ўсиб келаётган авлодни меҳнатсавар, тўғрисиўз, ақлли, эпчил, саводли, тарбия кўрган, ўз кадр-қимматини биладиган, мустақил, шахсий бурчини хис этадиган, сабр-бардошли ва бошқаларга ҳурмат кўрсатиш руҳида тарбиялаш тақозо этилади.

Том маънода олимлар, педагоглар, маданият, маърифат ҳодимларнинг муҳим вазифаси - болалар ва ўқувчи ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Бу жараённинг таъсирчан омили ва механизмларидан бири – Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва дастуридир. Айнан таълим тизими ижтимоий фаол, ҳаракатчан, мустақил фикрлайдиган, эркин ва масъулиятли шахсни шакллантириш мақсадига қаратилган жараёни таъминлайди.

Бугунги кунда миллий мафқурани шакллантириш бўйича мақсадли тадбирлар тизимини амалга ошириш баробарида ёш авлод томонидан уни чуқур англаб стиш учун қулай шароит яратиш лозим. Ҳар ким ўзига шундай савол бериши керак: Мен жамият, Ватан учун нима қилдим, мамлакатнинг умумий ривожига қандай ўринга эгаман, мамлакат тараққиёти ва гуллаб-яшнашига қандай ҳисса қўшдим ва ҳ.к.

Миллий истиқлол ғояси доирасида Миллий дастурнинг устувор вазифаларидан бири - янги замон авлодини тарбиялаб вояга етказиш, ажодларимизнинг бебаҳо мероси ва умуминсоний қадриятларга таянадиган, мустақил фикрлашга қодир, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ривожланган шахсни шакллантиришдан иборат.

Бу мақсадга эришиш демократик ўзгаришларнинг умумий жараёни билан боғлиқ бўлиб, мамлакатда барқарор ижтимоий-сиёсий муҳитни вужудга келтириш, мустақиллик йилларида таркиб топган янги қадриятларни халқ менталитетига сингдириш учун шароит яратади.

Бу жараён узоқ давом этади. У давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим тизими фаолиятини қайта кўриб чиқишни ва ўзаро мувофиқлаштиришни талаб этади.

Айнан ижтимоий ҳаёт тажрибаси, жамоатчилик таъсири, тарбия билан таълим жараёнининг аниқ мақсадли йўналиши - шахсни шакллантириш имкониятини беради.

Ушбу қўлланмани тайёрлаш жараёнида болалар ва ўқувчи ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш ишида таълим-тарбия муассасалари, жамоат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти мазмунини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги таълим масканларида ўқийётган талабалар, ўқитувчилар орасида сўров анкеталари тарқатилди ва интервью олинди.

Сўров давомида оғзаки саволлар ва суҳбатлардан, шунингдек ёзма сўровлардан фойдаланилди.

Саволларнинг асосий мазмунини қуйидагилар ташкил этди:<sup>1</sup>

1. Ғоя қандай мақсадларга хизмат қилади?
2. Яратувчилик ва бузгунчиликка асос бўлгувчи ғояларга мисоллар келтиринг.
3. Инсониятга қарши ғоя қандай оқибатларга олиб келади?
4. Бузгунчи ғояларга қарши курашиш керакми?
5. Миллий ғоя, миллий мафкура нимани англатади?
6. Миллий ғоя ва мафкура қайси тамойилларга амал қилиши, кимнинг иродаси, интилишлари ва мақсадларини ифодалашни керак?
7. Коммунистик, миллатчилик, диний-экстремистик ғояларга мисоллар келтиринг.
8. Миллатчилик, шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний фанатизм ва экстремизм деганда нимани тушунасиз?
9. «Мафкуравий диктат», «мафкуравий таъсир ўтказиш»ни қандай тушунасиз?
10. «Ғосийёсий мақсад» тушунчаси нимани билдиради?
11. Жаҳонни «ғоявий таъсир» худудларига бўлиш ҳаракатларидан кўзда тутилган мақсадни тушунтириб беринг.
12. Мафкурадан воз кечиш керакми. Жамият мафкурасиз яшаш мумкинми?
13. Миллий мафкура жамият тараққиётида қандай яратувчилик ролини ўйнаши мумкин?
14. «Ғоявий бўлиқ» тушунчаси нимани англатади?
15. Миллий истиқлол ғоясини қандай тушунасиз?
16. Давлат мафкураси бўлиши мумкинми?

---

<sup>1</sup> Сўровлар болалар ва ўқувчи ёшларда миллий истиқлол ғоясининг шаклланиш даражасига баҳо бериш ва ҳолатини таҳлил қилиш учун мутахассислар ва амалиётчи ходимлар томонидан фойдаланилиши мумкин.

17. Ўлкамиз тарихидаги қайси мисоллар миллий истиқлол гоёсининг манбаи бўлиши мумкин?
18. Миллий истиқлолнинг асосий гоёсини қандай тушунасиз?
  - Ватаннинг гуллаб-яшнаши;
  - мамлакат тинчлиги ва осойишталиги;
  - халқ фаровонлиги;
  - шахснинг ҳар томонлама камол топиши;
  - умуммақсад йўлида жамият аъзоларининг бирдамлиги;
  - халқаро келишув;
  - турли хил диний эътиқодларни ҳурматлай билиш;
19. Миллий истиқлол гоёсининг мазмуни, принциплари, мақсадларини тушунтиринг, унинг қандай шакллари бўлиши мумкин?
20. Миллий мустақиллик гоёсини сингдиришда таълим тизимида қандай самарали методларни қўллаш мумкин?
21. Одамларни миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялашда қандай тарғибот-ташвиқот ва маърифат воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқ?
22. Миллий истиқлол гоёсини шакллантиришда фан, илмий муассасаларнинг роли қандай?
23. Миллий истиқлол гоёсини одамлар онгига сингдириш ишларида маданий-маърифий муассасалар қандай ишларни олиб бориши керак?
24. Миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялаш тадбирларни адабиёт ва санъатнинг вазифаларини қандай тушунасиз?
25. Дин ва миллий истиқлол гоёси ўртасидаги муносабатни тушунтириб беринг.
26. Одамлар онгига миллий истиқлол гоёсини сингдиришда диннинг вазифалари нималардан иборат?
27. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун жисмоний тарбия ва спортни қайси йўналишларда ривожлантириш керак?
28. Урф-одатлар, маросимлар ва байрамларни миллий истиқлол гоёси билан қандай боғлаш мумкин?
29. Ўқув-тарбиявий жараёнда илгор миллий, маънавий, ахлоқий кадриятлар ва нормаларни жорий қилишнинг қандай шакллари ва методлари мавжуд?
30. Шахснинг маънавий ва ахлоқий шаклланишида оиланинг ролини кучайтириш йўллари қандай?

31. Мақсадли тарбиявий ишларни амалга оширишга маҳалланинг таъсири қандай?
32. Миллий мафқурани халқимиз онги ва қалбига сингдиришда сиёсий партиялар ва подавлат ташкилотларнинг ёрдами зарурми?
33. Сизнинг фикрингизча ижтимоий фикрни шакллантиришда, миллий истиқлол ғоясини халқ онига сингдиришда оммавий ахборот воситалари ўз ишларини қандай ташкил этиши керак (мазмуни, шакли, методлари, қамрови, ўзаро алоқалари).

«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув предмети бўйича Давлат таълим стандарти ва экспериментал дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа бўйича эксперимент республикада маъгулот давлат тилида ўқитиладиган 14 мактабда ва рус, тожик, қозок, қирғиз ва туркман тилида олиб борилаётган биттадан мактабларда ўтказилди.

Эксперимент натижаларига кўра, таълимнинг сифат кўрсаткичи умуман олганда талаб даражасига жавоб бериши аниқланди. Тажриба-синов жараёнида экспериментал дастур ўқув фани қандай ўзлаштирилаётгани таҳлил қилинди.

Эксперимент ўтказган ўқитувчилар мазкур дастурни такомиллаштириш, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар киритдилар. Билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олиб ўқув дастури, таълим жараёнини ташкил этиш принциплари янада такомиллаштирилди.

2000-2001 ўқув йилида Тошкент шаҳрида ва вилоятлардаги саккизта мактабда мониторинг хизмати ходимлари 4,6,7-синфларда ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини «Одобнома», «Ватан туйғуси» ва «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фанларидан мониторинг ўтказдилар.

Мазкур ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилиши самарадорлиги 83,3; 72,1 ва 72,5 фоизни ташкил этди. Бир қарашда умумий самарадорлик анча юқоридек туюлиши мумкин. Аслида бу кўрсаткич талаб даражасидан анча паст. Чунки мониторинг жараёнида ўқувчиларга таклиф этилган топшириқлар минимал даражага мувофиқ эди.. Шу сабабли ўқувчилар ҳамма топшириққа 100 фоиз жавоб бериши тахмин қилинган. Афсуски, давлат таълим стандарти (ДТС) талаблари бўйича мониторинг жараёни билан қамраб олинган 40877 ўқувчи-

дан фақат 7,9 фоиз ўқувчи вазифани тўғри бажарган холос. Бундай манзарани шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Юқорида келтирилган рақамлар кишини сергаклантиради. Де-мак, бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз миллий истиқлол гоёси асосларини тарғиб этувчи ўқув фанлари бўйича ўқитиш ишларини тубдан яхшилаш лозим. Афсуски, кўпчилик таълим муассасаларида бу предметлар миллий истиқлол гоёсининг мазмуни ва моҳиятини етарли англамаган, фанга нисбатан ўқувчиларда қизиқиш уйғота олмайдиган ўқитувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Баъзи жойларда бу фанни ўқитиш синф раҳбарларига топшириб қўйилган. Улар эса бу фанларни ўқитиш ўрнига тарбиявий соатларини ўтказадилар ёки ўқувчилар билан ташкилий ишларни олиб борадилар. Баъзи бир мактабларда бу фан соати етишмаган ўқитувчиларга берилади. Бундай ҳолатларга чек қўйиш вақти етди.

Шу муносабат билан мазкур фанлардан дарс берадиган мутахассис-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларини ҳал қилиш лозим.

Олинган ахборотнинг бирламчи таҳлили асосида муаммони тугдирувчи реал сабаблар аниқланди, миллий истиқлол гоёсини болалар ва ўқувчи ёшлар онгига сингдириш борасида узлуксиз таълим тизимининг яқин орадаги вазифалари белгиланди. Улар:

1. Миллий истиқлол гоёсини шакллантириш бўйича тадбирлар тизимини маълум мақсад бўйича амалга ошириш, ёш авлод томонидан миллий истиқлол гоёсини чуқур англаб етиши учун зарур шарт-шароит яратиш зарур.

2. Таълим-тарбия жараёнида шахснинг ҳар томонлама ривожини таъминлаш устувор деб эътироф этилади. Ёшларни миллий мерос ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш бўйича энг самарали ташкилий-педагогик усуллар ва воситаларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий этиш зарур.

3. Тарбиявий ишлар мазмунини тубдан ўзгартириш, унинг мақсадли, самарали, узлуксиз, изчил бўлишини таъминлаш. Бунда кампаниячилик, расмиятчилик ва лоқайдликка барҳам бериш лозим.

4. Таълим жараёнини инсоннинг табиий ва ижтимоий эҳтиёжларига мослаштириш муҳим аҳамиятга эга.

5. Таълим жараёнида фуқаролик ҳис-туйғуларини қарор топ-

тириш бўйича махсус тадбирларни жорий қилиш зарур.

6. Ўсиб келаётган авлод тарбиясини тўғри йўналтириш учун болалар-ўсмирлар бирлашмалари ва ҳаракатларини ташкиллаштириш керак.

7. Таълим-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари ўзаро самарали муносабат ўрната олиши учун қулай шарт-шароит таъминланиши зарур.

8. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига, яъни педагоглар малакасини сифат жиҳатдан юқори даражага кўтаришга эришиш лозим.

9. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш даркор.

10. Аҳоли ўртасида ислом дини ва бошқа жаҳон динларининг асосини ташкил этувчи инсонпарварлик гоёларини ўрганишга кизиқиш уйғотиш лозим.

11. Миллий истиклол гоёсини шакллантириш ва уни амалга оширишдаги муҳим йўналишлардан бири бу - болалар ва ўсмирлар учун замон талабига мос ўқув-методик, илмий-оммабоп ва бадий адабиётлар яратишдан иборат.

12. Ёш авлодни миллий истиклол гоёсига ҳамоҳанг равишда маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш жисмонан ва психологик саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантиришни тақозо қилади.

13. Ёшларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ахлоқий юксаклик, эзгуликка интилишда ифодаланувчи, инсонпарварлик мафкурасини ривожлантириш таълим-тарбия воситалари, шакллари ва методларини танлаб олишда устувор аҳамиятга эга бўлиши керак.

Фикримиз яқунида шуни алоҳида таъкидлашни лозим топдик-ки, ҳозирги вақтда аҳоли ва ёшларимиз онгида миллий истиклол гоёсини мукамал ифодалаш учун зарур категориялар, тушунчалар, терминлар шаклланмоқда.

Шуни инобатга олиб, муаллифлар илмий-методик кўрсатмани Тезаурус билан қўшиб чоп этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Унда кўп қўлланиладиган тушунча ва терминларнинг изоҳлари берилди. «Миллий истиклол гоёсини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар» қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Фан ва технология маркази инновация лойиҳаси доирасида бажарилди.





Ушбу китобдан дарс ва дарсдан ташқари таълим боскичида фойдаланиш, таълим соҳасидаги дарслик ва қўлланмаларни яратиш учун дастуруламал сифатида ишлатиш, методик материал сифатида фойдаланиш мумкин.

# Ї БЎЛИМ

## Янги ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантиришда миллий истиқлол ғоясининг тутган ўрни

### 1.1. Миллий истиқлол ғояси - ижтимоий-сиёсий тараққиёт асоси

Миллий истиқлол ғояси ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг туб манфаатларини ифодаловчи ғоялар тизими бўлиб, у ўтмиш билан келажакни боғлаб, юртимизнинг асрий орзу ва умидларини рўёбга чиқиши учун хизмат қилади.

Чунки миллий истиқлол ғояси:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократик тамойилларга асосланади;

- халқнинг асрлар давомида шаклланиб келган юксак маънавиятини, анъаналари ва урф-одатларини, буюк аждодларининг бой маънавий меросини ўз ичига олади;

- Ватаннинг гуллаб-яшнашига, мамлакатимизда тинчлик ва халқ фаровонлигининг қарор топишига хизмат қилади;

- халқнинг эзгулик, адолат, ҳақиқат, эркинлик, истиқлол каби ғояларга эътиқод ва ишончини ифодалайди;

- жамиятнинг барча аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини миллий ғояни татбиқ этиш йўлида сафарбар этади;

- миллати, тили ва диний мансублигидан қатъи назар ҳар бир фуқарода миллий фахр ва кадр-қиммат, Ватанга муҳаббат, ўзаро ҳурмат, истиқлол ва демократия ғояларига садоқат туйғусини тарбиялайди;

- маърифий йўллар билан жамият аъзоларининг онгида тараққиёт, эркинлик ва миллий истиқлол ғояларини шакллантиради.

Миллий истиқлол ғояси - ҳар бир ватандошимиз, бутун жамият аъзолари учун Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини ижро этишга сафарбар этувчи ахлоқий мезондир.

Бунинг учун Ўзбекистонда яшовчи ва ўз тақдирини шу муқаддас ошиён билан боғлаган ҳар бир киши «Ватан менга нима берди» деб эмас, балки «Ватаннинг гуллаб-яшнаши учун мен қандай ҳисса қўшдим» деб яшаши керак.

Миллий мафкура тўғрисида гапирар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси плюрализм, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигини тўлиқ таъминлашини эсдап чиқармаслигимиз керак. Асосий Қонунимизнинг 12-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади».

Демак, Ўзбекистонда бирор партия, ҳаракат ва ижтимоий-сиёсий гуруҳнинг дастурий гоёси ҳукмрон мафкура бўла олмайди.

Миллий истиқлол гоёси ижтимоий феномен бўлиб, турли сиёсий партиялар ва ижтимоий гуруҳлар учун нисбатан ётакчи мафкура ролини ўйнайди. У мутлақ дунёқараш ҳам, бошқача фикрлайдиганларни таъқиб этадиган сиёсий қурол ҳам эмас.

Миллий истиқлол гоёси Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий таракқиётига хизмат қилади, бутун халқ манфаатларини ифода-лайди, хусусан:

- мамлакат мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, унинг ҳавфсизлигини, ҳудудий яхлитлигини, чегарасининг дахлсизлигини таъминлаш;

- мамлакатда тинчликни таъминлаш, давлатни ҳарбий, иқтисодий, гоёвий, экологик, ахборот соҳасидаги ва бошқа хил ҳавфлардан муҳофаза қилиш;

- мамлакатда фуқаролик ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорликни таъминлаш;

- ҳар бир оиланинг ва барча халқнинг фаровонликка эришуви;

- жамиятда адолат, демократия асослари, ўзини-ўзи бошқариш тамойилларининг ижросини таъминлаш.

Истиқлол мафкураси умумхалқ мафкурасига айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- одамлар онгига ижобий таъсир кўрсатадиган тафаккур ва туйғуларни, инсонпарварлик билан боглиқ ҳаётий илсалларни ўзида мужассам этиш;

- халқни бирлаштирувчи куч-қувват, эътиқод манбаи бўлиши;

- илгор гоёларни ўзига сингдириб олиши ва гайриинсоний қарашлардан воз кечиши;

- ўз мақсадларига эришини учун ҳозирги замон илгор гоёлари билан қуролланиши, бунда бошқа мамлакатлардаги ўзгаришларни ҳисобга олиши.

Бу талабларга жавоб берадиган миллий истиқлол гоёси қуйидаги масалаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлади:

- бузгунчи гоёлардан холи бўлган дунёқарашни, фуқароларнинг эркин фикрлашини, илғор ижтимоий тушунчаларни шакллантириши;

- ўз билими ва кучига ишонган, ижодий ва эркин фикрловчи шахсни тарбиялаш учун асос бўлиши;

- одамларда, айниқса, ёшларда эътиқод, эркинлик ва тараққиётни тараннум этувчи дунёқарашни мустахкамлаш, ҳақиқий инсонпарварлик эътиқодига хизмат қиладиган ахлоқий муҳитни яратиш;

- ҳамюртларимиз онгида, миллий менталитетимизда кадрқиммат туйғусини ўстирадиган, тарихий хотиралар, ватанпарварлик, садоқат, муқаддас кадриятларни шакллантириш;

- халқларда ифтихор, виждон, саҳийлик, камтарлик ва бош-қа шу каби ахлоқий сифатларни ривожлантириш;

- бизнинг кўп миллатли халқимиз онгида «Ўзбекистон - бизнинг ягона Ватанимиз» эътиқодини шакллантириш ва ривожлантириш.

Бу вазифаларни бажариш ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиришга, замон чақириқлари ва талабларига жавоб бера оладиган бутунлай янги шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

Ижтимоий-сиёсий муҳит - бу муайян тарихий даврда жамият ҳолатини белгилаб, берадиган объектив ва субъектив омиллар мажмуидир.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий муҳит икки асосий элемент билан белгиланади: ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий онг.

Бир неча ўн йилликлар давомида тоталитар тузум ҳукмронлиги ижтимоий тараққиётнинг муҳим белгиси - шахснинг ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдорлигидан маҳрум қилган эди. Инсон марказлашган иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқаришнинг муайян участкасига жавоб берар, пировард натижа устида ўйла-мас эди. Ҳаммага маълум меҳнатдан манфаатдорликнинг йўқлиги кишида эғалик туйғусини сўндириб масъулиятни бузар эди. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичи сифат эмас, бажарилган иш ҳажми ҳисобланарди, аммо унинг ҳам охириги натижага алоқаси йўқ эди. Бу нореал режалаштиришларга олиб келарди. Дехқон ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги туфайли, у меҳнатини ўзи ташкил эта олмасди, фақат юқоридан берилган буйруқни бажарар эди, холос.

Шахснинг ижтимоий жараёнга таъсир кўрсата олмаслиги, ўз

меҳнатини ўзи ташкил эта олмаслиги, демократия асосларининг йўқлиги, иккиюзламачиликнинг мавжудлиги шахсни маънавий-ахлоқий заифлаштирувчи омилларидан бири эди.

Тоталитар тузум учун хос ижтимоий ҳаёт тарзининг яна бир белгиси экологик зиддиятнинг кучайишидир. Ишлаб чиқариш жараёни бевосита табиат билан боғлиқ, улар ўртасидаги номунаносиблик натижасида нотабиий ижтимоий-табиий алоқаларни келтириб чиқарди. Марказлашган иктисодиёт шароитида инсон илмий асосланмаган режаларини амалга ошириш учун табиатдан хом ашё резервлари ва полигон сифатида фойдаланди. Бажариладиган иш кўрсаткичлари кетидан қувиш натижасида бутун табиий мажмуалар, биоцинозлар, сув ҳавзалари ифлосланди, қуриб қолди ва бошқа салбий экологик оқибатларга олиб келди.

Бу жараёнларнинг барчаси ижтимоий онг ривожига ҳам ўта салбий таъсир кўрсатди.

Шу муносабат билан мамлакат Президенти Ислам Каримов муҳим стратегик йўналишни белгилаб берди. Бу янги ижтимоий онгни шакллантиришдан иборат бўлиб, бунда мафкуравий зугум кўрсатишга ўрин йўқлиги таъкидланади. Ижтимоий жараёнлар устида мустақил фикрлаш ва ўз қарашларини эркин изҳор этиш имконияти яратилади. Бу жараён самарадорлиги - шахсни ижтимоийлаштириш даражаси, унинг ижтимоий аҳамиятли вазифаларни бажариш имконияти шахснинг ижтимоий ролини ошириш, ўз қобилиятини ижодий ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий воқеаларга онгли муносабатда бўлиш, мамлакат тақдири учун маъсул бўлиш имконияти яратилганлиги билан белгиланади. Бу фуқаролар сиёсий фаоллигини оширди, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик асосларни жорий этишни тезлаштирди.

Совет даврида Марказдан бошқариладиган иктисодий тизим ўзига хос мафқурани талаб этар эди, яъни давлат яшаши учун шундай сиёсатни тақозо қиларди. Бунинг учун ҳақиқий ҳолатни бўйб кўрсатиш зарур эди. Маънавий-ижтимоий онг - худди шундай шакллантирилар эди. Бир томондан, одамлар томонидан ижтимоий жараёнларни ҳақиқий тушуниб стишдан иборат, яъни кундалик ижтимоий онг содир бўлаётган воқеликлар асосида тўғри хулоса чиқарар эди. Бошқа томондан, расмий ижтимоий онг - мафкура бўлиб бу коммунистик мафкура ва тоталитар давлат нуктаи назаридан у ёки бу ижтимоий жараёнларни талқин этиш билан боғлиқ кўрсатмалар йиғиндиси эди.

Ижтимоий онгининг бундай тузилмаси одамларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан давлатдан бегоналашувга олиб келарди. Зеро, жамиятнинг оддий одамлари ҳақиқий ижтимоий жараёнларнинг олиб борилаётган мафкуравий талқиндан кескин фарқ қилишини кузатиб бораётган эди. Бу даврдаги ижтимоий онгининг ўзига хос томонлари шундаки, расмий мафкуравий кўрсатмалар ҳақиқий ҳолатга тўғри келмас, кунда кузатиладиган оммавий ижтимоий онг ҳам деформацияга учраб бўлган эди. Одамлар мафкуравий кўрсатмалар ёлгон эканлиги, уларнинг тушунчаси ҳам расмий гоёлар таъсирида қолганлигини билар эдилар. Расмий мафкура битта одамнинг фикри билан ҳеч ким ҳисоблашмаслигини ифода этар, жамоага ва жамиятдаги ҳодисаларга қарши чиқиб, яққаланиб қолаверар эди. Бунда одамлар ҳаётдаги ҳодисалар гоёвий дастур қоидаларига зид келганда, ғайриқонуний, бюрократик ҳолатларни муҳокама қилганларида ҳам шундай намоён бўлиб турар эди. Кўп йиллик гоёвий ҳукмронлик одамларни танқидий, мустақил фикрлаш одатидан бегоналаштирди.

Танқидий мушоҳада қила олмаслик, ижтимоий-сиёсий, маънавий муаммоларни мустақил таҳлил қилмаслик ва танқиддан холи вазиятга мослашув тоталитар даврда ижтимоий онгни жиддий деформацияга олиб келди.

Бу эса тоталитар тизим ҳукмрон даврда собиқ СССР ҳудудида кўплаб ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқарди.

Собиқ СССРнинг турли ҳудудларида ижтимоий-сиёсий бекарорлик таркиб топди, одамлар бундай ҳолатдан чиқиш йўлларини излашга мажбур бўлдилар. Турли хилдаги гуруҳлар, уюшган ҳаракатлар раҳбарлари мавжуд ижтимоий қатлам вакилларида душман образини муваффақият билан шакллантирдилар. Шу йўл билан ўз мақсадларига эришиш учун ҳаракат қилдилар. Ўтган ўн йилликлар давомида одамлар зехнига сингиб кетган танқиддан ҳоли фикрлаш малакаси «монолит» ҳисобланган ижтимоий онгни кутблаштирди ва ниҳоят уни парчалаб юборди.

Шундай қилиб, тоталитар даврдаги фикрлаш стереотиплари объектив ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан бирга аввалги социалистик тузумнинг таркалиб кетишида катализатор ролини ўйнади.

Одамларнинг ўз меҳнати натижасидан баҳраманд бўлмаслиги давлат мафкурасида яширинган ёлгон гоёвий ташвиқотлар жами

ятнинг турли қатламларида, энг аввало, ёшлар фсълда лоқайдлик ва мутелик, иккиюзмачилик сифатларини намоён этди.

Халқнинг асрий анъаналари ва умумбашарий қадриятларга асосланган миллий истиклол ғояси жамият ва давлат олдига қўйилган олий мақсад ва вазифаларни ўзида аниқ ифодалайди. Бизнинг ҳар бир ҳамюртимиз қандай ижтимоий тизим барпо этаётганимизни, унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий имкониятлари қандай деган саволларга тўғри жавоб топиши керак.

Бу муаммолар чуқур илмий асосларда давлатимиз раҳбари И.А.Каримов асарларида, жумладан «Ўзбекистон XXI асрга интиломқда» китобида ҳар томонлама ёритиб берилган.

## 1.2 Стратегик мақсадларга эришиш йўлидаги вазифалар

Бизнинг энг асосий стратегик мақсадимиз-эркин, демократик жамият, бозор иқтисодига асосланган ҳуқуқий давлат қуриш; миллати, тили, динидан қатъи назар Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларга мукамал ҳаёт шароитини яратиш; қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатини таъминлашдан иборат.

Бу мақсад халқ, жамият иродасини ифодалайди, давлатимиз сиёсатининг моҳияти ва мазмунига мос тушади. Зеро, танлаган йўлимизни изчил ривожлантиришимизни, бунда халқнинг асрий анъаналари, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти, миллий қадриятларга содиқ бўлиб қолишимизни аниглади.

Кўрсатилган стратегик мақсад жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги бир қатор вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади. Ушбу вазифалар Президент И.А.Каримов асарлари ҳамда нутқларида изчил кўрсатиб берилган.

Сиёсий соҳада жамият ва давлатни янада демократлаштириш, уларнинг самарадорлиги ва изчиллигини таъминлаш тақозо этилади. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унинг миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятини шакллантириш.

Демократия нормалари, эркин фикрлаш, виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқини таъминлаш; «инсонпарварлик ва



Умумбашарий кадриятларга таяниб яшаш» тамойили устуворлигини таъминлаш.

2. Жамиятдаги мавжуд ижтимоий кучлар ва ҳаракатлар ўрта-сида мувозанатни таъминловчи самарали механизмни шакллантириш, шунингдек сиёсий ҳаётда кўп партиявийлик тамойилини таъминлаш.

3. Демократик институтларнинг мустақил фаолияти учун кенг шароитлар яратиш, ҳокимиятни тақсимлашда конституциявий тамойилларга огишмай амал қилиш, жамият аъзоларининг сиёсий, ижтимоий эркинликларини таъминлаш ташаббусини амалга ошириш учун катта имкониятлар яратиш. Ўз навбатида, мамлакатда демократик институтларнинг самарали тизимини шакллантириш, жамиятни олға боришига ҳалакит берувчи сиёсий кучларнинг қаршилигига қарамай, ишларни давом эттириш.

4. Маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, босқичма-босқич давлат органлари ваколатини қисман уларга бериш, «Кучли давлатдан, кучли жамиятга» концепциясини ҳаётга жорий этиш, нодавлат жамоат тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини ошириш.

Булардан маълум бўладики, сиёсий онг ва одамлар фаоллигининг ошиши, шунингдек сиёсий маданиятнинг юксалиши билан давлатнинг айрим функциялари босқичма-босқич ўзини-ўзи бошқариш органлари ихтиёрига ўтади, шундай қилиб, маҳалланинг нуфузи ва мақоми ортади, кейинчалик уларга анча юқори ҳуқуқлар ҳам берилади.

5.~ Ҳар томонлама ривожланган, юқори малакали, Ватанга садоқатли, демократик талабларга, халқ ва жамият манфаатларига мувофиқ ислохот вазибаларини бажара оладиган қобилиятли кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш.

Бу жуда қийин ва мураккаб жараён бўлиб, одамларнинг фикрлаш ва дунёқарашини ўзгартиришни, субъективизм, амалпарастлик, коррупция, маҳаллийчилик ва бошқа иллатларга барҳам беришни талаб этади.

Иқтисодий соҳада эркинлаштириш жараёнини изчил амалга ошириш, ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, ҳўжалик субъектлари мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган ҳолатларга барҳам бериш зарур.

Иқтисодиётни эркинлаштиришда асосий вазифа — давлатнинг назорат ва бошқарув функциялари кўламини қисқартириш, дав-

латнинг хўжалик субъектлари, биринчи навбатда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш. Хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш, бозор механизмларининг эркин фаолияти учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, институционал ўзгаришлар ўтказиш, банк тизими ислохотини чуқурлаштириш, ривожланган бозор инфратузилмасини вужудга келтириш, рақобатчилик муҳитини шакллантиришга эътибор бериш зарур.

Хусусийлаштириш жараёнини янада кенгайтириш, шу асосда мулкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга йирик корхоналарни жалб этиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу кўп укладли иқтисодиётни ривожлантиришни, хусусий мулк ҳиссасини изчил ошириб боришни, иқтисодий барқарорлик ва фаровонликни кафолатлашни, мулкдорлар манфаатларини таъминлашни тақозо этади.

Иқтисодиётга хорижий сармояни, энг аввало, мақсадга йўналтирилган сармояни жалб этиш учун ҳуқуқий шароитни, кафолатни, иқтисодий рағбатлантиришни таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу ишончли хорижий ҳамкорлар билан фаол иш олиб боришни, улар билан ҳамкорликда халқимиз эҳтиёжини қондира оладиган, жаҳон бозорида рақобат қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тақозо этади.

Иқтисодий соҳада ислохотнинг муҳим устуворлиги — мамлакат экспорт имкониятининг оширилиши, уни халқаро меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқли ва манфаатли иштирок этиши, иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини кучайтирилиши билан белгиланади. Жаҳон бозорида Ватанимиз ролини ва нуфузини ошириш, мамлакатимиз иқтисодий имконияти ва кадр-қиммати учун фуқаролар фахрланиш туйғулари шакллантирилиши зарур.

Иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни изчил давом эттириш, бунда бой табиий ресурслардан, интеллектуал ва илмий-техника имкониятларидан кенг қўламда ва самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи илғор технологияни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналар фаолиятини яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва маиший соҳани ривожлантириш, уларнинг аҳамиятини кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш - навбатдаги долзарб вазифалар ҳисобланади.

Жамият ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлаётган, бозор муносабатлари тўхтовсиз шаклланаётган бир шароитда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш алоҳида эътиборга лойиқ масалага айланади. Бунда куйидагилар назарда тутилади:

1. Халқ фаровонлигини босқичма-босқич, мунтазам ошириб бориш учун тегишли шарт-шароит яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, айниқса ёрдамга муҳтожлар – қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларга эътиборни кучайтириш.

2. Жамиятда халқ учун энг ишончли суянчик, унинг маънавий ва ахлоқининг бешиги бўлган оналар, аёллар ва оила ролини, мавқесини мунтазам ошириб бориш.

3. Фуқаролар ҳуқуқий тенглиги, қонун устуворлиги, жамият манфаати ва аҳоли хавфсизлигини кафолатлаш йўлида давлат тузилмасини такомиллаштириб бориш.

4. Буюк келажакка эришиш учун ёш авлод орасида баркамол шахсни тарбиялаш бўйича иш ташкил этиш, уни умумхалқ ишига айлантириш.

Маънавий соҳадаги асосий вазифа - фан ва технология тараққиётида эришилган ютуқлар билан маънавий кадр-қимматимизни бойитиб боришимиз, халқ онига миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини сингдириш, динимиз ва тарихимизни сохталаштиришга, ундан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймасликдан иборат. Бу куйидагиларни билдиради:

1. Ватандошларимизнинг маънавий янгилиниш ва ислохот ўтказиш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш. Уларнинг имкониятларини ижтимоий ҳамжихатлик ва миллатлараро тотувлик, эътиқод эркинлигини эътироф этишга сафарбар қилиш. Бу маънавий куч-қувватни олижаноб мақсадларда, инсонпарварлик ғояларини, ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда самарали қўллаш имкониятини беради.

2. Улуғвор ғояларни Ватаннинг гуллаб-яшнаши, тинчлик, бар-қарорликка сафарбар этиш, халқ фаровонлигини ошириш, инсонлар, турли ижтимоий қатламлар, сиёсий кучлар ва ҳаракатларни - ҳамюртларимизнинг муқаддас мақсадлари йўлида бирлаштириш зарур. Бунинг учун миллатлараро жипслик, кўппартиявийлик ва плюрализм пирнципларига риоя этиш зарур.

3. Ота-боболаримиз динининг инсонпарварона моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, бунда халқимизнинг кўп минг йил-

лик тарихига таяниш, улар бизнинг бугунги маънавиятимиз асоси эканлигини англаш, Оллоҳ доим бизнинг қалбимизда ва ақл-идрокимизда эканлиги тўғрисидаги доно фикр ҳамюртларимиз онгида ўз ифодасини топганлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг улуг аجدодимиз Баҳовуддин Нақшбандийнинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган доно сўзлари ҳаётимизнинг асосий тамойили бўлиб қолади.

4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажаришга оид ишларни, вақт тақозоси билан тегишли ўзгартиришларни назарда тутган ҳолда узлуксиз давом эттириш керак. Ўз фаолиятимизда давлатимиз қудрати, мамлакатимиз келажаги маълумотли, доно ва маънавий етук кадрларга боғлиқ эканлигига жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

5. Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатлар миллий бойликларимиз: тил, маданият, диний туйғу, анъана ва урф-одатларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, шунингдек уларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга ҳаракат қилишлари лозим. Миллати, диний мансублигидан қатъи назар мамлакатимиз фуқаролари ўртасида дўстлик ва биродарлик туйғуларини, «Ўзбекистон бизнинг ягона Ватанимиз» гоёсини сингдиришимиз зарур.

Зеро Ўзбекистон жуда катта имкониятлар мамлақати. У улкан ва қудратли табиий, иқтисодий, илмий-техникавий ресурсларга эга. Энг муҳими, бу ўлкада меҳнатсевар, қобилиятли халқ яшайди. Ўзбекистон - ўз танлаган йўлидан бораётган мустақил давлат.

Истиклолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида ислохотларнинг стратегияси белгилаб берилди. Унга ривожланган давлатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси асос қилиб олинди, халқимизнинг бой тарихий тажрибаси миллий турмуш тарзи, маслағи ҳисобга олинди. Натижада И.А.Каримов томонидан миллий ривожланишнинг беш фундаментал тамойили асослаб берилди.

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги. У бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур.

2. Давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ҳаётга жорий этиши лозим.

3. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларга ҳамма оғишмай риоя этиши лозим.

4. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилалар, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан муҳим чораларни кўриш лозим.

5. Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонуниятлар талабини ҳисобга олган ҳолда пухта ўйлаб, бос-қичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу тамойиллар ўз тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Бу қоидаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор иқтисодиётини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди.

Ривожланишнинг “ўзбек модели” халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган, чунки у миллий давлатчиликнинг бой анъаналарига, кадриятига, халқ менталитетига, шунингдек жамиятни ислоҳ қилиш бўйича жаҳон тажрибаси ютуқларига асосланади.

Жаҳонда Ўзбекистоннинг нуфузи иқтисодий ва интеллектуал имкониятлари, унинг жаҳон цивилизацияси, фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, халқ ҳаётининг даражаси, умумэтироф этилган халқаро нормаларга риоя қилиш ҳолати билан белгиланади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлиб, ўзининг ички ва ташқи сиёсатида ана шу асосий тамойилларга амал қилади.

Давлат ўз ички сиёсатида «Инсон ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган ҳаётий тамойилларга амал қилиб, ҳар бир фуқаро учун зарур ҳаётий шароит яратади, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар, бошқа демократик тамойилларни кафолатлайди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида олиб боради ва барча давлатлар билан суверен асосда ҳамкорлик қилади, уларнинг ички ишларига аралашмайди, умумбашарий мафкурага содиқ бўлиб, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга интилади, халқаро ҳуқуқий нормаларга риоя қилади. Жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузини мустаҳкамлайди. Бу, ўз навбатида, ҳудудда тинчлик ва

барқарорликни сақлайди, оммавий қиргин қуроқларини рад қилиш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши қура-шишга замин тайёрлайди.

Ижтимоий тузилмада ўз қобилияти ва эҳтиёжларига мувофиқ ҳар бир киши ўз ўрнига эга. Ҳар бир шахс ижтимоий тажрибаси, жамиятдаги ишлаб чиқариш, фан, санъат ва бошқа соҳаларда олган билими асосида имкониятларини кенгайтириб боради. У ўз атрофидаги ҳодиса ва қонуниятлар тўғрисида билимини ошириб, ижтимоий жарёнларни муноҳала қилиб, маънавий-ахлоқий қад-риятлар ва ижтимоий ҳулқ-атворларни ўзлаштириб, шулар асоси-да муайян интеллектуал имкониятларга эга бўлади.

Буларни амалга ошириш учун - таълим тизимини ташкил этиш ва унинг мазмунини белгилаш механизмидан фойдаланилади. Таъ-лимнинг асосини Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва дас-тури ташкил этади.

Миллий дастурда таъкилланганидек, шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси дидр. «Давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафили дидр.

Юқорида эътироф этилган ҳолат фуқаролик демократик жамияти қурилишига ва бозор иқтисодини шакллантиришга хизмат қилади.

Энг аввало, шуни таъкиллаш керакки, ҳозирги шароитда кадр-лар тайёрлаш масаласида давлат ва жамиятнинг роли аввалги ўн йилликлардагидан кескин фарқ қилади. Илгари маъмурий-буйруқ-бозлик ҳукм сурган шароитда таълим тизими устидан оммавий назорат ўрнатилган эди, олий ўқув юрқларини битирганлар тақ-симотида қатъий тизим мавжуд эди. Бинобарин, кадрларнинг «сифатли тайёрлашга талаб бор», деган ёлгон тушунча ўша давр мафқураси томонидан қўллаб-қувватланарди. Аммо, таълимнинг марказлашган тизими мосланувчан эмас, табақалаштирилмаган ҳам эди. Ўқув дастурининг мазмуни ва таълим жараёнини ташкил этиш оммавий равишда назорат қилинарди, ягона (тўғрироғи бир хил-даги) дастур ҳамма учун мажбурий ҳисобланарди. Кадрларни тақ-симлашнинг қатъий тизими ҳар бир битирувчи учун унинг истағи ва қобилиятига мос иш топишига имкон бермасди.

Демократик жамият ва бозор иқтисодиёти шароитида маориф-

нинг хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш, таълим олишнинг кўп қирралигини таъминлаш назарда тутилади.

Бошлангич, ўрта ва олий касб таълими соҳасининг ислоҳ қилиниши бунга кенг имкониятлар яратади: 12 йиллик таълимнинг жорий қилиниши, унинг бутунлай янги тури - ўрта махсус, касб-хунар таълими, шунингдек икки босқичли ( бакалаврият ва магистратура) олий таълимнинг шаклланиши шулар жумласига киради. Ўрта махсус, касб-хунар таълими, яъни «жадал интеллектуал ривожлантириш, чуқурлаштирилган, ихтисослашган, табақалаштирилган ўқитиш, қобилияти ва қизиқишга мувофиқ танлаган маълум ихтисосга эга бўлиш, ижтимоий стук, умумий ва касбий маданиятга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, фаол шахсни шакллантириш» жамиятни интеллектуал ва маънавий бой, имконияти кенг кадрлар билан таъминлайди. Бундан ташқари, худуднинг демографик ва географик шароитлари, тегишли ихтисосга жойларда бўлган талабларини, таълим олувчиларни оиласидан ажралмаган ҳолда ўқитишни ҳисобга олиб, академик лицей ва касб -хунар коллежларини ташкил этиш - мамлакат минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, республика бўйича малакали кадрларни тақсимлашда мувозанатни сақлаш, шунингдек жамият имкониятларини янада тўлароқ ишга солиш учун йўл очади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар бозор иқтисодиётининг асосий принципи унинг субъектлари ўртасидаги муносабатларда катъий регламент бўлмаслиги, рақобатнинг кучайиши, масалани мустақил ҳал қилиш ва ташаббус кўрсатиб ишлашга асосланган бўлса, бундай шароитда таълимга ҳам тегишли талаблар қўйилади. Таълим дастури анча мосланувчан бўлиб, унинг мазмуни шахс, жамият ва давлат талабларига мувофиқ узлуксиз ўзгариб туриши керак. Бундай шароитда таълим тизими устидан оммавий назорат ўрнатиш мумкин эмас, у зарарлидир. Янги шароитда давлат кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашнинг кафолати сифатида ( таълим ва касб-хунар дастури стандартлари институти орқали) таълим жараёни устидан назорат ўрнатади. Бунда рақобатбардош малакали кадрлар сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Бошқача айтганда, давлат таълим стандартлари ва талаблари асосида ижтимоий буюртма ва талаб қондирилади, шу билан бирга таълим муассасалари ҳамда педагогларнинг ташаббуси ва мустақиллиги ортади. Улар яқуний натижага эришиш мақсадида педагогик технологияни ўзлари танлайдилар.



Давлат таълим стандартлари ва бошқа механизмлар воситасида таълим мазмуни ва кадрлар тайёрлаш фаолиятини тартибга солиб туради. Бунда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, жамият талаблари, фан, техника ва технологиянинг ҳозирги ютуқлари ҳисобга олинади. Шу билан бирга таълим жараёнини демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш амалга оширилади, таълим сифати кафолатланади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахс, жамият, давлат манфаати ҳимоя қилинади. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели элементлари – шахс, давлат ва жамият, фан, узлуксиз таълим, ишлаб чиқариш ўртасида самарали алоқа учун ҳақиқий шароит яратилади, истезмолчи ва буюртмачи ташаббуси ва мустақиллиги биринчи ўринга чиқади. Шундай қилиб, ҳозирги шароитда кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизими ўзгарувчан ва мосланувчан бўлиши керак.

Бизнинг жамиятимизда миллий дастур имкониятларини очиб қайси йўналишда амалга оширилади?

Биринчи навбатда- янги шахсни тарбиялаш (Миллий дастур ҳам шунга йўналтирилган), шахснинг интеллектуал ва маънавий имкониятларини, унинг ижтимоий фаоллиги ва мосланувчанлигини ошириш орқали бу жараёни демократлаштириш, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат куриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтиришдир.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришнинг асоси ҳисобланган бозор иқтисодини шакллантириш, агар фуқаролар, ўз маънавий ва интеллектуал савиясини оширишни истаса, бунга ҳам имкониятлар яратиш. Бунга:

- узлуксиз таълимнинг шахс қобилиятларини намоён қилишга йўналтирилганлиги, Миллий дастур қоидалари асосида маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларни қондириш;

- интеллектуал ва маънавий сафарбарлик (ишлаб чиқариш билан боғлиқ бизнес юқори технология бозори) ни доим талаб этадиган бозор иқтисодиёти секторини муайян мақсад бўйича қўллаб-қувватлаш мазкур икки омилнинг ўзаро таъсири натижасида эришилади.

Янги шахсни шакллантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсиши, халқ фаровонлиги учун шарт-шароитлар яратилади.

Миллий дастурни амалга ошириш- ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида, давлат ва нодавлат таълим муассасалари

асосида узлуксиз таълим тизимини кенг кўламда ривожлантириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини яратиш-ни بازارда тутати.

Миллий модель ва дастур қоидаларини жорий этиш миллий, маданий-тарихий кадриятларни ривожлантириш, жамиятни маънавий янгилаш, умуман ҳар бир кишининг ва жамиятнинг интел-лектуал имкониятларини намоён қилиш, ва ниҳоят, эркин фикр-ловчи шахсни тарбиялаш учун йўл очади.

Миллий дастур қоидаларига мувофиқ маънавий янгиланиш жараёнини амалга оширишда асосий восита маънавий-ахлоқий тар-бия ва маърифий ишлардир. Бу, энг аввало, таълим муассасалари-нинг оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, шахснинг ижодий фаоллигини шакллантириш фондлари ўзаро келинган ҳолда ҳара-кат қилишларига боғлиқ.

Миллий дастурнинг муваффақиятли бажарилиши мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб бораётган, хулудий ва умумжаҳон жараёнларига муайян таъсир кўрсата оладиган Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Шу жиҳатдан кадрлар тайёрлаш даражаси, уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги, республика узлуксиз таълим тизи-мининг таълим хизмати кўрсатиш бозорида ахборот ва мутахассис алмашишда очиқ йўл тутиши Ўзбекистон таълим тизимининг хал-қаро нуфузини янада оширади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга ошириш миллий ва ижтимоий кадриятларни уйғунлаштиришга йўналтирилган, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда катта ҳисса бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик жамияти деганда нималарни тушунамиз?

Бундай жамият, энг аввало, шахснинг жамиятга нисбатан ҳуқуқи, эркинлиги ва мажбуриятларининг мувозанати ва ўзаро муносабатига асосланади. Ҳар бир инсон асосли ҳуқуқ ва эркин-ликка эга, давлат уларни ҳимоя қилиш кафолатини олади. Фуқа-ролик жамиятида инсон ўз мақсадларини амалга оширишда эр-кин, аммо у худди ўзи каби бошқа одамларнинг эркинликларини ҳам ҳурмат қилиши керак. Айни пайтда ҳар бир фуқаро қонунга риоя этиши, ўзининг юриш-туришларини шундай ташкил этиши керакки, токи жамиятнинг худди ўзи каби бошқа аъзолари эр-кинликларига тўсик бўлмасин.

Бу ривожланган ҳуқуқий маданиятни тақозо этади. Ўзбекистон Президенти И.Каримов Конституция кунига бағишланган тан-

танали йигилишда сўзлаган нутқида янги ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш зарурлигини кўрсатди. Бунда муаммонинг иккита муҳим жиҳати устида тўхтаб ўтилди. Биринчидан, ҳуқуқий фикрлашнинг эски стереотипларига барҳам бериш. Бунга кўра илгари Қонун турли ижтимоий гуруҳлар, алоҳида шахслар учун табақаланштирилган эли, натижада «ҳуқуқий бўшлиқ зонаси» вужудга келтириларди. Бугунги кунда шундай инсонч ва эътиқодли шакллантириш керакки, «қонун – бу ягона устувор куч, ҳамма унинг олдида баробар. Иккинчидан, инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқларидан устуворлиги», «инсон ҳуқуқи асосий қадрият» деган принципни жорий қилишдан иборат.

Бош қонуннинг асосий принципи – Шахснинг манфаати, ҳуқуқи ва эркинликлари устуворлиги, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига сингдирилган ва Миллий моделнинг негизини ташкил этади. Давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини ислоҳ қилиш стук шахсни шакллантиришга йўналтирилган. «Агар биз бу масалани замон талабларига мувофиқ, демократия принципларига асосан тўғри ҳал қилмасак, зеро буни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёт тақозо этмоқда, агар кундалик ҳаёт фаолиятимизга жорий этмасак, барча балоқдпарвоз сўзларимиз, шиорларимиз ўз моҳиятини йўқотади».

Ҳуқуқий маданият иккита асосий омилга кўра шаклланади.

1. Ижтимоий амалиёт таъсири. Бу дегани ҳуқуқий маданият жамиятда объектив шароитда таркиб топадиган ўзаро муносабатларда шаклланади. Маълумки, ривожланган демократик давлатларда ҳуқуқий нормалар шахслараро, ижтимоий гуруҳлараро кўп йиллик муносабатлар натижасида вужудга келади. Бу, ўз навбатида, қонуний ҳужжатларда ўз ифодасини топади ва одамларнинг ҳуқуқий онига таъсир кўрсатади. Улар қонун ҳужжатларига сўзсиз итоат этадилар, қонун жамият ҳаётининг меъёрига айланади. Фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурмати жула катта аҳамиятга эга. Жамият шахснинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда қонуннинг устуворлиги, гайриқонуний ҳаракатлар жазога тортилиши асос ҳисобланади.

2. Ҳуқуқий маданият таълим жараёни натижасида вужудга келади. Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тамойилларига жавоб берали.

Фуқаролик жамияти – таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш ислохоти асос қилиб олинган Миллий дастур орқали амалга оши-

рилади. Бу жамиятда ўтказилаётган ўзгаришлар, ривожланган, демократик, ҳукуқий давлат қуриш билан боғлиқдир.

Миллий дастурда таъкидланганидек, давлат ва жамият фуқароларнинг таълим олиш, ихтисос танлаш ва малака ошириш ҳуқуқларини амалга оширади. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш — фуқаролик жамияти тизимини ташкил этувчи таркибий қисм ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш унинг шундай йўналишлагги моделини яратиш, шундай қоида ва механизмларини жорий этиш асосида олиб бориладиги, бунда у ҳукуқий давлат тамойилларига тўла жавоб беради. Таълим ва тарбиянинг маълум мақсадга йўналтирилган жараёнида шахснинг ҳар бир босқичида ҳукуқий билим, ҳукуқий тафаккур ва ахлоқ, ёш фуқаронинг ҳукуқий маданияти таъминланиши керак.

Шунингдек, ҳукуқий тизим, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бу тизимларнинг таркибий қисми бўлиб, одамларнинг ҳукуқий онгига таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан шахсни шакллантириш жараёнининг барча иштирокчилари мунтазам ва мақсадли фаолият олиб бориши учун вояга етмаганлар қонунбузарлигининг олдини олиш, таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлик қилиш механизмларини ишлаб чиқиш (ўқув-маданий-маърифий марказлар каби) долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўсмир ёшдагилар шахси, ижтимоий шароити, уларнинг асоциал ахлоқининг сабаблари ва омилларини ҳар томонлама чуқур таҳлили негизида ижтимоий-педагогик асослар ишлаб чиқиш, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ва таълим муассасалари (айниқса умумий ўрта таълим мактаблари) нинг самарали алоқаларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ёшлар жиноятлари тарбиявий ишлар сусайган жойда содир этилади, бу мафқуранинг дарз кетишига олиб келади. Натижада бундай шахс ижтимоий адолат принципларини назар-писанд қилмай ўзининг, оиласининг ор-номусига путур етказди. Ваҳоланки, асрлар давомида ўзбек халқи оила шаънига доғ тушурмасликни бурч деб билган. Бундай ахлоқий қарашлар ўтмиш аждодларимиз Абу Наср Форобий, Жалолиддин Давоний, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топган.

Шарқнинг улуг мутафаккири, комусий олим Абу Али ибн Сино фақат фалсафа, астрономия, биология, тиббиётга оид асарлари билан эмас, айни чоғда психология, этика, педагогикага оид қарашларини ҳам ёзиб қолдирган. Унинг «Яхшилик ва ёмонлик тўғрисида» деб номланган машҳур рисоласи этика ва ахлоқ муаммоларига бағишланган.

Ўрта асрда яшаган мутафаккир Жалолиддин Давонийнинг фалсафа, маънавий, ҳуқуқий фанлар педагогикасига оид асарлари машҳур бўлиб келган. Унинг «Психология тўғрисида», «Болалар тарбияси тўғрисида» ги асарлари шулар жумласидандир. Давонийнинг ижтимоий-ахлоқий ва педагогик асарларидан бири «Ахлоқи Жалолий» ҳисобланади.

Маълумки, Алишер Навоий мажбурий таълим методини фақат мактабда эмас, оилада ҳам ўтказишни қаттиқ танқид қилди, жисмоний жазога бутунлай қарши чиққан эди. Унинг асарларида ҳам ахлоқий, ҳам меҳнат тарбияси асосий ўрин туталди.

Ўрта аср Шарқида ўтган мутафаккирларнинг илғор гоёси XVIII-XIX асрда яшаб ижод этган тараккийпарвар мутафаккирлар ижоди билан янада бойиди.

Мунис Хоразмий ўз асарларида маърифатпарварлик гоёлари-ни тарғиб этди. Миллий педагогик гоёларнинг ривожига Огахийнинг хизмати катта. У XI асрда яратилган «Қобуснома»ни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди.

Бердақнинг гоёси, демократик қарашлари ўзига хос характерлидир: у тенглик, маърифат, инсонпарварлик, адолат, ватанпарварлик гоёларини кенг тарғиб этди, ёшларнинг ахлоқий тарбиясига катта аҳамият берди.

Ўрта Осиё халқларининг педагогик тафаккур ва халқ таълимининг кейинги ривожига Убайдулла Завқий, Абдуқодир Шакурый, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний каби адиблар номи билан боғлиқ.

Давлат ҳокимияти органлари ва бошқармалар, жамоат ташкилотлари, узлуксиз таълим, айниқса, мактаб ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишлари ҳозирги шароитда энг долзарб масалалардан биридир.

Ёшларнинг асоциал хулқи ва гайриқонуний ҳаракатлари салмоғи камайишига қарамай, муаммонинг ҳолати давлат органлари, ҳокимиятлар, жамоат ташкилотлари, узлуксиз таълим тизими тузилмаларининг диққат марказида туриши керак.

Мазкур масала ҳозирги психология-педагогика фанининг энг мураккаб ва кўп қиррали муаммоларидан ҳисобланади.

Миллий дастурда таълим муассасалари мустақиллигини кенгайтириш, ўқитиш ва тарбия методларини танлаш, таълим бошқарувида давлат-жамоат тизимига ўтиш орқали таълимни демократлаштириш кўзда тутилган. Таълим тизими ўз фаолияти, мақсади ва мазмунини инсон қобилятини ривожлантиришга, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлашга, шахс, жамият ва атроф-муҳит муносабатларини уйғунлаштиришга йўналтириши лозим. Бу - таълимнинг инсонпарварлик моҳиятини белгилайди. Таълимни ижтимоийлаштириш деганда, ўқувчиларда юқори даражадаги маънавиятни, маданиятни, ижодий фикрлашни шакллантириш тушунилади.

Миллий модел ва кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш - мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик асосларни жорий қилишни тезлаштириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, фикрлаш ва мунозара қилиш маданиятини, шахснинг бой ички дунёсини ривожлантириш, бинобарин, янги ижтимоий муносабатларни барпо қилиш имкониятини беради.

Пировард натижада бу янги ижтимоий-сиёсий муҳит, миллий мафқуранинг ажралмас қисми сифатида ижтимоий онгни шакллантиришни таъминлайди.

Инсоният маданияти ўзининг ҳозирги ривожланиш босқичида гоявий қарама-қаршилиқларга дуч келмоқда.

.. Бугун илғор мафқура халқнинг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналари, умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойиллар, қудратли ахборот технологиясига асосланади. Тараққиёт гоясининг устуворлиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликларига, инсонпарварлик, миллий ва диний тотувлик, ҳудудий ва этник зиддиятларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Ҳозирги замон сиёсий бошқаруви фаолиятини режалаштириш - электрон ҳисоблаш техникасидан фойдаланиб, ахборотни ишлаб берадиган янги воситаларни қўллашни талаб этади. Бундай талабни ижтимоий фанлар олдига ҳам қўйиш керак, бу албатта, анча мураккаб вазифа.

Ижтимоий-сиёсий бошқарув соҳасида илмий-техника ва ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш учун маълум асослар бўлиши керак. Жумладан, ижтимоий-сиёсий тизим ва жараёнлар

( бунга миллий мафкурунинг ишлаш тизими ва жараёнлари ҳам киради)нинг ишлаши ва ривожланиши назарияси, уларнинг илмий моделларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Афсуски, дунёда шундай сиёсий кучлар ва ҳаракатлар борки, улар гоявий воситалар ёрдамида ўз таъсир доираларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг таъсирида жангари миллатчилар, шовинистлар, халқаро террорчилар, диний фанатиклар, экстремистлар тарбия топмоқда.

XX аср охирида рўй берган радикал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар («социалистик лагерь» нинг смирилиши, «икки қутбли» дунёнинг йўқолиши, мафкуравий полигонларнинг глобаллашув жараёни ва ахборот жамиятининг шаклланиши) бутун жаҳон бўйлаб мафкуравий манзарани ўзгартириб юборди. Янги «мафкуравий макон» ҳосил қилиб, миллионлаб одамлар онгини заҳарлаш хавфини тугдирмоқда. Бундай ҳаракатлар кўп қиррали бўлиб, айрим давлатлар сиёсатининг асосига айланмоқда.

Ҳозирги дунёвий тараккиёт улкан илмий кашфиётлар билан фаркланади, техник имкониятлар кенгаймоқда, ахборот технологияси жадал ривожланмоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ахборот коммуникацияларининг кириб келиши кучайди. Масалан, Интернет тизими бўйича ахборот алмашиш ва шу йўл билан гоявий таъсир ўтказиш кўламини кенгайтганини келтириш мумкин. Ахборот соҳасидаги глобаллашув маълум маънода, қулай жараён - у барча ҳудудлар билан фикр алмашиш, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш имкониятини беради. Бирор янги гоя пайдо бўлса, у бутун жаҳонга жуда тез тарқалади. Бунинг натижасида муайян давлатлар ёки сиёсий ва молиявий кучлар манфаатига хизмат қиладиган турли мафкуравий марказларнинг таъсири билинмоқда.

Бундай шароитда мустақил фикрга ва эътиқодга эга бўлмаган, иродаси бўш одамлар бу хилдаги мафкуравий тазйикка дош бера олмайдилар. Мисол учун диний экстремистик ташкилотларнинг фаолиятини олиб кўрайлик. Бу ташкилотлар минглаб йигит ва қизларни оғир аҳволга тушириб қўйди, мустақил фикрдан жудо бўлган ёшлар «камикадзе»га айланиб қолдилар — минглаб бегуноҳ одамлар умрига завољ бўлдилар.

Интеграция ва глобаллашувнинг кенг кўламли жараён сифатида дунё тараккиётининг ўзига хос жиҳатлари эканлигини тан

олиб, айни чоғда у кудратли гоъвий таъсир воситаси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Геосиёсат - маълум давлатнинг бошқа давлат ва регионларда ўз таъсирини кучайтириш сиёсатини англатади.

Одам онгини ишгол қилиш учун курашиш — геосиёсатнинг асосий йўналишлардан бирини ташкил этади.

Жаҳон ҳамжамияти демократия, ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосан халқаро муносабатларни амалга оширишга интиломда. Бундай шароитда зўравонлик, тажовуз, ҳарбий куч ишлатиш ва гоъвий иқтисодий тазйиқ ўтказишга қарши курашиш керак.

Ҳозирги вақтда маълум кучлар халқларни маънавий-гоъвий жиҳатдан бутунлай тобе қилиб олиш учун курашмоқда. Бу катта минтақаларга, айниқса табиий бойликларга эга бўлган ҳудудларга ўз таъсирини ўтказишнинг энг қулай усули бўлиб қолди. Бундан келиб чиқадиган мантик ҳаммамизга маълум: замонавий курул ва иқтисодий тазйиқ ўрнига мафкуравий воситалар билан тобе қилиб олиши мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг бўлинишини қуйидаги ижтимоий-иқтисодий асосларда амалга ошириш мумкин деган гоълар ҳам мавжуд:

- улуг давлатчилик гегемонизми;
- диний мансублик;
- этник бирлик (этномарказ);
- ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий монополия ва ҳ.к.

Дунёни гоъвий принциплар асосида тақсимлашга узлуксиз ҳаракат қилинаётган ҳозирги шароитда фақат кучли миллий ва тараққийпарвар мафкурагина жамиятнинг тинчлигини, яхлитлигини ва суверенитетини сақлашга имкон беради. Мафкуравий жараёнларда кескинлик ва мураккаб ҳолатлар кузатилмоқда. Ўзининг ривожланиш йўлидан бораётган янги суверен давлатларда халқнинг тарихий ўтмишини тиклаш, миллий кадриятларга эътиборни қаратиш, давлатчилик ва ахлоқий тарбия анъаналаридан фойдаланиш шулар жумласидандир.

Маълум сиёсат юритувчи кучлар жуда катта иқтисодий ва қулай геостратегик имкониятларга эга бўлган минтақалардан ўз мақсади йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўз мақсадларига етиш учун таъсир ўтказишнинг турли шаклларида, ҳатто тазйиқ ўтказиш воситасидан ҳам фойдаланмоқдалар. Тарихий ривожла-



ниш давомида таркиб топган минтакалардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни бузиш, қўшни давлатлар, қардош халқлар ва миллатлар ўртасига совуқлик тушириш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланмоқдалар.

Ўрта аср халифалигини тиклаш йўлидаги ҳаракатлар, шунингдек диний догматик, миллатчилик гоялари билан сугорилган баъзи халқаро экстремистик кучлар тинчлик ва барқарорликка жуда катта хавф тугдирмоқда.

Йигирма йилдан ортиқ уруш давом этган жафокаш Афғонистон умумбашарий маданиятдан йироқлашди, халқаро терроризм ва диний экстремизм, ноқонуний қурол ва гиёҳванд моддалар билан савдо қилиш ўчоғига айланди. Бу террористик ва диний экстремистик йўллар билан зарарли гояларни тарқатиш, минтақадаги аҳолини кўркитиш, тажовуз қилишга йўл очиб бермоқда.

Мустақил ривожланиш учун сиёсий-иқтисодий шароит яратиш, минтақа аҳолисининг ишончи ва эътиқодини шакллантириш зарур тадбирлардан бири бўлиб қолди. Ҳар қандай гоявий тажовузга қарши кураш олиб бориш, умумий хавф-хатарни бартараф этиш миллий давлатнинг энг муҳим вазифалари жумласидандир. Шу маънода Афғонистон муаммоси бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан Ўзбекистон олга сурган ташаббус, бу мамлакатдаги қарама-қаршиликларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш (жумладан, «6+2» гуруҳининг фаолияти, «Туркистон – умумий уйимиз» гояси ва бошқалар) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Терроризмга қарши курашувчи халқаро марказни тузиш, минтақадаги мамлакатлар ўртасида интеграция жараёнини кучайтириш катта аҳамият касб этмоқда.

### 1.3. Толерант онгнинг шаклланиши

*«... Мен сизнинг фикрингизга мутлак кўшилмайман. ammo фикрингизни билдира олишингиз учун ҳаётимни қурбон қилишга тайёрман»*

*Вольтер*

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик ислохотларни давом эттириш учун кенг омманинг кўллаб-қувватлашига, жамиятнинг умуммақсад йўлида бирлашишига эришиш лозим. Турли этник, диний, сиёсий йўналишдаги ижтимоий гуруҳларнинг конструктив алоқасига - толерант ахлоқли ва халқаро алоқалар тажрибаси орқали эришиш мумкин.

Толерантлик хулқини шакллантириш, тинчликсеварлик, турли йўналишдаги экстремизмга қарши курашиш ва бу офатнинг олдини олиш чораларини кўриш кўп миллатли давлат учун алоҳида аҳамият касб этади.

Жамиятда ижтимоий кескинлик, этник асосдаги зиддиятлар, сепаратизм, фанатизм, фундаментализм, экстремизм ва терроризм сифатида намоён бўлиши мумкин. Булардан кабиҳ ниятли ички ва ташқи кучлар фойдаланиши, мамлакат хавфсизлигига тўғридан-тўғри тажовуз қилиши мумкин.

Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва амалга ошириш доирасида толерантлик, плюрализм принципларига жиддий аҳамият берилади.

Толерантлик турли хил қарашларни, эътиқодларни, кўп қиррали жаҳон маданиятини ҳурмат қилиш, умуминсоний кадриятларни қабул қилиш ва тўғри тушуниш, ўзлигини намоён қилиш асосидаги инсоний индивидуалликнинг кўринишидир. Толерантлик - «бирлик - хилма-хилликда» принципининг амалга ошишини англатади. Толерантликнинг шаклланиши ва унга амал қилиниши билим, мақсадли тарбия, ошкоралик, фикр, виждон ва эътиқод эркинлигига имкон яратади. Толерантлик - бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. ХХI аср - иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ҳаракатчанлиги, коммуникация тизимининг жадал ривожланиши, интеграция ва бир-бирига боғлиқлик, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, ижтимоий тузилмани қайта қуриш билан характерланади. Бундай шароитда инсоний сабр-тоқат та-

лабларига риоя қилмаслик битта давлат доираси билан чегараланиб қолмайди, у глобал характерга эга бўлади. Мисол тариқасида Афғонистонни олиш мумкин. Бу ерда диний, этник ва сиёсий тоқатсизлик мамлакатни фуқаролар урушига дучор қилди. Халқнинг бошига фалокат солди, Буддизм динига мансуб маданий ёдгорликларни вайрон қилди, мамлакат халқаро кескинликнинг ўчоғига айланиб қолди.

Сабр-тоқатлилиқ жамиятнинг ҳар бир фуқароси, ижтимоий гуруҳлар, партиялар ва турли ижтимоий ҳаракатлар, давлатлараро муносабатлар учун хос бўлиши керак. Бу принципнинг амалга ошиши догматизмдан, ҳақиқатни абсолютлаштириш ва монополлаштиришдан воз кечишни, ҳуқуқни ва энг муҳими - инсон эркинлигини таъминлашни тақозо этади.

Аммо сабр-тоқатлилиқ ижтимоий маънода ҳақсизликка жимгина муносабатда бўлишни, ўз эътиқодидан воз кечишни ва биронинг гоёсини пассив қабул қилишни билдирмайди. Бошқача айтганда, ҳар бир киши ўз эътиқодида эркин бўлиб, бошқалар ҳам шундай ҳуқуққа эгаллигини тан олади.

Толерант онгни шакллантириш билан бирга эътиқодий (диний) тоқатлилиқка ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Диний эътиқод эркинлиги ижтимоий ҳаётда ҳамдўстлик ва тотувлик вазиятини вужудга келтиради, бир ерда, бир Ватанда яшовчи турли дин вакилларининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқаришни таъминлайди. Қадимдан диний таълимотлар, ахлоқий принципларни ўзида мужассам ифода қилади. Зеро, ҳамма динлар муқаддас гоёларга асосланади, эзгулик, тинчлик, дўстлик, раҳм-шафқат каби инсоний фазилатларга таянади.

Қадимдан дунёда ислом, христианлик, иудаизм, буддизм каби динлар тарғиб этилмоқда. Кўпгина шаҳар ва қишлоқларда масжид, черков, синагогалар мавжуд бўлиб, у ерда турли миллат ва дин вакиллари диний расм-русумларини ҳамда маросимларини ўтказиб турадилар. Халқимизнинг сабр-бардошли эканлигини шундан ҳам билиш мумкинки, Ўзбекистонда энг оғир кунларда ҳам диндорлар ўртасида зиддиятлар кузатилмади.

Бугун мамлакатимизда ўндан ортиқ конфессияга тегишли диний ташкилотлар ишлаб турибди. Улар ўз фаолиятини юритиши, кўп миллатли халқимиз ҳаётида фаол қатнашиши учун ҳамма шароитлар яратилган.

Унинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Конституциясида, янги

тахрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топган. Барча дин вакилларининг, иноқ яшаши, мамлакатдаги улутвор ишларни амалга оширишда иштироки учун имконият яратиб берилган.

Ўқорида айтилганлардан қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

- толерант онг ва ахлоқни тиклашни таъминлайдиган меъърий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ижтимоий-давлат институтларни ривожлантиришни давом эттириш;

- ижтимоий амалиётда толерантликни шакллантириш, экстремизмга диний, миллий мутаассибликка қарши кураш олиб бориш, оммавий ахборот воситаларини шу масалага кенг жалб этиш, танг ҳолат юз бермасдан олдин аҳволни ўрганиб, уни бартараф этиш чораларини кўриш механизмларини ишлаб чиқиш;

- ўсиб келаётган авлодда толерант хулқни шакллантириш вазифаларини ҳал этиш учун узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш, миллатчилик, экстремизм, фундаментализмнинг туб моҳиятини, хавфини доимий тушунтириб бориш.

Жамиятда толерантлик, плюрализмни шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш бўйича мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш миллий истиқлол гоҳисини оммага аңлатишда муҳим аҳамиятга эга.

Бунда кўпгина вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат хоқимияти ва бошқармаларнинг ҳамкорлиги, ижтимоий, ҳаракатлар ва партиялар мадади талаб этилади.

Бундай муҳим ижтимоий вазифалар ечими мақсадли дастур, тааллуқли тадбирлар яратишни тақозо этади. У миллий истиқлол гоҳисининг ажралмас қисми, уни амалга ошириш тадбирлари ва механизмларининг бир бўлаги бўлади.

Шу жиҳатдан 1995 йили ЮНЕСКО нинг 28-сессиясида «Толерантлик тамойиллари Декларацияси»нинг қабул қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Мазкур ҳужжат, жумладан, ЮНЕСКО БМТга аъзо мамлакатларни толерант онг ва ахлоқни шакллантириш бўйича тадбирларни давлат даражасида амалга оширишга даъват этади.

Таклиф этилаётган дастурда стратегик мақсад - толерантликнинг ижтимоий меъёрларини шакллантириш ва жорий этишни кўзда тутилади. Бу - демократик давлатда шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро келишуви асосида барқарор ахлоқини белги-

лаб беради. Белгиланган максадга эришиш учун куйидаги вазифаларни хал этиш керак:

1. Толерантлик ахлокини шакллантиришда самарали давлат бошқарувини таъминлаш, экстремизмга қарши курашиш, жамиятда ижтимоий-психологик кескинликни юмшатиш.
2. Ижтимоий-сиёсий вазият мониторинги, диагностикаси ва олдиндан белгилаш методларини, ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ижтимоий хавф-хатар ва таҳдидларга, деструктив жараёнларга тўғри баҳо бериш.
3. Ижтимоий амалиётда толерант хулқ нормаларини жорий этиш тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, экстремизмнинг барча кўринишларига барҳам бериш.

Бунинг учун куйидагиларни амалга ошириши зарур ҳисобланади:

- узлуксиз таълим тизимининг барча кўринишлари ва шакллари учун ўқув дастури ва тренингларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- толерант ахлоқ нормаларини тарғиб этишнинг самарали ижтимоий-маданий ва таълимий-ахборот технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, экстремизмнинг барча кўринишларига қарши курашиш, бу ишларга оммавий ахборот воситалари ва таълим ходимларини жалб этиш;

- экстремизмнинг олдини олишнинг методик, норматив-ҳуқуқий, ташкилий асосларини ишлаб чиқиш, толерант ахлоқ нормаларини ижтимоий амалиётга жорий этиш.

Дастурни ишлаб чиқишда миллий истиқлол гоёси, фуқаролик жамияти принциплари, толерантлик, плюрализм ва тинчликсеварлик тарафдорлари бўлган ижтимоий ҳаракатлар ва ташкилотлар фаол иштирок этиши лозим. Бунинг учун дастурда мазкур ҳаракатлар, ташкилотларни жалб этишнинг йўл-йўриқлари ўз ифодасини топиши керак.

Бундай муаммони хал этишда масаланинг халқаро жиҳатлари ва дунё ҳамжамияти тўплаган ижобий тажрибасини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун дастурда халқаро ҳамкорлик бўйича алоҳида тадбир белгиланиши Ўзбекистоннинг халқаро дастурларда кенг қўламда иштироки ва ташаббуси ҳисобга олиниши керак.

Тарбия ва таълим тоқатсизликнинг олдини олишда энг сама-

рали восита ҳисобланади. Ёшларда толерантликни тарбиялаш уларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ўрганиш, бу ҳуқуқларни таъминлаш ва уларни муҳофаза қилиш баробарида олиб борилади. Ёшларни сабр-тоқатлик, халқнинг миллий, маданий-тарихий анъаналари, урф-одатлари ва умуминсоний қадриятлари руҳида тарбияланганининг самарали ташкилий ва педагогик воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

Толерантлик тамойилларига мувофиқ тарбиявий-маънавий ишлар мазмуни, шакли, воситаси ва методларини соддалаштириш, унга мақсадли равишда, узлуксизлик, ворислик руҳини бериш керак. Бу ишда кампаниячилик, формализмга, йўл қўйиб бўлмади. Шу муносабат билан оқилона равишда мунтазам сабр-тоқатликни шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш, зўравонлик ва ёвлашишга сабаб бўладиган тоқатсизликнинг тарихий-маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний манбаларини аниқлаш зарур. Тарбиявий-маърифий тадбирлар ёшларда мустақил фикрлаш малакасини ҳосил қилиш, маънавий қадриятларга асосланган мулоҳазаларни танқидий идрок этиш муҳим аҳамиятга эга.

Сабр-тоқатлик руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ изланишлар соҳасида ўтказиладиган илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва уни ҳаётга жорий этиш лозим. Бунда педагог кадрлар даражасини ошириш, «жамиятнинг педагог маданиятини кўтариш», ўқув режалари, дастурлари, дарслик мазмунига тузатишлар киритиш, сабр-тоқатлик онги ва ахлоқини шакллантиришга қаратилган самарали педагогик ва ахборот технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият беришни талаб этилади.

Дастурни амалга ошириш йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Меъёрий-методик ва ташкилий йўналишлар:

а) ижтимоий амалиётга толерант ахлоқни жорий қилиш, экстремистик, миллий ва диний тоқатсизлик кўринишларига қарши кураш имкониятини берувчи норматив ва қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш (амалдагиларига ўзгартиришлар киритиш);

б) норматив-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий-давлат тузилмаларини шакллантириш, бунда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар ва эшиттиришлар, янги таълим-тарбиявий материалларни ижтимоий-психологик экспертизадан ўтказиш тадбирларини кўриш.

2. Таълим-тарбиявий ва методик йўналишлар:

а) таълим муассасаларида сабр-тоқатлилик, эътиқод эркинлиги ва маданиятлараро тотувликни ривожлантириш борасида баҳамунозара, мусобақа ўтказиш дастурини яратиш ва жорий этиш;

б) узлуксиз таълим тизимининг барча йўналишларида фаолият юритувчи профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни таъминлаш;

в) оммавий коммуникация, давлат хизматчилари, жумладан ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа вазирликлар, идораларда банд бўлган мутахассисларни қайта тайёрлаш, махсус тренинглар ишлаб чиқиш.

3. Тарғибот ва аксилтарғиботларга оид йўналишлар:

а) экстремизм ва унинг турли кўринишлари моҳиятини ошқор қилувчи оммавий коммуникация воситаларини яратиш ва амалга ошириш;

б) жамиятда толерант онгни шакллантирувчи ва ижтимоий кескинликни юмшатовчи публицистик ва бадиий асарлар туркумини тайёрлаш ва чоп этиш.

4. Илмий-таҳлилий, ишланмалар йўналиши:

экстремизмга қарши давлат сиёсати асосларини ва жамиятда толерант онгни шакллантириш;

5. Халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, мазкур йўналишдаги халқаро фаолиятда Ўзбекистоннинг кенг қўламли иштироки.

Эътироф этилган йўналишнинг ҳар бири мустақил лойиҳа сифатида идрок этилади, шу сабабли уларнинг амалга ошиши алоҳида-алоҳида бўлади. Бу мақсадли кўрсатмалар ва ресурс таъминотига боғлиқ ҳолда дастурнинг тезкор ижросини таъминлайди. Барча лойиҳалар йигилиб, ягона дастурни ташкил этади, улар умумий мантқиқ асосида бирлаштирилиб, асосий мақсадга йўналтирилади.

Тадбирлар тизimini ташкил этувчи дастур куйилагиларни таъминлашга қаратилади:

- толерант ҳулқ нормаси ва қондасини ижтимоий амалиётга жорий этиш,

- жамиятда экстремистик кайфият ва ғояларнинг ривожланишига қарши амалий равишда курашни,

- ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ҳар қандай ўзгаришига зудлик билан жавоб бериш,

- Ўзбекистонда ижтимоий муҳитни янада такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, ақтисодий, маданий асос яратиш.

Дастурни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи босқичда (бир йилгача), асосан, илмий қўлланмалар тайёрланади, меъёрий-ҳуқуқий асослар шакллантирилади, ижтимоий мезон сифатида белгиланган толерантлик асосида оммавий ахборот воситалари орқали ҳақиқий воқелик манзараси вужудга келади.

Иккинчи босқичда (икки йилгача) дастурнинг махсус лойиҳалари амалга оширилади. Бу жараёнга оммавий ахборот воситалари жалб этилади.

Учинчи босқичда – аввалги икки босқич натижаларига тузатишлар киритиш ва дастурни кенг кўламда амалга ошириш кўзда тутилади.

«Ривожлантирувчи кўп қирралик» тамойили устувор бўлган ижтимоий шароитни тан олган мафкурагина илғор, кучли ва ҳаёт тасдигидан ўтган ҳисобланади. Бундай мафкура эркин фикрлашга мутлақо ҳалақит бермайди. Догматизм асосида шаклланган ўзига зид фикрни тан олмайдиган мафкура ижтимоий воқеликни бузиб кўрсатади, давлат, жамият ва шахс муносабатларида уйғунликни, умуман жамият тараққиётини таъминлай олмайди.

Ҳокимият монополиясига ва мутлақо ҳақиқатга даъво қилувчи мафкуранинг келажаги йўқ. Бунга коммунистик мафкуранинг дарз кетиши ва қулаши мисол бўла олади.

Агар муайян ижтимоий гуруҳ ёки сиёсий партия ғояси ягона мафкурага айланса, бунда эркин фикрлаш чекланади, шахснинг асосий ҳуқуқлари ва эркинлиги бўғилади, ҳокимиятни эгаллаб олиш, тоталитаризм ва истибдод учун асос яратилади.

Тарих сабоқларининг кўрсатишича, ўз қарашлари ва фикрларини эркин ифода этувчи шахс ёки ижтимоий гуруҳ аниқ ва асосланган мақсадга эга бўлиши, уни амалга ошириш йўлида тўлиқ масъулиятини зиммасига ола билишлари лозим. Бунинг учун мунозара маданияти инсоний муносабатлар мезонига айланиши керак, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги қонун талабларига, миллий манфаат ва умумбашарий қадриятларга, ахлоқ нормаларига зид бўлмаслиги лозим.



## II БЎЛИМ

### Комил инсон

Етук, ҳар томонлама ривожланган шахс гоёси инсоннинг ҳам миллий, маънавий хазина, ҳам умумбашарий маланиятни эгаллашга, маънавий-ахлоқий ва жисмоний камол топишга бўлган интилишларини ифодалайди.

Бу гоё маънавий ва маърифий жиҳатдан узлуксиз ривожланишга чорлайди. Ўз камолоти, ўсиб келаётган авлоди тўғрисида гамхўрлик қилмайдиган миллат ва халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Етук шахс гоёси қадимдан халқимиз орзу-тилагига ва унинг маънавиятининг таркибий қисми бўлган. Исломий фалсафа унинг мазмуни ва моҳиятини анча кенгайтирди. Улуг мутафаккирлар Абу Наср Форобий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларида шахс камолоти гоёси тўла ўз ифодасини топди.

Навоийнинг етук, билимли шахс тўғрисидаги доно фикрлари беназир маънавий кадриятлардан бўлиб, у камолот сари интилганларга даъват вазифасини ўтайди.

Миллий истиқлол гоёсини амалга оширишнинг устувор йўналиши Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, авлодларимизнинг бебаҳо мероси ва умумбашарий кадриятларга таянадиган мустақил дунёқараш ва фикрга эга бўлган, маънавий бой, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган. Юксак ахлоқий поклик - кишилар эркин яшаётган, юксак ҳаётий гоёларга эътиқод қилган жамиятда бўлиши мумкин. Бизнинг мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг маънавий ва ахлоқий шаклланишига, маънавий-маърифий талбирлар сифатини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мана шу нуктаи назардан Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва дастурига миллий мафқуранинг ажралмас қисми, миллий гоёни амалга оширишнинг муҳим омили ва механизми сифатида қаралади.

Демократик жамият қурилишида интироқ этишга қодир бўлган шахсни шакллантириш икки асосий омил таъсирида, яъни бево-

сита ижтимоий ҳаёт ва муайян мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия жараёни доирасида амалга оширилади.

Ҳар бир инсоннинг шахси таълим тизими, ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Натижада у ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган вазифаларни бажаради, ижтимоий ролни ўзлаштириб олади, ўзининг қизиқиши, қобилиятини ижодий мулоҳаза қилиб кўради, жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатга киришади ва шу тариқа шахснинг ижтимоийлашуви юз беради.

Комил инсон-стук шахснинг шаклланишида Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва дастури хал килувчи роль ўйнайди.

Миллий модель ва дастур мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ўз Ватанига фидокор, истиқлол ва демократия ғояларига садоқатли шахсни шакллантиришга хизмат қилади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда қатнашадиган, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатадиган, ўз мамлакати тақдири учун масъул бўлган шахсни тарбиялаш – Кадрларни тайёрлаш миллий дастурининг бош мақсадларидан биридир.

Бир неча ўн йилликлар давомида шахснинг жамиятдаги ўрнини нотўғри белгиланган инсоннинг бегоналашувига олиб келди. Инсоннинг ижтимоий фаолияти давлат томонидан қатъий белгиланган, пазорат ўрнатилган доирада кечарди. Ёш мутахассис ўз томонидан олга сурилган ҳар қандай ташаббус, коммунистик мафкурага мос келмаса, режали иқтисодиёт манфаатларини ифода этмаса, ижро этилмаслигини яхши билар эди. Тоталитар тизимга хос тартибот: иқтибосбозлик ва қурамачилик, маънавий қашшоқлик ва конформизм, ғоявий носозлик каби иллатларни келтириб чиқарар эди.

Шахснинг ижтимоийлашувини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири унинг ижтимоий фаоллиги ва ҳаракатчанлигидир.

Ижтимоий фаоллик - бу шахснинг жамият ишларида онгли иштироки, уларнинг боришига маълум даражада таъсир имконияти тушунилади. Тоталитар тузум ҳокимлиги шароитида ижтимоий тизимда одам бирор жараёнларга таъсир ўткази олмасди, уни ўзгартириш учун ташаббус билдира олмас, ҳамма кўрсатмалар юқоридан келар ва ижроси талаб қилинарди, жамиятда шахснинг ўрни унинг реал имкониятлари ва интеллектуал қобилияти билан ҳисоблашилмас эди.

Ушбу шароитда шахснинг ижтимоий ҳаракатчанлиги жуда чекланган, у ўз ихтиёри ва қобилиятига мувофиқ иш кўра олмасди.

Шахсий эҳтиёжлари, қобилияти, йўналишларидан келиб чиқиб ижтимоий мақомларини ўзгартира олмас эдилар.

Шахсий қобилият билан боғлиқ ҳаётий мақсад шундай мақсадлар билан алмаштирилдики, бундай ўзгариш фақат мавжуд тизим учун қулай бўлиши талаб этиларди. Масалан, истеъдодли мутахассис маъмурий ишлар билан шугулланар, бу унинг қизиқиши ва талантига мувофиқ келмас, ижодий қониқини ҳосил қилмас эди. Аммо мансаб ва моддий қулайлик ваъда қилинарди.

Ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ва талабларини эътиборга олмаслик - мавжуд таълим тизимининг нуқсонларидан бири эди. Умумий ўрта маълумот ҳар бир ўқувчининг истаги, қобилияти, тайёргарлик даражасини ҳисобга олмасди, у ёки бу соҳала қобилият синаб кўрилмасди. Ёшлар ўз истаги ва имкониятларига қараб касб танлай олмас, улар учун ота-она, яқинлари нуфузли жой ахтаришга мажбур бўларди.

Миллий дастурни амалга оширишда шахснинг жамиятдаги ўрни қайси омилларга кўра белгиланади?

Энг аввало, қуйидагиларни таъкидлаш лозим: илгари бундай юқори даражадаги ҳужжатларда, шунингдек ҳозир бонқа давлатларда мавжуд шу каби ҳужжатларида ижтимоий-иқтисодий қайта қуришларда шахс манфаатларининг устуворлиги кўрсатилмаган. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурида қуйидагилар аниқ белгиланган: «Республикада амалга оширилаётган ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад ва уни ҳаракатга келтирувчи куч - инсон, унинг уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларининг рўёбга чиқариш шароитлари ва таъсирчан механизмини вужудга келтириш, ўз умрини яшаб бўлган фикрлар ва ижтимоий ахлоқ стереотипларидан воз кечиш».

Шахс - Кадрлар тайёрлаш миллий модели тизимини вужудга келтирувчи асосий таркибий қисм ҳисобланади.

Кадрларни тайёрлаш борасида давлат сиёсати ёшларнинг узлуксиз таълим тизими, интеллектуал ва маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ ҳар томонлама ривожланган шахснинг камол топишини назарда тутди. Бу ерда фуқаронинг асосий конституциявий ҳуқуқи - илм олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал ривожланиш, касбий меҳнат ҳуқуқлари амалга оширилади. Ун икки йиллик умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, шунингдек таълим ва касб-хунар тайёргарлиги шакли ва турларини эркин танлаш ҳуқуқи ва кенг имкониятлари, мала-

касани мунтазам ошириш, зарур ҳолатларда қайта тайёрлашдан ўтин имкониятлари кўзда тутилган.

Фуқаролар ўз конституциявий ҳуқуқларига, конкрет табиий, иқтисодий, ижтимоий-тарихий, миллий маънавий-маданий шароитларга асосланган ахлоқ нормаларига тўла риоя этган ҳолдагина давлат ривожлана олади.

Ижтимоий таълим ва тарбия тизимидан ўтган ҳар бир одам - шахс сифатида шаклланади.

Ижтимоий вазифаларни бажариш лаёқатига эга бўлган, ўзининг қизиқиши, қобилиятини ижодий намоёниш эта оладиган, жамиятнинг бошқа аъзолари билан муваққил муносабатга кириша оладиган одам шахс сифатида ижтимоий мавқега эришади.

Миллий дастурнинг амалга оширилиши жараёнида халқнинг миллий маданий, тарихий анъаналари, урф-одатлари, умумбашарий қадриятларга асосланган ёшларни тарбиялашнинг самарали ташкилий ва педагогик принциплари ишлаб чиқилади. Уларнинг асосида ётган таълимий-тарбиявий гоёларга кўра шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш устувор аҳамият касб этади.

Бундай устуворлик қобилиятли болаларни қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади. Қобилиятли болаларни ўқитишнинг замонавий психологик ва педагогик ташкилий шароитлари вужудга келади, таълим методологияси ишлаб чиқилади. Иқтидорли болалар таълим-тарбиясининг мониторинги шаклланади. Илмий-техник инновация маркази каби махсус таълим муассасалари ташкил этилади. Бу ерда ўқувчи ёшлар ўз қобилияти, истеъдодини ривожлантиради, илмий-техника соҳасидаги салоҳиятини кенгайтирадилар.

Халқаро миқёсда ахборот ва тажриба алмашуви билан боғлиқ тadbирлар кўлами ошмоқда. Ўқувчи ва мутахассисларни дунёдаги стақчи илм-фан ва таълим муассасаларида ўқитиш имкониятлари яратилмоқда.

Қобилиятли болалар, истеъдодли ёшларни хорижий давлатларда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилувчи «Умид», «Устоз» каби жамғармаларнинг ташкил этилиши бунинг қафолатидир.

Миллий дастур гоёси асосида ташкил этилган янги ташкилотлар ва узлуксиз таълим тизими онгли фаолият юритувчи, маълум мақсад сари интиладиган шахснинг камол топишини таъминлай-

ли. Бунда, албатта, ижтимоий тажриба, миллий анъаналар ва ҳозирги замон талаблари эътиборга олинади.

Кадрларни тайёрлаш тизимида шахснинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тааллуқли мەърифий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб кўйилган.

Таълим тизимини янгилашга ва шахс эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи қандай реал механизмлар бор?

## 2.1. Таълим жараёнини мақсадли такомиллаштириш

Ўзлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълимни демократлаштиришга, унинг инсонпарварлик йўналишини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Миллий дастурда ушбу масалаларга қуйидагича талқин берилди: Таълимни демократлаштириш - ўқув юртлигининг таълим-тарбия методларини танлашда мустақиллигини ошириш, таълим соҳасини давлат-жамоат тизими асосида бошқаришни таъминлаш.

Танкилотчи-таъсисчилар, маҳаллий ҳокимият органлари ходимлари, инжибармонлар, жамоат танкилотлари, турли жамғармалар, ҳомийлар вакилларини ўз ичига олган васийлик ва назорат кенгашини тузиш йўли билан таълим соҳасида жамоат бошқарувининг энг самарали тизими жорий этилади.

Сифат жиҳатидан янги, таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган давлат аттестацияси таълим муассасаларини аттестация қилади, кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беради. Ўқувчилар билими рейтинг тизими орқали объектив баҳоланади.

### 2.1.1 Таълимни инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва демократлаштириш

Ўқувчиларнинг тугма қобиляти ва истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш, миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик дунёвий, маънавий бойликлардан баҳраманд этиш, шахс, жамият ва атроф-муҳит муносабатларида уйғунликка эришиш, «Устоз-шогирд»ликнинг тарихий анъаналари асосида самимий муносабатларни ўрнатиш — таълимни инсонпарварлаштиришнинг негизини ташкил этади.

Таълим муассасаларини бошқаришда жамоат-давлат бошқаруви принципига ўтиш, таълим ва тарбия услубини танлашда ўқув юртлари мустақиллигини ошириш - маориф соҳасини демократлаштириш жараёнини ифода этади. Бунда жамоат ташкилотларининг, айниқса ёшлар ва болалар ташкилотларининг роли ортади. Мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, таълим жараёнини ташкил этишда илгор таълим дастурлари, маросимлар, тантаналар, байрамлар, урф-одатлар, «ҳамкорлик педагогикаси» асосида ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида, шунингдек, ўқувчилар ўртасида янгича ўзаро муносабатларни жорий қилишни давом эттириш зарур. Таълим муассасалари бошқарувига назорат ва васийлик кенгаши, ота-оналар жамоаси, ўқувчилар, ишбилармон доиралар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқаларни жалб этишга алоҳида аҳамият бериш керак. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда «Маърифатпарварлар», «Тарихчилар», «Файласуфлар» ва бошқа шу каби жамоат ташкилотлари, жамғармаларнинг ўрни ва масъулияти ўзгача.

«Фуқаролик жамиятини қуришда бир қатор вакиллик функцияларини давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви органларига изчил ва аста-секин ўтказиш назарда тутилади». Жумладан, «Маърифатпарварлар» жамиятининг кўзлаган мақсади — «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» иборасида ифодаланган миллий ғояни амалга ошириш учун тараккийпарвар ижтимоий кучларни, жамиятнинг барча қатламларини бирлаштириш, таълимнинг моддий-техник ва илмий-методик базаларини мустаҳкамлаш, юқори ахлоқли, маънавий бой шахсни камол топтириш, маърифатпарварлик билан шугулланишдан иборат.

Демократлаштириш принципи таълим тизимининг мосланувчан бўлишини, яъни ижтимоий-иктисодий ривожланиш тамойилини, шахснинг қобилияти, эҳтиёжларини ҳисобга олишни тақозо этади. Бу ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам беради. Умумий ва касбий маданиятни ошириш мақсадида оммавий хусусиятга эга бўлган маданий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш керак. Бунда оммавий ахборот воситаларининг маърифат борасидаги ишини фаоллаштириш ўта муҳим. Телевидение, радио эшиттиришлар, болалар ва ўсмирлар учун адабиётларнинг мазмун-моҳияти инсоннинг ақлий, маънавий савиясини оширишга хизмат қилиши лозим.

«Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда демократик кадриятлар ва гояларни кенг тарғиб этиши, химоя қилиши, одамларда сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий шуурни шакллантириш бўйича фаол ишлар олиб бориши керак».

Кадрларни тайёрлаш миллий моделининг асосий субъекти ва объекти ШАХС ҳисобланади. Бу вазифани бажаришда давлат ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади, зеро шу аснода, таълим жараёнини таъминлаш ва ташкил этишда ил-ғор ўзгаришларнинг кафолатли ижроси таъминланади. Янги муносабатлар ва кадриятлар шаклланаётган жамиятда таълим соҳаси ҳам шаклан ва мазмунан бойиб боради. Демак, жамиятда ҳақиқий инсоний кадриятлар ўз ифодасини топади. Таълимни инсонпарварлаштириш жараёни жамиятдаги туб ўзгаришлар билан боғлиқ, Кадрларни тайёрлаш миллий дастурида инсонпарварлик принципига алоҳида эътибор қаратилган.

Инсонпарварлик - башариятнинг қадимий таомили бўлиб, кейинчалик унинг тарихий ифодаси ўзгарди, жамиятдаги ўрни ва роли ошди. Унинг асл моҳияти эса инсонни улуглаш, унинг кадр-қимматини, эркинлигини химоя қилишдан иборат.

Турли тарихий даврларда инсонпарварлик тушунчасининг моҳияти шарт-шароитга қараб турлича талқин қилинади. Инсонпарварликнинг тарихий тамойилларини ўрганиш биз учун муҳим, чунки мазмунан теран ва шаклан бой ушбу азалий принципни замонамизга мос ҳолда ҳаётга татбиқ этмоғимиз даркор.

Ҳозирги вақтда инсонпарварликнинг гоёвий асосларини, шахсни ривожлантириш, унинг дунёқарашини шакллантириш усули сифатида ўрганиш лозим. Таълим билан уни инсонпарварлаштириш ўртасидаги зиддиятни, уни ҳал этишнинг йўллари ва механизмларини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Энг аввало, ижтимоий миқёсда ва алоҳида олинган инсон, унинг моҳиятини англаш-таълим эришган натижа деб қараш керак.

Ташқи воситаларда амалга ошириладиган инсонпарварлик билан таълим тизими ва жараёни имкониятлари ҳисобига амалга ошадиган инсонпарварлик, инсоннинг ўз имкониятлари, ўсиб келаётган авлодни шакллантиришда мерос ва новаторлик, ёшларга билим бериш, уни ўқитувчи ёрдамида фикр юритиши ва билим олиши, таълимни фақат мутахассис тайёрлашга мўлжалланганлиги ва вақт тақозоси билан ёш авлод имкониятларини сафарбар этиш - булар таълимда ҳал этиладиган муаммолардир.

Таълимни инсонпарварлаштириш - одамлар дунёкарашида, уларнинг муносабатлари ва ўзаро алоқаларида инсонпарварлик гоёси ва қадриятларини яққол гавдалантириш имкониятини беради. Таълимни инсонпарварлаштириш моҳияти деганда ўз инсонийлик гоёлари билан унинг мазмунини янада бойитиш тушунилади.

Аввалги таълим концепцияси, айниқса, касб-хунар таълим тизими ўз даврини ўтаб бўлди. У таълимда инсонпарварлик гоёларини инкор этарди, шахс ва замон талабларига жавоб бера олмай қолган эди. Бундай таълим билан тўла маънодаги мутахассис етишиб чиқмасди. Аслида, инсонийлик мезонига тўғри келмайдиган ҳар қандай таълим муваффақиятсизликка учраши муқаррардир. Бундай таълимни олган ёшлар ижодий имкониятлари, ўз режаларининг моҳияти ва уни амалга ошириш усулларини билмас эдилар.

Эски концепция инсон ҳаётини касб-хунар билан чеклаб қўйиш мумкин эмаслигини англаб етмас эди. Ҳар бир шахснинг олган таълими субъект сифатида мавжуд бўлади, шунингдек унинг ижтимоий фаоллигини ҳисобга олиш лозим эди. Шу нуктаи назардан қаралса, анъанавий «касб-хунар тайёргарлиги» тушунчаси мазмунан эскирди ва энди бу ҳақда атрофлича ўйлаб кўриш талаб этилади. Инсонпарварлик концепциясида одамийлик ва одамгарчилик сифатларини киритиш керак. Бу мақсадга эришиш йўлида таълим соҳасида ижтимоийлик ва инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш, таълимнинг мазмуни ва мақсадини ўзгартириш, уни кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўқувчиларни билимлар дунёсига олиб киришнинг ягона усули сифатида устозлар томонидан ўқитишни ташкил этишга асосланган эски таълим концепцияси ва ўқитиш методикаси энди талабга жавоб бермайди.

Таълимни инсонпарварлаштириш ўқувчиларнинг билимга бўлган интилишларини, шахсий ташаббусларини рағбатлантиради. Шу тариқа ўқувчиларда билимга нисбатан ҳурмат шакллантирилади, шахс онгли равишда ўз қобилияти ва имкониятларини ривожлантиради.

Таълимни инсонпарварлаштириш жараёни ўқитувчиларнинг интеллектуал-ахлоқий имкониятларини очишнинг услуб ва механизмларини беради, унга тушунган ҳолда муносабатда бўлишга ва уни амалга оширишга ўргатади. Инсонпарварлаштириш таълим



билан ижтимоий муносабатлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этади. Бўлажак мутахассисларни эркин, мустақил, танкидий фикрловчи шахс сифатида камолга стказати.

Ҳар қандай шаклдаги таълим шу маънода универсалки, унинг мазмуни фақат тайёргарлик кўраётган фаолият турларига боғлиқ бўлмай, айна вақтда, инсоний маданиятнинг универсал ривожланиш эҳтиёжларидан ҳам келиб чиқади. Касб-хунар таълими одамларни бирор касбга ўргатиб, шу йўл билан уни маданийлаштиради. Шунга мувофиқ унинг модели, энг камида, икки блокни ўз ичига олади: булар маорифнинг умумтаълим ва касб-хунар таркибини ташкил этади. Универсал мазмуни жамиятнинг маданий ҳолатидан келиб чиқади, инсоннинг асосий алоқаларини ифодалайди. Ижтимоий фанлар, табиий-илмий фанлар, технологияга оид фанлар - булар таълимнинг мустақил йўналишларидир.

Ижтимоийлашган таълим икки инсон ўртасидаги муомала маданиятини шакллантиради, ҳаётнинг маъноси ва йўналишларини аниқлашга, жамиятда ўз ўрнини топишга, ўз имкониятларини чамалаб кўришга имкон беради. Табиий-илмий таълим инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни, унинг табиий ривожланиш тамойиллари ва қонуниятларини ҳамда ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ усулларини ўргатади. Технологик таълимда инсон илмий-техника ютуқлари, унинг тамойиллари, методлари, ҳозирги замон технологиясини ўзлаштиради. Бу фақат ишда эмас, балки турмушда, коммуникация соҳасида, маданий ҳаётда ҳам керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг инсонпарварона моҳияти шундаки, бунда таълим-шахсни шакллантириш ва ривожлантириш шакли ва усуллари сифатида қабул қилинади.

Бу ўқитиш ва тарбиялаш мақсади, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. У ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида таълим жараёнидаги ўзаро муносабатларда ўзгариш ясайди, ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллигини ошириш имкониятини беради. Ўқувчи таълим ва тарбия объекти сифатида ўзини ўзи кашф этишнинг субъекти бўлиб қолади.

Таълимни ижтимоийлаштириш ўқитиш субъекти – ўқувчига ўз қобилияти ва ички имкониятларини очишга ёрдам беради.

Миллий дастурнинг ижтимоий мазмуни туфайли таълимда янги кадрият ўз ифодасини топади. Ўқувчининг шахсий қизиқишлари ва интилишлари биринчи ўринга чиқади, бунда таълим олувчи ўз имкониятларини тўла очишга муяссар бўлади.

Мазкур, муаммода инсонпарварлик таълими билан ижтимоийлаштириш ўртасидаги муносабат муҳим аҳамиятга эга. Бу фақат масаланинг моҳиятини белгилаш учун эмас, балки айнаи вақтда таълимда бошланган ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишда ва ҳаётга жорий этиш йўллари ва воситаларини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, онгни ижтимоийлаштириш таълим ва унинг фаолиятини инсонпарварлаштиришда муҳим ўрин тутади, инсонпарварлаштиришнинг зарурий шарти ва асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчи онгини ижтимоийлаштириш уларнинг онгли ва стихияли амалга оширадиган фаолияти ва унинг муаммолари билан боғлиқдир.

Инсонпарварликнинг моҳияти ва кадр-қимматига оид билимларсиз ҳеч ким инсонпарвар бўлолмайди. Бошқача айтганда, инсонпарварлик ижтимоийлаштириш билан синхрон тарзда инсон билимини оширишни тақозо этади. Инсонпарварликнинг моҳиятини тушунмасдан, амалга ошириш йўллари ва ҳаракат мақсадини аниқламай, «юқоридан» берилган буйруқ билан ниятга етиша олмаймиз. Бу ерда ижтимоийлаштириш талаб этилади, бу инсон кадрияти тўғрисидаги ахборот сифати билан чекланиб қолмай, балки инсонпарварлик зарурлиги тўғрисида эътиқод воситаларини тақозо этади.

Таълимни ижтимоийлаштириш ўқувчида эстетик дунёқараш, юқори маънавият, маданият ва ижодий тафаккур салоҳиятини шакллантиришни, шундан келиб чиқиб шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш устуворлигини таъминлайдиган касб-ҳунар таълимнинг дастури мазмунини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Бунда ўқувчи шахсида, билимга нисбатан ҳурмат, фахрланиш ва кадр-қиммат ҳисси қанчалик шаклланганлигига алоҳида аҳамият бериш керак. Ёшларда янги сиёсий маданиятни ривожлантириш бўйича «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз» каби махсус ўқув курслари ва лойиҳалари таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштиришга асос бўлади. Таълим жараёнини ижтимоийлаштириш мақсадида «Мантқиқ», «Нотиқлик назарияси», «Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати», «Жаҳон санъати тарихи», «Дунё динлари тарихи» каби махсус курсларни киритиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг самарали ташкилий, педагогик шакллари ва воситаларини жорий этиш - бой миллий маданий, тарихий ва педагогик анъаналар, халқ урф-одатлари ва умумбашарий кадриятларга асосланган бўлиши керак.

Жамиятни эркинлаштириш гоёси бевосита таълим жараёнида ўз ифодасини топиши зарур. Шу муносабат билан «ўқитиш» тушунчасини талкин этиш масаласини қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

«Ўқитиш» янги шароитда билим ва ҳаётга ёндашув бўлиб, бунда шахсий ташаббуснинг аҳамияти олдинги ўринга чиқади. Шунинг учун «ўқитиш» тушунчаси янги билимлар, усуллар, малакалар, кўрсатмалар ва ахлоқий кадриятларни ўз ичига олиши керак, бу бетиним ўзгариб турган дунёда яшашнинг зарурий шартидир. Бошқача айтганда, ўқитиш энг зарур ижтимоий-ахлоқий талаб, жамият олдиндан кўра биладиган жараён бўлиб, бунда шахс ҳар қандай мураккаб вазиятдан муваффақиятли чиқиш имкониятига эга бўлади.

Анъанавий йўсинда таркиб топган педагогик технология янги-ча талқиндаги «ўқитиш»га оид кўрсатмани амалга оширишга мўлжалланмаган.

Илгариги тарзда ўқитиш нисбатан тургун ижтимоий муносабатларни ва уларга мос шахсий эҳтишжларини кондиришга мўлжалланган. Бунда қатъий белгиланган метод ва қоидалар амал қилиб, шахсни ўзгармас, маълум вазиятларда ҳаракатланишга ўргатар эди.

Узлуксиз таълимни жорий этиш ва ривожлантиришнинг янги стратегияси «ўқитиш»ни янги-ча талқинда ифодалашни талаб этади.

Инновацион услубда ўқитиш, ўқувчининг ижодий, ахлоқий, маънавий, жисмоний потенциалини шакллантиришга қаратилган. У бир вақтнинг ўзида икки масалани ҳал этишни тақозо этади:

- воқсалар ривожини «олдиндан кўра билиш», рсал воқелик занжирида ўзини англаш, келгусида ижтимоий ва касбий ролини тўғри талкин қилиш, шахс томонидан онгли равишда - ахлоқ, эътиқод, ишонч, ахлоқий кадриятларни, умуман дунёқарашни танлаши;

- ташкилий бошқарувнинг барча поғонасида шахсни ижтимоий аҳамиятга молик ўринли қарорларни қабул қилишдаги иштироки.

Онгни, таълимни ижтимоийлаштириш - инсоннинг ўзини ўзи билишини ва шу фаолиятнинг шакли ва жараёнини англашни билдиради. Ижтимоийлаштириш инсонпарварликнинг моҳиятини тушуниб етишга кўмаклашади, инсонни тоталитаризм асоратларидан халос этади, ўзлигини англади. Бу мақсадга билимсиз эришиб бўлмаслиги маълум нарса. Таълимни ижтимоийлаштириш инсонни бу дунёда борлигини англашга имкон беради. У фаолият усуллари англаш ва самарали излаш, ўзига, бошқаларга, табиатга нисбатан уйғун муносабатда бўлиш имкониятини беради.

Инсонпарварлик фазилатини шакллантириш жараёни ўқувчилар томонидан ижтимоий фанларни ўқиб-ўрганиш орқали амалга оширилади. Бу ўқувчиларда ижодий имкониятларини тушуниб етиш, ўз турмуш тарзини англаш, ўз фаолиятини амалга ошириш, унга энг қулай йўлни топиш имкониятини беради. У таълим жараёнида бўлгуси мутахассис ўрнини белгилайди, натижада ўқувчи ташқи таъсир объекти бўлмайди, ўз ҳаётий фаолиятининг субъекти бўлиб, унда инсонпарварлик ғоясини амалга оширади. Демак, билим беришнинг пассив объекти бўлмайди, ўқувчининг ўзи мустақил, ижодий ҳаракат қилади, устозлар фақат ёрдамлашиб туради, унинг фаолият йўналишини ва умумий методини шакллантиради. Муаллим ўқувчига назарий билим ва дунёқарашни шакллантиришга оид йўналиш беради, ўқув жараёнининг субъекти эса унга тузатишлар киритиб боради, ўз ички дунёқарашларига мослайди, яъни ўзининг бетакрор индивидуал мувофиқлигини таъминлайди.

Таълим жараёнини ижтимоийлаштириш натижасида ўқувчи инсон моҳиятини англайди. Ўз ҳаёти давомида инсон тўғрисида ҳосил қилинган тушунчалар асосида, шахс ҳақиқий фуқаро бўлиб етишади.

Шундай қилиб, ижтимоийлаштириш - инсонпарварликдан фаркли равишда онг муҳити билан чекланган. Инсонпарварлик эса инсоннинг амалий фаолиятида ўзини намоён қилади. У фақат инсон онгинигина эмас, балки ахлоқи ва ҳаётига ҳам таъсир қилади. Бу тушунчаларнинг мақсади ҳар хил. Инсонпарварликнинг мазмунини билган киши ўз-ўзидан инсонпарвар бўлиб қолмайди, худди Қонунни биладиган одам, албатта, қонунга риоя қилади деб бўлмагани каби.

Инсонпарварликка асосланган таълим - ижтимоий фанлар ва ёндош фанларнинг функцияларини кенгайтиради, таълим жараё-

ни, мутахассис шахси ва унинг дунёқараши яхлитлигини таъминлайди. Бундай вазиятда талабалар табиий-илмий ва ижтимоий тафаккурни муштарак ҳолда ривожлантириш имкониятига эга бўладилар.

Таълимни инсонпарварлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ёшларга тегишли билим, кўникма, малака бериш, уларнинг инсоний дунёқарашини шакллантиришдан иборат. У бўлажак фуқаролар томонидан инсонлар фаоллигининг турли соҳаларида инсонпарварлик гоёси ва кадриятларини амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Бунга эришиш йўлида доимий равишда мақсадли изланишлар олиб бориш керак.

### 2.1.2. Таълимни дифференциациялаш

Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ислохотлар жараёни босқичма-босқич амалга ошириляётган бир пайтда таълим тизими мосланувчан бўлиши лозим, зеро ижтимоий-иктисодий ривожланиш талабларига, шахс эҳтиёжларига эътиборни қаратиш зарур бўлади. Бу ёшлар ижтимоий фаоллиги ва мослашувчанлигини ошириш, тез ўзгараётган шароитда кўникма ҳосил қилиш имкониятини беради.

Умумий ва касбий таълим дастурини замон талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш - таълимни дифференциациялаш масаласига бориб тақалади. Сўзда эмас, амалда узлуксиз таълим тизимини дифференциациялаш вақти келди. Бунинг учун таълимни табақалаштириш тамойиллари ва механизмни яратиш, амалиётга жорий этиш керак.

Дифференциациялашган таълим - ҳозирги замон таълимининг асосий омилларидан бири. У таълимнинг ўзига хос томонлари йўналишини, ўқувчиларнинг кизиқиши, майли, имкониятини, эътиборга олиш имконини берадиган ўқитиш ва тарбиялашнинг турли шаклларида фойдаланишни таъминлайди.

Таълим тизимига мосланувчанлик ва дифференциациялашиш мазмунини бериш, янги жамиятнинг ижтимоий-иктисодий талабларига дарҳол муносабат билдириш, шахс қобиляти ва талабларини ҳисобга олиш — узлуксиз таълим тизимини ислохот қилишнинг устувор йўналишларидан биридир. Шахс талабларини эъти-

борга олиш шахс фаоллиги ва мосланувчанлигини ошириш учун шароит яратлади, меҳнат бозори ва таълим хизматида кўникма ҳосил қилишни таъминлайди.

Миллий дастурнинг қайси қоидалари мазкур устувор масалаларни амалга оширишга хизмат қилади?

Дифференциациялашни (фарқлаш) принципи яқка ва бир гуруҳ одамлар ўртасидаги психологик фарқларга (жинси, ёши, ижтимоий мансублиги ва ҳ.к.) асосланади. Таълимда ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини аниқлаш ва уни баҳолаш методи, инунингдек фанга оид йўналишини аниқлаш - ўзлаштириш лозим бўлган билимнинг мазмуни ва ҳажмини табақалаштириш анча яхши ишлаб чиқилган. Бундай ишларни олиб боришнинг мезони ва унинг асослари ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда алоҳида шахсларнинг ақлий ривожини ўртасидаги фарқлар билан бирга ижодий ва ташкилий қобилиятидаги фарқлар, шахснинг умумий тузилмасига эътибор қаратилади. Бу таълим тизимида жуда кўп амалий масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади (ўқувчиларни танлаш ва ўқитиш, диагностикадан ўтказиш, уларни ривожлантириш имкониятларига тўзатиш киритиш, истиқболини белгилаш, кейинчалик эса касбига тегишли фаолиятида ҳам).

Дифференциациялаш селектив ёки эклектив тизим бўйича, ташқи ва ички фарқлар тамойилига кўра ўтказилиши мумкин. Дифференциациялаш тизимининг биронта шаклини танлаш таълим бўғини ва вазифаларига боғлиқ.

Ҳар бир бола ва ўсмирнинг яқка тартибда - психологик ўзига хос томонларини аниқлаш, уларни эркин ривожланишини таъминлаш учун турли типдаги таълим муассасаларидан фойдаланилади.

Шахс, давлат ва жамият эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган замонавий, узоқ муддатга мўлжалланган узлуксиз ва касбий таълим дастури, илгор педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш учун (шу жумладан, таълим стандарти институти орқали) шарт-шароит яратилади. Таълим ва профессионал дастурлар тузишда халқнинг бой интеллектуал, маънавий-ахлоқий мероси, умумбашарий қадриятлар, илгор фан, техника, технология ва маданият, маънавият ва маърифат ютуқлари эътиборга олинади.

Таълим муассасалари тармоқларини ривожлантиришда ҳудуд-

ларнинг географик ва демографик жиҳатдан ўзига хос томонларига мувофиқ ривожланиши ҳисобга олиниб, шахс, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари қондирилиши керак. Мактабгача таълим ёшидагиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун шароит яратини, мактабгача таълим муассасалари ва оила тарбияси учун вариантли дастур таъминлаш имкониятларини таъминлаш, мактабгача таълимнинг барча масалалари бўйича малакали маслаҳат бериш ва болаларни мактабдаги тизимли ўқитишга самарали тайёрлаш назарда тутилади.

Умумий ўрта таълимнинг янги тузилмаси ўқувчиларнинг интеллектуал ва ахлоқий имкониятларини очишга, ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятларига мувофиқ ўқитиш мақсадида дифференциацияланган ёнлануви жорий этишга хизмат қилади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик диагностика Марказлари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда қобилиятли болалар ва талантли ёшларни камол топтиришга имкон яратини, кейинги ўқишларида тўғри ва оғли равишда йўл таъминлашга ёрдамлашини, ўқувчиларни меҳнат бозори ва таълим хизматининг ўзгарувчан талабларига мослашувини таъминлаши керак.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичи ҳам дифференциациялантириш ва шахс имкониятларини намойиш қилишга асосланган. Масалан, академик лицейларда ўқийдиганлар «жадал интеллектуал ривожлантириш, чуқурлаштирилган билим бериш ва ихтисос бўйича ўқитиш» йўналишида таълим олиши таъминланади, ўқишни давом эттириш ёхуд уни меҳнат фаолиятида амалда қўлланишга йўналтирилган билим даражасини, махсус касб-хунар малакасини ошириш имкониятлари яратилади. Касб-хунар коллежларида ўқийдиганлар асосий умумтаълим тайёрлагани билан бирга замонавий ихтисосга эга бўладилар, умумий касб-хунар ва махсус фанлар бўйича чуқурлаштирилган назарий билимларни оладилар.

Икки босқичли (бакалаврият, магистратура) олий таълим муассасаларининг мустақиллиги кенгайди, жамоат бошқаруви, технологияси ва яқка тартибда ўқитиш принциплари жорий этилади, мустақил шугулланиш, масофали таълим тизими кенгайтирилади, халқ мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида бой маънавий ва интеллектуал таълимнинг инсонпарварлашган, ижтимоийлашган йўналиши таъминланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан

боглик ўқув-тарбиявий жараён эркин, айна чоғда масъулиятли шахсни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон, жамиятимизда ўз қобилиятини ишга солиши, кўпқиррали маънавий ва моддий эҳтиёжини қондира олиши мумкинлигини ва шу билан бирга жамият олдида тўла маънода жавобгарлиги, қонунга риоя қилиши, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга эришини учун хисса кўшиш зарурлигини тушуниши лозим.

Шахс таълим жараёнининг объекти эмас балки, энди унинг субъектига, асосий ҳаракатланувчи кучига айланди. Ўқитувчи, таълим муассасасининг зўравонлиги эмас, «педагогик ҳамкорлик»ни жорий этиш таъминланади. «Ўқувчини ҳаётга тайёрлаш» тамойили «Ўқувчи таълимнинг барча босқичида тўлақонли, фаол ҳаёт билан яшайди» тамойили билан алмашади, таълим жараёнидаги барча қатнашчиларнинг вазифаси ўқувчилар ҳаётини самарали, ижодий бўлишини таъминлашдан иборат. Бу шахснинг ижтимоий фаол ва мослашувчан бўлишини, унинг ижодий имконияти, қобилиятини ижтимоий жараёнга таъсир кўрсатишини таъминлашга йўл очади.

Дифференциациялаш – бутунни турли қисмларга, шаклларга, босқичларга бўлишни англатади. Ўзбекистон мактабларининг таълим тизими ўқувчиларни синфларга ёши бўйича бўлиш, ўқув фаълари мазмунидан келиб чиқиб бўлиш ва таълимнинг - бошланғич, асосий ва мактабнинг юқори синфдагиларига бўлиш дифференциациялашнинг маълум босқичини билдирди.

Таълим тизимини дифференциациялаш таълим жараёнининг мураккаблиги ва ўз ўқувчиларининг таълимга бўлган эҳтиёлари-ни қондириш учун мактабда ҳал қилинадиган вазифалар кўплиги сабабли келиб чиқади. Ечиладиган вазифаларнинг кўлами ошиб боргани сари дифференциациялаш ҳам шунчалик кенгайиб боради.

Таълим тизимини дифференциациялаш даражаси хилма-хил бўлиши мумкин. Унинг чуқурлиги таълим тизимининг таркибига қараб белгиланади, бу уларни ички мукамаллигини ва нисбатан алоҳидалигига олиб боради. Компонентлар ўртасидаги фарқ қанчалик кўп бўлса, таълим тизимининг дифференциациялашуви шунчалик чуқур бўлади.

Анъанавий таълим бериш тизимида бунга икки асос мавжуд: болаларнинг мактабда ўқиш йили ва ўқув фанлари. Аммо, бундан



ташқари, тизим ҳам таълим бериш турлари бўйича дифференциацияланган бўлиши мумкин (асосий, кўшимча, касбгача), шакли бўйича (кундузги, экстернат, оилавий таълим шакли), даражаси бўйича (умумтаълим ва чуқурлаштирилган таълим) ва ҳ.к.

Мактабда таълимни дифференциациялаш учун асосларнинг кўпайиши таълим дастурларининг турли траекториялари вариантларини яратишни шарт қилиб қўяди.

Мактаб тузилмаларини вужудга келтиришда ва ташкилий қарорлар қабул қилишда таълим тизимининг дифференциацияланган даражаси, унинг ўзига хос томонлари ва муаммоларини назарда тутиш керак.

Биринчидан, таълим тизими қапчалик чуқур дифференциацияланган бўлса (педагогик меҳнат турлари ҳам), махсус тузилмавий бўлинмаларни вужудга келтириш учун шунчалик кўп асос бўлади.

Таълим жараёнини чуқур табақалантиришда табақаланган турдаги ишларни қўшиб олиб бориш тавсия этилмайди, вужудга келтирилган бўлинмалар амалда мустақил ҳисобланади. Бу ҳол уларнинг ишларини мувофиқлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Масалан, «болалар богчаси-мактаб» таълим-тарбия комплексида мактаб ва болалар богчаси бўлинмалари бўлиши мақсадга мувофиқ, умумтаълим мактаб-интернатида мактаб ва интернат бўлинмалари ташкил этилади. Оммавий мактабда худди шу асосларга кўра, бошланғич ва умумий ўрта таълим бўлинмаси ажралиб чиқади.

Масаланинг энг оддий ечими - мактабда меҳнат вазифасини амалга ошириш учун унинг барча тузилмалари бўлинмаларини ташкил этишдан иборат. Аммо мактабда «тор доиралаги мутахассис» кам бўлгани сабабли ўқитувчилар дифференциацияланган турли хилдаги ишларни кўшимча тарзда бажариладиган (битта таълим соҳасида бир неча ўқув фанларилан дарс беради, турли параллел синфларда дарс соати бўлади, турли дастурларда иштирок этадилар, кўшимча машгулотлар ўтказадилар ва ҳ.к.) кўпгина ўқитувчилар бир вақтда бир неча тузилмалари таркибда қатнашади. Масалан, уларнинг фанлар бўйича методик бирлашма таркибида, синфнинг йиллик командаси таркибида, бирор мақсадли экстернат гуруҳида ёки оила шароитида амалга ошириладиган таълимдаги иштирокини шулар жумласига киритиш мумкин. Ўқитувчи линияли раҳбарликдан ташқари, бир неча функцияларга бўйсунди,

яъни ўзига хос тузилма келиб чиқади. Бундай тузилмани бошқариш анча мураккаб бўлади.

Дифференциацияланган тизим тузилмасига бошқача ёндашув – бу бир-бирига яқин иш турларини бажарадиган ўқитувчиларни бирлаштириб, улар учун меҳнати кенг ихтисослашган бўлинмани ташкил этишдан иборат. Бундай бўлинманинг камчилиги шундаки, унда битта тузилмани бўлинмага бирлаштирилган турли ихтисослаги ўқитувчиларнинг манфаатини ҳисобга олиш, уларнинг фаолиятини бошқариш анча қийин кечади. Агар «тор ихтисос» бирор тузилма бўлинмасига кирмаган бўлса, бунда раҳбарлик бевосита тўғридан-тўғри амалга оширилади.

Ихтисосланган тузилмани бўлинмага раҳбарлик функционал раҳбарлар томонидан амалга оширилади (касб-ҳунар тайёрлагичига эга бўлмаганлар бўйича директор ўринбосари, чет тиллари бўйича ва қўшимча таълим бўйича директор ўринбосари ва х.к.). Аммо унча катта бўлмаган ва ҳажми ўртача бўлган мактабларда линияли, функционал раҳбарлар билан бирга мактаб директори-нинг ўринбосари мавқеига эга бўлган вазифага имкон йўқ, умуман бу мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Шунинг учун линияли раҳбар (ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари) бир неча турдаги дифференциацияланган таълим жараёнини бошқариш вазифаларини қўшиб олиб бориш мумкин.

Унча катта бўлмаган мактабларда тизимни дифференциациялаш даражаси қанчалик юқори бўлса, линияли раҳбарнинг вазифаси шунчалик мураккаб бўлади. Ихтисослаштирилган бўлинмаларни омилкорлик билан бошқаришни таъминлаш учун қуйи даражадаги раҳбарлик вазифаларига ўқитувчилардан тайинланади, шунинг ҳисобига линияли раҳбарларнинг назорат қилиш билан ваколат доираси камаёди.

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг ривожланишида нафақат оммавий характерга эга бўлган «функционал саводсизлик» каби салбий ҳолатларни енгиб ўтишни, балки юқори сифатли таълимни таъминлаш талаб этилади. «Асосга қайтиш» деган маълум тезис ва дифференциациялаш сари йўл очган «ўртача даражадан қобилиятни янада ривожлантириш сари олға» принципи таълим соҳасининг ислоҳотида икки муҳим педагогик йўналишлар ўртасидаги зиддиятини ифодалайди. Бунда умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг узвий бирлиги – дифференциацияланган ўқитишни йўлга қўйиш учун асос бўлади. Шу би-

лан бирга, ушинг кенгайиши объектив равишда бу ўқув соатларининг тақсимланишида, табақаланштириш имкониятларининг тигизлашувида намоён бўлади. Бу икки йўналишга хос асосий зиддиятларни ташкил этади.

Эндиликда дифференциациялаш муаммоси мураккаблашмоқда. Илгари таълимни дифференциациялаштириш асосан таълим тизими тузилмаси доирасидагина юз берар эди. Турли таълим муассасалари табақаланштирилган таълим мазмунини объектив равишда кўзда тутар эди. Ҳозирги вақтда эса узлуксиз таълим тизимида (мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлиари) дифференциациялашнинг янги, анча мураккаб шакллари ташкил этишни тақозо қилади. Таълим дастурини ўзгартириш бу соҳадаги ислохотнинг тимсолидир. Бу жараён маълум концептуал асосга эга ва таълим мазмунини қулай ҳолатда дифференциациялашда изланиш йўналишини белгиловчи педагогик мақсадларни ифодалайди. Умумтаълим, касбий таълим дастурини ўзгартириш учун бошланғич педагогик кўрсатма бола шахси ривожланиши мақсадларига анъанавий мувофиқ келиши билан белгиланади. Эртанги таълим дастури муқобил, барча учун «очик» бўлиши, шахсининг, индивидуал ривожланиши, дифференциацияланган ўқитишга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим.

Агар умумлаштириб айтсак, таълим мазмунини дифференциациялаш ўқувчилар қобилиятига мос ва манфаатларига мувофиқ келадиган даражада амалга оширилиши керак.

Педагогик нуқтаи назардан қараганда, бу ислохот доирасидаги ўзгаришларнинг иккинчиси ҳисобланади. Биринчиси, жамиятнинг ижтимоий буюртмаси, фан-техника тараққиётининг талаби билан белгиланади. Ҳамма ҳолатда ҳам педагогик мақсад — болани ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида гамхўрлик Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва ислохотни белгиловчи барча ҳужжатларда у ёки бу шаклда ўз ифодасини топади.

Ўқув режалари ва дастурларини шакллантиришда бошланғич педагогик мақсадни таъминлаш, бола шахсининг ривожланиши ҳақида гамхўрлик қилиш мавҳум кўринишдан иборат эмас. Бу ўқув дастури тамойиллари тўғрисида бахс юритувчи «таълимнинг устуворлигини» ифода этувчилар ва «алоҳида фанларнинг аҳамиятли эканига» ургу берувчиларнинг далиллари билан бирдир. Ислохотлар бошланишига қалар таълим устуворлигига асосий эътибор бериларди. Кейинги йилларда ўқув режаси ва дастурларини шакл-

лантиринида асосан фанлар ўқитилиши концепциясига эътибор қаратилмоқда, бу маълум даражада фан-техника тараққиёти талабларининг ифодаси бўлиб ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, фанлар ўқитилиши модели таълимни дифференциациялаш борасидаги ҳозирги замон талабларига жавоб беради. Илгари ҳам ўқув дастурини шакллантиришда бола шахсини ривожлантириш педагогик мақсад сифатида ҳисобга олинardi. Аммо бу ҳолат умумий тус олиб, кейинги йилларнинг ўзига ҳос томонларини ифодамай олмайди. Ислохот қўйидаги тамойил асосида маълум аниқликлар киритишни тақозо этади: таълим мазмуни дифференциациялантирилади, бунида ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрлайдиган инсонни тарбиялаш мақсад қилиб қўйилади.

Ўқувчиларнинг ижодий, таҳлилий тафаккурини ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги гоё аслида янгилик эмас. Масалан, ўз вақтида кўпгина «предметларни танлов асосида» жорий қилиш билан ҳам юқоридаги мақсадни амалга оширишга интилишган эди. Ҳозирги муаммонинг қўйилишидаги ўзига ҳос мураккаблик шундаки, бунида таълим мазмунини интеллектуаллаштиришга бўлган интилиш «ядро»га қайтишни бузиб юбормаслиги керак. «Таълим сифати» деганда, ўқувчи олган билимини таҳлил қила олиши, мустақил фикр юритиши, ўқиганларидан манتيкий хулоса чиқара олиши тушунилади. Шундай қилиб, интеллектуал ривожланиш педагогик мақсад сифатида янги категория эмас. Аммо у устувор аҳамиятга эга ва ҳозирги таълимнинг энг характерли томонларидан бирига ургу беради.

Мажбурий таълимнинг мақсади умумий кўринишда қўйидагича изоҳланади: ўқувчи мустақил фикр юритиши, ҳаётий муҳим масалаларга жавоб бериши, турли муаммоларни ҳал қилиши, ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қилиши, ўз оппонентларини тушуна олиши, яхши ва ёмон томонларини мушоҳада қила олиши керак. Шунинг учун Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўртача» шахсни тарбиялашдан воз кечиб, шахснинг индивидуал қобилиятини ривожлантириш, ўз имкониятларини тўла ишга солиш, талантини такомиллаштириш учун шароит яратиш назарда тутилган.

Таълим мазмунига оид ўзгаришларнинг стратегик йўналишини белгилаб, уни ўқувчиларни интеллектуаллаштириш гоёлари билан қўшиб олиб бориш ва бу жараён таълимни дифференциациялаш билан қандай муносабатда эканлигини очиб бериш лозимлигини кўрсатади.

Кейинги йиллардаги ислохотлар мажбурийлик билан танловнинг мақсадга мувофиқ уйғунлашуви соғлом педагогик асосларда таълимни дифференциациялаш имкониятини яратди. Бу жиҳат умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини қабул қилиш билан таъминланади.

Миллий дастурнинг таълимни интеллектуаллаштиришга йўналтирилганлиги ўқув режалари ва дастурларида ўз ифодасини топмокда. Таълим мазмунини ўзгартириш йўли билан ўқувчиларни интеллектуаллаштиришга интилишини таъминлаш уни дифференциациялаш, таълим ислохоти натижаси бўлиб янги ўқув режаларида, дастурларида акс этди. Ҳозирги ҳаёт талаблари, фан-техника тараққиётининг янги босқичи, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиши унга асос бўлиб хизмат қилди. Бундай ҳолат фақат таълим мазмунига тегишли бўлмай, айни вақтда умуман ислохотга ҳам бевосита дахлдордир. Фикримизча, дидактик ўзгаришларнинг прагматик асосини ифодалайди. Аммо, келажакда мавжуд ўқув дастурини тубдан ўзгартириш тўғри эмас, доим зарурий тузатишларни киритиб бориш, ўқув режаси ва дастурининг ўзгаришини доимий жараён деб қараш лозим бўлади.

Ислохотнинг иккинчи босқичида Миллий дастурга мувофиқ кўзланган асосий мақсад – кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини кўтаришдан иборат. Бу қоида узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган вазифалар билан тасдиқланади.

Ислохотлар, шу жумладан, ижтимоий-илмий йўналишлар мазмуни (мактабнинг юқори синфларида, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимида), қуйидаги фанларни назарда тутиши керак: жамиятшунослик, инсоншунослик, педагогика, фалсафа, психология, ҳуқуқ, диншунослик, социология, иқтисодиёт. Мажбурий таълим доирасида фалсафа, педагогика, диншунослик, социология, инсон ва жамият тўғрисидаги бошқа фанларни ўқитиш ўзидан эътиборга лойиқ масаладир.

Масалан, академик лицейнинг мақсадли кўрсатмаси - ўқувчиларга юқори, умумтаълим билимларини бериш, уларни эркин фикрлаш, мустақил ва онгли равишда касбкорлик йўналишини танлаган ҳолда олий ўқув юртига тайёрлашдан иборат. Ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш ва тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик доим эътибор марказида бўлади. Ўқувчини интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш вазифаси «билим олиш, уни татбиқ этиш, мулоҳаза юритиш» даражасида амалга оширилади. Педаго-

гик тавсиялар ўқув режалари тузаётганда назарда тутилади, асосий предметлар билан бирга чуқур ўрганиш учун махсус предметлар ҳам киритилади. Бу предметлар ўқувчилар томонидан танланади. Академик лицейнинг асосий вазифаси уни «коммуникацион ўқув маркази»га айлантиришдан иборат бўлиб, бунда ўқувчилар ижтимоий-иктисодий, маданий ва техникавий муҳит муаммоларини ўрганиш, унинг замиридаги зиддиятларни англаб етиши лозим.

Таълим мазмунини дифференциациялаш концепцияси юқорида кўриб чиқилган педагогик мақсадлар билан чекланиб қолмайди, бола шахсини ривожлантириш ва уни интеллектуаллаштириш шулар жумласидандир. Таълим тизими, унинг мазмуни жамиятни ривожлантириш, маданият, фан, технологиянинг ўсиб бораётган эҳтиёжига юз тутиш асосий вазифадир. Шахсни интеллектуаллаштириш илмий-техника тараққиёти талабларига тўла мос келади. Фан, ишлаб чиқариш, технологиянинг ривожланишидаги ўзгариш таълим мазмунида ҳам ўз ифодасини топиши зарур эди. Бундай шароитда кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра, таълим тизими ҳозирги жамиятда ҳақиқий дифференциациялаш йўлидан бориши, уни педагогик мақсадлар ва таълим мазмунида тўла ифодалаш талаб этилади. Бу ерда гап асосан таълим мазмунининг ҳаёт талаблари билан боғлиқлиги устида кетмоқда.

Давом этаётган ислохотни таҳлил қилиб, ундаги таълим мазмунига дахлдор тўрт асосий мақсадни келтириб ўтамиз:

- барча мактаб битирувчилари ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида ўқишни давом эттириши керак;

- бирорта ҳам ёш фуқаро ўн икки йиллик таълимдан сўнг, ихтисосликсиз қолиб кетмаслиги керак;

- академик лицейни битирган ёшларнинг ақсарияти олий таълим тизимида ўқишни давом эттириши лозим;

- таълим ўз мазмунига кўра республикамызнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, умумжаҳон талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Шуни тан олиш керакки, илгариги вақтда ўтказилган бирорта ислохот хужжати Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби таълимнинг пировард натижаларини аниқ белгилаб бермаган эди. Ислохотни амалга ошириш таълим тизимида, уни дифференциациялашда жиддий ўзгаришларга олиб келди, булар янги ўқув режалари ва дастурларида ўз аксини топди. Шундай қилиб, таъ-

лим мазмунидаги кейинги дифференциациялаш «онгли танлов» педагогикасига асосланади. Мактабнинг 7-9-синфларида ўқувчи 1-2 предметни мажбуран ўқиш учун танлайди, масалан, иккинчи чет тили шулар жумласига киради.

Ислохот давомида, асосан, иккита педагогик муаммога эътибор қаратилади: таълим мазмунини дифференциациялашдан мақсад шахсни ривожлантириш ва мактабни битирувчилар учун ихтисослашув танлови имкониятларини кенгайтириш. Ҳар икки ҳолатда ҳам, «қизиқишига қараб» танлов тамойилига амал қилинади. Шу билан бирга юқорида таъкидланганидек, ислохотнинг ўзига хос хусусияти бундай танловлар учун имкониятларнинг объектив равишда торайиб боришидир. Аста-секин «қобилиятига кўра» дифференциациялаш, «қобилияти ва қизиқишига кўра» билан алмашади.

«Қобилиятига кўра» дифференциациялаш жараёни тест синовлари, назорат иши ва имтихонларнинг муайян методикасига асосланади. Масалан, бундай имтихон тарафдорлари ўқувчиларнинг алоҳида қобилияти даражасида бажарган ишлари ҳисобига дифференциациялашга эришадилар, деб ҳисоблайдилар.

Ўқув материалларини ўрганишда уларнинг мураккаблик даражасига қараб таълим мазмунини дифференциациялаш ўқувчиларни турли гуруҳларга ажратишни тақозо қилади. Гуруҳларга ажратишнинг энг кўп тарқалган шакллари қуйидагилар:

- 1) ўқувчиларни параллел синфларга уларнинг қобилиятига қараб (бир синфга энг қобилиятли болалар, иккинчи синфга нисбатан қобилиятли болалар) ажратиш;
- 2) ўқувчиларни қобилиятига қараб параллел бир неча синфлардан иборат йирик гуруҳларга ажратиш;
- 3) у ёки бу предмет бўйича ўқувчиларнинг қобилияти ва ўзлаштиришига қараб вақтинчалик гуруҳларга ажратиш (бундай гуруҳлар барча параллелларда ёки синф таркибида ташкил этилиши мумкин);
- 4) турли қобилиятга эга бўлган ўқувчилардан аралаш гуруҳ-синфлар ташкил этиш.

Умуман, бундай дифференциациялаш старли даражада мослашувчан ва самарали бўлади.

Хуллас, таълим мазмуни ўзгараётган ҳозирги шароитда диф-

ференциациялаш стакчи бўгин ҳисобланади. Фаннинг ривожланиши ва мураккаб технологиянинг пайдо бўлиши билан боғлиқ равишда дифференциациялашнинг ҳам аҳамияти ортиб боради. Таълим мазмунини дифференциациялаш ислохотида ўқувчиларни юқори даражада интеллектуаллаштириш ва ихтисослик танлови учун шарт-шароит яратиш мақсад қилиб қўйилган. «Манфаати» ва «Қобилияти» бўйича танловда қобилиятлиларга устунлик берилади, бунга узоқ муддатли мўлжал сифатида қараш керак.

### 2.1.3. Мактаб таълим тизимининг вариативлиги ва унинг тузилмаси

Мактабда таълим дастурини стандартлаштириш ягона таълим маконини сақлашга хизмат қилади. Бунда ўқувчи бир мактабдан иккинчи мактабга ўтганда қийинчиликсиз ўқишни давом эттириши, шунингдек бошқа мактаб битирувчилари қаторида касбий таълим олишига имконият яратилади. Ўзбекистонда таянч ўқув режаси қабул қилинган бўлиб, бунга кўра мамлакатимиз ҳудудида мактаб босқичидаги таълим мазмуни ва натижаларига қўйиладиган талаб ягонадир. Мактабда таълим олишнинг барча шаклида давлат стандартларни бажариш мажбурийлиги бўйича шароит яратилади.

Шу билан бирга таълим дастурининг ягоналиги ҳозирги мактаб босқичидаги таълим эҳтиёжларининг хилма-хиллигига қарама-қарши чиқади. Бунда ўқитиш ва таълим ўртача ўзлаштирувчи ўқувчига мўлжалланади, шунинг учун унинг натижалари таълим дастури сифатига эмас, ўқувчилар қобилиятига ва ўқитувчилар маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади. Бир хилдаги тизимда педагогик жамоанинг куч-гайрати ўқувчилар томонидан барча учун мажбурий бўлган талаблари бажаришда энг юқори кўрсаткичларига эришишга йўналтирилган бўлади.

Ислохотлар жараёнида таълимнинг вариативлилик тизими кенг ёйилмоқда. Вариативлик — таълим тизимида юқори сифатни таъминлайди, бунда ўзгараётган таълим эҳтиёжлари ва имкониятла-



рига мувофиқ ўқувчиларга ўз қобилиятларига яраша таълим дастури ёки алоҳида хизмат турини танлашнинг имконияти яратилди.

Вариатив тизим мактаб таълим хизматидан фойдаланувчилар ва таълим жараёни таркибларини дифференциациялаш асосида вужудга келади.

Дифференциациялаш ўқувчиларнинг индивидуал эҳтиёжларига энг мувофиқ келадиган таълим дастури вариантини вужудга келтириш имкониятини беради. Мактаб ўқувчиларининг қизиқишига қараб тайёрланган таълим дастурининг вариантлари қанчалик кўп бўлса, таълим тизимининг вариативлиги ҳам шунчалик кўп бўлади. Бошқача айтганда, вариативлилик шундай таълим дастури ёки «таълим траекторияси» ибораси билан аниқланадики, бунда ўқувчилар ўз эҳтиёжи ва имкониятларига қараб танлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мактабнинг ташкилий тузилмаси таълим жараёни вариативлилик даражасига боғлиқ бўлади.

Таълим тизимининг вариативлиги – ўқувчилар таркибини табақалаштирадиган, уларнинг таълимий эҳтиёжлари ва имкониятларини аниқлайдиган, маориф хизматининг янги турларини ишлаб чиқадиган органлар тузилмасига эга бўлишни тақозо этади. Мактаб ўқувчиларини табақалаштириш, гуруҳ ва синфларни жамлаш танлов комиссияси ва педагоглар кенгаши томонидан амалга оширилади.

Вариативлилик янги курслардан дарс бериш ҳам, ўқувчиларнинг маълум тоифалари билан ишлаш ҳам меҳнатни ихтисослаштиришни ривожлантиришга, яъни ишлаётган ўқитувчилар ихтисослашувининг кенгайишига ёки янги мутахассислар жалб этишга олиб келади. Унинг ҳисобига мактаб жамоасининг сони ортади. Масалан, чет тили, информатика каби фанлардан ўқитувчилар (коллеж ва олий ўқув юрти), яъни махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассислар таклиф этилади. Ўқитувчиларнинг мажбуриятлари кенгайиб, энди улар ҳуқуқ, иқтисодиёт асослари курсларидан дарс ўтадилар.

Вариативлилик – таълим тизимини дифференциациялашни тақозо этади. Аммо дифференциациялаш ҳар доим ҳам вариативликка олиб келмайди. Бунга оммавий мактаблардаги анъанавий таълим тизими мисол бўла олади: у дифференциациялашган, аммо

вариативли эмас, чунки бу вазиятда меҳнат тақсимои вазиффалари битта таълим дастури доирасида ҳал этилади. Вариативли тизим, албатта, вариативли бўлмаган тизимлардан юқори даражада дифференциациялашган бўлиши керак.

Ишларни гуруҳларга ажратиш меҳнат тақсимои имкониятлари асосида, яъни таълим тизимини дифференциациялаш йўли билан амалга оширилади, аммо бунда унинг вариативлилиги ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди. Масалан, мактаб бир неча таълим даражасида дастурларга эга бўлса, бунда унинг тузилмалари бўлинмалари мавжуд дастурга мувофиқ ёки бошқа бирор асосда бир вақтнинг ўзида ташкил этилиши мумкин. Биринчи ва охириги ҳолатда вариативлилик ҳисобга олинади, иккинчи ҳолатда, яъни предметлар соҳалари бўйича гуруҳлаш ва ўқувчиларнинг йиллар бўйича ўқитишда ҳисобга олинмайди. Вариативлиликни ҳисобга олиб тузилмага тегишли бўлинмаларни ташкил этиш – вариантлар ўта дифференциациялаштирилган, яъни жуда катта фарқларга эга бўлган, бошқарув меҳнатини ихтисослаштиришни зарур қилиб қўйган ҳолатда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу муносабат билан юқори вариативлилик даражасидаги ва айни вақтда дифференциациялаштирилган таълим жараёни ўз тузилмаси таркибида кўплаб ихтисослашган бўлинмаларга эга бўлиши мумкин. Бир неча таълим дастури вариантлари бўйича ишлаётган ўқитувчи бир вақтнинг ўзида бир неча тузилмалари бўлинмалар таркибига кириши мумкин.

Вариативлиликнинг асосий мақсади педагогик жараёни индивидуаллаштириш имкониятларидан фойдаланишдан иборат.

Вариативли тизим мослашувчан бўлиб, дастур вариантларини ўзгартириш ва янгиларини ишлаб чиқишга мўлжалланган. Бу худди шундай мослашувчан тузилмани тақозо этади: унинг органлари вазиффасининг ҳар йили ўзгариши, янги тузилмалари бўлинмалар, бошқарув органлари ташкил этилиши керак.

Дифференциациялашга қарама-қарши бўлган яна бир жараён таълим тизимининг интеграциялашувидир. Дифференциациялаш - таълим тизимининг бўлинганлик даражасини белгиласа, интеграциялашув, аксинча таълим тизими ва унинг кичик тизимлари таркибидаги алоҳида элементларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини белгилайди.

Интеграцияга эҳтиёж дифференциациялаш, яъни меҳнат тақсимои туфайли сезилади. Тизимнинг интеграциялашув таълим

мақсади, мазмуни, шакли ва методлари унинг алоҳида тизимлари (бошланғич ва ўрта мактабларда ва алоҳида синфларда) ўртасида, таълим соҳалари ва ўқув предметлари ўртасида, асосий ва қўшимча таълим дастурлари ўртасидаги келишувлар асосида амалга ошади. Таълим тизимининг дифференциациялашиш ва интеграциялашиш даражаси турлича бўлиши мумкин.

Умумтаълим мактабларининг анъанавий тизими дифференциациялашув ва интеграция даражаси паст тизимга мисол бўла олади: унда дифференциациялашув жараёни синфлар ва предметлар, ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари бўйича амалга оширилган бўлиб, турли таълим жараёнлари ўзаро яхши боғланлигидир.

Дифференциациялашув даражаси паст интеграциялашган тизимга мисол тариқасида ёмон комплексланган, фанлараро ўқитиш дастурига эга бўлган мактабларни олиш мумкин: бундай мактабларда ўзига хос таълим муҳити, интеграциялашган педагогик жараёни вужудга келтириш анча қулай. «Болалар боғчаси - бошланғич мактаб» мажмуалари шундай тизимга мисол бўла олади. Куннинг иккинчи ярмида мактаб болалари «оила» тамойили асосида ташкил этилган катта ёшдаги боғча болалари ўртасида бўладилар, уларнинг таркибига тарбиячилар, кичик ёшдаги болалар ва мактаб ўқувчилари киради.

Нихоят, мактабда таълим жараёнининг дифференциациялашуви ва интеграциялашуви юқори даражада бўлган тизим ташкил этилиши мумкин. Унинг гоёси шундан иборатки, бунда жараёни индивидуаллаштириш, аммо ягона таълим муҳитини ва «таълим маршрути»ни ўзгартириш имкониятини сақлаб қолишдан иборат. Бунга таълим тизимини дастлабки табақалаштириш жараёни катъий амалга ошириш ҳисобига эришиш мумкин, масалан, даражали таълим «танлов» модели тузилиши, сўнгра махсус интеграция механизмлари ёрдамида дифференциациялашган кичик тизимнинг интеграциялашуви юз беради.

Интеграциялашган таълим тизимининг тузилишига оид асосий гоё шундан иборатки, бунда унинг дифференциациялашган элементларини бирлаштириш вазифаси туради. Таълим жараёни турли даражада интеграциялашган мактаб учун тузилманинг асосий муаммоси меҳнатни ихтисослаштириш ва кенг асослар бўйича ишларни гуруҳлаш, кичик тизимни интеграциялаш механизмларининг қулай усулларини топишдан иборат.

Таълим жараёни номигагина дифференциациялаштирилган

мактабда тизимни интеграциялаш учун тузилмали бўлинмаларни ихтисослаштиришни кенгайтиришдан фойдаланадилар. Бу гуруҳлаш ишларини кенг қўламда амалга оширишни тақозо этади. Масалан, агар ўқитувчилар фанлараро курсларни олиб борсалар ва фанларни қўшиб ўтказсалар, бунда ўқитувчиларни таълим соҳалари бўйича бирлаштириш мумкин, деган тушунча ҳосил бўлади. Агар ўқитиш ва тарбиялаш жараёни интеграциялашган бўлса (масалан, таълимни умумлаштирувчи таркиби кенгайтирилган), бунда ўқув-тарбиявий ишларни бошқаришга жавоб берувчи бўлинмаларни (бошланғич ва ўрта мактаб, синфнинг йиллик командаси бўлинмалари) ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Интеграцияни таъминловчи бошқа бир усул – бу махсус ташкил этилган механизмлардан фойдаланишдан иборат. Масалан, агар мактабнинг касбий ва қўшимча таълим берадиган муассасалар билан ўзаро алоқаси назарда тутилган бўлса, бунда мувофиқлаштирадиган махсус кенгаш ташкил этиш мумкин.

Тизимнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, турли интеграцион механизмлардан фойдаланса бўлади.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари, тўловли консалтинг ва таълимга хизмат кўрсатиш тизими ривожланади. Шундай қилиб, таълим соҳасида бозор муносабатлари таркиб топади. Таълим ва кадрлар тайёрлашнинг у ёки бу соҳада устуворлик бериш, энг аввало, шахс, давлат, жамият эҳтиёжларини аниқлаб олиш ймкониятини беради.

Шу асосда Миллий дастурнинг асосий қондаси «... инсон қобилиятини намоён этиш ва унинг хилма-хил таълимий эҳтиёжларини қондириш» амалга оширилади. Мазкур Миллий дастур қондаларини амалга оширишнинг ижтимоий ва инсонпарварона аҳамияти шундаки, бунда шахснинг ижтимоий фаоллиги, ҳаракатчанлиги, унинг ижтимоий жараёнда онгли равишда иштирок этиш имконияти анча ортади.

Миллий модель моҳиятига фалсафанинг чуқур ижтимоий аҳамиятга эга бўлган – «эркинлик» категорияси, яъни танлов ҳукуки сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ҳар бир шахс эркин таълим олиш, ва касб танлаш ҳукукига эга, Ўзбекистоннинг ижтимоий тизими буни тасдиқлаб турибди. Шуни

таъкидлаш керакки, эркинлик тушунчасининг ижтимоий ва хусусий кадр-киммати икки хил маънога эга.

Биринчидан, бу ҳар қандай ташки омилларга нисбатан мустақиллиги. Бунда бирор иктисодий, сиёсий, гоёвий кўрсатмалар доирасида «қолипга солиб қўйиш»дан холи эканлиги назарда тутилади. Эркин фикрловчи шахс моддий ва маънавий соҳада мустақил ҳаракат қила олади. Аммо бу унинг ҳаракатлари албатта асосли бўлади деган гап эмас. Унга интеллектуал, психологик, маданий, ҳуқуқий тайёргарликсиз таъминланмаган эркинлик-бузгунчилик, ғайриижтимоий ҳаракатларни келтириш мумкин. Тоталитар тузум эркин фикрлаш, мақсадга эришиш хусусиятини тарбиялаб қўймайди. Мазкур тузумда тарбияланган шахс, ўша тузум қулагандан кейин психологик ва интеллектуал жихатдан ночор бўлиб, тобеликнинг янги шакллари излайдилар. Буни СССР қулаш арафасидаги ижтимоий ҳолат мисолида кўриш мумкин.

Эркинликнинг иккинчи тарзида эса бу эркинликни чеклаб қўядиган кўрсатмалардан мустақилликка чиқиб олишгина эмас, айтиш жоизки эркин фикрлаш, шунингдек мустақил, маълум мақсадга қаратилган фаолият юритиш лаёқати кўзда тутилади. Бундай ҳолда инсон ўз моддий ва маънавий фаолиятини мустақил ташкил эта олади. Шахснинг мақсад сари ҳаракатлари интеллектуал, ахлоқий, маънавий имкониятлари билан белгиланади. Масалани шундай тушунган шахс жамиятда эркин бўлади. Бундай одамни сохта шиор ва чақириқлар билан чалғитиш мумкин эмас.

Конструктив эркинлик малакасини ривожлантириш Миллий дастурнинг таълимни ижтимоийлаштириш ва инсонпарварлаштиришга бағишланган «ўқувчиларда эстетик жихатдан бой дунёқараш, юксак маънавият, маданият ва ижодий тафаккурни шакллантириш» қондасини амалга ошириш орқали эришиш имконини беради.

## 2.2. Тарбиявий жараён субъектларининг ўзаро алоқалари самарадорлигини ошириш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига кўра ҳозирги замон фан, техника, технология ютуқларига мувофиқ, бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий аъёнларни ҳисобга олиб, ўқув-тарбиявий жараёнини ташкил этиш ва мазмунни тубдан ислоҳ қилишни давом эттириш лозим.

Таълим жараёнида шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш принципининг устуворлигини таъминлаш зарур. Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг самарали ташкилий педагогик шакллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш зарур. Бу миллий мафқурани, баркамол авлодни шакллантиришни таъминлайдиган маданий-тарихий аъёнлар, халқнинг урф-одатлари ва умуминсоний қадриятлар асосида амалга ошириш зарур. Бу фаолият Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг гоёси ва қоидалари доирасида амалга оширилади. Ҳозирга қадар бутун эътибор ташкилий-педагогик асосларни вужудга келтиришга, узлуксиз таълим мазмунини ишлаб чиқишга, ўқитишнинг самарали услубларини ва ахборот технологиясини излашга қаратилди. Тарбия масаласини хал қилиш учун илмий-методик асосларда миллий мафкурамизнинг асосий гоёлари синг-дирилиши зарур.

Маълумки, узоқ йиллар давомида ўқув-тарбия жараёнларининг ўзаро узвий боғлиқ бўлган бўғинлари, яъни шахсни тарбиялаш, ўқитиш, ривожлантириш тўла амалга оширилмаган эди. Таълим жараёни (унинг мазмун жиҳатидан, ташкилий ва методик таъминоти) асосан ўқини масалаларига қаратилган эди.

Таълимда методологик ёндашув масаласини қайта кўриб чиқиш керак. Ижтимоий-шахсий йўналтирилган таълим технологияси анча истиқболлидир. Бу таълим ва тарбиянинг ўзига хос технологиясига асосланган:

- ижтимоий-шахсий ҳаёт тажрибасига асосланган мунтазам давом этадиган жараён ҳисобланади;
- реал вазиятдан келиб чиқиб, зиддиятли ҳолатларда ижтимоий мослашув моделини ишлаб чиқишни тақозо этади;
- мавжуд амалдаги ҳолатга доим мослашиш жараёни ҳисобланади;

- шахслараро алоқаларни қамраб олади;
- шахснинг шаклланиш жараёнини йўналтиради.

Ижтимоий-шахсий йўналтирилган таълим ҳақиқий-амалий билимлар ёрдамида турли фанлардан аниқ материалларни ўрганишга даъват этади. Ўқувчилар ўрганган нарсалардан ўзи учун фойдали томонларни топади, билим долзарб шахсий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам бераётганлигини сезади. Бундай таълим мавжуд ижтимоий муаммоларни ва уларни ҳал этиш вариантларини кўриниш имконини беради. Умуман олганда, бундай таълим ўқувчиларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга чорлайди.

Ижтимоий-шахсий йўналтирилган таълим технологияси ва дастури:

- ёшларни жамият фаровонлиги йўлида масъулиятли ва долзарб фаолият турига жалб этади;
- ўқувчилар учун ижтимоий тажрибага муносабат билдириш имкониятларини вужудга келтиради;
- таълимнинг ва амалий ишларнинг аниқ мақсадини белгилайди;
- шахс эҳтиёжларини мумкин қадар эътиборга олади;
- фаолиятга жалб этилган ҳар бир одамнинг масъулиятини аниқ белгилайди;
- мавжуд шароитга фаол таъсир кўрсатиш учун шахс ва жамият эҳтиёжларини бирлаштиради;
- ижтимоий мажбуриятларни фаол ва масъулият билан бажаришни назарда тутлади;
- таълим ва жамият мақсадларини бирлаштиришни қўллаб-қувватлаш ва маъқуллаш, тренинг, назорат, мониторингни кўшиш;
- дастур аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳлари иштирок этиши ҳисобга олиниб ишлаб чиқилади.

Тарбия жараёнида барча субъектлар самарали фойда кўрсатишлари учун шароит яратиш ва унинг механизмларини шакллантириш ва таъминлаш зарур.

Амалда тизимнинг барча структурали элементлари бор - булар оила, узлуксиз таълим, маҳалла, жамоат таъкилотлари, жамғармалар, фан ва ҳ.к. Аммо улар, биринчидан, старли самара билан ишламайдилар, иккинчидан, асосий мақсад – етук шахсни камол топтира олмаётдилар ва янги ижтимоий онгни шакллантириш,

яъни миллий истиқлол гоёсини амалга ошириш борасидаги ўзаро алоқалари старли эмас.

Шу боис, тарбиявий ишлар мазмунини тубдан ўзгартириш, унга маълум мақсадга йўналтирилган, жўшқинлик, узлуксизлик каби сифатларини беришимиз керак. Тарбиявий-маърифий ишларда ура-урачилик, расмиятчилик ҳолатларини сиқиб чиқариш керак. Бунинг учун шахс эҳтиёжларига йўналтирилган тарбия шакли, воситалари ва методини ишлаб чиқиш ва жорий этиш керак.

Тарбия кенг маънода - махсус ташкил этилган, маълум мақсадга қаратилган авлоддан авлодга ўтадиган ижтимоий-маданий тажриба, шахс ривожланиши учун яратилган шарт- шароит. Тарбия тор маънода – бу болаларни жамият ҳаётининг аниқ вазиятига жалб этиш, унинг ривожланиши учун шароит яратиш бўйича катталарнинг биргаликда олиб борадиган аниқ фаолиятини билдиради.

Шу жиҳатдан Япониянинг тажрибаси эътиборга сазовор. Бунга кўра ҳафтанинг бир кунини таълим муассасаларида миллий тарих, анъаналар, кадриятларни ўрганиш учун ажратилади. Шу тажрибадан келиб чиқиб таълим тарбия борасида «Мустақил Ўзбекистон» кунини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар бу даврда бой миллий мерос (экскурсия, учрашув, мунозара, миллий спорт ўйинлари, байрамлар, халқнинг илгор урф-одатлари, фильмлар намойиши қилиш, миллий мусика тинглаш ва ҳ.к.орқали) билан яқиндан танишадилар, ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларда ва хайрия талбирларида (ҳашар, кекса фахрийларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам) иштирок этишлари мумкин.

Бу жараёнларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди, шунинг учун улар педагогиканинг ижтимоий-шахсий йўналишини жорий этадиган, шахсни ўзини-ўзи ривожлантириши учун шароит яратадиган мураккаб жараён сифатида қаралади.

Янгиланаётган жамият ўз аъзолари ўртасида биргаликда ҳаракат қилишга, толерантликка, ўзаро ёрдамга асосланган янги муносабатларни шакллантиради. Ижтимоий муносабатларнинг бу хил маънавий бойликлари таълим-тарбия жараёнида тўла ўз ифодасини топиши керак. Авторитар педагогикада ўзаро алоқалар ўқитувчининг ўқувчига педагогик таъсир кўрсатиши, катталарнинг фаол ҳаракати натижасида бола хулқида ўзгариш содир бўлиши, шунингдек катталарнинг тарбиявий кўрсатмаларига тайёр туриши



таъкилланади. Агар аввалги педагогика фаол ва бир томонлама таъсир кўрсатиш принципига асосланган бўлса, ҳозирги педагогика биргаликда (устоз-шогирд) фаолият кўрсатиш тамойили асосида ривожланмоқда. Бу фақат педагогларнинг янги авлоди етишиб чиққанлигини, уларнинг педагогик маҳорати ошганлигини назарда тутмай, балки тегишли педагогик ривожланиш вазиятини вужудга келтиришни мақсад қилиб кўяди.

Биргаликда ҳаракат қилиш, ҳамкорликда иш юритиш демократик тамойилларга, ҳамкорларнинг ҳолисона манфаатларига мос келади.

Педагог ва ўқувчи ўртасида шундай муносабатлар тизимини вужудга келтириш керакки, бунда биргаликдаги фаолият натижа-сида кўзланган мақсалга эришниш имконияти яратилсин, ишонч ва манфаатдорликка риоя қилсин, таълим жараёнида ҳар бир иштирокчи ўз қобилиятини намойиш этиш имконига эга бўлсин.

Ўқув-тарбиявий жараёниш муваффақиятли ташкил этиш учун унинг барча субъектлари: ўқувчи, синф ва ўқитувчи ўртасида, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида, ўқитувчилар, ўқитувчи ва маъмурият ўртасида инноклик ва ҳамкорлик зарур. Ўқувчилар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниши, ўқитувчининг назорати ва таъсир ўтказишига яққохонлигига қаршилик сифатида вужудга келиши мумкин. Масалан, ўқувчилар ўзаро келишиб олиб, дарс тайёрламай келиши ёки умуман дарсга келмасликлари мумкин. Ўқитувчилар эса кўпинча тарбияси қийин болалар ёки уларнинг ота-оналарига қарши бирланишлар. Бу шунинг учун ҳам юз берадики, илгариги таълимнинг талаби ўқув материалларининг ҳажминини барча баробар ва бир вақтда ўзлаштириши, шунга мувофиқ «ўртача» ўқувчини тайёрлаб чиқишга мўлжал қилинганлигида эди. Педагог доим ҳақ, ўқувчи доим ва мажбурий тарзда ўқитувчи кўрсатмасига тўла риоя қилиши, фикрланиш ва ҳаракат қилиши лозим эди.

Бир-бирини тушуниб етиш шундай фаолият асосида юз берадики, бунда ўқитувчилар меҳр ва ишонч қозониши керак, ўқувчилар эса ўз қобилияти ва қизиқишинини эркин амалга ошириш имконига эга бўлсин. Бир-бирини тушуниш пайдо бўлса, болалар ўқитувчи маслаҳатларининг тинглай бошлайдилар. Ўқитувчи ўқувчининг дўстига айланади, ҳар қандай огир вазиятда: ўқишда ва ҳаётда унга ёрдам беришга тайёр туради.

Ўқувчилар қобилияти ва истеълодини намойиш қилишга йўнал-

тирилганлиги, миллии ва умумбашарий қадриятларни ўзлаштирилганлиги, шахс, жамият ва атроф-муҳит ўртасидаги уйғун муносабатлар, «Устоз - шогирд» аъёналари асосида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида ўзаро ҳурмат мавжудлиги - таълимни инсонпарварлаштиришнинг асосий йўналишини белгилайди, бу субъектларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши ва ҳамкорлигини таъминлаш омилидир.

Бундай шароитда ҳар бир ўқувчи фаолиятининг маълум турлари бўйича ўз қобилиятини ишга сола олади ва бошқаларга ёрдам кўрсатади. Ўзаро тушуниш пайдо бўлгач, кучли ва кучсиз ўқувчиларга бўлинишлар барҳам топади. Ўзаро яхши муносабатлар натижасида ўқитувчи ўқувчи шахсини ва унинг ютуқларини қадрлайди. Шахсининг ривожланишини педагог ўртача меъёр билан ўлчамайди, у ўқувчилар имкониятларини ишга солиши, билимини ошириб бориши учун шароит яратиб беради.

Инсонпарварлик, уйғун муносабатлар шахс эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган педагогика доирасида алоҳида қимматга эга, бунда ўқитувчи тарбияланувчи билан шахсан яхши муносабатлар моҳиятини тушуниш имкониятини беради.

Бугунги кунда ўсиб келаётган авлод тарбия жараёнига жиддий аҳамият бериши зарур, биринчи навбатда, тегишли равишда ташкилий тузилма - болалар-ўсмирлар бирлашмаси ва ҳаракатларини вужудга келтириш керак. Мазкур тузилма қўлами, характери, фаолиятининг жуда кенг бўлиши, масалан, экологлар, табиатшунослар, спортчилар, тарихимиз билимдонлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Энг муҳими, булар болаларда қизиқиш уйғотиши, фаолиятлари мазмун жиҳатидан уларни бойитиши, пировард мақсади — етук шахсни шакллантиришга хизмат қилиши керак. Бунда ёшлар сиёсатини амалга оширувчи масъуллар, ёш авлод тарбияси билан шугулланувчилар, мавжуд давлат ва жамият тузилмалари — таълим вазирликларидан, то «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатигача бўлган идоралар фаолиятини тубдан ўзгартириш керак.

Ислом ва бошқа жаҳон динларининг инсонпарварлик асослари тўғрисидаги билимларни чуқур ўрганиш, экстремизм ва диний ақидапарастликнинг олдини олиш тадбирларини кучайтириш зарур. Аждолларимизнинг бой илмий-назарий меросларини илмий таҳлил қилиш ва ривожлантириш, ҳозирги жамиятда, маданиятда ва маънавий ҳаётда Ислом динининг ўрни, ро-

лини аниқлаб бериш, дунёвий давлат, фуқаролик жамият, кўп профессионаллик шароитида истиқболларини таъминлаш талаб этилади.

Миллий истиқлол гоёларини шакллантириш замирида болалар ва ўсмирлар учун ўқув-методик, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд адабиётларни ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш асосида халқнинг бой ижтимоий-маданий ва тарихий тажрибаси, унинг илгор анъаналари ва урф-одатлари, умуминсоний қадриятлари асосидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар нашрлари билан таъминлаш зарур. Бу жараёнга фан, маданият, санъатнинг энг кучли вакиллариини жалб этиш лозим. Лотин графикаси асосидаги ўқув ва оммабоп адабиётлар билан таъминлаш вазифаси алоҳида аҳамиятга эга.

Умумий ва касбий маданиятни амалга ошириш мақсадида бутун мамлакатимизни қамраб олган маданий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш керак. Бунда оммавий ахборот воситаларининг маърифий фаолиятини кучайтириш талаб этилади. Телевидение, радио ва болалар адабиётлар орқали омма билан мулоқотларни интеллектуаллантириш ва маънавий ахлоқий йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш ларкор. Оммавий ахборот воситалари «. . . мустақил ва реал тўртинчи ҳокимият сифатида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи ва эркинликларини амалга оширишнинг энг таъсирли воситаси» бўлиши баробарида, у демократик қадриятлар ва жамиятимиз мафкурасини ривожлантириши, ёшлар онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши зарур. Истиқлол ва демократия гоёлари, янги ижтимоий қадриятлар тарғиботи улар фаолиятининг асосий қисмига айланиши керак.

Тарбия жараёни — уни тиклаш, ривожлантириш ва ҳаётда жорий қилиш, таълим, миллий, маънавий-ахлоқий қадрият ва нормалар билан бевосита боғлиқ. Улар халқ педагогикаси, урф-одатлари, байрамлари, ўйинлари ва бошқаларда ўз ифодасини топади. «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маърифатпарварлар», «Олтин мерос», «Тарихчилар», «Файласуфлар» ва бошқа жамоат ташкилотлари, жамғармалари юқорида қўйилган вазифаларни ҳал этишда катта имкониятларга эгадир.

Шу асосда мамлакатимиз маданияти ва миллий санъатини ри-

вожлантириш бўйича талбирлар тизимини амалга ошириш зарур. Бунда таълим амалиётидан фойдаланиш, хорижда тарғибот ишларини олиб бориш, миллий ва халқаро танлов, фестивалъ ва бошқаларни ўтказиш муҳим ўрин тутди. Ёшларнинг бадиий ижодига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Кучли жамиятни шакллантириш - ўсиб келаётган авлоднинг ривожланиб бораётган ҳуқуқий маданиятини, фуқароларнинг янги ҳуқуқий тушунчаларини талаб этади. «Фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини ошириш бўйича талбирлар дастурини кенг ижросини таъминлаш, бунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқини билсин ва уларни ҳимоя қилсин». Ҳуқуқий фикрлашнинг эскича стереотипларидан воз кечиш зарур. Илгари қонун олдида ҳамма баробарлигига, инсон ҳуқуқи давлат ҳуқуқидан устуворлигига, инсон ҳуқуқи асосий бойлик эканлигига ҳеч ким ишонмас эди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш жараёнида ёш авлодга юксак маънавий-ахлоқий, демократик имкониятларни шакллантириш муҳим бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 9-сессиясида сўзлаган маърузасида шундай деган эди: «... ҳар бир миллат нафақат ўзининг ер ости ва ер усти табиий бойликлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш имконияти билан, балки биринчи навбатда, ўз юксак маданияти ва маънавияти билан ҳам кучлидир».

Ҳар бир инсон ахлоқий-маънавий, ижтимоий-маърифий, маданий-сиёсий сифатларига эга бўлиши, мустақиллик ҳояларига садокат билдириши, жонажон Ватанини севиши, унинг тараққиёти, халқ манфаати учун курашиши ва ниҳоят жамият тараққиётига ҳисса қўниши керак.

Тарбиявий-маърифий фаолият субъектларининг барчаси учун болалар ва ўқувчи ёшлар орасида асоциал хулқ олдини олиш, болалар-ўсмир ёндагилар жиноятчилигини тугатиш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш муҳим йўналиш ҳисобланади (мазкур материал таҳлилида Б.Зухуровнинг диссертация тадқиқотидан фойдаланилди).

Тарбияси «қийин» ўсмирлар аномаллиги ўқишда (ўқиши қийин, ёмон кечади, дангаса) ва хулқида (интизом ва тартибга риоя қилмайди) намоён бўлади. «Қийин болалар» - жамиятга зид йўна-

лишлагги, бекарор ахлоқли, ироласи бўш, педагогик таъсирига доим қаршилик кўрсатиб келувчи ёшлардир. Мактаб миқёсида улар кўп учрамайди (бир синфда икки-учтадан ошмайди). Аммо синф, мактаб ҳаётига, унинг ахлоқий муҳитига жиддий таъсир кўрсатади. «Қийин» болалар ўқувчиларнинг кам қисмини ташкил этса ҳам улар ўқув-тарбиявий ишларда барқарорликка жиддий тўсик бўладилар. Улар мактабда ва ундан ташқарида (оилادا, кўчада, дам олин жойларида ва ҳ.к.) тартибсизликни вужудга келтирувчилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам «қийин» болалар мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам ўқитувчи ва барча жамоат эътиборида туриши керак.

Тарбияси қийин бўлганларнинг келиб чиқишининг ижтимоий-психологик ва психологик-педагогик сабаб ва омилларини беш гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ноқулай оилавий муҳит, ота-оналари ўртасидаги зиддиятли вазиятлар.
2. Ўқингга бўлган қизиқишнинг пасайиб кетиши ва шу муносабат билан ўқишдан совиб кетиши (60-70 фоиз вояга етмаган жиноятчилар бир синфда икки йил ўқиган).
3. Ижтимоий фаоллиги паст ва мактаб жамоасида ноқулай ҳолат мавжуд.
4. Микромуҳитнинг салбий таъсири, салбий референт гуруҳ таъсири.
5. Бирор фаолият юзасидан ўз мойиллигини, қизиқишини намойи қилиш имконияти бўлмадлиги.

Қийин тарбияланиш - шаклланадиган, ривожланадиган ва ривожланиши узок вақт давом этадиган жараёндир. Тарбияси қийин болаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган педагогик ўқувсизлик ёки эътиборсизлик уч босқичга бўлинади. Биринчи босқичда «қаровсизлик аломатлари» дарҳол кўзга ташланмайди: унинг элементлари аста-секин йиғилиб боради; иккинчи босқичда тарбиявий ишлагаи камчиликлар, яққол кўзга ташланади, ўқувчининг «психологиясида салбий жиҳатлар шаклланади»; учинчи босқичда тарбияси «қийин бола оилادا, мактабда ажралиб туради, бола батамом педагогик назоратдан четда қолади».

Оила, маҳалланинг тарбиявий имкониятлари текширилганда маълум бўлдики, мактаб ёшидаги болалар ҳуқуқбузарлигининг

олдини олиш муаммосини хал қилишнинг айрим жиҳатлари мавжуд. Мактаб ўқувчисига оилада бсриладиган тарбия самарадорлигини ошириш қуйидагиларни тақозо этади:

- ота-оналар томонидан бола тарбияси учун ижтимоий жавобгарликнинг англанганлиги;
- мактаб, ўқитувчи томонидан оилавий тарбияга педагогик раҳбарлик юзасидан ота-оналарнинг эътиборини кучайтириш;
- болалар ва ёшлар тарбиясида мактаб, оила ва маҳалланинг келишиб биргаликда ишлаши.

Криминологик нуқтаи назаридан ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тизимида оилавий тарбия муҳим ўрин тутади. Бола хулқидаги салбий ўзгаришларнинг илдизи оилада ва мактаб жамоаси замирида яширинган бўлади. Шу боисдан уларни аниқлаш учун қуйидагиларни белгилаш муҳим:

1. Ота-оналар ва педагогик жамоа бола тарбияси учун ўз масъулиятини қанчалик ҳис этади, улар тарбиявий ишларни олиб бора оладиларми?

2. Ўсмир бола жиноятга қўл ургани учун жазоланиши керак бўлса, бундай ҳолларда турли жамоат ва давлат органларининг аралашувида ота-она қандай муносабатда бўлади?

3. Яшаб турган жойида жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш масаласига ота-оналар қандай қарайдилар?

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш хусусида турлича Қонун лойиҳалари тақлиф этилди, ана шулардан бирида ўсмир ёшдагилар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишнинг қуйидаги йўналишлари кўрсатилади:

- конституциявий тузумга қарши жиноий тажовузнинг олдини олиш;
- миллатлараро муносабатларни издан чиқаришга қаратилган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;
- жиноий жазога сабаб бўлувчи ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;
- вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;
- иқтисодий соҳада ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;
- муқаддам судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш.

Психологик-педагогик нуқтаи назаридан ўсмирлар билан ишлайдиган катта ёшдагилар қуйидаги қоидага риоя қилишлари лозим: кўп насихат қилаверманг; ўсмир ҳис-туйғуларини ҳурмат

килинг; ҳаётда мустакил бўлишга ўргатинг; кўп дакки бсраверманг; дўк-пўписа килманг.

Катталарга қараганда болаларда салбий фсъл-атворни кўпрок кузатиш мумкин. Бугун вояга етмаганлар жинояти, эртага катталар жиноятига айланиши мумкин. Бу хулоса ҳукукий сиёсат юритишда ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Вояга етмаганлар орасидаги жиноятчиликнинг тузилмаси ва вояга етмаганлар жиноятчилик фаолиятининг тахлили ёшлар ҳукукига муносабат билан белгиланади. Шундай қилиб, вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабабларини тушуниб стиш учун ижтимоий-ҳукукий назорат тизими механизмини ўрганиш зарур.

Тарбиянинг табиий ва ижтимоий моҳияти ўзаро алоқадорлигидан келиб чикиб, олдини олиш фаолиятининг интеграцияси юз беради:

- шахснинг ҳали намоеън бўлмаган истсъдод кирраларини ривожлантириш;
- таълим-тарбия, ривожлантириш жараёнининг мақсадга мувофиқ йўналиши;
- индивидни ижтимоийлаштириш, яъни шахсни ҳар жихатдан ривожлантириш, мамлакатнинг қонунга бўйсунувчи фуқаросини тарбиялаш учун қулай ижтимоий-педагогик шароит яратиш.

Вояга етмаганлар қасрда бўлишидан қатъи назар бўш вақтларида ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлишлари, дам олиш соатлари, яхши ташкил этилган бўлиши керак. Бунда маҳалланинг вояга етмаганлар ва ёшлар билан яшаш жойларида иш олиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Мактаб ва ички ишлар органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекция ходимлари ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича ўз ишларини шундай ташкил этишлари керакки, токи ёшлар ёмон одамлар таъсирига тушиб қолиб, ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этмасин. Вояга етмаганларни ўз вақтида жиноятга қўл уришдан сақлаб қолиш керак. Бунинг учун ушбу тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- а) мактабгача ёшдагилардан бошлаб ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ва хулкни шакллантириш;
- б) ҳамма босқичда барча воситалар билан, ўсиб келаётган авлодда миллий истиклол ғояси, сиёсий маданият ва ҳуқуқий онг принципларини шакллантириш.

Ватанга муҳаббат, давлатимизнинг байроғи, герби, гимни ва

бошқа миллий рамзларга ҳурмат - қонунга бўйсунувчи фуқароларни, ватанпарварларни шакллантиришда қудратли восита ҳисобланади.

Ижтимоий-педагогик бошқарув ва ижтимоий жараёнларни назорат қилиш объекти сифатида ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш мактаб, ички ишлар бўлими, вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш органларининг биргаликдаги тадбирлари тизими доирасида амалга оширилиши керак. Шундан келиб чиқиб дастлабки талаблар олга сурилади: асосий эътиборни жиноятни дарҳол олдини олишга қаратиш; мазкур фаолият самарадорлиги учун хизмат қиладиган объектив жараёнлар ва ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш; тарбиянинг ноқулай шароитига ва шахсни нотўғри йўлга киришнинг бошланишига ўз вақтида эътибор бериш мақсадида ижтимоий-педагогик истиқбол методларидан фойдаланиш; ўсмир шахсининг индивидуал-психологик ва ижтимоий сифатларини ҳисобга олиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифаларини ҳал қилиш доирасида узлуксиз таълим ва тарбия тизимининг энг асосий устувор мақсади «мустақил дунёқарашга ва замонавий тафаккурга эга бўлган, ажлодларимизнинг бебаҳо мероси ва умумбашарий қадриятларига таянадиган иймон-этиқоди бутун ва ахлоқий баркамол, уйғун ривожланган шахсни» шакллантиришдан иборатдир.

Бу мақсадга тобора авж олаётган демократик ислохотлар мамлакатда янгича ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш, халқ менталитетига мустақиллик йилларида таркиб топган, янги қадриятларни сингдириш учун қулай шарт-шароит яратиш баробарида эришилади.

Бу мураккаб жараён узоқ давом этади. Шунга кўра барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари, энг аввало, узлуксиз таълим тизими идоралари ва муассасалари ўз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ижтимоий ҳаёт, ижтимоий тарбия ва мақсадли таълим - тарбия жараёни - шахсни шакллантиришнинг асосий омилларидир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1994 йил 29 декабрдаги 332-сонли буйруғининг иловасида келтирилган методик тавсиялар мазкур ишларни амалга оширишда муайян ёрдам беради.



Педагогик жамоалар, маҳалла бошқарувлари, ота-оналар кенгашига тарбияси кийин ўсмирларга таъсир кўрсатишнинг чоратадбирлари ва механизмлари таклиф этилган, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекторларнинг вазифалари доираси кенгайтирилган ва конкретлаштирилган.

Оила - жамиятнинг бирламчи бўғини сифатида кўп асрлик анъаналар, урф-одатларга таяниб яшайди. Оила халқнинг таянчи, маънавий ва ахлоқий мерос маконидир. Оила тажрибасини анъана, урф-одатлар, маросимлар замирида ижтимоий ҳаёт тушунчаси ва қоидаларини авлоддан-авлодга ўтказиб келади. Миллий истиклол гоёсининг куртаклари, энг аввало, оилада униб-ўсади. Бу жараёнга ота-оналар ва болаларнинг ҳамкорлиги, қариндошларнинг ўзаро ёрдами, катталарга иззат-икром кўрсатиш, болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш каби соф инсоний меҳр-оқибат ришталари таъсир кўсатади.

Оилалаги соғлом муҳит — юксак маънавий-ахлоқий хислатларни шакллантириш кафолатидир. Оила, мактаб ва вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясининг ижтимоий-педагогик имкониятлари, уларнинг қонунга бўйсунувчи фуқароларни тарбиялаш юзасидан биргаликда олиб борган ишлари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишни таъминлайди.

Вояга етмаганлар психикаси ва ёш хусусиятларини, вояга етмаганлар шахсини шакллантиришнинг ўзига хос томонлари ва оила тарбиясини ҳисобга олиб, ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликни содир этиш сабаблари ва асоциал хулқи қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ички сабаблар, вояга етмаганларнинг психологик ва ёш хусусиятларини, оиладаги салбий вазият ва оила тарбиясидаги камчиликларни ўз ичига олади.

2. Ташқи сабаблар жумласига умумтаълим мактаблари, иш жойида таълим-тарбиявий ишларнинг старли эмаслиги, вояга етмаганларнинг дам олиши ёмон ташкил этилгани, атрофдагилар, шу жумладан, катта ёшдагиларнинг салбий таъсири, иш билан банд эмаслиги, назоратсиз қолиши ва бошқаларини киритиши мумкин.

3. Вояга етмаганларни жиноят содир этишга олиб келган шарт-шароитлар. Бунга ичкиликбозлик, алкоголизм ва гиёҳвандлик (токсикомания) киритилади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг ижтимоий-педагогик олдини олиш таълим-тарбия ва жиноятга қарши кураш жараёнининг таркибий қисми сифатида уни ташкил этиш маълум тамойиллар асосида олиб борилиши керак. Бунга қуйидагиларни кириштиш мумкин: тезкорлик, эҳтиёткорлик, табақалаштириш ва индивидуаллаштириш, изчиллик, мунтазамлик, яхлитлик.

«Маънавият ва маърифат» Республика марказида маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифат ишларини амалга ошириш йўналиши, шакллари ва методлари.

Маънавий-ахлоқий ва маърифий тарбия жараёнлари давлат сийсатининг устувор йўналишларидан эканлиги И.А.Каримов томонидан таъкидланган. Маънавий ахлоқнинг вужудга келиши жамиятни қайта куришга нисбатан узокрок давом этадиган ва қийин амалга ошадиган жараён ҳисобланади.

Қадимдан давом этиб келаётган маънавий ахлоқ, урф-одатлар, анъаналар тарихи кўпгина халқлар томонидан яратилган умумбашарий кадрият, шунинг учун ҳам уни илмий стандартлар билан қислаш, бирон бир муайян мафкура доирасида чеклаш мумкин эмас. Бу тушунча инсоният учун, ҳар бир халқ учун, ҳар бир оила ёки шахс учун бебаҳо бойлик ва мулк ҳисобланади.

Ана шу меросни ўзлаштирган ҳар бир шахс ўз ақлий, маънавий ва маданий ривожланиш даражасида уни янада такомиллаштириб, келгуси авлодга мерос қилиб қолдиради. Президент И.А.Каримов «маънавийлик ва ахлоқийлик» деган мураккаб тушунчани содда қилиб ифодалаб берди. Инсон учун маънавий ахлоқ ҳаво билан сувдай зарур. Чўлда йўловчи булоқдан ўз чанқоғини қондиради, худди шундай инсон маънавий ахлоқ манбаини қидиради, кўпгина азоб ва қийинчиликлардан ўтиб, маънавий ахлоқ жилгасини топади. Замин, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўшнилари, халқ, давлат истиклолига садоқат, инсонга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик - булар маънавий ахлоқ моҳиятини англатади, санаб ўтилган мазкур тушунчаларнинг саноқи жуда кенг.

Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифат ишларидан асосий мақсад давлат мустақиллиги шароитида ўқувчилар ва талабаларга ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, шахсий камолот йўлини аниқлаб олишини маърифий таъминлашдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида маънавий-ахлоқий тарбия, маърифий ишлар кадрларни тайёрлаш тизими ривожланишининг муҳим йўналиши сифатида белгиланади.

Бу мақсадга эришишнинг амалий жиҳатдан ҳал қилиш лозим бўлган вазифалари қуйидагилар:

- маънавий-ахлоқий тарбия моҳияти, шахснинг камол топиши, инсоннинг фаол фаолияти жараёнида яратиладиган илмий ва методик муаммоларни мунтазам ўзлаштириб бориш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар усуллари, миллий, умумбашарий, диний мерос ва кадриятлардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар жараёнини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини самарали қондириш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўйича зарур иш режасини тузиш, уларни амалга оширишни назорат қилиш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўйича амалий қоидалар ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўйича тадбирларга таълимнинг барча босқичларида устувор аҳамият бериш;

- ҳуқуқбузарликка барҳам бериш ва ҳуқуқий таълим бўйича ишларни ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан биргаликда амалга ошириш;

- ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларни уюштириш масалаларига бағишланган илмий, методик ва амалий адабиётлар, қўлланмаларни тайёрлаш, уларни оммавий нашр эттиришни таъминлаш;

- ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш;

- ўқув юртларининг ётоқхоналарида яшайдиган талабалар ва ўқувчилар эҳтиёжлари устидан доимий назоратни таъминлаш;

- спорт соғломлаштириш мажмуалари, коммунал хизмати, ўқувчи ва талабалар маданий дам олиш муассасалари мунтазам ва сифатли ишлаб туришини таъминлаш;

- кўп болали оилалардан чиққан, кам таъминланган ўқувчилар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича доимий иш олиб бориш;

- таълим муассасаларини ота-оналар, маҳалла бошқарувлари,

хайрия жамғармалари ва маҳаллий ҳокимлар билан биргаликда келишиб ишлашни таъминлаш;

- ўқув юртларида маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар ўтказишни мунтазам ёритиб борувчи кўп тиражли газеталар чиқиб туришини таъминлаш;

- талаба ёшлар ўртасида танловлар, фестиваллар, олимпиада, спартакиада ва бадий ҳаваскорлик тўғарақларини ташкил этиш, кўرғазмаларни доим ўтказиб туриш;

- республикада, вилоятларда ва шаҳарларда ўтказиладиган турли ижтимоий тадбирларда профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшлар иштирокини таъминлаш;

- «Маънавият ва маърифат» маркази билан яқиндан алоқа ўрнатиш ва ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича биргаликда тадбирлар ўтказиш;

- Ўзбекистонда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш учун ёшларда масъулият туйғуси ва бурчини шакллантириш;

- Миллий маданий марказлар билан яқиндан алоқа ўрнатиш, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича биргаликда иш олиб бориш, ёшларда бошқа халқлар тарихи, маданияти, қизиқишига ҳурмат билан қараш туйғусини шакллантириш;

- ёшларни аждодларимизнинг бой мероси билан таништириш учун қадимий шаҳарларга ва музейларга экскурсиялар уюштириш;

- маънавий-ахлоқий тарбиянинг таъсирли воситаси бўлган халқ ва она-юрт ўтмишини куйловчи музей экспонатлари билан ёшларни мунтазам таништириб бориш;

- аниқ режа асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни назарда тутиб, ёшларнинг касб танлашида уларнинг онгли муносабатларини шакллантириш;

- ўқувчиларни мусика-бадий маданият даражасини ошириш, ёшларни жаҳон ва миллий бадий, мусикавий маданият дурдоналари билан мунтазам таништириб бориш;

- радио, телевидение ва матбуотда маънавий-ахлоқий тарбия мавзусида чиқишлар ташкил этиш, миллий маънавият ва ахлоқ масалаларини кенг тарғибот қилиш;

- тарбиявий ишларнинг хилма-хил йўналишлари самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш.

Жамоат ташкилотлари, қорхона ва муассасаларнинг ташаб-

буси билан мамлакатимизда «Маънавият ва маърифат» республика Кенгаши ташкил этилди. Унинг ижроя органи - Маънавият ва маърифат маркази тасдиқланган низоми ва истикбол режасига мувофиқ ўз ишларини ташкил этади. Марказ маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифат билан боғлиқ фаолиятини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, муассаса қасаба уюшма ташкилотлари, «Соғлом авлод учун», «Оила», «Экосан» бошланғич ташкилотлари, хотин-қизлар кўмиталари, педагоглар ва талабалар кенгашлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан келишган ҳолда олиб боради. Тарбиявий ишларда тажрибали тарбиячилар, оқсоқоллар, маҳалла бошқарувлари ва ҳ.к. тавсиялари ва фикрлари ҳисобга олинади.

«Маънавият ва маърифат» республика марказининг тарбиявий-маърифий ишларини амалга ошириш бўйича қандай амалий тadbирлар кўрилмоқда?

Биринчи навбатда - «Маънавият ва маърифат» республика маркази кенг тармоқларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, иш методлари ва шакллари тақомиллаштириш ва муваффақиятли таъсир кўрсатишларини таъминлашдан иборат.

Марказ иш йўналишларидан бири - Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати кўрсатмаларини ўз вақтида ўқувчилар, талабалар, профессор-ўқитувчилар таркибига ва ташкилотларига уларни ҳар томонлама ўрганиш учун стказиш. Бунинг учун таълим ва тарбия билан шугулланувчи барча муассасаларда турли учрашувлар, мунозаралар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ва бошқалар ўтказилади.

Ёш авлод тарбияси билан шугулланувчи таълим муассасалари ўқитувчилари «Маънавият ва маърифат» маркази билан қуйидаги мавзуларда суҳбатлар уюштиришлари мумкин:

1. Миллий, диний ва умумбашарий кадриятлар.
2. Миллий истиклол гоёси: маъно ва моҳияти.
3. Ажойиб кишилар ҳаёти ва кўп қиррали ижодий фаолияти.
4. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатни асраш.
5. Ҳаётга муҳаббат ва камолот сари интилиш, билимга ҳавас қўйиш.
6. Ҳалқимизнинг улуг маънавий мероси.
7. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат.
8. Атрофимиз нақадар гўзал.
9. Санъатдаги ҳаёт.

10. Юкори ахлокли шахс.

11. Жамиятда шахсининг роли.

12. “Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз” ва бошқалар.

Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни йўлга қўйиш ва ривожлантириш ўқувчиларни индивидуал ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида уларнинг интеллектуал имкониятлари, билимлари ва эҳтиёжлари эътиборга олиниб ўтказилади.

«Маънавият ва маърифат» марказининг маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларини амалга ошириши тўрт босқичга бўлинади. Бунда болалар ва ўсмирларнинг ёшларига қараб иш шакли, методи ва воситалари қўлланилади.

1-босқич. Бошлангич босқич - мактабгача таълим муассасаларида ва оилада маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар назарда тутилади.

Халқ оғзаки ижодининг турлари хилма-хил: болаларда ҳурмат ва муҳаббат туйғулари, шон-шараф ва қадр-қиммат хусусиятларини ривожлантирувчи эртақ, дoston, афсона, халқ мақоллари. Мисоллар воситасида ахлоқий, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан таништириш, уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, ижодкорлик, яратувчилик, табиатга нисбатан муҳаббат уйғотиш юзасидан шарт-шароитлар вужудга келтириш. Оилада ва жамиятда, тўғарақларда, болалар боғчасида ахлоқ қоидалари билан таништириб бориш.

2-босқич. Умумтаълим мактабларида маънавият, ахлоқ асосларини шакллантириш.

Умумий ўрта маълумот берувчи таълим муассасаларида тарбия жараёни икки даражага бўлиб ўтказилади:

1) бошлангич таълим учун (1-4-синфлар);

2) умумий ўрта таълим учун (5-9-синфлар);

бошлангич мактабда тарбиявий ишларни такомиллаштиришга йўналтирилган дастурда қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

а) маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларни таъминлашга йўналтирилган фильмлар, адабий асарлар яратиш, улардан машгулотларда ва дарсдан ташқарида фойдаланиш, улар юзасидан мунозара ва мусобақалар ўтказиш;

б) улуг аждодларимиз, юбилейлар ва байрамлар саналарига бағинланган адабий кечалар, бадиий чиқишлар ташкил этиш.

5-9 синфларда маънавий ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

ўтказиш:

а) бошлангич касб-хунар малакаси, миллий хунармапдчилик-ка йўналтирилган ишлар ва мангулотлар;

б) экологик тарбия, экология, табиат муҳофазасига оид билимларни ўзлаштириш;

в) соғлом ҳаёт тарзи ва хавфсиз ҳаёт фаолияти асосларини шакллантириш;

г) диний таълим ва халқ оғзаки ижоди материалларидан фойдаланиш;

д) ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ўқувчи ёшларга жамият олдидаги бурчи ва масъулияти тўғрисида тушунтириш.

Булардан ташқари мактабда ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар - кизлар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича дастур, дарслик ва ўқув қўлланмасини яратиш, оила қуриш, зарарли олатлар, алкоголизм ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

3-босқич. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидаги маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар.

Бу босқичда қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

1) ўқувчиларда инсонпарварлик ғоялари ва тамойиллари, фидойлик, ватанпарварликни янада шакллантириш бўйича фаолият кўрсатиш;

2) миллий ўзлигини англаш, истиқлол ва демократик ғояларга садоқат, миллий гуруҳни тарбиялаш;

3) махсус адабиётларни ўрганиш, экологик маданиятни шакллантириш, шахснинг ички ва ташқи гўзаллигини, бадиий дидини ривожлантириш;

4) ўқувчилар ишлаб чиқариш асослари ва ишлаб чиқиш муносабатларини, меҳнат интизоми қоидалари ва меҳнат тўғрисидаги қонун асосларини ўзлаштириши учун семинар ва конференциялар ўтказиш;

5) маънавий-ахлоқий қадриятлар, миллий расм-русумлар ва анъаналарни шакллантириш, оилавий ҳаёт маданиятини тарбиялаш учун адабий-бадиий кечалар ўтказиш, маҳалла фаоллари ва намунали оилалар билан учрашувлар уюштириш.

4-босқич. «Маънавият ва маърифат» марказининг олий таълим муассасаларидаги фаолияти.

1. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларга жавоб берувчи биринчи проректор қуйидаги бўлимлар фаолиятини таш-

кил этади:

- «Маънавият ва маърифат» марказининг олий ўқув юртидаги бўлими;

- талабалар орасида маънавият ва маърифат масалаларига бағинланган семинар, диспут, конкурс ва турли учрашувлар ўтказилади;

- Миллий истиқлол гоёсини ёшлар онгида шакллантириш чораталбирларини амалга оширади;

- Ижодий конкурс, спорт мусобақалари, талабаларнинг чиқишлари, ишларнинг кўргазмаларини ташкил этади;

- маданият саройи (клуби), жисмоний тарбия ва спорт муассасаси;

- наприйёт ва кўп тиражли газета ташкил этиш;

- талабалар (ётоқхона) мажмуаси, жамоатчилик комиссиялари.

Бундан ташқари, талабаларнинг ота-оналари билан яқиндан алоқа ўрнатилади, яхши ўқийдиганларни рағбатлантиради, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлайди.

### 2.3. Фуқаролик асосларини шакллантириш

Фуқаролик жамиятини барпо қилиш фуқаролик асосларини, яъни фаол фуқароларга хос қарашда бўлган миллий гуруҳ ва фахр хис-туйғуси мавжуд шахсни шакллантириш таълим жараёнига махсус талбирлар жорий этиш зарурлигини шарт қилиб қўяди. Фуқаролик — бу умумтаълим ва касб-хунар, маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий билимлар, бўлиб, шахсга: демократик фуқаролик жамиятида фаол иштирок этиш; мустақил ва танқидий фикрловчи, кўп фикрлан шароитида ўйлаб ҳаракат қилиш, миллий гуруҳ ва фикрнинг шаклланишини таъминлаб бериш, ўзини сафарбар эта олин ва бошқаларга кўмаклашадиган хусусиятларни уйғунлантириш имкониятларини беради.

Фуқароликни тарбиялаш — ахлоқий асослар ва интеллектуал танқидий иқтидорларнинг ўзаро таъсири таъминланадиган шароитга амалга ошади. Фуқароликни шакллантиришни таъминловчи махсус ўқув курсларини таълим тизимида ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш вақти келди. Ўқув курсини тарихий манбалар, ҳуж-



жатлар, тарих ва адабиёт, тилнинг ўзаро алоқадорликда, мамлакат ижтимоий маданияти билан тарихий мулоқотнинг таркибий қисми сифатида қараш керак.

Шу боис таълим ва касб-хунар дастури, фуқаролик ривожлантирадиган қуйидаги асосларга таянади:

1. Ўқувчиларнинг потиклик санъатини эгаллаши, тилшунослик ва адабиётдан билим даражасини ва унинг самарадорлигини оширади. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

- адабий тайёргарлик ишларида мазмун ва ўқув талқиқоти алоқаси;

- лойиҳаларда талабаларнинг иштироки, унга қизиқини ва жавобгарлик олинган ҳолатларни тақдирлаш;

- тарбиявий ҳамкорликни таъминлаш ва бунга ўқув-талқиқот ишининг бир қисми сифатида қараш;

- ўз гоёларини амалда қўллаш;

2. Ўқувчиларнинг ёзма лойиҳаларини жамоат ҳаёти, реал шaroитлар билан боғлаш юқори иқтидорлик даражасини таъминлайди, унга қуйидагилар кирди:

- янги муаммоларни ҳал қилишда умумлашган принциплардан фойдаланиш қобилияти, мустақил фикр юритиш;

- таҳлил методлари, жумладан фараз ва хулосаларни баҳолашни ривожлантириш, факт билан унинг талқини ўртасидаги фарқни, танқидий саволларни ифодалаш;

- танқид маҳоратини ривожлантириш. ўз рухий ҳолатини белгилаш.

3. Маланий манбаларни ўрганиш - фуқаролик таълимини ривожлантиришнинг самарали усули бўлиб, бу жараён қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- демократик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- фуқаролик бурчи мазмуни ва аҳамиятини тарихий, ижтимоий, маланий, фалсафий жиҳатдан асослаш;

- демократик жамиятда фуқароликнинг ахлоқий мазмуни;

- фуқаро ва давлат ўртасидаги ахлоқий муносабатларнинг ўзаро мажбурият билан боғлиқ табиати;

- ўқувчилар уюшмасидан иборат иқтисодий, ижтимоий ва маланий гуруҳлар ранг-баранглигини чуқур англаш;

- маланий бойликлар ўртасида узвий боғлиқлик (анъанавий ижтимоий фанлар, тил, илм-фан асослари, фалсафа, санъат, та-

рих ва уларга яқин билимлар) ва касб-хунар тайёргарлиги, шунингдек шахсий ривожланиш.

Демократик маданиятни ривожлантирадиган ўқув курслари тарихий манбалар, ҳужжатлар, тегишли адабиётларнинг ўзаро алоқдорлиги натижасида вужудга келади. Бу курс талабаларни ўз мамлакати ва бошқа давлатлар мисолида фуқаролик тизимининг қадриятлари муҳокамасига бағишланган мунозара ва танқидий таҳлилларга жалб этишни керак. Ва ниҳоят, бу курс фуқаролик қадриятлари билан яшайдиган ва ривожланидиган маънавий-маданий мерос ҳамда пўтқ маданиятини ўрганишни керак. Зеро талабалар ўз Ватанининг ўтмиши, ҳозирги даври ва келажаги, фуқаролик жамиятининг тараққиёти билан қизиқиши ва ҳаётининг эътиборли томонларини тушунтириб бера олишлари керак.

Фуқароликни шакллантиришга ривожланишнинг инновацион усули деб қараш ҳам мумкин. Шундай қилиб, ўқувчилар тегишли билим ва маҳоратни эгаллаб, бошқалар билан бўладиган амалий ишда қўллайдилар, бу уларни келажакда ўз мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига фаол кириб боришига ёрдам беради.

## 2.4. Соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш

Ёш авлодни миллий мафкура асосида тарбиялаш, сўзсиз, жисмоний ва психологик саломатликни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантиришни тақозо этади. Ёшларда фаол ҳаётий нуқтаи назарни, ахлоқини, юқори даражадаги эзгулик ва инсонпарварлик идеалларини тарбиялаш – жисмоний тарбия ва спорт воситаларидан, шакллари ва методларидан фойдаланишда биринчи даражали аҳамият касб этади

Ўқувчи ёшлар бўлиш вақтини фаол шакли бўлган оммавий спорт машғулоти билан таъминловчи яхлит тизимни вужудга келтириш ва уни амалга ошириш учун киришиш зарур. Мамлақатимизда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» бутунлай янги қонун тайёрланди, болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ ҳукумат қарори қабул қилинди, уч босқичли: «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Одамлар онгида соғлом авлодни шакллантиришга нисбатан туб ўзгаришлар юз бераётгани ҳаммадан ҳам муҳимроқдир. Катта ёш

даги авлодларимиз, келинлар ўз болалари ва неваралари билан спорт иншоотлари томон бораётганлиги оддий ҳолатга айланиб қолди. Буларнинг натижасида бизнинг спортчиларимиз халқаро кураш майдонларида яхши муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар, спорт ва физкультура ҳаракатларига тобора кўпроқ ёшлар келиб қўшилмоқдалар.

Яқин келажақда болалар ва ёшлар соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашнинг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат (улардан кўпчилиги Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш доирасида амалга оширилмоқда);

- ўқувчиларнинг ҳар йилги кўрикларининг шакли ва методи такомиллаштириш, бунида скрининг-дастур, автоматлашган тизимдан фойдаланиш (мазкур йўналиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 203-сонли 13 май 1998 йилдаги қарорларига мувофиқ амалга оширилмоқда);

- ҳар бир таълим муассасаларида тиббиёт хоналарини ташкил этиб, уларни штат ходимлари, махсус тиббий анжомлар билан таъминлаш;

- ўқув-тарбия жараёнини соғломлаштириш йўналишини таъминлаш, ўқув ва жисмоний вазибалар иш тартибининг самарали шаклини, методи ва воситаларини жорий этиш, ўқувчиларнинг ақлий ва психологик зўриқишининг олдини олиш тadbирларини амалга ошириш (бу кўрсатилган йўналиш давлат таълим стандарти орқали мактаб амалиётига жорий қилинади);

- санитария ва гигиенанинг барча аспекти бўйича (сув таъминоти, канализация, ёритиш, мебель ва ҳ.к.) меъёр ва талабларни қаноатлантирувчи тегишли ўқув ва тарбия шароитларини яратиш;

- таълим бошқаруви органларида тиббий-психологик маслаҳат ва диагностика хоналарини ташкил этиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 203-сонли қарорига мувофиқ шахар ва туман халқ таълими бўлимларида ўқувчиларнинг касб-хунарга йўналтирилган ва психологик-педагогик диагностика Маркази ташкил этилган);

- жисмоний тарбия ва соғломлаштириш тadbирлари, оммавий спорт ҳаракатлари комплексларини такомиллаштириш, мактаб ўқувчиларининг тиббий-гигиеник маданиятини шакллантириш, кўрсатилган бу жараёнларни тиббий ва моддий жиҳатдан таъминлаш;

- болалар ва ёшларнинг жисмоний таълим давлат стандартларини ишлаб чиқиш (улар давлат таълим стандартлари умумий ўрта таълимининг таркибий қисми бўлиб қолади);

- оммавий ахборот воситалари ва илмий-оммавий адабиётлар орқали соғлом ҳаёт тарзини кенг тарғибот қилиш, шунингдек зарарли одатларга қарши (чекиш, гиёҳвандлик ва ҳ.к.) талбирлар ўтказиш;

- болалар ва ўсмирлар саломатлигидаги турли оғишларни тузатиш бўйича ишларни такомиллаштириш;

- болалар ва ёшлар соғлигини муҳофазаси бўйича Координация маркази ва уларнинг худудий бўлинмаларини ташкил этиш;

- заиф ва тез-тез касалга чалиниб турадиган болалар ҳақида тегишли маълумотлар банкни ташкил этиш, уларнинг соғайиши ва ривожланиши устидан мониторингни таъминлаш;

- болалар ва ёшлар орасида олиб бориладиган тиббий-психологик, соғломлаштириш ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш;

- болалар ва ёшлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича мониторинг тизимини ишлаб чиқиш, амалга ошириш.

Таълим-тарбия жараёнининг соғломлаштириш йўналиши (ТТЖСЙ) қуйидагиларни тақозо этади:

1. Мактабда ҳозирги таълим жараён бир-бирига боғлиқ бўлган таълим-тарбия бериш, шахсни ривожлантириш, камолга етказиш ва соғломлаштириш каби талбирларни амалга ошириш.

2. ТТЖСЙ педагогик ва тиббий-санитария тизими томонидан ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга, уларнинг тиббий-гигиеник маданиятини ошириш.

3. Кўрсатиб ўтилган бу жараёнларнинг иштирокчиси – ўқувчилар, педагоглар, маъмурият ва мактаб тиббиёт ходимлари, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт бошқарув органлари, ота-оналар, жамоат ташкилотларидир.

4. Соғломлаштириш талбирлари ўқувчилар шахсининг ҳар томонлама уйғун ривожланишига, унинг соғлиги, умумий ва алоҳида иш қобилияти, тиббий-гигиеник маданиятининг яхшиланишига ўқув-тарбиявий жараёнлар мазмуни ва методи, ташкилий томонлари ва бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган.

5. Мактаб амалиётида жорий қилинаётган соғломлаштириш талбирлари қандай таъсирчанликка эгаллиги қуйидагиларга кўра баҳоланади:

- ўқув йили давомида, ҳар чоракда, ҳафтада, ҳар куни, ҳар

дарсадаги ўқув юкмасининг ҳажми, мазмуни қандай режалаштирилади ва назоратнинг мақсадга мувофиқлиги;

- ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал имкониятларига нисбатан таълимий ва жисмоний тарбия вазифаларининг мувофиқлиги;

- санитария–гигиена талабларига ўқув-тарбиявий жараёни микромухитининг мувофиқлиги;

- турли даврлар давомида (дарс, кун, ҳафта, йил) энг қулай ҳаракат режими ва унинг ўқувчиларнинг ҳаракатланиш ва белгиланган вазифа имкониятларига мувофиқлиги;

- жисмоний ривожланиш, ҳаракатчанлик ва саломатлик ҳолати ва унинг ўзгариши;

- ўқувчиларда тиббий-гигиеник маданиятнинг шаклланиши.

Таълим жараёни барча иштирокчиларининг энг юқори даражада жалб этиш ва самарали ўзаро алоқалари шароитида юқорида санаб ўтилган ҳамма кўрсаткич ва таърифлар тизимининг ўзаро таъсири ва ижобий ўзгаришлари ўқув-тарбиявий жараёнининг соғломлаштириш йўналиши ва ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни таъминлаш бўйича мактаб фаолиятини баҳолашда муҳим мезон вазифасини ўтайди.

Физкультура ва спорт ўқувчи саломатлигини мустаҳкамлашда, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда, шунингдек ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ҳаракат маҳорати ва малакасини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Мактабда жисмоний тарбия ва спорт ишларига умумий раҳбарлик мактаб директори ва унинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари зиммаларига юклатилади. «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом»га мувофиқ дарс ўтиш, секция машғулоти, соғломлаштириш тadbирлари, мусобақалар ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларининг қўйилишини назорат қилиш учун мактаб директори томонидан Комиссия таркиби белгиланади.

Жисмоний тарбия дарсида ўқувчиларнинг юксак ахлоқий, шижоат, меҳнатсеварлик ва фаоллик сифатларини тарбиялаш мақсади кўзда тутилади:

- ўқувчиларни жисмонан бақувват, эпчил, соғлом, кучли ва кийинчиликларни енга оладиган қилиб тарбиялаш;

- мактаб ўқувчиларида жисмоний тарбия ва спорт, гигиена,

анатомия, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси бўйича билимларни шакллантириш;

- юкори синф ўқувчиларида касбий-амалий малакани шакллантириш, бунда уларнинг келажакдаги касб-хунарларини ҳисобга олиш;

- ўқувчиларни Олимпиада ўйинларининг тарихи, улут қомусий олимлар, халқ қахрамонлари, республиканинг маш-хур спортчилари билан таништириш.

Болалар мактабга ўқиш учун келган дастлабки кунлариданок жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида шунга ҳаракат қилишлари керакки, улар «табиат – соғлиқ - инсон» тушунчаси маъносини тўла ўзлаштириб олсинлар.

Бу вазифаларни жисмоний тарбия ва спорт имкониятларидан самарали фойдаланган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Шунинг учун жисмоний тарбия ва спортнинг турли шакллари ни ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этиш лозим. Буларга анъанавий турлар (жисмоний тарбия, кундалик режим асосида жисмоний тарбия, соғломлаштириш ишлари, жисмоний машқларни мустақил бажариш, ўқишдан ташқари вақтларда спорт турлари бўйича секция ва тўғаракларда машгулотга қатнашиш, жумладан, туризм базасида, ўқувчилар саройида, дам олиш боғларида, сувда сузишда, турар жойда ва ҳ.к.), анъанавий бўлмаган турларининг (бунда «Балли йигитлар», «Балли қизлар», «Қувноқ стартлар», «Футбол гунчалари», «Ўлтин куз» каби спорт байрамлари ва алоҳида спорт турлари бўйича ўтказиладиган) шакллари ва методлари киради.

«Ҳосил», «Наврўз» байрамларида, шунингдек ўқувчиларнинг қишки таътилда ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари мактаб жамоатчилиги учун анъана ва саломатлик кўригига айланиб қолиши лозим. Соғломлаштириш мусобақалари оммавий тус олиши учун, аввало, улар синфлар ўртасида, сўнгра мактабларда, туман ва вилоятлараро ўтказилиши лозим, финалчилар республика бўйича ўтказиладиган мусобақада аниқланади, уни ўтказиш вақти ва жойи Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомларда белгилаб қўйилган.

Бунда жисмоний тарбиядан таълим берадиган ўқитувчи қуйидаги ишларни бажариши зарур. Ўқув йилининг бошида жисмоний тарбиянинг аҳамияти, унинг мақсади ва вазифалари тўғрисида ота-оналар билан суҳбат ўтказиши керак. Чорак охирида ҳар бир

ўқувчига жисмоний тарбиядан баҳо бериш, унинг ютуқлари ва камчиликларини кўрсатиб ўтиш, ота-оналарига ўз боласининг соғлиги тўғрисида ахборот бериш (ҳар бир синф дастурида ўқувчилар жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигини аниқлайдиган тест бор) керак. Ўз боласининг соғлиги ва жисмоний тайёргарлиги тўғрисида ахборотга эга бўлган ота-оналар қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчининг ёрдамчисига айланади. Носоғлом ва заиф ўқувчилар билан индивидуал машгулот ўтказиш, улар ўз тенгдошларига етиб олиши учун шароит яратиш, тиббиёт ходимлари билан маслаҳатлашиш лозим. Халқнинг бой маданий-тарихий анъаналари ва умуминсоний кадриятларга асосланган юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш бўйича изчил иш олиб бориш зарур. Биринчи синфдан бошлаб шахсий гигиена ва жисмоний машқ машгулотлари гигиенаси малакасини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний тарбия машгулотининг асосий шакли дарс ҳисобланади. Кўп сонли таҳлиллар кўрсатадики, улар ханузгача бир қолипда ўтказилмоқда, илғор педагогик технологиядан фойдаланиш кузатилмайди. Дарсларни фақат умумий ривожланиш машқлари воситасида эмас, балки турли машқ асбоблари ва тренажерлардан, турли ўзбек халқ кўшиқлари ва рақсларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш тавсия этилади.

8-9-синф қизлари учун гимнастика бўйича дастурда кўрсатилган элементлар (баланд қурилмалар, таянчли сакраш ва акробатика) билан барча миллий рақс ва ритмик машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ишлаб чиқилган махсус тавсиялар жисмоний топшириқларни назорат қилиш методикасига бағишланган.

Жисмоний тарбия ўқитувчисига қуйидаги йўналишлар бўйича махсус билимларни шакллантириш тавсия этилган: одам ҳаётида физкультура ва спортнинг аҳамияти, жисмоний машқлар бажариш гигиенаси ва тиббий жиҳатлари. Ҳаёт тарзининг киши саломатлигига таъсири. Жисмоний машқларни бажариш ва аппаратлардан фойдаланиш методлари, жисмоний машқларни мустақил бажаришнинг асосий шартлари, халқ ўйинларидан фойдаланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати. Жисмоний тарбияда саёҳатнинг ўрни ва роли. Сузиш, чиниқиш, куёшда тобланишнинг инсон организмига таъсири, ўз-ўзини назорат қилиш. Анъанавий спорт турларидан ташқари миллий ўйинларга алоҳида аҳамият бериш керак. «Сало-

матлик» дарси учун ажратилган соатни бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик лозим.

Ҳозирги замон талабларига мувофиқ мактаб кун тартибидаги жисмоний-соғломлаштириш тадбирларига ташкилий-методик ёндашувларнинг мақсади, вазифаси, мазмуни, айниқса, эрталабки гимнастика, машғулотга қадар ўтказиладиган гимнастика, бир дақиқалик машқ, танаффусдаги ўйин, куни узайтирилган гуруҳларда спорт соати, сайр, экскурсия каби тадбирлар қайта кўриб чиқилиб, тузатишлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда физкультура ва спортни ривожлантириш дастури жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшларни физкультура ва спорт машғулотларини шакллантиришга йўналтирилган.

Ўзбекистонда физкультура ва спорт тизимини ислоҳ қилишнинг асосий шартлари қуйидагилар:

- республикаимизнинг демократик ҳуқуқий давлатчилиқ ва очик фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан олға силжиши, давлатнинг ижтимоий сиёсатида инсон манфаатининг устуворлиги, миллий саломатлик ҳимоясининг таъминланиши;

- жисмоний тайёргарлик ва ривожланиш даражасида таркиб топган қолоқлик, тизимни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларига мослаштириш зарурлиги;

- мамлакат иқтисодиётида ижобий ўзгаришларни амалга ошириш, физкультура ва спорт тизимини бошқариш ва молия билан таъминлашда унинг олдида турган мақсад ва вазифаларни ечишда унга нисбатан ёндашувнинг янги иқтисодий шартларини ишлаб чиқиш;

- инсоннинг миллий ўзлигини англаш туйғусини янада ошириш, ўз саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш;

- фуқароларни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, инсон экологиясини яхшилаш ишларида нодавлат ташкилот жисмоний ролини ошириш;

- Тарбиявий ишлар бўйича кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш зарурлиги;

- физкультура ва спорт соҳасидаги муҳим илмий ва амалий тадқиқотларнинг сифатини янада ошириш зарурлиги;



- Ўзбекистонинг жаҳон спорти ҳамжамиятига интеграциялашуви, республиканинг жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлаш.

Юқорида санаб ўтилган масалалар жисмоний тарбия ва спорт тизимида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олиб, мослашувчан ва узлуксиз такомиллаштиришнинг зарурий асосини вужудга келтиради.

Ҳозирги вақтда кўрсатилган дастур доирасида:

- физкультура ва спорт тизимини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш;

- халқаро миқёсда тан олинган кўпгина спорт турлари бўйича миллий федерация, миллий олимпиада кўмитаси ташкил этилган бўлиб, улар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда;

- спорт турлари бўйича республика чемпионатлари ва кубок мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда;

- физкультура, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишлари янада кенгайтирилмоқда;

- миллий спорт турлари вужудга келмоқда ва ривожлантирилмоқда;

- мактабгача таълим муассасаларида жисмоний машқлар кенг жорий этилмоқда;

- оммавий спорт мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда, махсус «Барчиной» ва «Алпомиш» тестлари бўйича болалар ва ўқувчи ёшлар умумий жисмоний тайёргарлиги умуммиллий назорати амалга оширилмоқда;

- физкультура ва спортнинг моддий-техник базаси ривожлантирилмоқда;

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ жисмоний тарбия ўқитувчиларини малакасини ошириш амалга оширилмоқда.

Яқин вақтларгача умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида бутун ёшларни қамраб олган оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш изчиллик билан амалга оширилмас эди. Бунинг натижасида уларнинг самарадорлиги ҳозирги ижтимоий талабларга қуйидаги сабабларга кўра жавоб бера олмай қолди:

- юқорида келтирилган уч таълим турида ташкилий жиҳатдан ва жисмоний тарбия мазмунига кўра изчиллик етишмас эди;

- давлат-жамоат тузилмасида физкультура ва спортни мувофиқлантирувчи ташкилот яхши ишламас эди;

- спорт резервини тайёрлаш БЎСМ (болалар-ўсмирлар спорт мактаблари), ОРИБЎМ (олимпиада резервини тайёрлашга ихтисослашган болалар-ўсмирлар мактаблари), ўқув юртларидаги олимпиада резервлари билим юртлари ва спорт секцияларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезони мукамал эмас эди;

- таълимнинг хилма-хил турларида истеъдодли ёшларни танлаб олиш ва уларни кузатиб боришнинг изчил тизими йўқ эди;

- жисмоний тарбия мазмуни ва шаклларини доим такомиллаштириб боришда, физкультура ва спортнинг моддий-техника базасини яхшилашда ўқув юртларининг раҳбарлари манфаатдорлиги стишмас эди.

Шу муносабат билан кўрсатилган таълим турлари доирасида мусобақани ташкил этиш ва ўтказишнинг куйидаги тизими ишлаб чиқилди:

5. Умумий ўрта таълим – 1-IX синфлар.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари тизими қатнашчилари – 1-IX синфларнинг барча ўқувчилари.

Мусобақа ўтказиш муддатлари ва босқичлари - мактабда ҳар йили, туман бўйича кузги таътил, вилоятда - қишки таътил, республика бўйича - кўкламги таътил вақтида ўтказилади.

Мусобақадан мақсад - ёш авлодда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясида спортдан фойдаланиш, болалар шахсини ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш. Қобилиятли ёшларни танлаш ва уларни спортчиларнинг резервини тайёрлаш тизимига киритиш.

Ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими тизимида - «Баркамол авлод» спорт жамияти мувофақиятли фаолият кўрсатмоқда. Унинг мусобақа тизими - «Баркамол авлод» ўйинлари. Қатнашувчилар - касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг барча талабалари.

Ўтказиш муддати ва босқичлари - ҳар йили коллеж ва лицейларда, туман (октябрь-январь), вилоят (январь-апрель), республика миқёсида (2 йилда бир марта ) ўтказилади.

Мусобақадан мақсад - ўқувчиларни жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қуролли кучлар сафида хизмат қилишга тайёрлаш, спорт резервини танлашдан иборат.

Олий таълимда.

«Талаба» спорт жамияти фаолият кўрсатади. Унинг мусобақа

тизими - «Универсиада» бўлиб, қатнашувчилар - олий ўқув юртлари талабаларидир.

Ўтказиш муддати ва босқичлари - ҳар йили олий ўқув юртида, туман, вилоят ва республика (2 йилда бир марта) босқичларида ўтказилади.

Мақсад - жисмоний ривожланган ва тайёргарликка эга бўлганлар авлодини етиштириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш. Мусобақа ғолибларини танлаш ва уларни республика терма командаси таркибига киритиш.

Республикада 2000 йилдан ўқувчилар, («Умид ниҳоллари»), лицей ва коллеж («Баркамол авлод») ўқувчилари ўртасида ва олий ўқув юртлари талабалари («Универсиада») ўртасида босқичма-босқич оммавий спорт мусобақалари бошланди. Финал мусобақаларида худудий мусобақа ғолиблари - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳрининг энг кучли спортчилари иштирок этадилар. Ижтимоий тузилмада ҳар бир одам қобилияти ва эҳтиёжларига қараб ўз ўрнига эга бўлади. Шахс ҳаётдан олган тажрибалари ва мақсадга мувофиқ таълим-тарбия жараёнида йўналтирилган ишлаб чиқаришда, фанда, санъатда тўпланган ижтимоий билимлари билан имкониятларини кенгайтирадилар. Табиат қонуниятлари тўғрисидаги билимларни эгаллаб, ижтимоий жараёнларни англаш, маънавий-ахлоқий бойликлар ва ижтимоий ҳуққ-атворларни ўзлаштириб, ўқувчи, талаба ўз маънавий-интеллектуал имкониятларини шакллантиради ва уни ҳаётга жорий қилади, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли иштирок этади, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатади, мамлакат тақдири учун масъулияти шакллана боради.

Давлат ва жамият қурилишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ёшларда аниқ амалий тадбирларни амалга ошириш учун масъулиятни таъминлаш, давлатнинг барча тузилмалари ва жамоат ташкилотларини маълум мақсадга йўналтирилган самарали механизмларини жорий этиш, стратегик мақсад «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат» ғоясини амалга оширишга эришиш зарурлигини қатъий тақозо этмоқда.

## III бўлим

# Кадрлар тайёрлаш-стратегик мақсад негизи

### 3.1. Устувор йўналишлар

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, жамиятнинг маънавий янгилашиши, миллий истиклол гоёларининг ҳаётга фаол жорий этилиши мамлакатнинг дадил қадамлар билан ривожланишини таъминлади. Айни вақтда жаҳон ҳамжамиятида ҳам жадал сифат ўзгаришларининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шуни таъкидлаш керакки, 2001 йил 11 сентябрь, воқеаларидан кейин кўпгина давлатлар ўзининг ички ва ташқи сиёсатларини, дунёнинг тузилиши ва дунёдаги тартиб-қоидаларга нисбатан муносабатларини ўзгартирди.

Ўзбекистон ўз Юртбошиси И.А.Каримов раҳбарлигида ички ва ташқи сиёсатини изчил ўтказиб келмоқда, унинг асосий тамойиллари истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ баён этилган эди. Ўзбекистон ўша фожали ҳодисадан кейин ҳам ўз йўлини кескин ўзгартирмаган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон аллақачон ва қатъий равишда жаҳон ҳамжамиятини халқаро терроризмга, диний экстремизм ва фанатизмга қарши бирлашишга чақириб келмоқда. Нью-Йорк воқеасидан кейин Ўзбекистон амалда мазкур глобал муаммога нисбатан ўзининг қатъий муносабатини, тинчлик ва демократия гоёларига, умумбашарий қадриятларга содиқлигини намойиш қилиб келди. Натижада Ўзбекистоннинг халқаро мақоми кескин ошди, минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал қилишда мамлакатимизнинг роли, жаҳон давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан Республикага нисбатан ижобий муносабат ўзгарди.

Юқорида тилга олинган ўзгаришларнинг йўналиши ва динамикаси ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишни таъминловчи, давлат ва жамият ривожланишида стратегик мақсадлар кўзда тутилган давлат дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларга жиддий тузатишлар киритиш зарурлигини талаб этади. Аниқ мақсадга қара-

тилган дастурлар доирасида устуворларини, уларнинг амалга ошириш тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий қилишда кадрлар тайёрлаш стратегик ҳаракатларининг асосий йўналишини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Ислоҳот жараёнида ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш имкониятлари «Ўзбек модели» - «Ислом Каримов модели»нинг асл моҳиятида, ривожланган йўлимизнинг машҳур беш тамойилида ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ислоҳотларнинг янги босқичи вазифаларини бажариш доирасида кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ стратегик ҳаракатларни амалга ошириш учун қуйидаги устувор жиҳатларни алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи устуворлик. Ўсиб келаётган авлод онгида миллий истиқлол гоёси асосий тупунча ва тамойилларини шакллантириш.

Миллий гоё — юксак ижтимоий мақсад бўлиб, жамиятни бирлаштиради ва сафарбар этади. Миллий гоёнинг моҳияти, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан таърифлаб берилган - «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган шиор остида барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар, ҳаракатлар ва партиялар, Ўзбекистоннинг барча халқи бирлашишидир.

Миллий истиқлол мафқураси - бу сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, диний, фалсафий қарашлар ва гоёлар, қисқаси одамларнинг ҳақиқий ҳаётни англаш ва баҳолаш тизимини ўз ичига олади. У янги ижтимоий муносабатлар, илғор ижтимоий қадриятлар, кўп сонли ижтимоий гоёлар, назариялар, қарашлар мавжуд шароитда очиқлик, толерантликка, юксак ижтимоий мақсад ва гоёларга эришишга йўналтирилган турли гуруҳлар, шахслар нуқтаи назарларида ўз ифодасини топади.

Ҳозирги вақтда олдимизга қўйилган мақсад - янги ижтимоий онгни шакллантиришга эришишнинг шарт-шароити, тадбири ва механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Миллий истиқлол гоёси худди шунга хизмат қилади.

Шу жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш, малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тараққиётнинг юксак мақсадларига

эришишга йўналтирилган бўлиб, у умумхалқ, умуммиллат ишига айланди, унга миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисми, уни амалга оширишнинг муҳим омили ва механизми сифатида қарашимиз керак.

Бу жараёнда кадрлар тайёрлаш, таълим тизимининг яқин орадаги ва истиқболдаги вазифалари нималардан иборат?

Биринчидан. Энг муҳими - эркин фикрловчи фуқарони, истиқлол ва демократияга садоқатли, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этиш қобилиятига эга бўлган, ижтимоий жараёнда фаол қатнашадиган, мамлакат тақдири учун масъул шахсни шакллантириш учун шароит яратиш.

Иккинчидан. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига демократик асосларни жорий қилиш жараёнларини жадаллаштириш, ҳақиқий фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, фикрлаш ва мунозара маланияти, шахснинг ички дунёсини ривожлантириш ва ниҳоят, янги ижтимоий кадриятлар ва муносабатларни шакллантириш.

Бошқача айтганда, янги ижтимоий онгни шакллантириш учун шарт-шароит яратиш демакдир.

Учинчидан. Ёш авлод миллий истиқлол ғоясини англаб олиши, унинг ҳар бир фуқаро учун ҳаётини зарурат эканлиги, бу Ватанни гуллаб яшнатадиган илгор ғоя эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар тизимини амалга ошириш керак.

Бу узоқ давом этадиган, мурраккаб жараёндир. У барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари, энг муҳими, узлуксиз таълим тизими муассасалари ва идоралари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Кадрларни тайёрлаш жараёнида тарбиянинг устуворлиги ва шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш. Миллий маданий, тарихий анъаналар, халқ расм-русумлари ва умумбашарий кадриятларга асосланган, миллий мафкура, етук авлодни шакллантиришни таъминловчи, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбияланганинг самарали, ташкилий ва педагогик шакллари ва воситаларининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга жорий этилиши зарур.

2. Маънавий-маърифий ишлар мазмунини тубдан ўзгар-

тириш, унга тизимли, муайян мақсадга қаратилган, динамик, узлуксиз ва изчиллик характери бериш керак. Тарбиявий жараёнга барча субъектларнинг самарали таъсир кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, унинг механизмларини шакллантириш ва таъминлаш зарур. Бунинг учун шахс эҳтиёжига мослаштирилган тарбия шакли, воситалари ва методларини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш жараёнига кучли-импульс бериш учун, биринчи навбатда, тегишли ташкилий тузилма – болалар-ўсмирлар бирлашмалари ва ҳаракатларини вужудга келтириш керак.

Таълим жараёнини янада инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва демократлаштириш керак. Фуқаролик жамиятини куриш – фуқаролик асослари – (фуқаролик нуқтаи назари, миллий кадр-қиммат ва фахрланиш туйғулари)ни шакллантириш бўйича таълим жараёнига махсус тадбирларни жорий этиш зарурлигини талаб этмоқда.

Миллий мафкура асосида ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш албатта жисмоний ва рухий соғлиқни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантиришни ҳам назарда тутаяди.

2002 йил “Қарияларни кадрлаш йили” деб эълон қилинди ва тегишли Давлат дастури ишлаб чиқиб амалга оширилди. Биз ишончимизки, амалдаги бу дастур фақат кексаларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари бўлиб қолмай, балки Президент таъбири билан айтганда, кексаларни кадрлайдиган муҳитни яратиш, буюк меросимизни кўпайтирадиган маънавий, маданий-тарихий аъёнлар, расм-русумлар, миллий кадриятларни бойитди.

Бу борада таълим, илмий-маърифий муассасалари, оиланинг роли жуда каттадир. Айнан мана шу ерда буюк ўтмишимиз, миллий, маънавий-тарихий кадриятлар, Ватан учун фахрланиш туйғуси, ватанпарварликни тарбиялаш лозим.

Шундай қилиб давлат ва жамоат қурилишидаги янги йўналишлар – стратегик мақсад – миллий истиқлол гоёсини ҳаётга жорий қилишга қаратилиб, барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларидан мақсадга мувофиқ йўналтирилган самарали механизмларини жорий қилиш, амалий тадбирларни рўёбга чиқариш масъулиятини таъминлаш, уларни сифат жиҳатидан янги погоналарга кўтаришни талаб этади.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, фан, техника, техноло

гиянинг ҳозирги замон ютуқлари талабларига мувофиқ бой маданий, тарихий, маънавий-ахлоқий анъаналарни ҳисобга олиб таълим-тарбия мазмунини такомиллаштиришни давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Таълимда миллий истиқлол гоёсини болалар ва ўқувчи ёшлар онгига сингдиришнинг изчил шакллари ва методларини топиш, уларда ватанпарварлик фазилатини тарбиялаш керак.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳот жараёни таълим тизимида мослашувчанлик ва тезкорликни таъминлашни талаб этади: ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мос равишда таъсир кўрсатишни, шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиши, шахс қобилияти ва истисдодини ҳисобга олиши зарур. Таълим дастурининг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш таълимни дифференциациялаштириш муаммоси билан алоқадордир.

Таълим муассасалари вазифаларини ижтимоий институт сифатида тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Мактаб, лицей, коллеж, институт фақат билим ва фан ўчоғи бўлмай, балки ҳақиқий маданий-маърифий марказга айланиши керак.

Иккинчи устуворлик. У биринчиси билан бевосита боғлиқ. Кадрларни тайёрлаш сифатини таъминлаш, мамлакат фуқароларининг янги имкониятларини шакллантириш - «мустақил дунёқараш ва эркин фикрлаш қобилиятига эга бўлган, ўтмиш аждодларимизнинг бебаҳо бойлиги ва умумбашарий қадриятларга таянадиган - маънавий бой ва иймон-эътиқодли, баркамол ривожланган шахс»ни тарбиялаш билан боғлиқ.

Таълим - демократик тизим ва бозор муносабатлари асосида қайта қуришда катализатор ролини ўйнайди.

Бу жараён илмий асосланган касб-ҳунар дастури мазмунини такомиллаштириш, самарали педагогик ва ахборот технологиясини излаб топиш ва жорий қилишни кенгайтириш, замонавий ўқув-местодик қўллашмаларини тайёрлаш ва нашр эттириш билан бевосита боғлиқ.

Бу жараён давомида ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, таълим муассасаларини малакали педагоглар - устозлар, раҳбарлар билан таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бу доимий равишда таълим муассасалари раҳбарларининг диққат-эътиборида бўлиши керак.



Ҳозирги замон педагоги – фақат ўқитувчи эмас, бола қандай ўқиётганини ва ривожланаётганлигини тушунадиган ва ҳис этадиган шахсдир. У бола ҳаётини, кечинмаларини худди ўзиникидагидек тушунадиган ва унинг маънавий, маланий, ахлоқий ривожланишида йўлланмалар бера оладиган мутахассис бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳақиқий педагог фақат ўз фанини билибгина қолмай, айни вақтда болалар ва катталар билан ижодий мулоқот қила оладиган, ўз устида ишлайдиган инсон бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги педагогнинг муҳим вазифаларидан бири миллий истиқлол ғоясини болалар ва ўқувчилар онгида шакллантириш талбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишдан иборатдир. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов шундай деган эди: “Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлилар, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафқурани такомиллаштириш, унинг асосий тамойилларини одамлар қалбига ва онгига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтариши зарур”.

Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадли дастурини амалга ошириш, педагогнинг маҳорат даражасини рағбатлантиришнинг ахлоқий ва моддий жиҳатдан самарали механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиқиб, бошқарувчи кадрларни тайёрлашга катта эътибор бериш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июнда чиқарилган 2612-сонли «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурни амалга оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мазкур масалани ҳал қилишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган йиғилишда И.А.Каримов сўзлаган нутқда мазкур масалага асосий эътибор қаратилди: «. . . яна бир муҳим масала – давлат муассасалари ходимларини тўғри танлашдан иборат. Давлат хизматчиларини танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш масаласида, аввало, инсоф ва виждон, иймон ва эътиқод, диёнат ва меҳр оқибат деган тушунчаларни ўзига бегона деб билмайдиган одамларга алоҳида эътибор қаратиш, ходимларнинг ишга, ўз ва-

зифасига нисбатан масъулиятини ошириш, нопок йўлда юрганларни эса жавобгарликка тортиш — бу ҳам, албатта, муҳим масала».

Кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, бизнинг фикримизча, бошқарув кадрларини тайёрлаш ягона тизимнинг ажралмас таркиби бўлиши керак. «Кадрлар тайёрлаш» тушунчасини - излаб топиш, ўқитиш, аттестациялаш, резервларни шакллантириш, жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мониторинг)шаклида кенг маънода тушунамиз.

Кўрсатилган тизим очик, ошқора фаолият кўрсатиши, ижтимоий буюртманинг бажарилишини таъминлаши — янгича фикрлайдиган бошқарув кадрларини шакллантириш (корхона ва ташкилотлар менежерларидан тортиб, то тармоқ, худуд ва умуман раҳбар кадрлар)дан иборат. Бундан ташқари, бошқарувчи кадрларни тайёрлаш тизими, бир томондан, давлат, жамият, шахс эҳтиёжларига сезгирлик билан муносабатда бўлиши, амалдаги қонунчилик доирасида ҳаракат қилиши, бошқа томондан, конъюнктура ва субъектив фикрларга боғланиб қолмаслиги керак.

Тизим олдига — республикадаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар талабларига жавоб берадиган барча даражадаги раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсади қўйилади.

Бунинг учун, фикримизча, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур.

Биринчидан, ходимларнинг илгари тўпланган тажрибага йўналтирилган турғун фикрини ўзгартириш, ҳаракатчан ва илғор фикрлашга йўналтириш.

Иккинчидан, шунга эришиш керакки, бунда бошқарув кадрлари самарали фаолиятида асосий мезон — умумхалқ манфаати устуворлигини таъминлаш бўлсин. Ҳар бир ходим шуни билиб қўйсинки, маҳаллий, идоравий, жамоа ёки шахсий манфаат фақат умумхалқ, умумдавлат манфаатлар асосида амалга ошиши мумкин.

Учинчидан, раҳбарларни меҳнат жамоасини бирлаштирувчи, қўл остидагилар билан яхши алоқа ўрнатувчи, турли муаммолар ва меҳнат низоларини ҳал қила оладиган, юқори даражада раҳбарликни таъминлайдиган қилиб шакллантириш керак.

Тўртинчидан, шундай шароит яратиш керакки, бунда раҳбар ўз хулқ-атворини эзгуликлар билан бойитсин, юксак ахлокий талаблар шахсий хатти-ҳаракатида нормага айлансин.

Бешинчидан, шунга эришиш керакки, ҳар бир амалдаги ва

бўлажак раҳбар ўзининг хизмат лавозими фақат кадрлар тайёрлаш тизими орқали ўтишини билиб қўйсин.

Шундай қилиб, миллий истиклол ғоясини амалга ошириш, кадрлар тайёрлашнинг сифатини таъминлаш, ўсиб келаётган авлод таълими ва тарбияси масалалари давлат тузилмаси ва ижтимоий институтлар фаоллигини ошириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифаларига аниқликлар киритиш, кучли демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда стратегик ҳаракатларнинг асоси бўлиб қолади.

### 3.2. Педагоглар малакасининг юқори даражада бўлишини таъминлаш

Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган талабларни тубдан ўзгартириш, яъни педагогларнинг малака даражасини сифат жиҳатидан янги поғонага қўтариш керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, миллий мафқурани амалга ошириш муваффақиятлари келгуси авлодларга ижтимоий тажриба хазинасини кимлар очаётгани ва ажлодларимиз донолигини кимлар ўқитаётганлигига боғлиқ.

Инновацион салоҳиятнинг мавжудлиги:

1. Янги тушунча ва ғояларни таклиф этиш, энг муҳими, уларнинг амалда жорий қилиш шаклларини тасвирлаб бериш борасида ижодий қобилиятлари.

2. Маданий-эстетик ривожланганлиги ва билимдонлиги, бу ўз навбатида педагогнинг интеллектуал ва эмоционал ривожланганлиги ва маданий саводхонлиги.

3. Шахснинг янгиликка, яхшиликка интилиши, булар шахснинг толерантлиги, фикрининг мослашувчанлиги ва кенг кўламлиги каби асосий ўлчовлар билан боғлиқ.

Шахс эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган педагогиканинг парадигмасида қайд этилган характеристикаларни аниқлаш учун қуйидаги икки принцип мезон вазифасини бажаради:

- педагог ўз шахсининг қадрини билиши, ўзлигини ижодий мушоҳада қила олиши;

- бола (ўсмир) шахси ва унинг қизиқишларини тушуна олиши, уларнинг қадрига етиши, биргаликда ижод қилишга йўналтириши.

Инновацион салоҳият характеристикалари алоҳида олинган педагогга ёки педагогик жамоага тегишли бўлиши мумкин.

Бунда таълим соҳасидаги ғоя, лойиҳа ва технологияни жорий этишда қобилиятлилиги ёки қобилиятсизлиги аниқланади.

Педагогик таълим мазмунини ўзгартиришга қўйилган талаб долзарб бўлиб, бунда бўлажак педагоглар муомала маданиятини ўзлаштириб олишлари лозим. Ҳамкорлик педагогикаси бир-бирини тушуниб олиш, ўзаро ишонч ва ёрдам, ижодий ҳамкорликка кенг йўл очади, бу ёшларга ҳақиқий инсонпарварлик қадриятларини англаб этиш имкониятини беради.

Педагогик таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёни миллий мафкура асосларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак, улардан ўз эътиқоди ва маҳоратларини ўсиб келаётган авлодларга сингдиришлари талаб этилади.

Рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш тизимида қуйидагилар муҳим бўгин ҳисобланади:

- илмий (фан номзодлари ва докторлари) ва илмий-педагогик кадрлар (доцентлар, профессорлар) - янги ғоя ва билимлар берадилар, юқори малакали мутахассис тайёрлаш имкониятига эга;

- педагог кадрлар (тарбиячилар, ўқитувчилар, педагоглар) - янги билимлар берадилар, шахс тарбиясини амалга оширадилар.

Уларнинг фаолияти натижасида ҳозирги замон билимларини, педагогик маҳорат ва малакани, халқнинг бой интеллектуал, маданий-тарихий анъаналарини эгаллаган, умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ҳисларини ўзларида мужассам этган, демократия ва истиқлол мафкурасига содиқ мутахассислар тайёрлаб этиштирилиши керак.

Педагогик ва илмий ходимлар меҳнати - миллатнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий қадриятларини шакллантириши керак. Бу ижодий вазифани бажариш учун кўрсатилган ходимлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- фақат билимлар тўпламини эгаллаб қолмай, айти чоғда дунёни ягона, мураккаб ва мунтазам ривожланишдаги тизим деб идрок этиш;

- психологик-педагогик, маданиятшуносликка оид билимларни эгаллаш;

- юксак умумбашарий ва сиёсий маданият, ижтимоий ва шахсий инсонпарварлик сифатларига эга бўлиш;

- жадал ижодий таълимнинг янги технологияси ва методини эгаллаш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва камол топтириш.

Қўйилган бу талаблар илмий ва илмий-педагогик ходимларга тегишли билим, маҳорат ва малакаларга эга бўлиб қолмай, аynи чоғда улар бундай хусусиятларини мунтазам равишда такомиллаштириб беришлари керак, деган маънони англатади.

Аммо ишлаётган ва битириб чиқаётган педагогик кадрлар замоннинг тез ўзгараётган талабларига жавоб бера олмаятилар. Ўқитувчилар тайёрлаш жараёни такомиллаштиришни тақозо этади. Битирувчиларнинг билим даражаси билан маҳорат ва малакаси ўртасида жиддий узилишни кузатиш мумкин, бу педагогика амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек педагогика ва психологияни ўқитишдаги камчиликлар туфайли содир этилмоқда. Янги педагогик ва информация технологиясини кенг жорий этиш, шунингдек педагог кадрларни тайёрлаш устидан назорат етишмайди. 9 йиллик умумий таълимдан кейин 3 йиллик ўрта махсус касбхунара таълимни узвий давом эттирилиши, ўзига хос ташкилий, ўқув-методик ва психологик-педагогик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳар икки ҳолда ҳам педагогик кадрлар малакасини омавий тарзда ошириш зарур, баъзи ҳолларда уларни қайта тайёрлаш талаб этилади. Ўқитувчилар, муҳандис-педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ёш педагогларга катта эътибор бериш зарур.

Аспирантура илмий-педагогик кадрлар сафини тўлдирадиган асосий манба ҳисобланади. Аммо аспирантларнинг психологик-педагогик тайёргарлиги (бўлғуси ўқитувчилар)га ташкилий, назарий ва амалий жиҳатдан кам эътибор берилмоқда.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

- ўқув-тарбиявий фаолият соҳасига ёшларни кенгроқ жалб этиш ва танлаш тизимини вужудга келтириш;

- илмий ва илмий-педагогик кадрларга қўйиладиган малакавий талаблар мажмуасини аниқлаш;

- педагогик таълимнинг барча босқичлари учун давлат талабларини халқаро тажрибалар асосида қайта кўриб чиқиш;

- бўлғуси олимлар, ўқитувчилар ва тарбиячилар учун узлуксиз психологик-педагогик амалиётни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш;

- 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунара таълимига ўтиш муносаба-

ти билан педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

- «Педагогик ва илмий-педагогик кадрлар билан таъминланиш ва уларнинг бандлиги» дастурини ишлаб чиқиш ва мониторингини ташкил этиш;

- илмий ва педагогик фаолият соҳасига иқтидорли мутахассисларни жалб этиш имкониятини берадиган илмий-педагогик ходимлар нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш;

- аспирантларнинг умумий илмий, психологик ва ижтимоий тайёрлаш тузилмасини такомиллаштириш;

- илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнини ахборот билан таъминлашнинг мослашувчан ва тезкор тизимини вужудга келтириш, жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланиш;

- фан ва техниканинг камёб ва устувор йўналишлари бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш юзасидан халқаро алоқаларни йўлга қўйиш;

- рақобатбардош илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлаш учун илмий бўлинмаларнинг илмий-техника базаларини такомиллаштириш;

- республика илмий-педагогик ютуқлари имкониятлари ва илмий тадқиқот натижаларидан тижорат йўлида фойдаланишни ривожлантириш;

- барча даража ва босқичдаги илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш;

- 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини замонавий кадрлар ва ахборот таъминотининг янги тузилмаси ва мазмуни билан таъминлаш;

- илмий-педагогик ва педагогик фаолият соҳасига истеъдодли ёшлар ва мутахассисларни кенг жалб этиш;

- фан, техника ва технологиянинг камёб ва устувор йўналишларини юқори малакали илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш;

- малакали илмий ва илмий-педагогик хизматлар бозорини вужудга келтириш.

## IV БЎЛИМ

### Ўсиб келаётган авлод онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг баъзи амалий тадбирлари

#### 4.1. Мактаб ишини такомиллаштириш

Хар қандай халқнинг, миллатнинг кучи унинг жипслигида, мақсадга эришиш йўлидаги барқарор ҳаракатларида, Агар миллатнинг кучи унинг маънавий бирлигида десак, маънавий бирлик нимадан озиқланади, деган саволнинг пайдо бўлиши табиийдир. Халқни халқ, миллатни миллат қилувчи нарса унинг ўзига хос йўли, турмуш тарзи, шон-шарафи ва кадр-қиммати, ишонч ва эътиқодида ифодаланган ғоялар тизимидир.

Ғоявий заифлик парокандаликка олиб келади, халқларнинг ғоявий яқдиллиги эса мақсадга эришувни таъминлайди. Энди истиқлол шарофати билан халқнинг эркин ва фаровон ҳаёт тўғрисидаги асрий орзуларини рўёбга чиқариш учун, энг аввало, мамлакатимиз буюк келажаги ва кенг қўламдаги ислохотлар самарадорлигини таъминловчи асосий омил - миллий истиқлол ғояси остида бирлашишимиз керак.

«Ўсиб келаётган ёш авлод ҳар томонлама мукамал, иродали, соф виждон билан камолга етиши учун, энг аввал, маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти бекиёс улўғдир» - деб таъкидлайди мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов. Дарҳақиқат, етук авлод - бизнинг асосий мақсадимиз. Унга эришиш йўлидаги вазифалардан бири, мактаб ўқувчиларининг онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш бўйича таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва унинг мазмунини яхшилашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» фанидан таълим дастурини яратиш ва уни республика таълим тизимига киритиш тўғрисидаги кўрсатмасини амалга ошира бориб, мактабгача ва умумий ўрта таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш юзасидан тад-бирлар белгиланди. «Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим

ва тарбиясига давлат томонидан қўйилган талаблар» ва «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастурини такомиллаштириш жараёнида миллий истиқлол гоёси тамойиллари ҳисобга олинди. Жумладан, бу ҳужжатларда «мактабгача таълим ёшидаги болалар таълими ва тарбиясининг асосий мақсади уларни миллий истиқлол гоёси асосида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган шахс қилиб тарбиялашдан иборатдир» деб аниқ белгилаб қўйилган.

Давлат талаблари ва таянч дастур уч қисмдан иборат — «Болаларнинг жисмоний тарбияси», «Болаларнинг нутқи ва фикрини ривожлантириш» ва «Маънавий камолот» («Болаларнинг маънавий камолотини таъминлаш»). Давлат талаблари ва таянч дастурни ҳаётга жорий қилишда ота-оналар ва тарбиячиларга ёрдам тариқасида «Болангиз мактабга тайёрма?», «Учинчи минг йилликнинг боласи» каби амалий қўлланмалар яратилди. Буларда миллий истиқлол гоёсига асосланган мавзудаги ўйинлар ва машғулотлар ўз ифодасини топган.

Бевосита болалар таълими ва тарбияси билан шуғулланадиган ота-оналар миллий истиқлол гоёси тўғрисидаги билимларга эга бўлиши керак.

Мана шунинг учун ҳам яратиладиган қўлланмалар мазмунида миллий истиқлол гоёси асосий ўринни олиши лозим.

Бошланғич таълим давлат таълим стандарти (ДТС) нинг мазмунига миллий истиқлол гоёсининг асосий тушунчалари киритилган: Ватан ва давлат тўғрисидаги тушунча, давлат рамзлари, миллий кадр-қиммат туйғуси, мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеалар ва бошқалар.

«Одобнома» ўқув дастури мавзусининг асосида миллий истиқлол гоёси ётади. Масалан, дастур мазмунида махсус бўлинмалар: «Ватан — муқаддас она, унга жон фидо» (4 соат), «Оила муқаддас макон» (9 соат), «Миллий ўйинлар» (6 соат), «Миллий байрамлар» (3 соат), «Президент Ислом Каримов истиқлол асосчиси» (1 соат), «Истиқлол тамойиллари» (1 соат), «Ватан туйғуси» (2 соат), «Ватанни севмоқ-иймондандир» (4 соат), «Маҳалла — мамлакат таянчи» (1 соат).

Юқорида баён қилинганлардан ташқари «Одобнома» ўқув фанининг мазмунини бойитиш (1-4 синфлар) учун дастлаб гоё тўғрисидаги тушунчаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бундан миллий истиқлол гоёси - «Ватанни севмоқ - иймондандир», «Фан ва касбухонарни юксак маънавият безайди» ва бошқа мавзулар, эртақлар,



анъаналар, расм-русумлар, байрамлар, халқ ўйинлари воситасида сингдирилиши керак.

«Она тили», «Ўқиш», «Тасвирий санъат», «Музыка маданияти», «Математика», «Табиатшунослик» ва «Меҳнат» фанлари ўқув дастурларида бу масалаларга етарли эътибор берилган. Янги дарсликлар ва методик қўлланмаларни қайта кўриб чиқишда ва яратишда туб моҳияти ва илмий-методик мақсадга мувофиқлиги ҳисобга олиниб, уларнинг мазмунига миллий истиқлол ғоясини сингдириш лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларининг V-VI синф ўқув режасига «Ватан туйғуси» махсус предмети киритилган. Уларга киритилган мавзулар ўқувчиларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга йўналтирилган: «Ватан тушунчаси ва унинг моҳияти», «Буюк олимларнинг Ватан тўғрисидаги ғоялари», «Мустақиллик ва давлат сўзларининг моҳияти ва уларнинг тарихий аҳамияти», «Мустақиллик сўзининг лексик аҳамияти», «Ўзбекистон - мустақил давлат», «Истиқлол» ва «Мустақиллик» сўзлари маъносининг бирлиги, «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари», «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси», «Ўзбекистон фуқароси», «Инсон ва жамият», «Онгли интизом ва масъулият».

VII-IX синфлар режасига «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият» ўқув предмети киритилган. Унга ажратилган 102 соатдан 34 соати миллий истиқлол ғояси билан боғлиқ мавзуларни ўз ичига олган. Қолган 68 соат дарсда миллий истиқлол ғояси элементлари ўз ифодасини топган. 2001 йил январда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» китоби асосида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув предмети бўйича қўлланма яратиш учун танлов эълон қилинди.

Танлов май ойида яқунланди, голиб дарсликлар нашр этилди ва ўз ўқувчилари қўлига бориб етди.

Миллий истиқлол ғоясини таълимнинг мазмунига жорий этиш билан боғлиқ мавзулар А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институти (ХТХМО-МИ) ва педагогик кадрлар малакасини ошириш ҳудудий институтлари ўқув-тематик режаларига киритилган. ХТХМОМИ да «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» китоби асосида вилоятлардан келган 44 тренер жойларда ўқув курсини олиб бориш учун махсус тайёрланди. Бу тренерлар иштиро-

кида вилоятлардаги малака ошириш институтларида 36 соатга мўлжалланган мақсадли курсларда 868 маърузачи тайёрланди.

Методист олимлар ҳам бир қатор муаммоларни ҳал қилиши керак. Масалан, улар «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув предметлари бўйича ДТС лойиҳасининг экспериментал текшируви асосида такомиллаштириш ишларини олиб боришлари лозим. Бизнинг фикримизча, маънавиятнинг ҳужжатни Давлат таълим стандартлари деб эмас, балки Давлат талаблари дейилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ахлоқ ва маънавиятнинг стандартлаштириш тўғри эмас. Шунга мувофиқ бошланғич таълимга мўлжалланган «Одобнома» ва умумий ўрта таълимга мўлжалланган «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув предметлари бўйича Давлат талабларини такомиллаштириш зарур.

Ҳар бир синф ўқувчиларига нисбатан минимал талабларни ишлаб чиқиш зарур, бу талаблар фақат ўқитувчиларда эмас, аynи чоғда ўқувчиларда ва уларнинг ота-оналарида ҳам бўлиши керак. Шунда ўқувчилар ва ота-оналар ўқув йили давомида миллий истиқлол ғояси, маънавият ва ахлоққа дахлдор курслар ва фанлар бўйича қандай билимларга эга бўлишларини билиб оладилар.

Олимлар ва методистлар олдида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фанлари бўйича Давлат таълим стандарти ёки Давлат талабларини ҳозирги ўқув-методиқ мажмуаси асосида тайёрлаш вазифаси туради. Миллий истиқлол ғояси ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув режасига кирган бошқа ижтимоий фанлар мазмунига ҳам дахлдордир.

«Тарих» фани бўйича миллий истиқлол ғояси давлат таълим стандартида қуйидаги талаблар билан ифодасини топган:

- Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни тўғрисидаги билимлар;

- Миллий истиқлол тўғрисида тушунча, мустақилликнинг дастлабки ютуқлари;

- Байроқ, герб, гимн, Президент, Республиканинг халқаро ҳам-жамиятдаги роли тўғрисида;

- Ўзбекистон мустақил, суверен демократик давлат сифатида тарихий тараққиёти тўғрисида маълумотлар;

- Ўз мактабинг, кўчанг, туманинг, қишлоғинг, шаҳаринг ва бошқаларнинг ўтмиши ва бугунги кунини тўғрисида маълумотлар.

Миллий истиклол ғояси «Ўзбекистон тарихи» ва «Жаҳон тарихи» ўқув дастури ва дарслигида тарихий воқеаларнинг бориши ҳисобга олиниб, тегишли мавзуларда ўз ифодасини топган. Шунга қарамай, ўқув дастури ва дарслигига миллий истиклол ғояси билан боғлиқ куйидаги мавзуларни киритиш тавсия этилади:

1. Ғоя ва мафкура тарихи.
2. Ғоя ва мафкуранинг жамият ривожланишидаги яратувчанлик роли.
3. Бузғунчи ғоя ва мафкуралар.
4. Тарихда ғоя ва мафкурани мутлақлаштириш оқибатлари.
5. Ривожланишнинг ўзбек модели ва жамият тараққиётида унинг аҳамияти.
6. Миллий истиклол ғоясининг тарихий илдиэлари.
7. «Кучли давлатдан кучли жамиятга» концепциясини ҳаётга жорий этишда мафкуранинг аҳамияти.
8. Дин, динларро толерантлик ва мафкура.

Миллий истиклол ғоясига алоқадор мавзуни дастурнинг айрим мавзуларига қўшиб киритиш мумкин. Тавсия қилинган мавзуларни дарсликда мустақил баён этиш мақсадга мувофиқ. «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи» ўқув фанларидан бошқа мавзуларни баён қилганда ҳам миллий истиклол ғоясидан келиб чиқиш лозим.

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» ўқув фанидан миллий истиклол ғояси куйидаги талабларда ифода этилган:

- ўзбек миллий давлатчилиги тўғрисида тушунча ва унинг ривожланиши;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг тузилиши ва мазмуни;
- Ўзбекистон Республикаси кўп миллати давлат сифатида, унинг маъмурий-худудий қурилиши ва ҳуқуқий асослари;
- иқтисодиёт, сиёсат, маънавий ва маърифий соҳалар билан боғлиқ қонунлар мазмуни;
- таълим ва ёшларни тарбиялаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва бошқалар.

ДТС нинг юкорида келтирилган талабларини бажариш учун миллий истиклол ғояси билан боғлиқ билимлар ўқув дастури ва дарсликлари мазмунига киритилган. Шу билан бирга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ўқув дастури ва дарсликлари мазму-

нига қўшимча равишда қуйидаги мавзуларни киритиш тавсия этилади.

1. Ўзбекистонда вужудга келадиган жамиятнинг асосий тамойиллари.
2. Демократик тамойиллар, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган ахлоқий муҳитни вужудга келтириш.
3. Кўп миллатлилик ва истиқлол ғояси.
4. Миллий истиқлол ғоясини амалга оширишнинг асосий тамойиллари.

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» ўқув фанидан янги мавзуларни киритиш дастурдаги баъзи бир мавзуларни қўшиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

«Адабиёт» ўқув фанида миллий истиқлол ғоясини амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги талаблар қўйилган:

- Президент асарлари, уларда олга сурилган ғоялар;
- мустақиллик, маросимлар, урф-одатлар, халқ ижодиёти ва мамлакатимиздаги байрамлар, Ватанга муҳаббат уйғотувчи адабий асарлар мазмуни.

Халқ оғзаки ижоди, классик ва замонавий адабий асарларни ўқув дастури ва дарсликларга киритиш миллий истиқлол ғоясини амалга ошириш нуқтаи назаридан ёндашиш керак. Масалан, адабиёт бўйича дастурга юқорида баён қилингандан келиб чиқиб, қуйидаги мавзуларни киритиш тавсия этилади:

1. Ғоя — инсон тафаккурининг меваси.
2. Ривоят ва ҳикоялар — афсоналарнинг дастлабки ғоявий тизими.
3. Зардушт, Сукрот, Платон, Конфуций, Алишер Навоий, Маҳатма Ганди ва бошқаларнинг яратувчилик ғоялари.
4. Миллий истиқлол ғояси озикланидиган манбалар: эртак ва афсона, миллий қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолияти.
5. Етук инсонни миллий истиқлол ғояси руҳида шакллантиришда «Авесто», Қуръон, Ҳадислар, диний илмлар ва бошқа ғояларнинг аҳамияти.

«Адабиёт» ўқув дарслиги бўйича ўрганишга мўлжалланган асарлар ва улар ҳақидаги фикрлар, мулоҳазаларни танлаш миллий истиқлол ғоясидан келиб чиқиб амалга оширилади. Юқорида келтирилган бешта мавзу ўқув режасида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир.

Табиий ва аниқ фанлар (математика, информатика, физика, кимё, биология, география) бўйича давлат таълим стандарти, ўқув дастури ва дарсликларидан улуғ мутафаккирларнинг дунё фани

ривожига қўшган ҳиссаси Ўзбекистон олимлари ва уларнинг фаолияти тўғрисида билим берилади. Бу ўқув фанлари мазмунига миллий истиқлол ғояси сингдирилган.

Шу билан бирга, дастурлар ва дарсликларга қўйилган ҳозирги талаблардан келиб чиқиб, бу фанларга миллий истиқлол ғоясини амалга ошириш билан боғлиқ мавзуларни киритиш зарур. Шулардан келиб чиқиб, табиий ва аниқ фанлар бўйича куйидаги мавзулар билан ўқув дастурини тўлдириш тавсия этилади:

1. Илмий кашфиётлар ва уларнинг инсоният ривожланишидаги аҳамияти.
- 2.. Ҳозирги фан ютуқлари ва уларнинг одамлар онгига таъсири.

Табиий ва аниқ фанлар бўйича дарсликлар мактаб ўқувчиларини мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин билдиришга, илмий ғоялар ва назариялар тўғрисида мулоҳаза юритишга ўргатиши керак.

Ўқувчи ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, асосан, мактабдан ва синфдан ташқари ишларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида шундай дейилади: «Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин».

Бу мактабдан ташқари таълим муассасаларида амалга ошириладиган биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Бинобарин, барча илмий, табиий, ижтимоий-иқтисодий билимлар мактабдан ташқари таълимда умумлашган, муштарак ва амалиёт билан қўшилиб кетган ҳолда бўлади. Шу нуқтаи назардан мактабдан ташқари таълим назария билан амалиёт бирлигини таъминловчи, ўқувчилар олган билимларини ҳаётда жорий қилиш имкониятини берувчи асосий шарт ва омил вазифасини ўтайди.

Мактабдан ва синфдан ташқари ишларни такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқиб, меъёрий ҳужжатлар мажмуаси тайёрланган. Масалан, «Мактабдан ташқари таълим муассасалари тўғрисида Низом», «Маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари тўғрисида Низом», «Синфдан, мак-

табдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси», «Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари», «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, мактаб, маҳалланинг ҳамкорлик концепцияси» кабилар ишлаб чиқилган.

Жойлардан олинган маълумотларга кўра, болаларнинг бўш вақтини яхши ташкил этиш мақсадида фанлар бўйича тўғарақларга, мусиқа ва спорт мактабларига, кутубхоналарга, мактабдан ташқари турли муассасаларга 40 фоиз ўқувчилар жалб этилар экан.

Бинобарин, самаралорлик даражасига фақат мактабдан ташқари таълим муассасаларида эришиш мўмкин деган хулоса чиқармаслик керак. Шу нуқтаи назардан амалга ошираётган ишлар бизни қаноатлантирадими? Агар барча ишларни ижобий деб ҳисобласак, ўқувчилар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари нега камаймаяпти, нима сабабдан гиёҳвандлик ҳоллари мавжуд, нима сабабдан мактабни битирган баъзи ёшлар турли оқимларга кириб қолаяпти, 1999 йил 16 февраль воқеаларининг илдизи қаерда?

Бундай воқеа ва ҳодисалар таҳлили кўрсатдики, ўқувчиларни Ватанга фидойилик ва содиқлик, миллий истиқлол ғоясини тубдан англаб етиш ва унга садоқат, мустақил фикрловчи, маъсулиятли, ижодий ва ташаббускор шахслар тарбиясида хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Болаларнинг бўш вақти фойдали ишга йўналтирилмаган. Бунинг натижасида етарли ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшлар турли оқимлар таъсирига берилиб қолмоқдалар.

Кузатишлар кўрсатадики, мактабда, шунингдек мактабдан ташқари таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосидаги фаолиятлар, ёшларни маънавий-маърифий тарбиялаш билан боғлиқ тадбирлар ташаббус кўрсатмай, эскича, хўжакўрсин тарзида ўтказилади. Бу ишда педагоглар, синф раҳбарлари, устозларнинг биргаликдаги ҳамкорликлари сезилмайди.

Бу вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- турли зарарли оқимларга, лоқайдликка қарши кураш усуллари билан болаларга ўргатиш;
- мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
- мактабларда ва маҳаллаларда турли тўғарақлар ва студиялар фаолиятини такомиллаштириш;
- ёшларда мустақил фикрлаш лаёқатини шакллантириш;

- намунали тарзда «Одобнома» ва маънавият бўйича дарс ўтказишга ҳаракат қилиш;

- ҳар бир ўқувчини эшитган мусиқаши ёки кўниги, ўқиган бадиий асарлари мазмуни, баёни, муаллифи тўғрисида мулоҳаза юритишга ўргатиш;

- давлат тили билан боғлиқ талбирларни мунтазам ўтказиш;

- кутубхоналарнинг маънавий-маърифий фаолиятини кучайтириш;

- ҳукукий, иқтисодий, экологик ва саломатликни муҳофаза қилиш масалаларидаги билимларни тарғибот қилиш мақсадида таълим муассасаларида «Ота-оналар университети»ни ташкил этиш;

- синфдан ташқари соатларда мустақиллигимиз тарихи ва истиқболлари тўғрисида, маънавий-маърифий талбирларда эса мустақилликнинг улўввор ютуқлари тўғрисида суҳбатлар ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

- ўқувчиларнинг дам олиш соатларини ташкил этиш ва талбирларнинг мазмундорлигини ошириш, ижтимоий фойдали фаолиятни жорий этиш;

- ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик сифатларини, миллати, Ватани, унинг маънавияти ва маданиятини ҳурмат қиладиган ва кадрлайдиган, соф виждонли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш;

- лоқайдлик, диний экстремизм ва догматизмнинг аялчли оқибатларини кўрсатиш;

- ёшларни Ватанни гуллаб-яшнаши ва порлоқ келажаги учун фидокорлик, доим аниқ мақсад сари ҳаракат қилиш руҳида тарбиялаш;

Ҳозирги вақтда таълим ходимлари ўз фаолиятларини ўқувчиларда куйидаги сифатларни шакллантиришга қаратишлари керак:

- ўз олдига мақсадни тўғри қўя олиш;

- мақсадга эришиш учун билим ва малакага эҳтиёж сезиш;

- ўз ҳаракатларини баҳолай олиш ва яратувчилик тартиб-қоидалари томон интилиши;

- ўз билими ва қобилиятини намоён қилиш эҳтиёжини кучайтириш;

- жамоат ишларида фаол иштирок этиш, ишга ижодий муносабатда бўлиш;

- ўзига нисбатан талабчанлик, ўз хатти-ҳаракатларидаги камчиликларга танқидий муносабатда бўлиш.

Миллий истиқлол ғоясини амалга ошириш жараёнида ҳар бир педагог маърифатчилик фаолиятида иштирок этиши, миллий истиқлол ғоясини лўнда қилиб тушунтириб бериши, жонли суҳбат ва мунозаралар ўтказиши керак.

Миллий онгни уйғотиш ва шакллантириш ўзини англашдан бошланади. Миллий гуруҳ — бу ўз юртининг тарихини билиш, халқнинг маданий меросини ҳимоя қилиш, миллий кадриятларни тиклаш, ўзлигини англаш ва намоён этиш кабиларни билдиради.

1910-1920 йилларда халқнинг энг фаол вакиллари — жадидлар маърифатпарварлик воситасида халқнинг қаддини кўтариш ва жаҳон ҳамжамиятининг муносиб иштирокчилари қилиш ғоясини олга сурдилар. Буни ўрганиш шуниси билан муҳимки, уларнинг стук авлодни тарбиялаш, мустақилликни муҳофаза қилишда маънавий мерос вазифасини ўтайди. Ўзбек зиёлилари Ватан озодлиги учун қахрамона курашни XX аср бошларида бошладилар, мустақилликка эришишда уларнинг роли шундаки, аввало барча миллатларни тинчликда, тотувликда яшашга чорладилар.

Маънавий-маърифатчилик ишларини янги босқичга кўтариш учун барча таълим муассасаларида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш зарур.

Афсуски, бугунги кунда ҳамма ўқувчи давлат рамзлари уларнинг маъноси билади, деб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, «Миллий рамзларимиз бизнинг миллий гуруҳимизни кўтаришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири улкан дарслик, тарбиянинг кучли воситасидир». Мана шунинг учун ҳам жойларда давлат рамзлари асосида кўрик-танловлар, мунозаралар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир одам давлат рамзларини бутунлай ёки қисман билмай туриб, ўйлаб кўрсин, шу давлатнинг муносиб фуқароси-ман, шу халқнинг ўглиман ёки қизиман дея оладими? Миллий онгни шакллантиришда давлат рамзларининг буюк аҳамияти борлигини тушуна оладими?

Биз улуг Амир Темур васиятини бажаришимиз керак: «Сизнинг вазифангиз улуг обрў-ҳурматимизни, миллатнинг бахти ва фаровонлигини ҳимоя қилиш, уларнинг дардига малҳам бўлишдан иборатдир».

Бизнинг энг катта ютуғимиз ўз бойлигимизга ўзимиз эга бўлганимиздадир. Бинобарин, ёшларда бу бойликларнинг қадрига етиши зарурлигини ўргатишимиз, уларда миннатдорчилик, гуруҳ ва



ишонч туйғуларини тарбиялашимиз керак. Маънавий, ахлоқий мукамаллик, виждонлилик, ор-номуслилик, яқинларига гамхўр бўлиш ва бошқа инсоний туйғулар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, уларнинг асосида тарбия ётади.

Миллий истиқлол гоёси – бу юксак мақсад, эркин ва гуллаб-яшнаётган Ватан, етук инсонни шакллантириш асосида Ўзбекистонни келажаги буюк давлатга айлантиради.

Миллий мафкура – кудратли куч, келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги ҳаракатлар мажмуи, барча халқларни бирлаштиришга рағбатлантирувчи, ҳар бир инсон қалбида миллий гоёни жо қилувчи турли ғоғвий хавфга қарши сафарбар этувчи воситадир.

.. Миллий истиқлол гоёсининг мақсади қуйидагиларни таъминлашдан иборатдир:

- мамлакатда тинчлик;
- Ватаннинг гуллаб-яшнаши;
- халқ фаровонлиги;
- етук инсонни тарбиялаш;
- ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик;
- диний сабр-тоқатлилик (толерантлик);
- Қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқи.

Миллий истиқлол гоёсининг илмий-амалий манбалари:

- тарихий ва замонавий;
- миллий ва умуминсоний;
- фалсафий, дунёвий ва диний;
- сиёсий-ҳуқуқий ва диний;
- ижтимоий-иқтисодий;
- маънавий ва психологик.

Миллий истиқлол гоёсининг шакллантириш соҳалари:

- таълим ва тарбия;
- фан ва маданият;
- оила;
- маҳалла;
- меҳнат жамоалари;
- дин;
- жисмоний тарбия ва спорт;
- расм-русумлар, одатлар, анъаналар;
- маданий-маърифий муассасалар;
- давлат ва нодавлат ташкилотлари;
- оммавий ахборот воситалари.

Турли даражадаги таълим муассасаларида миллий истиқлол гоёсининг тамойилларини ўрганиш учун асосий мавзулар куйидагилардир:

- миллий гоё ва миллий мустақилликнинг тарихий шакллари ва уларнинг вужудга келиши;
- фалсафий, илмий ва диний илдиэлари;
- фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги;
- инсоният тарихида миллий гоё ва мафқуранинг мақсади ва унга кўйилган талаблар;
- мамлакат ва халқ тақдирига таъсири;
- ҳозирги жаҳон мафқурасининг манзаралари;
- мафқуравий жараёнлар глобаллашуви;
- геостратегик мақсад ва мафқуравий сиёсат;
- жаҳонни мафқуравий таъсир соҳаларига бўлиниши;
- Ўрта Осиё худудида мафқуравий жараёнлар;
- мустақил ривожланишнинг ўзбек модели;
- Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи;
- ўзбек маънавияти ривожланишининг устувор йўналишлари;
- гоёвий-мафқуравий соҳадаги умумий муаммолар ва хавф-хатарлар;
- коммунистик мафқура таъсиридан халос бўлиш ва гоёвий бўшлиқни тўлдириш зарурлиги.

Бугунги кунда ўқувчилар орасида жиноятчилар, ҳуқуқбузарлар, гиёҳвандлар, шунингдек диний экстремистлар таъсирига тушиб қолганлар учрайди. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартда эълон қилган «Ижтимоий-маънавий вазиятни янада соғломлаштириш ва диний экстремизмнинг олдини олиш юзасидан тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ўқувчилар ўртасида кенг кўламли тарғиб қилиш ва ўрганиш зарур.

Ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида мактаб, оила, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва турли жамғармалар ўзаро ҳамкорликда кўрик-танловлар, фестиваллар, конференциялар, семинарлар ўтказадилар. Айниқса «Иқтидорли болалар», «Китобсеварлар», «Ўзбекистон Ватаним менинг» каби танлов ва байрамлар анъанавий бўлиб қолди.

Булардан ташқари, улар болаларнинг техник ижоди, экология, саёҳат, ўлкашуносликка оид кизиқарли тадбирлар ўтказмоқда. Кўпгина ўқувчилар турли тўғаракларга қатнашмоқдалар. Булар

яхши, албатта. Аммо энди уларни ҳозирги талаблар, миллий истиқлол ғояси асосида ўтказиш, таъсирчан, самарали бўлишини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Ўқувчи ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда тadbирларнинг янги шакли ва усуллари топиш керак.

Таълим муассасаларида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати таркибида болалар ташкилоти ишлай бошлади. Бу ташкилотнинг мақсади болаларни бирлаштириш, уларни фойдали машғулотларга жалб этиш, шу йўллар билан энг яхши инсоний сифатларни шакллантиришдан иборат. Ёшлар ташкилоти бундай тadbирларни ўтказишда мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар, маҳалла бошқарувлари, жамғармалар билан ҳамкорлик қилишлари керак. «Қизлар», «Санъатсеварлар», «Техник ижодкорлар», «Китобсеварлар», «Мерос» клубларини, спорт секцияларини ташкил этиш, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш ишида муҳим аҳамиятга эга.

Ёшлар ташкилоти иштирокида таълим муассасалари ота-оналар билан биргаликда яшаш жойларида «Ёш хунармандлар», «Дуродгорлар», «Сандиксозлар» тўгараклари, «Меҳр-шафқат» клубини ташкил этишлари мумкин. Булардан ташқари, болалар ташкилоти мудофаага кўмаклашув жамияти «Ватанпарварлар» билан бирга «Шунқорлар» клубини ташкил этишлари, болаларни ҳарбий хизматга тайёрлаш секцияларини олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар ташкилоти кутубхона билан ҳамкорликда бадиий адабиётларга нисбатан болаларда қизиқиш уйғотишлари, улар асосида миллий истиқлол ғоясини сингдириш, мафкуравий қарашларни шакллантириш имкониятлари мавжуд. Шу маънода китобхоналар конференция, шеърят кечаси ўтказишлари, оилавий кутубхона ташкил этишлари, уларни бадиий адабиётлар билан тўлдиришлари мумкин.

Болалар ташкилоти ўз тadbирларини қаерда ўтказмасин, болаларни байналмилал руҳда тарбиялаш, уларда турли миллатларга нисбатан ҳурмат уйғотиш муҳим аҳамиятга эга. Болалар ташкилоти тўғрисидаги низомда бошланғич жамоаларга кенг ваколатлар берилган. Улар жамоанинг шиори ва рамзини танлашлари, ташкилотга янги аъзо қабул қилишлари мумкин. Ишни эркин ва мустақил олиб бориш ҳуқуқи болаларнинг ташкилотга бўлган қизиқишларини оширади.

Шундай қилиб, ўқувчи ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини

сингдириш бугунги кундаги энг мухим вазифа - мамлакатимиз гуллаб-яшнашининг асосий омили бўлиб қолади.

#### 4.2. Ижтимоий фанлар соҳасида илмий тадқиқотлар сифатини ошириш

Ижтимоий фанлар соҳасида илмий тадқиқот ишларини янги босқичга кўтариш керак: ўзбек халқи тарихи ва унинг давлатчилиги; Ўзбекистон халқининг бадиий, фалсафий ва педагогик қарашларининг тикланиши ва ривожланиши; этнография, этногенез, адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқалар. Мазкур муаммо юзасидан илмий изланишларнинг концептуал йўналишлари Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» китобида чуқур таҳлил этиб берилган. Шу маънода тарихий меросни ўрганишнинг ҳозирги методологик асосларида ёш олимлар янги илмий мактабини шакллантириш; болалар ва ўқувчи ёшлар учун илмий-оммабоп ва ахборот адабиётларини чоп этиш бўйича катта ишларни амалга ошириш лозим. «Миллий-маънавий бойликларимиз ва маданий ютуқларимизнинг муштарак илдизларидан келиб чиқиб, миллий мафкурани тўлдириш ва бойитиш бизнинг олимлар, файласуфлар, сиёсатшунослар ва умуман мамлакат илмий жамоатчилигининг долзарб вазифаси бўлиб қолаверади».

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларини бажариш учун унинг асл негизи бўлган Кадрларни тайёрлаш миллий моделини илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва англаш, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида, таълим муассасаларининг барча турлари ва типларида ўқув-тарбиявий жараёни зарур илмий-методик қўлланмалар билан таъмин этиш зарур.

Миллий моделни кенг қўламда жорий этиш мақсадида ўтказиладиган илмий тадқиқотлар аслида келажак учун «ишляпти». Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу объектив ҳақиқатни ифодалаб фан олдига узоққа мўлжалланган мураккаб стратегик вазифани қўйди. Бу вазифалар жумласига биринчи навбатда миллий модель ва унинг таркибий қисмларини, илмий-методологик, ижтимоий, иқтисодий, психологик-педагогик, тарихий-фалсафий ва бошқа муаммоларни тизим сифатида таҳлил қилиш масалалари киради.

Шу муносабат билан Миллий моделни илмий тадқиқ қилиш принципиал янги босқичга чиқади. Мазкур босқич учун қуйидагилар характерли ҳисобланади:

- фундаментал тадқиқот устуворлиги;
- фанлараро илмий-назарий тадқиқотларнинг амалиётга йўналтирилганлиги;
- илмий изланишларни башорат қилиш ва новаторлик йўналиши;
- ижтимоий ва психологик-педагогик жараёнларни тадқиқ этишда мақсадли-дастурли, тузилмали-тизимли ва мажмуали ёндашувлардан ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги ҳолатлардан фойдаланиш;
- тадқиқотлар технологик жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш, бунда узлуксиз таълим тизимидан фойдаланиш, уларнинг ишончлилигини, объективлигини ва мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиш.

Тадқиқот ўтказишда кўрсатилган ёндашувларни қўллаш қуйидагиларни назарда тутади:

Биринчидан: «Кадрларни тайёрлаш миллий модели – Ислом Каримов модели»ни яхлитлигича, жумладан ўзаро алоқада бўлган таркибий қисмларини ҳам, вақт ва макон жиҳатдан динамик ўсишда ва маълум ижтимоий-иқтисодий вазиятда ривожланишда тадқиқ этиш. Таълим тизимига мазмунан ва ташкилий жиҳатдан яхлит, узлуксиз ва кетма-кетлик тарзида ёндашиш керак. Шу нуқтаи назардан давлат таълим стандарти ва талаблари, яъни мактабгача таълимдан тортиб то кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишгача илмийлик, реаллик, башоратлилик ва кетма-кетлик даражасини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Таълим дастурининг изчил мазмунини, айниқса умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий босқичларини илмий асослаш лозим.

Ислохотлар даврида ДТСни ишлаб чиқиш, тузатишлар киришиш ва жорий этиш жараёнида олимлар, методистлар ва амалиётчилар томонидан жуда катта ижобий тажриба тўпланди. Қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак: узлуксиз таълим ва унинг турлари, ДТСнинг барча таркибий қисмлари (ўқув топшириғининг умумий ҳажми, таълим фанларининг номлари, уларнинг мазмуни ва бошқалар) илмий асосланган ва босқичларига кўра узлуксиз ва кетма-кет ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам жамиятдаги тараққиёт талабларига мувофиқ илгари тасдиқланган ДТС маз-

мунини янгилаб, такомиллаштириб бориш ва тузатишлар киритиш тадбирларини илмий асослаб бериш лозим.

Иккинчилан: Миллий моделни ўрганишда тузилмали таркибий қисмларнинг ўзаро алоқаларига эътиборни қаратиш керак. Модель таркибий қисмларининг ўзаро узвий боғлиқлигини аниқлаб олишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Модель таркибий қисмларининг боғлиқлиги, шу жумладан ташқи омиллар билан ўзаро алоқалари унинг ривожланиши, шунингдек таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир этувчи шарт-шароитларни аниқлаб бериш имкониятини яратди. «Ислом Каримов модели»ни ўрганиш шу жиҳатдан тадқиқ қилинаётган жараён ва ҳодисаларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чуқур илмий ёндашуви ва узоқни кўра билиши шундаки, Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ғояси ва қоидалари уларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида ижобий маънода «портлаш эффекти»ни таъминлайди.

Кадрларни тайёрлашнинг миллий дастури, уни амалга ошириш тадбирлари жамиятда замонавий таълимнинг ўта муҳимлигини тушуниш имкониятини берди. Бу таълим шахсни уйғун камол топтиришга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Миллий дастур ғоялари ва қоидалари жамият тараққиётида таълимнинг роли ва ўрни тўғрисидаги тушунчани ўзгартириб юборди, таълимнинг ҳар томонлама чуқур йўналтирилган ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб берди.

Учинчидан: «Ислом Каримов модели»га изчил ўсиб боровчи ҳодиса сифатида қараш керак. У давлат ва жамиятнинг маълум босқичида ишлаб чиқилиб жорий этилган бўлиб, бундан кейин ҳам ўзининг асосий қирраларини сақлаб қолади, аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашиш зарурлигидан келиб чиқиб тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этади. Бу ўзгаришлар сабабларини аниқлаш таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш жараёнини самарали бошқариш имкониятини беради. Буларга мисол қилиб академик лицей ва касб-хунар коллежаларининг ишга тушиши муносабати билан илмий асосланган ўзгаришларни олиш мумкин. Бу республика минтақалари ва иқтисодий тармоқлари, шунингдек демографик ўзига хос томонларидан келиб чиқиб, кичик мутахассисларга бўлган талабга яраша

киритилган ўзгаришлардир. Булардан ташқари, ҳозирги амалиёт та-  
лабларига мувофиқ тиббиёт олий ўқув юртлирида бакалавр ва ма-  
гистрларнинг ўқиш муддати ортди, умуман олий таълим йўнали-  
ши ва ихтисослиги бўйича таснифлашга ўзгаришлар киритилди,  
олий тоифадаги тиббиёт ҳамширасини тайёрлаш йўлга қўйилди.

«Ислом Каримов модели»нинг асосий хусусиятлари ва қоида-  
лари устида олиб борилган тадқиқот таълим ва кадрлар тайёрлаш  
tizимининг келажакда янада ривожланиши юзасидан хулоса чи-  
қариш, таълим тизими ривожланиши жараёнида, унинг тузилма-  
си ва мазмунида ўзгаришларни кузатиш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни таъ-  
минлаш ва Миллий моделини тадқиқ этишда фаннинг асосий  
мақсади – ижтимоий-иқтисодий реаллик, бозор ислохоти, мил-  
лий-маданий ва тарихий анъаналар, бой маънавий-ахлоқий ва  
интеллектуал мерослар, умумбашарий кадриятларни назарда ту-  
тиб, узлуксиз таълим тизимида фундаментал ва амалий тадқиқот-  
ларни башорат қилиш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Бу борада фаннинг вазибалари:

- узлуксиз таълим тизими фаолиятининг методологик ва наза-  
рий асосларини ишлаб чиқиш;

- давлат, жамият ва шахснинг ижтимоий-иқтисодий ва маъна-  
вий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиришда халқ таълимининг роли,  
ўрни ва вазибаларини аниқлаш;

- жамиятнинг ижтимоий буюртмаси ва шахс эҳтиёжини назар-  
да тутиб, таълим мазмунини белгилаш ва танлов принципи, мезони,  
механизмларини кўрсатиш;

- ўқув-тарбиявий ишлар унумдорлигини, ракобатбардош кадр-  
лар тайёрлашнинг ва самарадорлигини оширишни таъминловчи  
давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълимни инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштириш асо-  
сида ўсиб келатган авлодни ўқитиш, тарбиялаш, камол топти-  
ришнинг илгор педагогик технологияси, замонавий методик ёнда-  
шувларни, унинг илмий ва амалий йўналишини излаб топиш ва  
амалда жорий қилиш;

- таълим сифати, ўқувчилар тайёргарлигини ишончли, умум-  
лашган назорат тизимини ишлаб чиқиш;

- бой маънавий ва интеллектуал мерос ва умуминсоний кадри-  
ятлар асосида ўсиб келатган авлодларнинг ҳақиқий таълим ти-

зимини вужудга келтириш;

- фуқаро, ватанпарвар, байналмилал, меҳнатқаш, маънавий ва жисмоний жиҳатидан стук инсонни тарбиялашнинг самарали шакллари, воситалари ва методларини ишлаб чиқиш;

- ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, туб ислохотлар шароитида ёшларга тўғри касбий йўналиш бериш, диагностика, танлаш ва мослашишнинг энг самарали ташкилий ва методик шакллари, воситалари ва методларини ишлаб чиқиш;

- шахс тарбиясида илғор педагогик ва ижтимоий тажриба, халқ педагогикаси, миллий-маънавий ва интеллектуал мерос воситалари ва методларини умумлаштириш ва илмий жиҳатдан баҳолаш, уларни ўқув-тарбиявий жараёнга жорий қилиш;

- индивидуал, дифференциациялашган ва касб-хунар таълимини таъминлаш мақсадида истеъдодли ёшларни аниқлашнинг психологик-педагогик, ташкилий-методик асослари ва механизмларини вужудга келтириш, унинг интеллектуал-ижодий имкониятларини ишга солиш;

- соғлом авлодни шакллантириш мақсадида болалар ва ўсмир ёшларнинг биологик ва психологик ривожланиш қонуниятларини белгилаш, ақлий ва жисмоний топшириқни ўқувчилар саломатлигига ва иш қобилиятига таъсирини аниқлаш;

- Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг таълим олиши ва ижтимоий мослашишининг самарали ташкилий-методик йўллари ишлаб чиқиш;

- жамиятнинг иқтисодий ва маънавий талабларини назарда тутиб, узлуксиз таълим тизимини юқори малакали илмий кадрлар билан таъминлашнинг илмий-методик шарт-шароитларини таъминлаш;

- илмий счимлар натижаларини кенг тарғиб этиш;

- ўсиб келаётган авлодни ўқитиш, тарбиялаш, камол топтириш жараёнини бундан кейинги тузатиш ва ислох қилиш учун узлуксиз таълим тизими субъекти фаолиятининг натижаларини баҳолайдиган ахборот тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Яқин келажакда ва узоқ давр давомида бажариладиган устувор тадқиқотлар қуйидагилар:

- узлуксиз таълим тизими фаолиятининг назарий-методологик асосларини, унинг янгиланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;

- педагогик билимларни инсон ҳақидаги фанларнинг умумий



- тизимига интеграциялаш муаммосини тадқиқ этиш, яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг илғор анъаналарини ривожлантириш;
- педагогикада инновация жараёнини тадқиқ қилиш, ёшларни тарбиялаш ва таълим беришнинг ишончли тажрибасини ишлаб чиқиш;
  - ўқув-тарбиявий жараён самарадорлигини баҳолаш методи ва технологиясини такомиллаштириш;
  - миллий-маданий, тарихий, маънавий-ахлоқий анъаналар, халқ педагогикасидаги умумбашарий кадриятларни ҳисобга олиб, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда тарбия қонуниятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;
  - узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим мазмунини, унинг асосий ва таркибий қисмларини янгилаб бориш;
  - ўқув-тарбиявий жараёнда янги ахборот ва педагогик технологияни вужудга келтириш ва ундан фойдаланиш, тегишли дастурий-дидактик жиҳатларни ишлаб чиқиш;
  - давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилишнинг назарий-методик ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш;
  - узлуксиз таълим тизими ўқув-методик мажмуасининг янги авлодини яратиш ва амалда уни жорий қилиш;
  - шахснинг профессионал диагностикаси, мослашуви, танлови, йўналтирилганлиги ва тикланиши муаммоларини тадқиқ қилиш;
  - шахснинг ёши, қобилият даражаси, интеллектини эътиборга олиб шакллантириш, унинг ижтимоий ва касбий тикланишининг психологик муаммоси ва қонуниятлари;
  - «давлат - жамият - шахс - табиат» тизимининг ўзаро алоқалари механизминини намоён этадиган ижтимоий-психологик муаммолар;
  - ахлоқи нормал бўлмаган шахснинг ижтимоий-педагогик профилактика тизимининг психологик-педагогик ва криминологик асосларини вужудга келтириш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш;
  - узлуксиз таълим тизимида соғлом авлодни шакллантиришнинг педагогик, физиологик-гигиеник асослари, ўқув-тарбиявий жараённинг соғломлаштириш йўналиши;
  - ривожланишда нуқсонли бўлган болалар таълими ва ижтимо-

ий мослашувнинг психологик-педагогик ва тиббий-биологик асослари;

- кўпмиллатли Ўзбекистон Республикасида ва кўптиллилик шароитида она тили фаолият кўрсатишининг психологик-педагогик ва методик жиҳатлари;

- Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида тарихий-маданий ва таълим анъаналари, этнопсихология, халқ педагогикаси ва жаҳон маданий таълимидан фойдаланиш йўллари ва методларини тадқиқ қилиш.

Устувор йўналишларни амалга ошириш қуйидагиларни таъминлаш имкониятини беради:

- узлуксиз таълим тизимидаги барча бўғинларнинг узвий алоқалари, бирлиги, изчиллиги ва бутунлиги: мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар, турли типдаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар таълими муассасалари;

- таълим мазмунини янгилаш, бунда танловнинг принцип ва мезонларини, шунингдек ўқитиш шакли, методларини такомиллаштириш, ўз миллий дидактикамиз ва жаҳон тажрибаси ютуқларини ҳисобга олиб, миллий мақсадга мувофиқ ва самарали методика, технологияни танлаш ва жорий этиш;

- узлуксиз таълимда илғор психологик-педагогик, ахборот технологиясини кенг жорий қилиш;

- ўқитиш шакли, методининг мослашувчанлиги, илғорлиги ва илмий-маданийлиги, шахс тарбиясини ривожлантириш;

- таълим, маданият, фан, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама интеграциялашуви асосида таълимни жамият ва шахс манфаатлари, эҳтиёжларига мослаштириш.

Устувор йўналишларни амалга ошириш оқибатида тадқиқотдан кутилаётган асосий натижалар:

- узлуксиз таълим тизимининг назарий-методологик базаси; узлуксиз таълим мазмунини янгилаш, шахсни шаклланишининг ижтимоий-тарбиявий тизими;

- асосий таълим ва касб-хунар дастури бўйича давлат таълим стандарти, ўқув-методик комплексининг янгиланиши (янги дарсликлар, ўқув қўлланмаси, дидактик материаллар, ўқув методик қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар, тест материаллари ва ҳ.к.);

- ҳозирги замон ахборот-педагогик технологияси, таълим сифатини баҳолаш мезони ва жараёни, узлуксиз таълим тизими на-

тижалари, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда меҳнат қиладиган мутахассисларнинг янги авлоди.

Кўрсатилган йўналишларни амалга ошириш тадқиқот жараёни, Миллий дастурни жорий қилишдек долзарб муаммони замонга мос ҳолатда ҳал қилишга қаратилганлиги унинг самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

Шу билан бирга, масаланинг қуйидаги томонига эътиборни қаратиш лозим, яъни тадқиқотчилар Миллий дастурнинг биринчи босқичи вазифаларини амалга ошириш доирасидаги баъзи ўта муҳим муаммоларни илмий асослаб бера олмадилар:

- мактабгача ва мактабдан ташқари таълимга, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга қўйилган давлат талабларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича илмий тадқиқотлар ўз ниҳоясини топмади;

- ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик марказларнинг ишлаши учун илмий-методик база тўлиқ шакллантирилмади, илмий услублар мажмуи ишлаб чиқилмаган;

- халқнинг бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналарига, умумбашарий кадриятларига, истиқлол ва демократия принципларига асосланган тарбия тизими фаолиятининг методологияси, назарияси ва методикаси тўла шаклланмаган;

- илғор педагогик ва ахборот технологиясини ишлаб чиқиш, замонавий ўқув методик комплексини яратиш юзасидан маълум мақсадли илмий тадқиқотлар охирига стқазилмади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг қоидалари, «Ислом Каримов модели»нинг ғоялари ва қоидалари ҳозирга қадар изчил илмий тадқиқот мавзусига айлангани йўқ. Илмий ишланмалар кўп ҳолларда маҳаллий, амалий билимлар доирасидаги муаммолар счи-мига бағишланган, бу шахсни камол топтириш ва тарбиялашга бағишланган материалларда ўз аксини топган.

Бундан кўринадики, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг қоидалари қанчалик чуқур, кенг кўламли тарзда илмий таҳлил қилинса, узлуксиз таълим тизими сифат жиҳатидан шунчалик тез ривожланиш босқичига кўтарилади. Кадрлар тайёрлаш миллий да-стурига ҳам худди шундай талаб қўйилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Миллий моделининг ва унинг муаллифи мамлакат Президенти Ислом Каримов кадрлар тайёрлаш тизими ривожланишининг стратегик йўналишини чуқур илмий асосда аниқ белгилаб берди. Кадрлар тайёрлаш миллий

дастурини бажариш жараёнида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Шундай қилиб, олимлар, амалиётчилар, мутахассисларга илмий изланишлар, уларни чуқур англаш, моделнинг ғояси ва қоида-сини ижодий ривожлантириш, таркибий қисмлари мазмунини аниқлаш, уларнинг биргаликда шахсга ва умуман жамият ривожланишига кўрсатадиган таъсирини белгилаш учун жуда катта имкониятлар яратиб берилди.

Демак, билимнинг турли соҳа олимлари ва мутахассислар ишларини аниқ координациялаш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш шароитида илмий тадқиқот муаммоларининг устувор йўналишларини амалга ошириш - таълимда давлат сиёсатини жорий қилишга йўл очади, булар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш имкониятини беради.

#### 4.3. Ижтимоий педагогика — ёш авлодни тарбиялашнинг амалий механизми

Ижтимоий педагогика Ўзбекистонда ҳам, дунёдаги бошқа мамлакатларда ҳам узоқ ва чуқур аъёнларга эга. Шунга қарамай совет даврида ижтимоий педагогика ютуқлари эътиборга олинмади. Мана шунинг учун ҳам ижтимоий педагогика янги соҳа сифатида фақат ижтимоий-педагогик мутахассислар давлат ва жамоат органлари бошқармаларинигина эмас, балки мутахассислар тайёрлайдиган тизимни, шунингдек ижтимоий-педагогик фаолиятининг илмий-тадқиқот базасини ҳам ўз ичига олади.

Бундай муаммоларни шахсга, ҳамкорлик аъёнларига, раҳм-шафқатга, миллий аъёнларга бефарқ бўлиш ҳолатлари билан изоҳлаш мумкин. Бу ижтимоий тарбия соҳаси мутахассислари олдида турган вазифаларни мураккаблаштириб юборади. Шунинг учун ҳам ижтимоий педагогикани ривожлантириш ва мазкур йўналишда мутахассислар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий педагогика яқин келажакда ўқитувчи ёки тиббий ходим сингари оммавий касбга айланади, чунки айрим одамнинг ижтимоий касаллигини олдини олиш ва маънавий-ахлоқий оғишни даволаш «ижтимоий эпидемия»га қарши курашга нисбатан анча осондир.

Бир объектни турли фанлар томонидан ўрганиш мумкин. Ижтимоий педагогика - тарбия ва таълим жараёнида болаларга жамиятда бирга яшаш билан боғлиқ бўлган ҳолат ва ҳодисаларни ўргатади. Бу жараён жамиятга «кириш» ва ўзаро муносабатда бўлишни англатади. Улар маълум ижтимоий тажриба (билим, кадрият, ахлоқий қоида, кўрсатма) оладилар, яъни ижтимоийлаштириш юз беради.

Ижтимоийлашув узок давом этадиган ва жуда мураккаб жараён. Бир томондан ҳар қандай жамият ўз ривожланиш жараёнида ижтимоий ва ахлоқий кадриятлар, идсаллар, ахлоқий меъёрлар ва қоидалар тизимини ишлаб чиқади, ҳар бир бола юқоридаги қоидаларни қабул қилиб, ўрганиб мазкур жамиятда яшаш, унинг тўла маънодаги аъзоси бўлиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун жамият у ёки бу шаклда шахсга мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатади, уни таълим ва тарбия воситасида амалга оширади. Иккинчи томондан, унинг шаклланишига турли ғоялар, ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундай йўналишлар, стихияли таъсирлар йиғиндиси ҳар доим ҳам миллий мустақиллик манфаатларига жавоб бермайди. Жамият ўз тузилишига кўра турли хил ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига таъсир ўтказадиган давлат ва жамоат институтларига эга бўлиб, улар ижтимоий ҳаётни ташкил этиш ва бошқариш шаклларини англатади. Одамлар бу ижтимоий нормалар ва ахлоқий қоидалар билан муносабатга киришадилар ва уни ўрганадилар.

Аммо турли ижтимоий институтларнинг ғоявий тарбиядаги роли бир хил эмас. Улардан бири боланинг ривожланиши ва ижтимоий тикланиши учун уларга табиий таъсир кўрсатса, бошқаси шахнинг шаклланиши учун мақсадга мувофиқ вазифани бажаради. Булар ижтимоийлаштириш институлари номини олиб, уларнинг таркибига оила, таълим, маданият ва дин қабилар киради.

Оила ижтимоий педагогиканинг асосий институти, оила воситасида одам асосий ижтимоий билимларни ўрганади, ахлоқий маҳорат ва малакага эга бўлади, ҳаёти учун зарур бўлган маълум кадрият ва мафқурани эгаллайди. Болаларнинг муваффақиятли ижтимоийлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир институт – таълим муассасасидир. Одам узлуксиз таълим орқали жамиятда таркиб топган кадриятлар, бойликлар билан муносабатда бўлади. Одам билим олиш жараёнида фақат ақлий жиҳатдан ривожланиб қолмай, жамият ҳаётига мослашади.

«Маънавият ва маърифат» маркази ҳам ижтимоий тарбия институтларидан бири, у жамиятда ва жаҳон ҳамжамиятида таркиб топган маънавий қадриятлар билан қуроллантиради. Булардан ташқари адабиёт, мусиқа, анъана, урф-одатлар, расм-русумлар, оммавий ахборот воситалари ҳам маданиятни шакллантириш, ривожлантириш орқали таъсир кўрсатади.

Ислом дини ижтимоий институт сифатида мураккаб ижтимоий воқелик бўлиб, алоҳида тушунча, туйғу, ибодат аҳкомлари, муассасалари ва диндорларнинг турли уюшмаларини ўз ичига олади.

Диний байрамлар, анъаналар, классик мусиқа ва бошқалар инсон томонидан жамиятнинг ахлоқ нормалари, хулқ-атвор қоидалари ва қадриятларини ўзлаштиришда катта роль ўйнайди.

Янги билимлар, илмий фикрларнинг ҳаётга кириб бориши, жамиятда янги муаммо ва эҳтиёжларининг келиб чиқиши натижасида фанда дифференциациялашув ва ихтисослашув анъаналари кузатилади, яъни асосий фанлар мустақил ривожланидиган айрим-айрим соҳаларга бўлинади. Бошқа томондан, баъзи бир муаммоларни ҳал қилишда интеграция жараёни кузатилади, бир неча мустақил фанлар қўшилади, улар бир объектни турли нуқтаи назардан ўрганадилар. Масалан, педагогиканинг турли фанлар билан туташган жойида мустақил тадқиқот соҳалари вужудга келди - фалсафа билан туташ жойида - таълим фалсафаси, ижтимоий фан билан туташ жойида эса ижтимоий тарбия ва ижтимоий таълим соҳаси таркиб топади.

Кейинги йилларда педагогика фанида дифференциациялашув ва ихтисослашув жараёни кучайди. Ихтисослашган баъзи соҳалар педагогиканинг мустақил илмий йўналиши сифатида расмийлаштирилди. Буларга мактабгача педагогика, мактаб педагогикаси, махсус педагогика, профессионал педагогика, педагогика тарихи ва бошқа соҳаларни киритиш мумкин. Булар қаторига ижтимоий педагогика ҳам кириб келмоқда.

Ижтимоий педагогиканинг тадқиқот объекти педагогика ўрганадиган жараён ва воқелик бўлиб, у масалани муайян, ўзига хос аспектда кўради. Унинг ўзига хослиги эса «ижтимоий» деган сўзда ифодаланган.

«Ижтимоий» тушунчасида одамларнинг бирга яшаши билан боғлиқ жараёнлар ифодаланган, аммо уларнинг мулоқоти ва ўзаро алоқалари турли шаклларда бўлади. Демак, педагогика ўсиб келаётган авлод тарбияси ва таълими тўғрисидаги фан бўлиб, иж-

тимой педагогика эса жамият аъзосини тарбиялаш ва унга таълим бериш тўғрисидаги фандир.

Турли ижтимоий институтларнинг болани ижтимоийлаштиришдаги тарихий аҳамияти ўзгарди. Жамият ривожининг турли босқичларида у ёки бу институтнинг роли ортади ёхуд камаяди. Мамлакатимизнинг XX аср давомида ривожланиши бунга мисол бўла олади, уни шартли равишда уч гуруҳга: совет давригача, совет даврида ва мустақиллик даврига бўлиш мумкин.

Совет давригача оила ва дин боланинг ахлоқий тикланишида ва жамиятга қўшилишида кучли таъсир кўрсатган.

Иккинчи босқичда таълим, давлат (партия, комсомол, пионер, болалар ташкилоти, оммавий ахборот воситалари ва бошқа) институтлари ва маданиятининг роли ошди. Оиланинг ижтимоий тарбиядаги устувор роли мактабга кўчди. Адабиёт, кино, расм, музика ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифани - болалар ва ёшларда коммунистик мафқурани шакллантиришни тарғиб қилди, ижтимоийлаштиришнинг муҳим институти ҳисобланган дин жамият ҳаётида муҳим роль ўйнамай қўйди, диний арбоблар қатғон қилинди.

Мустақиллик йилларида ижтимоийлаштиришда таълимнинг муҳим ўрни сақланиб қолди. Шу билан бирга, оила ва диннинг аҳамияти ҳам ортиб борди, маданиятнинг роли ўзгарди.

Агар ижтимоий институтлар ўз вазифаларини муваффақиятли бажарса бунда жамият тарбияси жараёни «табиий йўллар» билан амалга ошади. Аммо бу жараёнда «тўхтаб қолиш» ҳоллари юз бериши мумкин, унинг сабабини ижтимоий институтдан қидириш керак, улар шахснинг мақсадга қаратилган шакллантириш вазифасини бажармаслигидан келиб чиқади.

Биз ижтимоий педагогика тўғрисида гапирганимизда унинг ўзаро боғлиқ бўлган икки томонини фарқлашимиз – бу соҳадаги илмий-назарий билим ва айнан ижтимоий-педагогик фаолиятнинг ўзи, яъни ижтимоий педагогиканинг бевосита иши. Бошқача айтганда, ижтимоий педагогикани фан сифатида ва амалий фаолият билан шугулланадиган соҳаларга ажратиб ўрганиш лозим. Аммо улар ўзаро боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Бундан ташқари, ижтимоий педагогикани ўқув фани сифатида ҳам кўриш мумкин. Бу ўқув предмети олий ўқув юртида ўқитилади. Ўқув фани тегишли фан соҳасидан келиб чиқади, унда фанга маълум, аниқ фактлар ва ҳодисалар ўз ифодасини топади. Аммо мунозарали му-

аммолар ҳам учраши мумкин, булар олимларнинг тортишуви на-тижасида, бир нарсага турли нуқтаи назардан ёндашув оқибатида келиб чиқади.

Бугунги кунда айтиш мумкинки, кўпгина тажриба ва назарий билимлар тўпланди, уларни чуқур ўрганиш ва тартибга келтириш керак, бу устувор илмий йўналишни белгилаш, яъни ижтимоий педагогиканинг жадал ривожланиши, уни мустақил фан сифатида расмийлаштириш имконини берди. Ижтимоий педагогикани янада ривожлантириш педагог жадиждлар, А.Авлоний, М.Бехбудий асарларини, шунингдек Форобий, Нақшбандийнинг таълимга оид фикрлари, ислом педагогикасининг тарбиявий аҳамияти, халқнинг маданий ва тарихий аънаналарига жавоб берадиган миллий ғоянинг тарихий-педагогик илдиэларини янги нуқтаи назардан кўриб чиқишни такозо этади.

Ўзбекистонда ижтимоий педагогикани тиклаш ва уни янги босқичга кўтариш учун хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, бу соҳадаги илмий билимлар ва миллий тадбирларни ривожлантириш бу жараён давомида юзага келадиган муаммо ва қийинчиликларни таҳлил қилиш ҳам катта роль ўйнайди.

Педагогика тарихининг илдиэлари қадимий даврларга бориб тақалади. У бир неча асрлар мобайнида фалсафа фани доирасида ривожланиб келди. Ўша вақтларда фалсафа инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва роли, ҳаётнинг моҳияти, шахсининг ахлоқий камол топишида маданият ва диннинг аҳамияти каби соҳаларни тақиқ этар эди. Шу маънода ижтимоий педагогика, педагогиканинг ўзидан ёш эмас, чунки у педагогика таркибида ажралмас бўлак сифатида бир ўзанда ривожланиб борди.

Агар ижтимоий педагогикани шу нуқтаи назардан ўрганадиган бўлсак, унинг ривожланишини бир неча даврларга бўлиш мумкин.

Биринчиси - бошланғич давр, қадимги даврдан XVII асргача бўлган даврни ўз ичига олади, бу тарбия амалиётини тушуниб этиш, педагогик ва ижтимоий педагогик тафаккурнинг шаклланиши билан боғлиқ. Бу даврда тарбия ижтимоий воқелик сифатида тиклана боради, унинг шаклланиши стихияли тарздан анланган фаолиятга айланди, тарбиянинг турли назариялари вужудга келди.

Антик даврлардаёқ ижтимоий-педагогик ғоянинг тамал тоши кўйилган эди, яъни таълим ва тарбия «Бешиқдан тобутгача» да-



вом этади, дейилганди. Тарбияни ёнликдан бошлаш, бунда бола-нинг табиатини, атроф-муҳит таъсирини ҳисобга олиш, катталар, энг аввало, ота-оналар нуфузига суяниш лозим.

Иккинчи давр, XVII-XIX асрларни ўз ичига олади. Бу ижтимоий педагогиканинг ғоялари ва илмий концепцияларини ривож-лантириш, фан сифатида тикланиш даври бўлган эди.

XVII-XIX асрларда машхур олимлар (педагог, файласуф, со-циолог, психолог) жамоатчилик ва давлат билан ҳамкорлик йўли-да ижтимоий-педагогик муаммоларни ҳал қилиш йўлларини изла-дилар. Тарбия масалаларини жамиятни қайта куриш, ҳамманинг тенг ҳуқуқлилиги, эркинлигини таъминлаш ғоялари ўзанида кўрди-лар. Бу даврда ижтимоий педагогика ижтимоий – педагогик ама-лиёт фаолияти билан яқин алоқада ривожлана бошлайди. Етук пе-дагогик олимлар фақат назария билан шуғулланмай, уларни амалга жорий эта бошладилар, етим, безори болаларга бошпаналар тап-кил этдилар, болалар боғчалари, мактаблар ва бошқа муассасалар вужудга кела бошлади.

XIX аср давомида ижтимоий педагогиканинг педагогикадан узоқ давом этган ажралиш жараёни кузатилди. Бунда унинг ри-вожланишига фалсафа, педагогика фанларидан ташқари психоло-гия, социология, биология, тиббиёт каби фанлар ҳам таъсир кўрсатди. Бунда ижтимоий педагогиканинг педагогикадан ажрали-ши билан бирга бошқа фанларга интеграциялашуви содир бўлди.

XIX аср охирида ижтимоий педагогика педагогик фаннинг мустақил соҳасига айлана борди. XX аср бошида учинчи давр бош-ланди – бу даврда ижтимоий педагогика мустақил фан сифатида шаклланди.

Кўпгина давлатларда «педагогика», «ижтимоий педагогика», «ижтимоий педагог» терминлари кам қўлланилса ҳам уларнинг фаолияти ижтимоий педагогиканинг мақсади ва вазифаларига тўлиқ мос келади. Масалан, АҚШ ўқув юртларида талабаларга педагогика ўрнида таълим фалсафаси фани ўқитилади, одамларга кўрсатиладиган амалий-йўналтирилган ёрдам соҳаси ижтимоий иш таркибига киради.

Шундай қилиб, турли мамлакатларда уларнинг тарихий ва маданий аънаналари, жамиятнинг ривожланиш даражаси, тегиш-ли фан соҳаларининг ривожланишидан келиб чиқиб, фарқлар мавжуд, бу фарқларни терминология ва тушунча масалаларида кўриш мумкин. Аммо уларни бирлаштириб турувчи жиҳатлар ҳам

мавжуд. Ҳар қандай давлат ривожланишининг «доимий муаммолари», яъни- жамиятни, унинг аъзоларини тарбиялаш, болалар таълими, уларнинг жамият ҳаётига муваффақиятли қўшилишига тўсик бўлаётган муаммолари ҳам мавжуд бўлади.

Ижтимоий педагогиканинг объекти инсоннинг ижтимоийлашув жараёнидир. Ижтимоий педагогика амалда илмий тадқиқотнинг фанлараро соҳасидир. Халқнинг бой мероси, педагогикаси-дан, фар, маданият, жамият ютуқларидан фойдаланиб, ижтимоий педагогика ўз назариясини, методи ва технологиясини ишлаб чиқади. Ижтимоий педагогика давлат ва жамият институтларининг маънавий маърифий марказлари фаолияти соҳасидир, бу ерда янги кадриятлар санъатни шакллантирувчи ва бирлаштириб турувчи фаолият жамланади.

Ижтимоий педагогика маънавий-маърифий фаолиятнинг алоҳида соҳаси сифатида унинг оммавийлиги, барча аҳоли ўртасида миллий истиқлол гоёларини тарғибот-ташвиқотини кенг олиб бориш имкониятини беради.

Ижтимоий педагогика предмети санъатдан шахсга таъсир этадиган гоёвий-эмоционал воситалар комплексидан кенг фойдаланиш билан фарқ қилиб туради.

Тарғиботнинг ҳаммабплиги, ёрқинлиги, эмоционаллигига катта аҳамият берилганида у инсоннинг ақл-фаросатига, ҳис-туйғуларига таъсир кўрсата олади. Ижтимоий педагогика учун бу фикр жуда муҳим. Бу оммавий тадбирлар ёрқин, оммавий ва эмоционал бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Тарбиянинг барча йўналишлари ва соҳаларининг яхлитлигини талаб этадиган гоёвий-тарбиявий ишларга комплекс ёндашув оилала, таълим муассасаларида, маҳаллаларда, иш жойида, дам олиш соатида шахс тарбиясининг узлуксиз ва изчил жараёнини таъминлашни долзарб қилиб қўйди. Бу ўз навбатида тарғибот ва ташвиқот, маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масаласини кун тартибига қўйди. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда тарбиявий ишларнинг турли шаклларига бўлган қизиқишни орттириб юборди. Бунда тарбиявий ишларнинг барча воситалари, усуллари ва методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий-педагогик иш Ўзбекистонда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида алоҳида ўринни эгаллайди. «Миллий гоё - бизнинг гоё», «Истиқболимиз - истиқлолимиз», «Тафаккуримизни ўзгартирган ўн йил» мавзуларидаги тадбирлар бунга мисол

бўла олади. Жамоат ташкилотлари, маданият, маориф, санъат муассасалари фаолиятига тегишли бўлган маънавий-маърифий шакл-лаги ишлар ҳам шулар жумласига киради. Уларнинг фаолияти тарғибот ва ташвиқот ишларининг кўламини кенгайтиради, ўсаётган авлод тарбиясида янги имкониятлар очади.

Маърифий муассасалар яна бир муҳим вазифа бажаради. Гап одамларнинг жамоа бўлиб маънавий ҳаёт кечирини ташкил этиш устида бормоқда. Бу вазифа инсон ва жамиятнинг билиш эҳтиёжини қондириш, уларнинг фаолиятида учрайдиган ҳодисаларни, меҳнатини, турмушини, бўш вақтини чуқур мушоҳада қилиш билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий педагогик ишлар фаол гоявий-ахлоқий имкониятларга эга, у шаҳс хулқида пайдо бўлган салбий элементларга қарши курашда муҳим омилга айланади. У ижтимоий фикрни шакллантириш йўли билан жамоада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ҳосил қилишга таъсир кўрсатади, илгор ижтимоий кадриятларни мустаҳкамлайди, шаҳс кадр-қимматини таъминлайди, қонунни ҳурмат қилишга ўргатади. Бу айниқса бугунги кунда, жамият маънавий янгилашни жараёнини бошидан кечираётган бир даврда муҳим аҳамиятга эга.

Бу йўналишдаги барча гоявий-тарбиявий фаолиятнинг методологик асоси - глобаллашув, гоялар кураши шароитида тарғибот ишларини кучайтириш, замонавий ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш билан тарбиявий масалаларнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатишдан иборат. Ижтимоий ташаббускорлик, гоявий аниқ йўналтирилганлик, ҳозирги ижтимоий-педагогик ишларнинг характерли белгиларидир. Тарбияни такомиллантиришнинг доимий йўлларини излаб топиш ўсмир авлодни тарбиялашнинг ягона тизимида маърифий ишларнинг ички резервларини жиддий таҳлил қилишга даъват этади. Ижтимоий педагогик ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, тарбиявий-маърифий ишларда (ёш авлод онгида миллий истиқлол гоясини шакллантириш йўналишида) тарбиявий таъсирнинг маълум мақсадларга қаратилган усуллари, тарбия жараёни қатнашчиларининг ташаббуси ва мустақиллиги етишмайди. Бу ишлар жойларда кўпинча расмиятчилик, мавсумийлик тусини олади. Натижада, миллий истиқлол гоясининг моҳияти ҳаммага етиб бормаяпти, унинг қатнашчилари у ёки бу ҳодисани таҳлил қилмайдилар, ўз тажриба ва амалий ишларини назария билан боғлай олмайдилар. Тарғибот ишларида мумкин қадар

аниқлик киритиш гоёвий-тарбиявий йўналишни тўғри белгилаш - бу ишлар таъсирчанлигини ошириш имкониятини беради.

Тарбиявий фаолиятнинг муҳим резервларидан яна бири - оммавий тарғибот билан боғлиқ бўлиб, гоёвий-тарбиявий ишларнинг барча шаклларида ғайрат ва ташаббус талаб этилди. Бунда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан оммавий-ташкилий тадбирлар ўтказиш, кечалар, байрамлар, расм-русумлар, урф-одатлар, жумладан «Наврўз», «Хотира ва кадрлаш куни» ва бошқа тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Оммавий ишларда ижтимоий-тарбиявий муваффақиятларга омманинг ижтимоий-маданий фаолият йўналишини чуқур англаган ҳолдагина эришиш мумкин. Бу, биринчи навбатда, педагогик тамойиллар асосида маърифий муассаса ишларини ташкил этишда ва методикасида ўз ифодасини топади. Тадбирларни фақат гоёвий йўналишини эмас, аини чоғда ижтимоий-педагогик, ижтимоий-психологик моҳиятини англаш, ташкилий ишларда унинг механизмларига таяниш зарур.

Гоёвий-тарбиявий ишлар маърифий муассасалар ижтимоий-педагогик тарғибот фаолиятининг бир қисми сифатида маърифий ишлар учун характерли умумпедагогик хусусиятларни сақлайди. Биринчи навбатда у ўз моҳиятига кўра маърифий, ижтимоий-маданий ижодкорликни, одамларнинг оммавий мулоқотларини ҳар томонлама умумлаштириб туради. Мана шу умумлашмада маърифий ишларнинг методик ўзига хосликлари моҳияти ифодаланган бўлади. Маърифий ишларнинг яна бир ўзига хос томони унинг фаоллиги, ташаббускорлиги бўлиб, у икки томонлама амалга оширилади: бир томондан, омманинг тадбирларда фаол иштироки, иккинчидан, тадбирларни тайёрлашда кўпчилик қатнашади.

Маърифий ишларнинг умумий тамойиллари уларнинг ўзига хос белгилари оммавийлиги ва бадий ҳаваскорлик билан тўлдирилади. Оммавий ишлар яқка тартибда, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтказиладиган ишлар билан бирга одамларнинг маърифий муассасаларда иштирокининг асосий шакли ҳисобланади. У бир вақтнинг ўзида кенг оммага таъсир кўрсатади ва оммавий мулоқотларнинг қонунийлари асосида амалга ошади.

Оммавий аудитория - булар аниқ мақсадлар билан йиғилган одамлар. Оммавий ишлар жамият учун муҳим воқеа муносабати билан ташкил этилади. Бу қонуният алоҳида куч билан намоён бўлиб туради. Оммавий йиғин одамларнинг шунчалик йиғилиши эмас, унда умумийлик мавжуд, унда умуммиллий манфаат, иж-

тимой нуктаи назар, жамоат кайфиятида ифодаланадиган ташвиш ёки хурсандчилик мужассам бўлади, бу оммавий ишларнинг ижтимоий-психологик асосини ташкил этади. Халқ оммасининг умумий кайфияти ҳар қандай оммавий ишларни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.

Тарғибот-ташвиқот тадбирлари оммавийлик моҳиятига кўра, ижтимоий-оммавий ҳаракат бўлиб, у ижтимоий кайфиятни акс эттиради. Масалан, Ўзбекистон мустақиллиги шарафига мамлакатимизда ўтказиладиган оммавий тадбир – жамиятнинг таптанали кайфияти, ўз халқи учун ифтихор туйғуси бирлаштириб турди.

Оммавийлик ижтимоий-педагогик ишларнинг хусусияти сифатида ижтимоий-психологик фаолиятни ташкил этишнинг механизмларини ўзига хос томонларидан фойдаланишни тақозо этади. Улар орасида «социал психологик муҳитнинг таъсири» асосий ўрин тутди. Ундан ташкилотчилар оммавий ишлардан маҳорат билан фойдаланиши лозим, негаки бу ишлар эмоционаллиги, фаоллиги, санъат воситаларига таяниши билан маданий, бадиий фаолиятга жуда яқин туради.

«Социал-психологик юқтириш» механизми гоъвий-тарбиявий ишлар методикаси нуктаи назаридан икки асосий масалада муҳим аҳамиятга эга:

а) Мулоқотга киришган икки киши ўртасида катта эмоционал қувватга эга бўлган психологик кайфиятни қарор топиши;

б) мулоқотга киришган омманинг кўплигини ва эмоционал ҳароратнинг юқори даражасидан келиб чиқиб ўтувчи эмоциянинг бир неча баробарга кўпайиши.

«Социал-психологик юқтириш» феноменини тадқиқ қилишда асосий эътибор эмоцияни бир неча баробар кўпайишга қаратилади.

Эмоционал кайфиятни бир неча баробар ошиб кетиши натижасида баъзилар найранг ишлатиши ва оммани нотўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилиши мумкин. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, маънавий-маърифий тадбирлардаги мулоқотлар маълум ахборотларнинг тарқалишига, уларга нисбатан муносабат шаклланишига олиб келади. Тарғибот нуктаи назаридан бундай тадбирлар оммани маълум фаолиятга нисбатан истак ҳосил қилишга ундайди. Бошқача айтганда, унда доим ижтимоий аҳамиятга молик гоъ ифодаланган бўлади, уларга нисбатан турли хатти-ҳаракатлар рағбатлантирилади.

Ижтимоий педагоглар, маърифий ходимлар юқоридагилардан хулоса чиқариши, оммавий ишларда «эмоционал юқтириш» механизми учун муҳим шарт-шароит ҳозирлаши мумкин.

Тсатрлаштирилган ҳаракатларда «социал-психологик юқтириш» феноменини сингдириш иштирок этаётган шахсларнинг тантана, бирдамлик, хурсандчилик эмоциялари орқали воқеликни кучайтиришга эришилади. Бу педагогиканинг оммавий ишлари учун муҳим тадбирдир. Бинобарин, оммавий тадбирларни ташкил этиб, шахснинг эмоционал ҳолатини ҳақиқий асосларига таяниш керак.

Аммо кўп одамларнинг эмоционал шахсий кайфияти ўзича «юқтириш» таъсирчанлигини оширмайди. Омманинг эмоционал ҳаракатлари учун рағбат, туртки зарур. Эмоция индукцияси шундай туртки ҳисобланади, у ҳар бир йигилишда худди бир жамоада бўлганидек, умумий кайфият ёки битта шиор остида ҳаракат қилади. Худди шу индукция ўзида бирлаштирувчи омилни вужудга келтиради, омманинг эмоционал таассуротини синтез қилади. Маданий-маърифий ходим учун индукциянинг аҳамияти ва механизмларини тушуниш ўта муҳим. Эмоционал кайфият одам ичида тайёргарликни шакллантиради, таассуротга нисбатан реакция ҳосил бўлади. Эмоционал тайёргарликка ўтишга олиб келадиган кўшимча рағбат ва туртки зарур.

Тўғри индукция шундай туртки сифатида таассуротларни у ёки бу ижтимоий ҳаракат турларини кучайтиради.

Ёшларнинг оммавий тадбирларини ташкил этиш шуни кўрса-тадики, ҳамманинг диққатини жалб этиб турган майдон, стадион, концерт, спорт залларида байрамона фаол кайфиятни туғдириш учун тегишли усуллар режиссёрнинг сценарийсида эътиборга олиниши керак. Одатда бундай оммавий чиқишлар олдиндан режалаштирилади, тўғри «индуктив» аҳамиятидан ташқари интегртив вазифани бажариш, йиғилганларни жипслаштириш учун ҳаракат қилиш зарур.

Агар оммавий тадбирларда «социал-психологик юқтириш» жа-раёнини кўрадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, аудитория-нинг эмоционал таассуротини рағбатлантириш ва интеграциялашда бу таассуротни янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда оммавий ишлар ташкилотчиси учун «ўзаро таассурот» механизми катта аҳамиятга эга бўлиб, ўзаро рағбатлантириш ҳолатла-ри юз беради, бир шахснинг эмоционал таассуроти бошқасига

ва аксинча бўлиши, кузатилди. Кузатишлар кўрсатадики, «ўзаро таассуротлар» механизми бадиий-оммавий тадбирларда самарали натижалар беради. Бу таассурот ўзининг бошлангич нуқтасида унчалик эмоционал бўлмасада, умумийлик касб этгандан кейин катта куч билан намоён бўлади.

Оммавий гоъвий-тарбиявий ишлар аниқ тарғиботни ёқтиради, бу гаплар айниқса барқарор аудитория билан иш юритадиган «Маънавият ва маърифат» муассасалари учун тегишлидир.

Тадбирларни мохирлик билан режалаштириш ўз тарғибот-ташвиқот фаолиятини жамиятнинг аниқ-тарихий амалиёти, одамларнинг ҳаётий тажрибаси билан мувофиқлаштириш имконини беради.

Ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишларнинг ривожланиш тарихи жуда яқин. Энг аввало, уларни одамларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор талаб этадиган маданий-тарихий анъана бирлаштириб туради. Ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишларда раҳм-шафқат, «хайрия», «ёрдам» каби тушунчалар жуда кўп ишлатилади.

Аммо уларнинг аниқ ифодаланган ўзига хос жиҳатлари ҳам бор, мамлакатимизнинг дастлабки ривожланиш босқичида улар расман тан олинган институт сифатида намоён бўлди, масалан, ижтимоий ишлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ривож топди, ижтимоий педагогика эса, юқорида таъкидланганидек, таълим тизимида ва ёшлар ишлари бўйича кўмита муассасаларида ривожланди.

Ижтимоий педагогик ва ижтимоий ходимлар фаолияти аста-секин кенгайиб, бири иккинчисини тўлдира борди. Турли давлат ва нодавлат муассасаларида, айрим меҳрибонлик уйларида ва мактабларда бутунги кунда ижтимоий ходимлар билан бирга ижтимоий педагоглар ҳам ишляптилар; аммо уларнинг ҳар бири ўз хизмат доирасига, вазифасига ва мажбуриятларига эга.

Ижтимоий ишлар назарияси ижтимоий педагогика каби қийин шаклланмоқда, маълум зиддиятларга эга. Бу фанга ва унинг объектларига нисбатан турли қарашлар мавжуд ижтимоий педагогикани ижтимоий ишларга ёки аксинча бўйсундирмоқчи бўляптилар, аммо бу фаннинг ривожланишидаги қонуний ҳодиса эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳозирча бу илмий мунозара давом этар экан, амалда ижтимоий педагогика ижтимоий аниқ фанларда намоён бўлмоқда, ижтимоий педагогика ўз ишида педагогик фаолиятнинг назарий

ва методик асосларига таянади, ижтимоий иш ходимлари, энг аввало, социологик назария ва технология, социологик тадқиқот методларига таянади.

Айни вақтда ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишлар амалий фаолияти бир-бирига жуда яқин, бу яқинлик вазифасига кўра, мазмунига кўра ва иш методига кўра юз беради, улар ҳеч қачон бири иккинчисини кесиб ўтмайди.

Президентимиз Ислом Каримов «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобининг кириш қисмида таъкидланганидек, миллий давлатчиликка доимо хавф бўлган, бор ва бўлади. Бу хавф-хатарни бартараф этиш учун маънавий-маърифий фаолиятни янги босқичга кўтариш, миллий истиқлол ғоясини жорий этиш масаласида ижтимоий педагогик ёндашувдан кенг фойдаланиш: дифференциациялашган психологик-педагогик дастурни, янги дарслик ва қўлланмаларни яратиш зарур. Жамият дунё хамжамиятининг динамик ўзгариши муносабати билан ўқитиш, тарбиялаш, тарғибот ва ташвиқот ишларини узвий равишда қўшиш, яъни маънавий-мафкуравий, маърифий фаолиятни педагогика билан бирга олиб бориш учун зарур шароит яратиш лозим.

Бу ижтимоий педагогика соҳасидаги янги ижтимоий буюртма бўлиб, тадқиқот ишларини йўлга қўйишда ҳақиқий жўшқинлик касб этди.

Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар, жамиятни маънавий янгилаш «Маънавият ва маърифат» тизимининг зиёли педагоглари, ходимлари олдига мафкуравий-тарбиявий ишлар юзасидан жиддий масалаларни қўйди. Воқсаларни олдиндан айтиб бериш, башорат қилиш, уларни тарғиботчилик фаолияти билан қўшиб олиб бориш, бунда бутун жамият, ижтимоий гуруҳ, ҳар бир шахс манфаатларини ҳисобга олиш жуда катта маҳорат талаб этади.

Педагоглар ва маърифий ходимларнинг ғоявий ташвиқотчилик фаолияти қуйидагилардан фойдаланиш маҳоратига боғлиқ. Маърузалар, суҳбатлар ва тадбирлар ташкил этиш учун асос сифатида аниқ ҳаётий материални олиш, тарбиянинг оммавий шакли, шахсга индивидуал таъсир этиш шулар жумласидандир. Сценарий ёза олмайдиган, маъруза, кеча, мунозара, оммавий байрамларни ташкил эта олмайдиган «Маънавият ва маърифат» марказининг педагоги ёки ходимини яхши мутахассис деб бўлмайди.

Таълим муассасалари, «Маънавият ва маърифат» маркази ғоявий ишларининг умумий тизимида ижтимоий-педагогик мажмуа-



ларнинг аҳамияти ва тарбиявий қиммати шундаки, унинг марказида доим замондошнинг жонли, ҳақиқий образи гавдаланиб туради. Бундай образ диний фундаментализм ташвиқотчиларининг стереотипларига қарши тура олади. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобида таъкидланганидек, йўлдан оздирувчи ғояларга қарши бизнинг яратувчи ғоямиз билан миллий қадрият, маданият, ахборот тезкорлиги, ташвиқотнинг далилий ва ижодий характери қарши қўйилиши керак.

Халқимиз менталитетида эмоционал жамоа ҳаёти, шахс, миллат, мамлакат ҳаётий фаолиятини бадиий, ғоявий жиҳатидан англаш каби ҳолатлар ўзига жалб этиб туради. Бу оммавий тарғибот ишларини ташкил этишда ижтимоий-педагогик ёндашувни жорий этиш масаласини янада долзарб қилиб қўяди. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобининг кириш қисмида таъкидланганидек, бугунги кунда ғоявий-тарбиявий ишларда омма билан ишлашнинг энг янги, замонавий шаклларида фойдаланиш зарур. Тарбиявий ишларнинг бундай долзарб, самарали шакллари излаб топиш тарбиявий-маърифий соҳадаги ҳар бир ходимнинг ўз халқи олдидаги бурчи бўлиши керак.

**Миллий истиқлол ғоясини  
шакллантиришда ташкилий-услубий  
ёндашувлар**

**НОМЛИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ИШЛАНМАГА**

**Т Е З А У Р У С**

# Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услугий ёндашувлар

НОМЛИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ИШЛАНМАГА

## Т Е З А У Р У С

Тезаурусда миллий истиқлол ғояси тарғиботи ҳамда узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш назарияси ва амалиётига тааллуқли бўлган, эркин шахсга йўналтирилган таълимни, ижтимоий педагогикани ифода этишга доир атамалар, тушунчалар ва сўз бирикмалари жамланган. Уларнинг кўплари муомалага кирган, бошқалари инновация тариқасида жорий этилаётгани боис мунозаралидир, зеро бу тушунчалар илмий тажрибага таянган.

Тезаурусда барча атама ва сўз бирикмаларини қамраб олиш назарда тутилмаган. Миллий истиқлол ғоясини, Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва дастурини амалга ошириш нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган тушунчаларни, шунингдек ўз характерига кўра инновацион бўлган тасаввурларни таърифлаб бериш мақсад қилиб олинган.

Тезаурус Ўзбекистон Республикаси Илмий-техник тараққиётни мувофиқлаштириш Комиссияси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг “Болалар ва ўқувчи ёшлар оғида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг социал-педагогик асослари ва шартларини ишлаб чиқиш” инновацион лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Мазкур тезаурус педагог ва тарбиячиларга, мутахассис ва олимларга, таълим-тарбия ва маънавий-маърифий муассасалар ходимларига мўлжалланган.

## Тушунтириш хати

Миллий истиклол гоёсини шакллантириш ва рўёбга оширишнинг долзарб вазифаларидан бири унинг концепциясини ривожлантириш, мураббийлар, маориф ходимларининг фаолиятини акс эттирадиган ва рағбатлантирадиган инновацион гоёларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниб етишдан иборатдир. Миллий истиклол гоёсини рўёбга ошириш соҳасидаги амалиётнинг ҳар бир босқичида тегишлича фундаментал асарлар яратиш анча мураккаб, вақт талаб этувчи жараён дир. Маълумотнома-методик услубидаги қисқача нашрлар - жараён давомида пайдо бўлаётган социал ва илмий муаммоларни кузатиб бориш, назарий билим эволюциясининг хусусиятларини қайд этиш ҳамда янги гоёларни илгари суришнинг тезкор усулидир.

Ушбу Тезаурус худди ана шундай жанр ва йўналишдаги ишлар сирасига киради.

Тезаурусда амалдаги айрим категориялар, тушунчалар, атамаларни ва сўз бирикмаларини янгича англашга ёки янгиларини талқин қилишга уриниб кўрилган. Муаллифлар жамоасининг эътибори назариянинг илдам ривожланишига қаратилган. Айрим тасаввурлар одатдаги талқин доирасидан чиқиб кетади ва жамиятнинг янги кадриятларини ёритиб беради.

Бундай ёндашув тасодифий эмас, чунки ҳозирги педагог, тарбиячи жамиятда олдинги йилларда юз берган ва ҳозир ҳам давом этаётган ўзгаришларнинг ҳаммасини доимо тушуниб бориш ва қайта фикрлашга муҳтож. Умуман олганда, жамиятга ҳозирги вақтда вариантли ва хилма-хил бўлиб қолган ҳамда ягона универсал назария доирасига сигмаётган мафкуравий фаолиятнинг сифат жиҳатидан янги таърифлари керак. Ҳозир ҳам амал қилиб турган ва ўзининг долзарблигини йўқотмаган анъанавий концепцияларни янгича маъно билан бойитиш керак. Аввалги парадигмалар (мафкуравий ёки педагогик) доирасида амал қилиб келган, бироқ янги парадигмалар қўлланиши шароитида тўла-тўқис амал қила олмайдиган тушунчалар ва сўз бирикмаларининг маъносини янгилаш ҳам фойдалидир.

Ижтимоий ҳаёт нормал кечиши ҳамда унинг аъзолари таълим соҳасидаги ўзгаришларда қатнаша олиши учун қайтадан вужудга келадиган ва доимо янгиланиб турадиган жамият тараққиётининг

ҳар бир босқичида таълимнинг вазифалари ва мазмунига тузатишлар киритишга қодир бўлган тушунчалар тизими керак.

Тезаурусда миллий истиқлол ғоясини ҳамда узлуксиз таълимни амалга ошириш назарияси ва амалиётига тааллуқли бўлган эркин шахс эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган таълимни, социал педагогикани ифода этадиган атамалар, тушунчалар ва сўз бирикмалари тўпланган. Уларнинг қўплари муомалага кирган, бошқалари инновация тариқасида жорий этилаётгани боис мунозаралидир, чунки улар тажриба натижаларига янгича қарашни белгилаб беради.

Тезаурусда барча атама ва сўз бирикмаларини қамраб олиш назарда тутилмаган. Яъни, тузувчи муаллифлар кўриб чиқилаётган муаммо бўйича тўлиқ ва узил-кесил тезаурус бериш мақсадини кўзлаган эмаслар. Аминмизки, тезаурус мундарижасини ва структурасини тўлдириш, унга ўзгартишлар киритиш ва уни такомиллаштириш зарур. Бу узлуксиз давом этадиган ва доимий жараёндир. Миллий истиқлол ғоясини, Кадрларни тайёрлашнинг миллий модели ва дастурини амалга ошириш нуктаи назаридан энг муҳим бўлган (ва ҳозирги вақтда кўп ишлатилаётган) тушунчаларни, шунингдек ўз характерига кўра инновацион бўлган тасаввурларни таърифлаб бериш вазифаси қўйилган.

Тезауруснинг асосий вазифаси - педагогнинг профессионал ва маданий рефлексиясини кучайтириш учун унга янги фалсафий, психологик ва дидактик ғоялар тизимини беришдан иборат. Тезаурусда турли-туман билим соҳалари - фалсафа, культурология, аксиология, психология, педагогика, дидактика, лойиҳалаш назарияси, социал педагогика, социологиядан олинган ғоялар синтезланиши тасодифий эмас. Натижада китобхон болалар ва ўқувчи ёшлар онгида миллий истиқлол ғояси принципларини шакллантиришга турлича ёндашувларни ва уларнинг хилма-хил изоҳларини таҳлил қилиш туфайли пайдо бўладиган янги муаммоли соҳаларни кўриши мумкин бўлади.

Тезаурусни тайёрлашда мамлакатимизда, ҳамда чет элда чиққан кўпгина маълумотнома услубидаги нашрлардан фойдаланилди. Атамалар, тушунчалар ва сўз бирикмаларининг кўпчилик қисми изланиш, инновация руҳида талқин қилинади. Бу эса Тезаурус соҳасида доимо юз бериб турадиган ўзгаришларни кузатишга ва прогноз қилишга қаратилганлигини таъкидлайди.

Тезаурус Ўзбекистон Республикаси Фан ва технология соҳаси

бўйича мувофиқлаштирувчи марказининг “Болалар ва ўқувчи ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг социал-педагогик асослари ва шартларини ишлаб чиқиш” инновацион лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Педагоглар ва тарбиячилар, мутахассис олимларга, таълим-тарбия ва маданий-маърифий муассасалар ходимларига мўлжалланган.

# КАТЕГОРИЯЛАР, ТУШУНЧАЛАР, АТАМАЛАР ВА СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

## Мослашувчанлик - мослашмаслик

Бу - мақсадлар билан одам фаоллигининг эришадиган натижалари ўртасидаги мувофиқлик ва номувофиқлик принципининг характеристикасидир. Мослашувчанлик мақсадлар билан натижаларнинг мувофиқлигида, мослашмаслик эса номувофиқлигида ифодаланади.

Одам феълидаги мослашмасликнинг кўринишлари универсал эканлигини, мослашмасликнинг ҳам салбий, ҳам ижобий шакллари мавжудлигини эътиборга олмоқ зарур. Мослашмаслик одамнинг ниятлари билан ишлари, ўйлаган нарсаси билан унинг амалга ошиши, ҳаракат қилиш истаги билан бу ҳаракатнинг якунлари ўртасида зиддият мавжудлигини кўрсатади. Бу зиддият муқаррар ва уни бартараф этиб бўлмайди (“янаш ўлиш демакдир”, “билиш ўзининг билмаслигини билиш сари боришдир”, “биз қўлимизга ўргатилганлар учун жавобгармиз”, “айтилган фикр ёлгондир” ва шу кабилар). Шунинг оқибатида одам ҳаётининг ҳаракатланиш манбаи, одамнинг дунё билан муносабатлари манбаи, амалий фаолиятининг, муомаласининг, ўз-ўзидан рефлексияланиши (мослашмаслиги)нинг манбаи муқаррар ва бартараф этиб бўлмайдиган нарсадир.

Назарий жиҳатдан олганда мақсад билан фаоллик натижаси мос келмайдиган иккита ҳодисани ажратиш кўрсатиш мумкин. Биринчи ҳодисада одам ўзи истаганидан камроқ нарсага эришади (яъни мақсадга тўлиқ эришилмайди), шунда ҳаракат белгиланган йўналишда давом эттирилади. Иккинчи ҳодисада одам ўзи интилганидан кўра кўпроқ нарсага эришади (натижа кутилаётганидан ҳам аъло бўлиб чиқади) ва шунда зиддият вазифага нисбатан ортиқча фаолликни рағбатлантиради.

Мослашмаслик - педагогик мулоқотнинг ёрқин характеристикасидир. Тарбияловчи катта ёшли одамда (педагогда, ота-онада) педагогик жараён субъектини, болада эса - объектини кўришга одатланиши кузатувчи назарида педагогик фаолият мақсадлари билан унинг натижалари ўртасидаги нисбат пайдо бўлганида ўзини очик-ойдин обрўсизлантиради. Катта ёшли одамнинг болага

таъсир кўрсатиши оқибатлари ҳамма вақт “мўлжалдагидан” бошқача бўлиб чиқали.

Бу ҳол, айниқса, “Билимлар-Лаёқатлар-Кўникмалар” (БЛК) деган таълим парадигмасига хосдир. Ушбу парадигма амалда болаларда психопатия ва асабийлашишни келтириб чиқаради, икки ёклама ахлоқни (“ўзим учун” ва “ўзгалар учун”) шакллантиради, назорат қилувчи катталар билан учрашишдан қочишни келтириб чиқаради, - БЛК принципига амал қилувчи “ўқув-интизомий” ёндашувнинг ҳалоқатли ва айни вақтда муқаррар оқибатлари ана шундай. Мослашмасликнинг оқибатлари таълимнинг муқобил, шахс эҳтиёжларига йўналтирилган модели билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бироқ, бунда катта ёшли одамнинг таъсири “мослашувчан бўлмаслиги”, - ўқувчи субъектлигининг назарда тутилмаган кўринишлари юз бериши мумкинлиги ва мақбуллиги сифатида, - талаб қилинади.

Мослашмаслик - фаолликнинг муқаррар хусусиятигига бўлиб қолмасдан, шу билан бирга шахснинг ривожланишини йўлга соладиган ҳамла вазиятдан устун турувчи фаолликда - оқибати маълум бўлмаган ҳаракатларнинг ўзига хос жозибадорлигида, - намойиш бўладиган алоҳида сабаб ҳамдир. Ҳаракатнинг қарама-қарши оқибатлари ўртасидаги чегара, бир-бирини истисно этувчи оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигининг ўзи интилишга сабаб бўлади. Ана шу чегарага интилиш:

- билиш соҳасидаги ( бунда маълум билан номаълум ўртасидаги чегара ўзига тортади);
- ижод соҳасидаги (мумкин ва мумкин бўлмаган нарса ўртасидаги чегара);
- хатар соҳасидаги (эсон-омонлик билан яшаш ва таҳдид ўртасидаги чегара);
- ўйин соҳасидаги (хаёлий билан реал воқелик ўртасидаги чегара);
- одамлар ўртасидаги эътиқодли алоқалар (бошқа одамларга очиқлик билан улардан ҳимояланганлик ўртасидаги чегара) ва бошқа соҳалардаги ҳулқни асослашнинг мураккаб шакллари таркибига кирилади.

Одамларнинг баъзи ҳаракатлари “ғалати”лиги, масалан, ўсмирларнинг ақлга зид бўлиб туюладиган қилиқлари, чунончи ноўрин таваккал қилиш, ўсмирларнинг асоссиз адовати ёки ҳал қилиб бўлмаслиги олдиндан маълум вазифаларни қўйиши мослашмайдиган сабаблар мавжудлиги билан изоҳланади.



## ЎЗАРО АЛОҚА

Биргаликда кўзланган мақсад ва натижаларга эришиш, иншти-рокчилар учун аҳамиятли бўлган муаммо ёки вазифани ҳал қилиш йўлидаги баҳамжиҳат фаолият. С.П.Рубинштейн таърифлаган психологик қонунлардан бири шахснинг ривожланиши билан фаолият ўртасида боғланиш борлигини таъкидлайди. Бу боғланиш ўзаро алоқанинг педагогик аҳамиятини тушунишга асос бўлади, конкрет-амалий ва руҳий қобилиятларнинг бутун мураккаб тизими аша шу ўзаро алоқада ва у орқали намоён бўлади.

Ўзаро алоқа бола (ўсмир) учун ўз шахсиятини ривожлантириши ва ўзини шахсан актуаллаштиришининг асосий усулларидан биридир. Унинг қўшимча самараси - индивидлар ўртасидаги бир-бирини тушунишга, шахслар ўртасидаги психик инъикосга, бир-бирини ва ўз психик ҳолатини, феъл-атворини баҳолашга асосланадиган таъсирдир.

Таълимнинг авторитар парадигмасида ўзаро алоқа педагогнинг ўқувчига педагогик таъсир кўрсатиши деб, боланинг хулқи катта ёшли одамнинг фаол ҳаракатларига боғлиқ ва шу ҳаракатларнинг самараси деб, шунингдек, катта ёшли одамнинг тарбиявий таъсирини қабул қилишга тайёрлик (тарбияланувчанлик) деб талқин қилинар эди. Агар олдинги педагогика фаол (кўпинча буйруқ асосида) ва бир томонлама таъсир кўрсатиш принципига асосланган бўлса, ҳозирги педагогика биргаликда аҳамиятли фаолият кўрсатиш принципига асосланадики, бу ҳол ривожланишнинг анча нозик технологияларини усталик билан яратишни тақозо этади. Ўзаро алоқа ҳамма вақт демократикдир ва у шерикнинг индивидуал манфаатларини қабул қилишга асосланади.

## ИНСОНИЙ МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА БИР-БИРИНИ ТУШУНИШ

Бу мулоқотчиларнинг ўзаро ишончи ва манфаатларига риоя этишга мумкин қадар ёрдам бериб, ҳар бир одамнинг ўз қобилиятларини намоён қилишига шароит яратадиган, биргаликдаги фаолият ёки алоқадан кўзланган мақсадларга ҳамжиҳатлик билан эришишга имкон берувчи ҳис-туйғулар ва ўзаро муносабатлар тизимидир.

Ўқув-тарбия жараёнини муваффақиятли ташкил этиш учун унинг ҳамма субъектлари, яъни:

- ўқувчилар ўртасида;
- синф билан ўқитувчи, ўқувчи билан ўқитувчи, ўқитувчилар;
- ўқитувчи билан (ўқитувчилар жамоаси билан) таълим муассасасининг маъмурияти бир-бирини тушунишлари зарур.

Ўқувчиларнинг бир-бирини тушуниши кўпинча ўқитувчининг авторитарлигига қарши бирлашиш усули сифатида намоён бўлади. Болалар келишиб туриб дарсни тайёрламасликлари ёки тўғридан-тўғри дарсдан қочиб кетишлари мумкин. Ўқитувчилар эса, баъзан тарбияси қийин ёки ношуд ўқувчиларга қарши “бирлашадилар”. Бу ҳол оммавий мактаб:

- ҳамма ўқувчилар бир вақтнинг ўзида бир хил материални ўзлаштиришлари мумкин;
- ҳамма ўқувчилар уни бир вақтда ўзлаштириб олишлари шарт;
- ҳар бир ўқувчи ўз муваффақиятлари ва хатолари учун ўзи жавоб беради;
- ўқитувчи ҳамиша ҳақ;
- ўқувчи ўқитувчига қулоқ солиши шарт, деган авторитар ақидаларга асосланганлиги учун юз беради.

Натижада, болалар ўқув материални “ўтадилар” ва деярли ҳаммалари уни дарҳол муваффақиятли тарзда унутиб юборадилар (биз буни “ўтганмиз”). Агар таълим жараёни айнан ана шундай ташкил этилса, ўқувчилар билан ўқитувчилар мактабда муҳолифат ҳосил қиладилар, улар камдан-кам ҳолларда бир-бирларини тушунадилар. Ана шунда қолюқ ўқувчиларда паст баҳо ёки бошқа хил ингизомий жазодан кўрқувга тушиш устунлик қила бошлайди.

Бир-бирини тушунишга фақат шундай умумий фаолиятда эришиладики, бунда ўқитувчилар ўз шахсий жозибаларига, ўқитиш ва муомаланинг индивидуал йўллари ва усулларига таянадилар, ўқувчилар эса ўз қобилиятлари ва қизиқишларини амалга оширишда эркин бўладилар. Шахсий манфаатларини қарама-қарши кўйиш ва кураш йўқолганида, болалар катта ёшли одамнинг маслаҳатларига қулоқ сола бошлаганларида бир-бирини тушуниш пайдо бўлади. Ўқитувчи кўрқув ҳиссини уйғотувчи диктатор эмас, балки уларнинг ўқиш ёки ҳаёт билан боғлиқ ҳар қандай қийин вазифаларини ҳал қилишда ёрдам беришга тайёр турувчи катта дўстига айланади.

Ўқувчиларни «лаёқатли» «кучсиз» ва «кучли» деб ажратиш йўқ

бўлиб кетади, чунки бир-бирини тушунганда ҳар бир ўқувчида муайян фаолият турларига қобилият очилади, бу соҳада у бошқаларга жон-жон деб ёрдам беради. Айни вақтда у бошқаларнинг ёрдамини хотиржамлик билан, ўз қадр-қимматини билган ҳолда қабул қилиши, ўзи учун мураккаб бўлган ўқув фанларини ўзлаштириши мумкин бўлади.

Болалар ва катта ёшли одамлар билан хўжакўрсинга ва декларатив асосда эмас, балки амалда бир-бирини тушунишга эришган ўқитувчиларни муҳим фазилат - ўқувчи шахсининг ва у эришган муваффақиятнинг қадрини тушуниш фазилати бирлаштиради. Энди у шахснинг ривожланишини ўртамиёна эталон билан таққосламайди, ташқи мезонларни ҳисоблаш нуктаси қилиб олмайди. У шахсий ижодий ғалабаларнинг аҳамиятини ошириш ёрдамида ёки умумий мақсад йўлида ҳар бир одамнинг имкониятларидан максимал фойдаланиб, болаларнинг ривожланиши учун шароит яратди.

### Ё Ш

Ривожланиб бораётган таълим тизимларини лойиҳалаш ва шунга мувофиқ - индивидуал ҳаётнинг бутун маълум бир оралигида субъектив реалликнинг норматив ривожланишини даврларга ажратиш учун асосий тушунча. Ёш тушунчаси уни муайян ижтимоий амалиёт доирасида, хусусан, таълимда ва уни ташкил этишда акс эттирувчи мақомга эмас, балки тартибга солувчи мақомга эга бўлган алоҳида категория сифатида махсус конструкциялаш билан боғлиқ.

Ёшни тушунишга генетик берилган, социал тарбияланган ва мустақил эришилган нарсанинг ўзаро нисбати тўғрисидаги тасаввур асос бўлиб хизмат қилиши мумкин (И.С.Кон), бу эса бир ёш гуруҳига киритиладиган турли индивидларда асло бир хил эмас. Ёш категориялари бир эмас, балки учта санок тизимига эга:

1) *индивидуал ривожланиш* (онтогенез - яъни бола муайян ёшда нимани қила олади ва нимани қила олмайди - бу психобиологик жиҳатдан етилиш ва унга мос бўлган чекловлар даражаси ҳақидаги тасаввурга мувофиқ келади);

2) *жамиятни ёшга қараб стратификациялаш* (муайян ёш

доирасида нима қилиниши ва нима қилинмаслиги керак - бу авлодларнинг ёшга қараб тақсимланишига ҳамда тегишли ижтимоий-маданий нормативларга мос келади);

3) *маданиятнинг ёш билан боғлиқ рамзлари* (муайян ёшга нима мос келади ва нима мос келмайди - хулқ-атвор ҳаракт-лари соҳасидаги социал кутишлар, ташки қиёфа, муносабат шакл-лари мажмуи сифатида тушунилади).

Агар ёшни (унинг ўзидан кўра кўпроқ манбаларини) тушунишга шундай ёндашиладиган бўлса, демак у ривожланишнинг ички моменти эмас ва шундай бўла олмайди. Ёш мавжуд нарса эмас, балки берилган нарсадир. Бу натуралдан устун турувчи ҳарактерга эга бўлган социал тартиб эмас (масалан, таълим олиш ёки социал фуқаролик ҳуқуқларини қўлга киритиш босқичлари эмас). Шу сабабли ёш тўғрисида хилма-хил педагогик ва сиёсий тасавурлар ва улар ўртасида фарқлар борлиги тасодифий эмас.

Ёш - маданий-маънавий қадрият эмас (болалик тўғрисидаги гуманистик йўналишга эга бўлган концепцияларда шундай талқин қилинади), одам ёшларининг кўп сонли аксиологик тафсирлари шунга асосланади. Бу - ўрганиш ва фойдаланиш мумкин бўлган метёр, анъана ёки қандайдир объектив реаллик эмас. Шундай қилиб, ёш ривожланмайди, балки ҳосил бўлади, шунингдек, ижтимоий амалиётдаги силжишларга мувофиқ махсус конструкцияланади ҳам.

Анъанавий тасавурларга қарама-қарши ўларок, ёш - структура ёки натижа эмас, балки ривожланиш шаклидир. Ривожланиш ёнда шаклланади ва натижа ҳолатини олади, худди шунинг учун ҳам ёш шакл сифатида пайдо бўлади ва бу шакл ўзининг яхлитлиги ва тугалланганлиги туфайли фақат бошқа шакл билан алмашиниши ҳамда бошқа шакл унинг ўрнини босиши мумкин.

Шунга мувофиқ, ёшнинг алмашинуви, бир ёшдан бошқасига ўтиш ўз-ўзидан, “табiiй” йўл билан амалга ошмайди, балки одам субъективлигини ривожлантиришнинг тамомила муайян вазифалари, мутлақо муайян тарихий субъектлар - ушбу ҳодисаларнинг иштирокчилари ҳал қиладиган вазифаларнинг амалга оширилишига мувофиқ тарзда махсус ташкил этилади. Айнан мана шу ўринда ривожланишнинг процессуаллиги ҳақидаги тасавурлар бутун одам қобилиятлари универсумини ривожлантириш фаолияти ҳақидаги тасавурлар билан тўлдирилиши ва бойитилиши керак.

Таълим анъанасида одам ривожининг конкрет вазибаларини ўртага қўювчи асосий маданият детерминантаси унинг муваққиллик ва муваққил ривожланиш томонига ҳаракатланишидан иборатдир. Бу вектор:

1) умумий ривожланиш жараёнидаги узлуксизнинг узлукчилигини унинг бошқичлари ва погоналарининг тадрижийлиги сифатида,

2) таълим жараёнини ривожланиш фаолиятининг алоҳида (етап) шакли сифатида (унинг иштирокчилари, уларнинг қарашлари ва умумий фаолият предмети, уларнинг ҳаракат усуллари ва йўналишлари билан бирга) ташкил этиш ва ҳаракатланиш лойиҳаси ва дастурини,

3) умумий ривожланиш жараёнининг оралиқ натижаларини норматив лойиҳалаштириладиган, одамнинг ўзига хос (универсал) мавжудот сифатида қарор топишини таъминлайдиган индивидуал қобилиятларни умумий тарзда белгилаб беради.

Ривожланишни даврларга бўлишнинг ва ёшлар номенклатурасининг ишлаб чиқилган схемасида айнан ёш ривожланиб борувчи таълимни лойиҳалашнинг, яъни унинг норматив моделларини ривожлантириш мақсадлари ва вазибаларига мувофиқ ташкил этишнинг бошланғич қисмидир. Лойиҳалашнинг кам деганда иккита турини: муайян ёш оралиғи доирасида таълим жараёнларини *психологик-педагогик* жиҳатдан лойиҳалашни - а) фаолият усуллариини ўзлаштириш сифатида ўқитишни; б) мукамал ҳаракатлар шаклини ўзлаштириш сифатида шакллантиришни; в) улғайиш ва ижтимоий ҳаётга мослашиш сифатида тарбиялашни лойиҳалашни, - тегишли жараёнлар амалга ошириладиган таълим институтлари ва таълим муҳитини *социал-педагогик* жиҳатдан лойиҳалашни фарқлаш керак.

Авлоднинг умумий чегаралари бирон-бир ёшнинг (ёш гуруҳининг) чегаралари билан мос келмайди, анча эрта ёшга маълум пайтда анча кейинги ёш “етиб олади” ва янги авлодга киради. Авлоднинг ўзи эса тарих сахнасида тушиб кетгунича “ўз ичида ўз ҳолича” қолади (конкрет ёшлар таркибига нисбатан эмас). Худди шунинг учун ҳам юқорида кўрсатилган талқинлардан биринчиси, энг аввало, социал-педагогик жиҳатдан лойиҳалаш предмети бўлади, иккинчи ва учинчиси - ривожланаётган таълимнинг

Ўзини психологик-педагогик жихатдан лойиҳалаш предмети бўлади, бу таълим доирасида ва материалда субъектив реаллик, шахс ва индивидуаллик қарор топади ва ривожланади.

## МУЛОҚОТ

Мулоқот - субъектларнинг чуқур муносабатида юз берадиган бир-бирини тушуниш ва ўзаро алоқанинг алоҳида жараёни ва харақатини белгилаш учун ишлатиладиган фалсафий атама. Бу муносабатда қабул қилиш ва ўзга доминантлик принциплари амал қилади.

“Мулоқот”га субъект-субъект (Одам-Одам) тажрибаси кесишган нуктада ҳамда объект-субъект ролида чиқадиган субъект-объект тажрибаси (Одам-Социум, Одам-Дин, Одам-Маданият, Одам-Табиат, Одам - Кўринар Дунё, Одам - Космос) муносабатларида намоён бўладиган янада универсал ўзаро таъсир деб ҳам қаралади. Мулоқот турли индивидуал, маиший, онтологик даражаларда тайёрланади, аммо улар ҳаётий йўлларининг кесишмаси ва ўзаро алоқаси (ҳодиса) сифатида амалга ошади.

Шахсга йўналтирилган педагогика доирасида субъект-субъект Мулоқоти тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади, чунки педагог ва ҳар қандай катта ёшли тарбияловчи одамга бола билан шахсан ўзаро алоқада бўлишнинг чуқур моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Чуқур педагогик муносабат (ўқиш жараёнида ҳаммадан кўп тарқалган ахборот-ситуатив мулоқот ва авторитар тарбияни билдирувчи реактив мулоқот эмас) - ҳамма вақт тарихда юқорилаб ва пасайиб бораётган, аммо иштирокчиларининг иккаласи ҳам. Яшашни ўрганаётган муайян пайтда (шу ерда ва ҳозир) бири-бирига тегарак алоқадор бўлган икки авлод Мулоқатидир. Бу ҳамма вақт Борлиққа алоқадорликни тушунишидир.

Педагогик муомала бундай чуқур шаклларда, афсуски, камдан-кам учрайди, чунки ҳозирги пайтда ўқитувчи тайёрлашнинг характери ва мазмуни унинг эътиборини бола билан экзистенционал эмас, балки функционал муомалага қаратади. Бу эса, охири оқибатда мактабнинг тарбиявий таъсири ва умуман, таълим сифатининг паст бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан бўлажак ўқитувчилар, айниқса тарбиячилар, социал ходимлар, мактаб

психологлари ўзларида чуқур муомала маданиятини, бир-бирини тушуниш маданиятини тарбиялай олишлари учун педагогик таълим мазмунини ўзгартиришни талаб қилиш даркор.

Чуқур педагогик муомалада Мулоқот бир-бирини тушунишни, ишончни, бир-бирини қўллаб-қувватлашни, ижодий ҳамкорликка тайёрликни келтириб чиқарадики, бу боланинг қалбини эзгуликка ва ҳақиқий кадриятларга очади.

## ТАНЛОВ

Хулқ-атвор ва фаолиятнинг конкрет ҳаракатларида максадлар ва уларга эришиш воситаларини, шунингдек муаммоларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган йўллариини белгилашда онгли равишда ирода эркинлигини намойиш қилишга маънавий ҳуқуқий ва психологик тайёрлик. Танлов ўзлигини белгилаш билан бир қаторда - шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий принципларидан биридир. У бола ва ўсмир шахсининг ўз муаммоларини ҳал этишда социумда ўзини рўёбга чиқаришнинг адекват усулларини излаётган ички захиралари ва руҳий потенциалига тамомила қаратилгандир.

Одам ҳаракат килувчи ва ижодий субъект сифатида, ўзлигини белгилайдиган ва ўзини рўёбга чиқарадиган индивид сифатида тўла танлов эркинлигига эга, бироқ у социумга киритилган конкрет ҳамжамиятнинг аъзоси сифатида, ўз танловида бошқа одамлар ва ҳамжамиятларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан чегаралаб қўйилган. Танловнинг зиддиятли моҳияти ана шунда. Шу сабабли танлов жараёни ҳамма вақт кўпдан-кўп шартлар ва уларни амалга оширишга қаратилган қадамлардан: ирода ва ҳаракат эркинлигини масъулият деб тушунишдан, қарорларнинг муқобиллик чегараларини белгилашдан, ёндашувлар кўплигини тушунишдан, фаолият усулларининг вариантлилигини кўришдан, танловнинг муҳим негизини асослашдан, танлов вазиятини билишдан, натижалар ёки оқибатларни олдиндан кўришдан, ўзини назорат қилишга ва ўзини чегаралашга тайёр туришдан иборат бўлади.

Кўпгина конкрет педагогик вазиятлар фақат бола (ёки ўсмир)нинг мустақил танлаш жараёнидагина ҳал қилинади. Умуман таълим ҳам фақат у ўз танловини рўёбга чиқарган шароитдагина

амалга ошиши мумкин. Худди шунинг учун ҳам мустақил танлов учун шароит яратиш, уни рағбатлантириш, мактаб ўқувчиларида доимий танлов шароитида ҳаракат қилишга тайёр ва қобилиятли бўлишни, танлов вазиятидан асабийлашмасдан чиқиб кета олиш лаёқатини шакллантириш гоят муҳим педагогик вазифадир. Агар мактаб ҳаётга ташаббускор, юз бераётган социал ўзгаришларни билимдонлик билан ўрганиб бирор бир қарорга келиш асосида амалга оширишга қобилиятли шахсни тайёрлай олсагина, бу ўзгаришлар туб ва самарали ўзгариш бўла олади. Билимдонлик билан қарорлар қабул қилиш илми энг аввало мактабда ва болалар ҳамжамиятларида кун сайин қарорлар қабул қилишга одатлантириш йўли билан қўлга киритилади.

## ФУҚАРОВИЙ САВОДХОНЛИК

Бу - Оддий саводхонликдан (сўзлаш, ҳисоблаш ва ёзишдан) фарқли ўлароқ демократик ҳамжамиятда иштирок этиш, танқидий фикрлаш, плюрализм шароитида ўйлаб иш қилиш имконини берадиган, бошқаларни эшитиш ва шу билан уларга ёрдамлашиш лаёқатларини ҳам ўз ичига оладиган қобилиятлар мажмуи.

Фуқаровий саводхонликни шакллантириш ривожланишнинг инновацион усули деб ҳисобланиши мумкин. Бу хил ривожланиш жараёнида ўқувчиларга турлича фуқаровий ва ижтимоий хизматлар ҳамда ташкилотлар учун лойиҳалар тайёрлаш таклиф қилинади. Амалий иш одоби билан яхши таниш бўлган ҳамда бошқа одамлар билан амалда ишлашга қизиқадиган ўқувчиларга бу келажакда ёзма ва оғзаки нутқ кўникмаларинигина эмас, балки маҳоратини ҳам эгаллаб олишда ёрдам беради. Хизмат вазифаларини бажариш амалиёти ўқувчилар олдига қатъий ахлоқий талаблар қўяди. Турли амалий топшириқлар индивид билан бошқа одамлар ўртасида, ўқитиш билан ўқиш ўртасида боғланиш нуқтаси бўлиши мумкин, бу эса шахснинг ўзини ахлоқий ривожлантириши учун жуда муҳимдир.

Фуқаровий саводхонликни ривожлантирадиган ўқув курслари илк тарихий манбаларни, ҳужжатлар ва адабиётларни мамлакатнинг ижтимоий маданияти билан тарихий мулоқотнинг таркибий қисми сифатида ўзаро боғлиқ деб ҳисоблаши керак. Шунингдек бу курслар талабаларни муҳокамаларга, мунозараларга ҳамда ўз мамлакатларининг, шунингдек бошқа мамлакатларнинг фуқаро



вий кадриятлар тизимини танқидий таҳлил қилишга жалб этиши керак. Ниҳоят, бундай курслар фуқаровий кадриятларни озиклантириб турадиган ва ривожлантирадиган тиллар меросини ва хилма-хиллигини таҳлил қилиши керак. Талабалар ўз ҳаётларининг қимматли жиҳатларини ҳамда ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ўз мамлакатларидаги фуқаролик жамиятининг тегишли ривожланиш шароитларини тушунтириб беришга ҳам жалб этилиши керак.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Бундай жамият, энг аввало, шахс ҳуқуқлари, эркинлиги ва мажбуриятларининг жамиятга нисбатан мувозанатли бўлишига, бир-бирига таъсир кўрсатишига асосланади. Ҳар бир одам фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларга эга, давлат эса уларга риоя этилишининг кафилидир. Одамнинг фуқаролик жамиятидаги мавқсини белгилайдиган асосий методологик принцип мана бу: одам бошқа одамларнинг эркинлигини қанчалик бўғмаса, ўз мақсадларини амалга оширишда шунчалик эркин. Айни вақтда ҳар бир фуқаро қонунларга риоя этиши, ўзининг социал хулқини жамиятнинг бошқа аъзолари эркинлигини камситмайдиган қилиб ташкил этиши керак.

*“Биз учун фуқаролик жамияти - одамнинг ўзини ривожлантиришига, шахс манфаатлари рўёбга чиқишига, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари максимал даражада амал қилишига зид бўлмаслиги у ёқда турсин, балки ёрдам берадиган, қонун устувор бўлган социал макондир”.*

## ТАРБИЯ ВА ТАРБИЯВИЙ МУҲИТИ НОБОП ИЖТИМОЙ ГУРУҲЛАР

Бу тушунча ижтимоий педагогиканинг мушкул вазиятга ёки ҳаёт кечириш учун ноқулай шароитга тушиб қолган, ижтимоий мослашмасликнинг у ёки бу шаклларини бошдан кечираётган, гай-рисоциал хулқнинг турли шаклларини намоён қилаётган аҳоли гуруҳларини (болалар, ўсмирлар, ёшлар, шунингдек оилаларни) англатиш учун ишлатилади. Маълумки, гуруҳ ташқи (ижтимоий)

вазиятлар ҳамда ўзининг ички яшаш ва фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари билан боғланган кичик жамоадир. Қалтис гуруҳлар ушбу таърифга жуда ҳам мос келмайди, чунки улар жуда ҳам ўзгарувчан бўлиб, аниқ чегарага эга эмас (ижтимоий мослашмаслик - орқага қайтарса бўладиган ҳолат). Қалтис гуруҳларга ҳозирги пайтда жуда чекланган танлов вазиятига тушиб қолганлар ва ижтимоий (психологик, тиббий, педагогик) ёрдамга муҳтож бўлганлар киради. Кўпинча булар - ҳамжамиятнинг ҳар бир социумда объектив мавжуд бўладиган хатарли доираларга тушиб қолиб, улардан мустақил қутулиб чиқа олмайдиган аъзоларидир.

Қалтис доиралар социум ривожда танглик юз берган ҳолатларда, иктисодий, ижтимоий-маданий зиддиятлар ва нотўғри социал қарорлар таъсири натижасида кенгайди. Бу доиралар муайян шароитларда борган сари кўпроқ одамларни ўзига тортиши, жамиятда кескинлик ўчоқларини кўпайтириши мумкин. Агар таълим ўз вазифаларини бажармаса, у ҳам қалтис доиранинг ўсишига ёрдам беради. Бунинг сабаблари - мактабдаги маънавий ва маданий жиҳатдан носоглом муҳит, педагогик (дидактик) яроқсиз-ликнинг кўп бўлиши, муомала ва раҳбарликнинг авторитар усуллари, расмиятчилик муносабатларининг устунлик қилиши, педагогларнинг қаровсиз ва тарбияси яхши бўлмаган ўсмирларга, шунингдек оддий “ностандарт” болаларга бефарқлиги ва уларни тушунмаслиги, мактабда қўллаб-қувватланмаган ва ҳимоя топмаган болаларнинг бетайин тақдири ва бошқалардир.

Социумдаги умумий вазиятнинг ёмонлашуви ҳамда қалтис зонанинг ўсиши билан таълим сифатининг пасайиши ўртасидаги билвосита алоқа ижтимоий профилактика, ўсмирлар билан ижтимоий соҳада иш олиб бориш, уни чинакамига гуманизациялаш стратегияси ва тактикасини ўзгартириш масаласини кескин қилиб қўймоқда. Энг аввало қалтис гуруҳларга кирувчи болаларга таъбир ўтказишнинг жазолаш шаклларидадан воз кечиш даркор. Ҳамма жойда (ўқув муассасаларининг ўзида ва улардан ташқарида) педагогларнинг қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш ишларини ташаббускор гуруҳлар ва қўнгиллиларни жалб этган ҳолда олдини олишга қаратилган кенг қўламли иш билан қўшиб олиб бориш принципига ўтиш керак. Бу эса ўз навбатида ҳар бир ҳамжамиятда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида кенг таълим фаолиятини қайта тиклаш масаласини қўяди.

Таълим тизимларининг эътиборини инновация режимида иш-лашга қаратиб, таълим соҳасида лойиҳалаш бутун таълим макони-ни (шу жумладан, характери ва шакллари жиҳатидан инновацион, оммавий, реабилитацион ва коррекцион таълим маконини) ўзгартиришни назарда тутиши керак. Бундай ёндашув аслида авторитар педагогика доирасида бўлганидек, тарбияси яхши болалар билан тарбияси қийин болаларни карама-қарши кўйиш эмас, балки уларни ягона таълим ва маданий жараёнларга киритиш имконини беради.

## ТАЪЛИМНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ ВА ГУМАНИТАРЛАШ

Таълимни инсонпарварлаштиришнинг моҳияти унинг концепциясида акс этади, уни амалга ошириш жараёнининг мазмунида эса ифода бўлади. Шундай қилиб, ижтимоий-шахсий феномен сифатида инсонпарварлаштиришнинг моҳиятини аниқлаш кенг камровли муаммога айланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-нинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ана шу муаммони ҳал қилишга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда инсонпарварлаштириш асосларини аниқлаш, таълимни ислоҳ қилишнинг гуманистик стратегиясини, инсонпарварлаштиришни шахснинг мустақил ривожланиши, унинг дунё-қарашининг шаклланиш усули деб талқин қилишни асослаш зарур. Таълим билан уни инсонпарварлаштириш ўртасидаги зиддиятлар-ни, уларни бартараф этиш йўллари ва механизмларини аниқлаш керак. Энг аввало, одамнинг моҳиятидаги социал билан индивидуал ўртасидаги, шу моҳиятни таълимнинг муайян якуни сифати-да рўёбга чиқаришдаги зиддиятларни аниқлаш зарур.

Шунингдек, таълимдан ташқаридаги воситалар ёрдамида амалга ошириладиган инсонпарварлаштириш билан таълим тизими ва жараёнининг ички имкониятлари ҳисобига, одамнинг ўз имконият-лари ҳисобига инсонпарварлаштириш ўртасидаги; ёш авлодни шак-лантиришдаги ворислик билан новаторлик ўртасидаги; ёшларга билим бериш билан уларни англаш ва қайта англашда уларнинг ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилиши ўртасидаги; таълимнинг фа-қат мутахассислар тайёрлашга қаратилганлиги билан даврнинг

ёш авлолдаги одам потенциални сафарбар этиш ҳақидаги қатъий талаби ўртасидаги ва ҳ.к. зиддиятларни ҳам ҳал қилиш керак.

Таълимни инсонпарварлаштириш гуманизм ғоялари ва мақсадларини одамлар дунёкарашида, уларнинг муносабатлари ва ўзаро таъсири давомида гавдалантириш жараёнидир. Шу муносабат билан таълимни инсонпарварлаштиришнинг моҳияти гуманизмнинг ўз мазмунига боғлиқ бўлади.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш таълим олувчи учуннинг интеллектуал-ахлоқий потенциални аниқлаш усули ва механизмидир, бу потенциалга онгли муносабатни шакллантириш ҳамда ўзидаги ана шу имкониятларни рўёбга чиқариш йўллариини ўзлаштиришдир. Инсонпарварлаштириш таълим олувчини, бўлажак мутахассисни эркин, мустақил, танқидий фикрловчи шахсга айлантириш орқали таълим билан ижтимоий муносабатлар ўртасидаги зиддиятларни оптимал тарзда ҳал қилиши керак.

Инсонпарварлаштиришга асосланган таълимда одам мукамал шахс бўлиб ривожланар экан, ўзлигини шахсий-социал жиҳатдан рўёбга чиқариш асослари ва механизмларига эга бўлади. Шундай қилиб, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг инсонпарварлик моҳияти шахсни шакллантириш ва ривожлантириш шакли ва усули деб тушунилиши ва қабул қилинишида ҳам намоён бўлади.

Бундай қоида таълим бериш ва тарбиялаш мақсадлари, мазмуни ва усуллариини, шунингдек воситаларини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. У таълим жараёнида ўқитувчилар билан таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро алоқанинг характери ўзгаришига - таълим олувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллиги ошишига ёрдам бериб, таълим жараёни мустақил билим олишга айланишига олиб борадики, бу жараёнда ўқувчи - таълим бериш ва тарбиялаш объекти сифатида ўзини ўзи бунёд эттирувчи субъектга айланади. Таълимни инсонпарварлаштиришдан мақсад - таълим субъекти бўлган ўқувчига ўз имкониятларини, ўзини, ўз ички потенциалини кашф этишда ёрдам беришдан иборатдир.

Қўриб чиқиляётган муаммо нуктаи назаридан қараганда, таълимни инсонпарварлаштиришнинг *гуманитарлаш* билан ўзаро алоқаси муҳимдир. Бу таълимда бошланган гуманистик ўзгаришлар моҳиятинигина эмас, балки имкониятларини ҳам аниқлаш, уларни амалга оширишга аниқлик киритиш, уларни реалликка айлантиришнинг оптимал йўллари ва воситаларини топиш учун муҳимдир. Таъкидлаб айтамыз, гуманизацияни онгни, билимни

гуманитарлашдан иборат қилиб қўйиш тўғри бўлмайди. Ҳозирги вақтда ушбу тушунчаларнинг нисбатини тушунишда хилма-хиллик кузатилмоқда.

Аввало шуни кўрсатиб ўтамизки, гуманитарлашнинг объекти бўлган онгни гуманитарлаш таълим ва фаолиятни инсонпарварлаштиришда катта ўрин тутади, гуманизациянинг зарур шарти ва асоси ҳамда унинг шакли бўлади.

Таълим олувчининг тафаккурини гуманитарлаш унинг фаолиятида онгли билан стихиялининг ўзаро нисбати муаммоси билан боғлиқ. Гуманизмнинг моҳияти ва кадриятларини билмасдан туриб, гуманист бўлиш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, инсонпарварлаштиришдан олдин ёки у билан бир вақтда одамнинг билимлари инсонпарварлаштирилади. Гуманизацияни “юқоридан” берилган буйруқ асосида, ҳар бир иштирокчи унинг моҳиятини, мақсадлари ва йўллари аниқлаб олмагунча амалга ошириб бўлмайди. Бунда гуманитарлаш шарт, лекин инсонийликнинг кадри тўғрисидаги ахборот сифатидагина эмас, балки гуманизация зарурлигига ишонтириш воситаси сифатида ҳам шарт.

Онгни, уни инсонпарварлаштиришнинг бир жиҳати сифатида таълимни гуманитарлаш одамнинг ўзини билишдир, бу фаолиятнинг шакли ва жараёнидир. Айнан гуманитарлаш инсонпарварлаштиришнинг моҳияти охир-оқибатда одамни тоталитаризмдан озод қилиш, ўзидан, инсонлик моҳиятидан, уни излаш ва амалга оширишдан бегоналашишни бартараф этиш эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Одам ўз моҳиятига амал қилганида қандай бўлиши мумкинлигини билмасдан туриб, бу мақсадларга эришишга муваффақ бўла олмайди, албатта. Таълимни гуманитарлаш одамларни бу дунёда ўзларини аниқлашга йўналтиради. У одамнинг ўзига, бошқа одамларга, табиатга муносабатини уйғунлаштирадиган фаолият усулларини онгли равишда ва самарали излаш имконини беради.

Таълим жараёнини гуманитарлаш натижасида таълим олувчи одамнинг моҳиятини билиб олади. У одам тўғрисида кашф этган тасаввурларини ўз ҳаётида гавдалантирганидагина мукамал шахс, ҳақиқий фуқаро даражасига етишиши мумкин.

Шундай қилиб, гуманизациядан фарқли ўларок, гуманитарлаш амалда онг соҳаси билан чекланган. Гуманизация одамнинг айнан амалий фаолиятида ўзини намоён қилиб, фақат фикрлар-

нигина эмас, балки хулқ-атвор ҳамда ҳаёт ва фаолиятни ҳам гуманизациялайди. Бу тушунчаларнинг мақсадлари ҳам бир-биридан фарқланади. Гуманизация аҳамиятлироқ. Чунки, қонунларни билган одам албатта қонунга бўйсунувчи бўлавермаганидек, гуманистик кадриятларни биладиган одам ҳам ўз-ўзидан гуманист бўлиб қолмайди.

Таълимни инсонпарварлаштиришнинг бошланғич мақсади ёшларда гуманистик дунёқарашни, тегишли билим ва кўникмаларни шакл-лантиришдан иборат. Бу мақсаднинг ниҳояси йўқ. У бўлажак фуқароларда гуманизм ғоялари ва кадриятларини, одам фаолиятининг турли соҳаларида рўёбга чиқаришга замин бўлиб хизмат қилади.

## ДИАЛОГИК МУНОСАБАТ

Диалогга асосланган муносабат. Маълумки, “диалог” атамаси маъноларнинг кўплигини ёки маъноларнинг турли-туманлигини англатади. Диалог орқали муносабатда бўлиш анъанавий таркиб топган субъект-объект (монолог тарзидаги) муносабатларига қарама-қарши ўлароқ, мактабда субъект-субъект муносабатларини амалга оширишнинг муҳим шарти деб ҳисобланади.

Монолог тарзидаги муносабат ўзаро алоқада муносабат иштирокчиларидан бирининг (масалан, ўқитувчининг) ягона фикри, иродаси устун бўлишини назарда тутадик, у қолган иштирокчилар (масалан, ўқувчилар) томонидан ҳеч сўзсиз қабул қилиниши керак. Диалогик муносабат эса вазиятни биргалашиб муҳокама қилиндир. Энг муҳими муаммони биргалашиб ҳал қилишга эътибор беришдир.

Агар монологик муносабат тизимида иштирокчилардан бири (муносабат субъекти) фаол бўлса ва ўзининг фаоллигини бунда пассив бўлиб қоладиган бошқа иштирокчига (муносабат объектига) қаратса, диалогик муносабат ҳамма иштирокчилар фаол бўлишини (субъективлигини) назарда тутайди. Бунда фаоллик иштирокчиларидан бирининг шахсига эмас, балки муносабат предметига қаратилади ва муносабатнинг ўзи, энг аввало, предмет билан воқиталанади. Одам фаолияти ва билимларининг ҳамма соҳалари: одамнинг ички дунёси, шахслар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий муҳит, ўқув машғулоти, ижод ва шу қабилар муносабат

предмети бўлиши мумкин. Таълим жараёнида унинг ҳамма иштирокчилари - болалар, ота-оналар, ўқитувчилар, маъмурият, маориф хизматининг буюртмачилари ва истеъмолчилари диалогик муносабат субъектларига айланадилар. Шу сабабли уларнинг умуминсоний, профессионал ёки амалиётга қаратилган муносабат предмети бир қанча талабларга жавоб бериши керак:

- унда ҳозирги пайтда субъектнинг далиллари иерархиясида етакчи мавқелардан бирини эгаллаб турган манфаатлар ва маънолар гавдаланиши керак;
- шериклардан ҳар бири предметга бошқаларникидан фарқ қилдиган ўз қарашларига эга;
- муносабат предметининг мазмуни иштирокчиларда индивидуал маънолар туғдиради, бу маънолар ҳамкорлик жараёнида бир-бири билан учрашади ва умумий маъно майдонини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, индивидуал онг олдида илгари предметни бир томонлама кўрганлиги учун ундан яширинган нарсалар очилади. Диалогда шерикларнинг мавқеи баравар дейиш мумкин, чунки улар бир-бирларига предметнинг шундай қирраларини очиб берадиларки, бу қирраларни бошқа ҳолларда кўриб бўлмайди. Шу сабабли ўзаро алоқа иштирокчилари бир-бирларига нисбатан қадрият сифатида намоён бўладилар.

## ТАЪЛИМНИ ТАБАҚАЛАШТИРИШ

Бу - замонавий таълимнинг хусусиятлардан бири бўлиб, у ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, қизиқишларини, майлларини, имкониятларини, қадриятлари ва профессионал мўлжалларини максимал даражада ҳисобга олиш имконини берадиган таълим шакллари хилма-хил бўлишини таъминлайди.

Табақалаштириш индивидлар ва одамлар гуруҳлари ўртасидаги психологик фарқларни (жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳоказо бўйича) қабул қилишга асосланади. Таълимда ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек қайси фанларга мойиллигини аниқлаш - ўзлаштирилиши керак бўлган билимлар мазмуни, ҳажми бўйича Табақалаштириш илмий жиҳатдан кўпроқ ишлаб чиқилган. Бундай ишни амалга ошириш учун мезонлар белгиланган.

Ҳозирги вақтда индивидлар ўртасидаги ақлий жиҳатдан фарқлар билан бир қаторда ижодий ва ташкилотчилик қобилиятларидаги, шахснинг умумий структурасидаги, далил-эҳтиёжлар соҳасидаги фарқлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бу таълим соҳасидаги кўпгина амалий масалаларни (ўқувчиларни танлаб олиш ва ўқитиш, уларнинг ривожланиш имкониятларини диагностика, коррекция ва прогностика қилиш, ўқишда, кейинчалик эса профессионал фаолиятда ўзини рўёбга чиқариш) ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Табақалаштириш селектив ёки электив тизим бўйича, ички ва ташқи фарқлар принципи бўйича ўтказилиши мумкин. Табақалаштириш тизимини (принципларини) танлаб олиш таълим мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ бўлади.

Ҳар бир бола ва ўсмирнинг индивидуал-психологик хусусиятларини эрта аниқлаш, онтогенезда уларнинг гоят қулай ривожланиш йўллари белгилаш учун таълим муассасаларининг ҳар хил турларидан: ихтисослашган мактаблар, лицейлар, бир қанча фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар, компенсацияловчи таълим мактаблари, хусусий мактаблар ва бошқалардан фойдаланилади.

## ФАЗИЛАТ

Шахснинг маънавий хислати. У фазилат эгаси бўлган индивиднинг яхшилик деб ҳисобланадиган нарсани амалда ўзлаштириб олишини, бу яхшиликни тажрибада амалга оширишини шубҳасиз назарда тутиши билан ажралиб туради.

Фазилатлар мажмуи шахснинг ахлоқий онги ва тажрибасининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Фазилатлар ўз табиатиға кўра ижтимоий ҳодисадир. Уларнинг мазмунида ҳамма вақт ҳамжамиятда қабул қилинган кадриятлар тизими гавдаланади. Охиروقибатда, айнан фазилат индивиднинг дунёқарашини ва дунёни тушунишини, бинобарин, унинг хулқининг йўналишини белгилайди. Шу тариқа фазилатлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб, қадимий Юнонистон даврида ва бутун инсоният тарихи давомида муҳим социал-маданий роль ўйнаган ва ҳозир ҳам шундай. Улар индивидлар хулқ-атворини тартибга соладиган, уларни биргаликдаги ҳаётда жипслаштирадиган ҳамда жамиятнинг барқарор ривожини қўллаб-қувватлайдиган муҳим омиллардан биридир. Фази-



латлар алоҳида турдаги тартибга солувчи омилдир. Индивид жамиятда қабул қилинган қоидалар ва нормаларни одатга кўра (“шундай қабул қилинган”) ва жамият муайян хулқ-атвор стереотипларини кутаётганлиги туфайли бажариши мумкин. Қоидалардан фаркли ўларок, фазилатлар - индивиднинг маънавий онгидан ажралмайдиган ахлоқий сифатдир. Улар - шахс ички дунёсининг мулкидир, одам характерининг асосини ташкил этадиган алоҳида ва шахсга хос нарсадир.

Улар одамни ўзи истаган шахс идеалига, “Ким бўлишим керак” деган ҳаётий дастурга, шунингдек маълум ҳаракатлар ва ишларни бажариш чоғида амал қиладиган қадриятлар ва мақсадларга эга қилади.

Чинакам яхши фазилатли индивид бирон-бир фойда олиш-олмаслигидан қатъий назар, ҳар қандай ҳаётий вазиятда ҳам ахлоқан иш тутади. Индивид ўз хулқи билан умуминсоний қадриятларни рўёбга чиқарар экан, ўзи такомиллашибгина қолмасдан, одамлар ва ҳамжамият билан ўз муносабатларида фазилатларини намоён этиб, шахслар ўртасидаги муносабатларда гуманистик принциплар барқарор бўлишига ёрдам беради.

Фазилатларнинг турларини белгилашда уларни тўртта кичик турга ажратиш мумкин:

- ҳамжамиятдаги ўзаро муносабатларга қаратилган жамоавий фазилатлар, шу жумладан - бирдамлик, масъулият, альтруизм, фидокорлик;
- одамга қаратилган гуманистик фазилатлар - инсонпарварлик, ўзгадоминантлик, яхшилик, олижаноблик, ғамхўрлик;
- ҳаётни таъминлайдиган, ижтимоий муносабатлар ва прагматик тажрибага қаратилган фазилатлар - адолат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, бсгаразлик, миннатдорлик;
- хулқ-атворни тартибга соладиган, ўзини назорат қилиш ва ўзини баҳолашга қаратилган фазилатлар - кадр-қиммат, ор-номус, уят ҳислари, самимийлик, ўзгани ҳурмат қилиш.

Фазилат одамга табиат томонидан берилмаган, болалар катталарнинг хулқ-атворларидан намуна олиб, ўз фазилатларини ахлоқий тажриба ёрдамида эгаллайдилар ва ўзлари шакллантирадilar. ўсмирнинг, (кейинчалик эса йигит ёки қизнинг) характери, катта ёшдаги одамники сингари, кўпинча фазилатлар ва нуқсонлар курашадиган майдон бўлади. У ёки бу сифатларнинг ғалабаси шахснинг ўзини ўзи англашига ва ўзини ривожлантиришига асос бўлиб

хизмат қиладиган субъектга хос ғоят кенг маънавий тажрибани келтириб чиқаради.

## ШАРТНОМА

Ўзаро алоқанинг субъект - субъект маконини ташкил қилувчи механизмлардан бири. Ҳар қандай ижтимоий соҳада (таълимда, сиёсатда, иқтисодиётда, ҳуқуқий амалиётда) фаолият иштирокчиларини ўзаро алоқа субъектлари сифатида тан олишга асосланади ва уларнинг ўзаро муносабатларини тегишли нормаларда тартибга солувчи шартнома қоидалари билан белгиланади.

Шартнома муносабатларининг шартнома билан белгиланадиган қуйидаги таркибий қисмларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- шерикларнинг манфаатлари ҳамда вазият билан боғлиқ маънолари доимо намоён бўлиб туриши ва ўзаро боғлиқлиги;
- шерикларнинг манфаатларини ўз ичига оладиган ҳамкорлик предмети топиш ва унга эришиш;
- шериклардан ҳар бирининг вужудга келаётган ҳамкорликдаги масъулиятини рўёбга чиқариши ва таъминлаши.

Ҳар қандай педагогик амалиётда шартнома муносабатлари ҳамisha долзарб ва табиийдир. Улар болалар билан катталарнинг онгли ҳамкорлик ва ўзаро алоқа қилиш шаклидир. Шартнома муносабатлари мақсадларни ўйлаб кўриш, натижаларни ҳисоблаш, юз бериши мумкин бўлган салбий ва ижобий оқибатларни таҳлил қилиш, шунингдек у ёки бу конкрет таълимий вазиятларда биргаликдаги фаолиятни ҳамда шартнома жараёнининг давом этишини бошдан кечиришни ўз ичига олади.

Шартнома жараёнининг рационал ва эмоционал актлари натижасида пайдо бўлган маънолар шахсан баҳоланади ва иштирокчиларнинг субъектив кадриятлари иерархиясида уларнинг ўрни белгиланади. ҳаракат ва ҳамкорлик вужудга келган субъектив кадриятни амалга ошириш борасидаги ахлоқий ҳаракатлар сифатида навбатдаги қадам бўлади.

Шартнома одамларнинг барча турдаги фаолиятларида улар ҳамкорлигининг хилма-хиллиги маъносида ҳам таълим учун кадриятдир. Масалап, шартнома борасидаги тажриба турли ўйинлар, тренинглар, модель ёки лойиҳа асосида таълим бериш чоғида орттирилади. Шартномадан шахслар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш механизми сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда

педагог муайян вазиятларда боланинг позициясига нисбатан ўзининг субъектив позициясини белгилаб олиши керак бўлади ва шунда шартнома маконини ўзлаштириш педагог учун шахсий ва профессионал аҳамиятга эга бўлган вазифага айланади.

Шартноманинг ҳамда шартнома муносабатларининг хилма-хил шакл ва мазмунларини ўзлаштириб олиш педагог учун зарур ҳамда қадрли-аҳамиятлидир.

## ЎЗГАДОМИНАНТАЛИК

Шахснинг бошқа шахсга мослашгани ёки эргашгани. Таълимнинг гуманистик концепцияси фақат ашъанавий педагогикага доир тушунчаларни эмас, балки ўзгадоминантлик каби социал-маданий ўлчовларни ҳам муомалага киритади. Бунга таълим соҳасидаги педагогик тажрибанинг хусусияти ўзгарганлиги сабаб бўлди. Бундай тушунчалар ислоҳ қилинаётган таълим жараёнларида бола жалб этилаётган ҳаёт кечирини ва бирга яшаш билан боғлиқ муносабатларнинг моҳияти янгича тушунилаётганлигини билдирди.

Ушбу атама ўзгарган кўринишда фалсафада ҳам ишлатила бошланди. Ўзгадоминантлик тушунчасидан теран алоқани изоҳлаш мақсадида кенг фойдаланилмоқда - субъектлараро муносабатида ҳар бир субъект ҳаётининг доминантаси ҳар бир субъект томонидан ўзининг ўзгасига амалга оширилади. Ана шу маънода тарбия жараёнини айнан теран алоқалар тизими деб ҳисоблаш керак (мактабларда кенг тарқалган ситуатив-коммуникатив боғланишларга ва таъсир кўрсатиш сифатидаги тарбия амалиётига қарама-қарши ўларок). Агар педагогик алоқада ўзгага нисбатан доминанта амалга оинса, у теран бўлади. Натижада бутун таълим жараёни самарали бўлади).

Субъектлараро диалектикасига ёт бўлган ўзгадоминантликнинг сохта-Менидан фарқли ўларок ва унга қарама-қарши ўларок, ўзгадоминантлик чинакам Инсоний Мендир. Бу эса ўзгадоминантлик одамдаги энг инсоний хусусият сифатида иккита муқобил хулқ: мутлақ худбинлик ва ўзгаларнинг авторитар ўз центризма (гуруҳнинг ўз ҳукмини ўтказиши)нинг таъсир майдонида бўлишини аниқлатади.

Ўзгадоминантлик бола характерининг хусусияти сифатида қарор топиши ҳамма вақт фаол ва конкрет-ҳаракатчандир: бу муҳаббат, ўзга ҳақида гамхўрлик, уни қабул қилиш, ўзгага нисба-

тан чидамлилик ва ҳурматдир. Бу айни вақтда ўзини танқидий баҳолаш ва ўзини аҳамиятли ўзга билан таққослашдир.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАР ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚ- ҚИЁТИ

Шаклланиб ва рўёбга ошиб бораётган, халқнинг асрий анъаналарига ва умумбашарий кадриятларга таянадиган миллий истиқлол ғояси жамият ва давлат ўз олдига қўяётган юксак мақсад ҳамда вазифаларни аниқ акс эттириши керак. Токи ҳар бир ватандошимиз: биз қандай жамият, давлат тизимни барпо этаяпмиз, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий потенциали нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олсин.

Асосий стратегик мақсад - эркин демократик жамият, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат қуришдир, Ўзбекистонда яшаётган ҳамма одамлар учун, уларнинг миллати, тили ва динидан катъий назар, муносиб турмуш шароитларини яратишдир, қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли тарзда амалга оширишдир.

Бу - халқ, жамият иродасини, давлатимиз сиёсатининг моҳияти ва мазмунини ифода этади. Бу - ўзимиз танлаб олган тараққиёт йўлидан тўхтовсиз илгарилаб боришни, бунда халқнинг асрий анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий кадриятларга содиқ бўлиб қолишни, бошқа давлат ва халқлар тажрибасидан кўр-кўрона нусха кўчирмасликни англади.

Мазкур стратегик мақсад жамият ҳаётининг истисносиз ҳамма соҳаларида бир қатор вазифаларни ҳал этишни талаб қилади:

\* сиёсий соҳада - мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, жамият ва давлатни демократиялаш жараёнларини янада чуқурлаштириш, уларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашдир;

\* иқтисодий соҳада - ҳамма тармоқларда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш, ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш;

\* ижтимоий соҳада - кучли социал сиёсатни амалга ошириш, халқнинг моддий фаровонлигини босқичма-босқич, изчил равишда ошириб бориш, муносиб ҳаёт ва бахт-саодат, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмини янада такомиллаштириш; фуқароларнинг ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигини шубҳасиз қафолатлайдиган давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш; *узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган ишни давлат сиёсатининг устувор йўналишига, умумхалқ ишига айлантириш;*

\* маънавият соҳасида - маънавий қадриятларимизни фан ва технология тараққиёти ютуқлари билан бойитиш, миллий истиқлол гоёси принципларини халқ онгида гавдалантириш, маънавият кучи ва қудратидан олижаноб мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш, ижтимоий муносабатларни гуманистик гоёлар асосида ривожлантириш.

*Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш соҳасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим ва тарбия тизимини давр талаблари асосида узлуксиз такомиллаштириб бориш.*

## ҲИМОЯ

Шахсга йўналтирилган педагогиканинг педагог мушкул вазиятларда ҳимояланмаган ва ўксиган бола ёки ўсмирга ёрдам беришга тайёрлигини ва шунга қодир эканлигини ақс эттирувчи гоёт муҳим принципларидан бири. Бу - бола ёки ўсмирни эҳтимол тутилган социал зулмдан ёки психологик стрессдан муҳофаза қилиш ва турли салбий таъсирларга мустақил қаршилик кўрсатишни учун шароит яратишдир. Педагогик ҳимоя муаммолар ва низоларни ҳал қилиш, атрофдаги одамларнинг шахсга салбий таъсир кўрсатишини секинлаштириш ва тўхтатиш борасидаги ҳаракатлар тизими бўлади.

Педагогик ҳимоя принципи таълим жараёнида жисмоний, психологик, ижтимоий хавфсизликни таъминлайдиган ва болаларда (ўсмирларда) ўзини ва бошқаларни ҳимоя қилишга шахсий қобилиятни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини яратишни тақозо этади. Бу принцип конкрет педагогик ҳаракатлар билан индивидни ривожлантиришнинг психологик ва ижтимоий-

маданий омиллари бир-бирига мувофиқ ва уйғун бўлишини, катта ёшли одам билан боланинг муносабатларида юксак даражада ишончлилик, оиладаги муносабатларнинг хусусиятларини тушунишни ва ота-оналар билан ҳамкорлик қилишни ҳам назарда тутди.

Педагогик ҳимоя болани муаммолар, кийинчиликлар ва бахтсизликлардан холи қилиб қўядиган “иссиқхона” муҳитини яратишга қаратилган эмас. Бу ҳимоя боланинг барча руҳий қобилиятларини рағбатлантириш ҳамда рефлексияни, ўзини таҳлил қилиш ва ўзини назорат қилишни ривожлантириш асосида, агар зарур бўлса, ўзининг «Мен»-концепциясида янгиликни қабул қилиш асосида ҳам ҳаётдаги мушкул вазиятлардан чиқишнинг (маънавий танловнинг) конкрет усулларини биргаликда (бола билан катта ёшли одамнинг) излашда амалга оширилади. Ҳимоя ўз ихтиёрида махсус усуллар ва тарбия технологияларга, шу жумладан, бавосита ва бевосита, тўғри ва эгри шаклларга, фаолият соҳаларида ҳимоянинг турли усулларига (масалан, болалар саломатлигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш), ижтимоий-педагогик ва психологик ёрдамга, ҳуқуқий ҳимоя ва маслаҳатлар бериш каби воситаларга эга.

Ҳимоя принципи гуманистик тарбия позициясида турадиган айрим ўқитувчиларнинг иш тажрибасидагина эмас, балки синф тарбиячиларининг инновацион амалиётида ҳам, шунингдек, вояга етмаганларнинг издан чиқаётган хулқ-атворини ижтимоий-жиҳатдан профилактика қилиш соҳасини муҳофаза-ҳимоя чоралари комплекси деб ҳисоблайдиган превентив психология ва педагогика концепцияларини амалда рўёбга чиқаришда ҳам ўзининг қиёрасини топади.

## МАФКУРА

Бу - сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, диний, фалсафий қарашлар ва ғоялар тизими бўлиб, уларда одамларнинг воқеликка муносабати англанади ва баҳоланади. Ғоя янги ижтимоий муносабатлар, социал қадриятларни қарор топтиришга қаратилган, очик, толерант бўлиши ҳамда социал воқеликни турли ижтимоий гуруҳлар, шахслар нуктаи назаридан акс эттирадиган ва баҳолайдиган ижтимоий ғоялар, назариялар, қарашлар кўп бўлган бир шароитда юксак ижтимоий мақсадлар ва ғояларга эришишга қаратилган бўлиши керак.

Тоталитар жамият шароитида ғоя шахс, жамият ва давлат ўрта-сидаги муносабатларни директив талқин қилувчи доктриналар йиғиндисидан иборат эди. Ғоя ўзгача фикрлашни бостириш, шахснинг ташаббуси ва мустақиллигини бўғиш воситаси, усули бўлиб хизмат қилар эди.

Лекин бундай принциплардан воз кечиш ижтимоий онгнинг муайян, ажралмас унсури бўлган ғоядан воз кечишни англамайди. Қонунлар, белгилаб қўйилган норма ва қоидалар, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабат принциплари ва механизмлари асосида иш олиб борадиган ҳар бир жамиятнинг ўз ҳукмрон ғояси бўлади.

.. Тоталитар жамиятдан фарқли ўлароқ, қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган шахс эркинликлари ва ҳуқуқлари, аъзоларининг мажбуриятлари мавжуд бўлган демократик жамиятда ғоя ҳаракатлантирувчи куч, ижтимоий манфаатлар генератори, социал ва шахсий эҳтиёжлар, интилишларни амалга ошириш усули вазифасини бажаради.

Бунда ғоя халқ турмушининг, ижтимоий-тарихий тажрибасининг, ижобий анъаналари ва одатларининг инъикосидир. Худди ана шу маънода ижтимоий ғоя миллий бўлади.

Мустақиллик йилларида жамият жипслашди, келажакка ишонди, халқнинг бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий меросига асосланган янги социал идеаллар ва кадриятлар - миллий истиқлол ва демократия идеаллари ва принциплари шаклланди. Жамият аста-секин янги, истиқболли мақсад ва вазифаларни, уларга эришишнинг аниқ йўллари ва воситаларини ишлаб чиқди.

Миллий истиқлол ғояси - олий ижтимоий мақсад бўлиб, жамиятни жипслаштиради, сафарбар этади. Миллий истиқлол ғояси мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан таърифлаб берилган - бу “Ўзбекистон - келажак буюк давлат” ғоясидир. Жамиятнинг барча ижтимоий тоифалари ва гуруҳлари, ҳаракатлар ва партиялар, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси айнан ана шу байроқ остида бирилашди.

## ҒОЯВИЙ БЎШЛИҚ ВА ЗАРАРЛИ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИ

Бир ижтимоий тузумдан бошқасига ўтиш даврида жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида, бинобарин, ғоявий соҳада ҳам бир қатор муаммоларни ҳал қилишга тўғри келиши тарихий қонуниятдир.

Ўзбекистон суверенитетни қўлга киритгач, халқнинг моҳиятига ва дунёқарашига жавоб бермайдиган коммунистик мафкурадан воз кечди. Маълумки, одамнинг бутун умри давомида зўрлаб тикиштириладиган ҳар қандай ғоя, ақида ёки мафкура қаршиликка учрайди.

Табиийки, жамиятда янги ғоя, илғор фикр, прогрессив мафкурани шакллантириш эҳтиёжи тугилади. Башарти бу зарурат тушунилмаса ёки инкор этилса, мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиб, у муқаррар равишда халққа ёт ғоялар билан тўлдирилиши мумкин. Ана шунга йўл қўйиб бўлмайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда бу соҳада анча иш қилинди. Бироқ, янги дунёқарашни, ижтимоий онгни шакллантириш - мураккаб ва узок давом этадиган жараёндир. Шу сабабли халқ ва давлатнинг олижаноб мақсадларига ёт бўлган ғояларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири кучайиши хавфи бор. Бундай мафкуравий хатар, қоида тариқасида, ғоявий чалқашлик ҳукмронлик қилган жойда кучаяди. Турли аҳоли қатламларининг, айниқса ёшларнинг онгини эгаллаб олишга уринишлар кўпаяди.

Дунёнинг айрим мамлакатларида жойлашиб олган, катта маблағ ва нуфузга эга бўлган муайян марказлар вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, ўзларининг шум ниятларига эришишга ҳаракат қилмоқдалар.

Улар фуқароларимизнинг ақли ва калбига кириб олишга интилаётганлигининг сабабларидан бири - мамлакатимиз жуғрофий-сиёсий жиҳатдан қулай жойлашганлиги, бой интеллектуал салоҳиятга ва табиий ресурсларга эгаллигидир.

Ҳозир жамиятимиз учун қуйидаги мафкуравий таҳдидлар жиддий хавф тугдирмоқда:

ислом халифалигини тиклаш ҳамда унинг байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштириш йўлидаги уринишлар;



- ёш мустақил давлатларни собиқ Иттифокка бирлаштириш гоёси;
- тарихимизни, миллий қадриятларимизни ва динимизнинг мохиятини сохталаштиришга уринишлар;
- ахлоқсиз гоёларни тарқатишга, халқни маънавий-ахлоқий негизлардан маҳрум қилишга интилиш;
- турли мафкуравий воситалардан фойдаланиб, минтакавий ва халқаро можароларни бошлашга уринишлар.

Бу таҳдидлар, энг аввало, оддий одамлар онгини эгаллаб олишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан маҳрум қилишга қаратилган тажовузкор мафкуранинг шакллари дир.

Жамият ва давлат миллий мафкура соҳасида изчил, доно ва катъий сиёсат тарафдори бўлиши керак.

## ИНДИВИДУАЛИЗМ

Ҳамжамятда индивид ҳаётини ташкил этиш ва ўзи томонидан ташкил этиш принципларидан бири. Бу принцип Англия, Америка ва Францияда буюк сиёсий инқилоблар даврида узилкесил шаклланди ва ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатидаги либерализм билан ҳамда янги давлатчилик гоёси билан ўзаро боғлиқдир. Иккала тушунча инсон эркини энг олий қадрият сифатида қабул қилишга асосланади.

Индивидуализм принципи қуйидаги тасаввурлар ва гоёларни ўз ичига олади:

- ҳамма қадриятлар (инсон ҳуқуқлари, эркинликлар, демократия, адолат) орасида шахсни диққат марказига қўяди;
- маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳамма индивидлар тенгдир, ўз ҳуқуқлари ва ҳамжамят олдидаги мажбуриятлари жиҳатидан тенг баҳоланади;
- одамнинг табиий хусусияти унинг аслан яхшилигига ва ҳалоллигига ишониш учун асос бўлади;
- ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳеч қачон индивиддан ҳамжамятнинг бошқа аъзолари ёки тузилмалари кўзлаган мақсадларга эришиш воситаси сифатида фойдалана олмайди;
- ҳар бир индивид шахсий ҳаёт йўлини танлаш эркинлигига эга;

- ҳамжамият индивиднинг ривожланиши ва рўёбга чиқиши учун воситадир, лекин бунинг акси эмас.

Индивидуализм концепциясининг ахлоқий компонентлари индивид ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва манфаатларининг кадри бутун жамиятга нисбатан бирламчи эканини, энг аввало индивид уларнинг ифодачиси эканлигини, ҳар қандай ҳамжамият - индивидлар бирлиги бўлиб, уларнинг ҳар бири олдида муайян социал мажбуриятларни ўз зиммасига олишини акс эттиради.

Ҳамжамиятлардаги одамларнинг хусусий ҳаётини ташкил этиш концепцияси ҳам амалиёти ана шу ҳаётнинг биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган устувор жиҳатларига асосланади. Бу принциплар ва устувор томонлар фақат ахлоқ соҳасидагина эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда, - индивидуал (хусусий) ташаббус ва фаолликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоялашда, шунингдек, маъмурий тузилмалар фақат умуминсоний ҳуқуқ ва ахлоқ асосида қурилиши кераклигида ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, индивидуализм принципи одамнинг ўз шахсий ҳаётини ўзи ташкил этишида унинг ҳуқуқларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга, унинг ҳамжамият аъзоси сифатидаги мустақиллиги ва ўзига тўқлигига, унинг ўзини мустақил шахс деб ҳис қилишига, унинг ташқи таъсирларга (“ярамас” муҳитга, сиёсий-мафкуравий талабларга, ҳокимият авторитаризмига, гуруҳнинг тазйиқига, жинойий зўравонликка ва ҳоказоларга) қаршилиқ кўрсатиш қобилиятига қаратилгандир. Мазкур фазилатлар энг аввало ҳар бир инсоннинг моҳиятини ва унинг ўзига ўхшаш индивидлар ҳамжамиятидаги нисбатан мустақиллигини шакллантиради, шу фазилатлар унга ўз индивидуаллигини (яъни фақат ўзига хос бўлган, ҳар гал якка, типик ва умумийнинг ноёб синтези сифатида вужудга келадиган хоссалари ва хусусиятлари мажмуини) ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам беради.

Индивидуализм принципи уни таълим жараёнларида амалга ошириш чоғида бир қатор алоҳида педагогик назарияларни, тасаввурларни ва методикаларни, хусусан:

- \* тарбиянинг мақсадлари ҳақидаги тасаввурларни, - бу тасаввурлар тизимида ҳар қайси бола ва ўсмирнинг индивидуал ҳуқуқ ва манфаатларига қараб иш тутиш, - конкрет индивидуал хусусиятларни шунчаки ҳисобга олишгина деб эмас (чунки улар ҳисобга олинса ҳам таъминлашга қаратилган бўлмаслиги мумкин), балки индивидуал ривожланиш қадриятига тараф

дорлик деб тушунилиши ксрак бўлган индивидуал ёндашув киритилиши ксрак, - гуманистик, эркин тарбия асосида ўзликнинг ривожланишини таъминлайдиган педагогик ёрдам ва химоялаш назариясини;

- \* шахс-индивидуалликни ривожлантириш назариясини;
- \* таълим фаолиятининг (таълимнинг ва таълимдаги лойихалашнинг) муҳим ва ажралмас томони бўлган субъект тажрибаси гоясини;
- \* таълим хизматларининг хилма-хиллигини ва вариантлигини таъминлаш усулларини - таълим концепциялари плорализми принципига мос келадиган, охир-оқибатда, таълим турли одамларнинг индивидуал талабларига, шунингдек, социал гуруҳлар ва ҳамжамиятлар манфаатларига қаратилганлигини акс эттирадиган усулларини чуқурлаштиришни назарда тутди.

## ИНДИВИДУАЛЛИК

Ўзининг ҳаёти ва фаолиятини онтогенсзда ривожланиш субъекти сифатида амалга оширувчи ҳар бир одам шахсининг бетакрор ўзига хослиги. Алоҳида одам шахсининг ўзига хослиги унинг турли-туман индивидуал ва ижтимоий ривожланиш омиллари таъсирида шаклландиган психикасининг хусусиятлари ва хоссалари мажмуи билан белгиланади.

Инсоннинг индивидуаллиги ирсий қобилиятлар асосида тарбия жараёнида ва айни вақтда - инсон учун энг муҳими - ўзини ривожлантириш, ўзини рўёбга чиқариш, ўзини онгли равишда тарбиялаш жараёнларида шаклланади.

Таълимда индивидуалликни ҳисобга олиш ҳар бир бола ва ўсмирнинг максимал ривожланиш имкониятларини кашф этишни, ўқувчининг психологик хусусиятлари ноёб ва бетакрор эканлигини эътироф этиш асосида ривожланиш учун ижтимоий-маданий вазиятни яратишни билдиради. Таълимга индивидуал ёндашиш бир инсонни бошқа инсон билан таққослашни эмас, балки бир инсоннинг ўзини унинг ҳаётий йўлининг турли босқичларида таққослашни талаб қилади. Индивидуалликни кашф этиш, унинг қарор топиши ва ривожланиши учун оптимал шароитлар яратиш таълимнинг асосий вазифасидир.

## ИННОВАЦИЯЛАР

Таълимни ривожлантиришнинг муҳим унсури. Таълим маконидаги хилма-хил ташаббуслар ва янгиликларнинг тўпланиши ва шаклини ўзгартириши тамойилларида ўз ифодасини топади. Бу ташаббус ва янгиликлар бир бўлиб таълим соҳасида озми-кўпми глобал ўзгаришларга ҳамда унинг мазмуни ва сифати трансформациялашувига олиб боради. Ташаббуслар таълим соҳасининг табиий эволюцияси жараёнида педагогик фаолиятнинг янада истиқболли шакл ва воситаларини излашда, янги таълим методикалари ва усулларини синаб кўришда пайдо бўлади. Ташаббуслар тажриба алмашиш ва уни кенг ёйиш, педагогларнинг оммавий ташаббуслари ҳамда ижтимоий ҳаракатларини шакллантиришда мустаҳкамланади. Педагоглар муҳитида янги ижтимоий-педагогик, психологик, лойиҳавий ва ижтимоий-маданий гоёларни реал (мавжуд) ва идеал (фикран ташкил этиладиган ва идеаллаштириладиган) таълим маконининг долзарб сермахсул фикрлари ва кадриятлари сифатида генерацияловчи ташаббускорлар ва новаторлар гуруҳи қарор топади.

Инновациялар - хилма-хил ташаббуслар ва янгиликлар асосида вужудга келадиган таълим эволюцияси учун истиқболли бўлади ҳамда унинг ривожланишига, шунингдек, анча кенг мультимаданий таълим маконининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган актуал аҳамиятли ва ўзи тизим ҳосил қиладиган янги нарсалардир. Таълимни ривожлантиришнинг инновацион механизмлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- барча таълим муассасалари ва тузилмаларида ижодий муҳит яратиш, илмий ва педагогик ҳамжамиятда ташаббуслар ва янгиликларга қизиқиш пайдо қилиш;
  - турли янги нарсаларнинг қабул қилиниши ва амал қилиши учун ижтимоий-маданий ва моддий (иктисодий) шароитлар яратиш;
  - изланувчан таълим тизимларини ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш;
  - энг истиқболли янгиликлар ва маҳсулдор лойиҳаларни реал амал қилиб турган таълим тизимларига интеграциялаш ҳамда тўпланган инновацияларни доимий амал қиладиган изланувчан ва экспериментал таълим тизимлари режимига ўтказиш.
- Инновация жараёнлари тўпланиб, *ривожланиш цикллари-*

ли хосил қилади. Уларни ушбу тарзда ифодалаш мумкин:

1. *Қарор топиш цикли*, бу циклга тажрибани ўйлаб кўриш ва қайта баҳолаш, янги гоёлар излаш, ҳамжамиятларда (педагогик, илмий, ота-оналар ҳамжамиятларида, бошқарув муҳитида) таълим қадриятларини янгича тушунишнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилиши, бирламчи лойиҳаларни яратиш ва экспериментал тизимларни моделлаш хосдир.

2. *Фаол шакллантириш цикли*, бу цикл ишлаб турган таълим лойиҳаларини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалда моделлашни, янгича фикрлаш ва тажриба қадриятларини қабул қилиш ва қўллаб-қувватлашни, таълимнинг янги маданий муҳитларини кенг ёйишни, таълимни биргаликда ривожлантиришга қаратилган янги ҳамжамиятлар яратишни ўз ичига олади;

3. *Трансформацияловчи цикл*, бу цикл фаолиятнинг инновацион шакллларини норматив таъминлашни, мазкур шакллар у ёки бу кўринишда (уларнинг табиий равишда “чаплашиб кетишида” ва “ифлосланишида”) таълим институтларида кенг ёйилишини ва ишлатилишини, таълим маконидаги тизимга хос ўзгаришларни, педагоглар ва маъмурлар янгиликларни амалга оширишда қатнашишга тайёр эканликларини кўрсатишларини ва шунинг натижаси ўлароқ, инновацияларни амалга ошириш борасида вужудга келган тажрибани (шу жумладан, салбий тажрибани ҳам) ўйлаб кўриш ва қайта баҳолашнинг янги цикли бошланишини ўз ичига олади.

Мазкур жараёнлар давомида таълим тизимларининг инновацион потенциали: уларнинг ўз-ўзидан ривожланиш қобилияти, шахснинг ўзини ривожлантириши учун хилма-хил маданий-маърифий муҳит ва шароитлар, ҳамжамиятлардаги таълим институциялари турларининг хилма-хиллиги, ҳамжамиятларнинг хилма-хил ва ривожланган жамоасига алоқалари шаклланади.

## ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИ

Педагоглик билан машғул шахснинг ўз фаолиятини такомиллаштиришга тайёрлигини ҳамда ана шу тайёрликни таъминлайдиган ички воситалар ва усулларнинг мавжудлигини билдирувчи

ижтимоий-маданий ва ижодий хусусиятлари мажмуидир. Бунга яна ўз қизиқишлари ва тасаввурларини ривожлантириш, туғилаётган муаммоларнинг ноанъанавий счимларини излаш, таълимдаги мавжуд бўлган ностандарт ёндашувларни қабул қилиш ва ижодий гавдалантириш истаги ва имконияти ҳам қўшилади.

Инновацион потенциалнинг мавжудлиги қуйидаги асосий параметрлар билан боғлиқ:

1. Янги тасаввурлар ва гоёларни яратиш ва юзага чиқаришга, муҳими эса - уларни амалий фаолият шаклларида лойиҳалаш ва моделлашга қобилиятининг мавжудлиги.

2. Маданий-эстетик жиҳатдан ривожланганлик ва ўқимишлик. Бу педагогнинг интеллектуал ва эмоционал жиҳатдан ривожланганлигини ҳамда юқори даражада маданий саводга эга бўлишини тақозо этади.

3. Шахснинг янгиликни, ўзидан фарқ қиладиган нарсани, ўзгача фикрлашни қабул қилиши, бу шахснинг толерантлигига, мослашувчан ва тафаккури кенг қамровли бўлишига асосланади.

Шахсни ривожлантиришга йўналтирилган педагогика парадигмасида юқорида кўрсатилган хусусиятларни аниқлаш учун иккита принцип мавжуд:

\* педагог ўз шахсининг аҳамиятини тан олиши ва ўзлитини ижодий тушуниши;

\* бола (ўсмир) шахсини ва унинг манфаатларини қабул қилиш, уларни қадрият сифатида эътироф этиш, биргаликдаги ижодий фаолиятнинг асоси сифатида ижодий қизиқишларга қараб иш тутиш.

Инновацион салоҳиятнинг хусусиятлари таълим соҳасида инновацион гоёлар, лойиҳалар ва технологияларни рўёбга чиқаришга қобилиятли ёки қобилиятсиз бўлган айрим педагогга ҳам, шунингдек педагоглар жамоаси ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

## ИНТЕГРАЦИЯЛОВЧИ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ

Интеграцияловчи дастурлар асосан билиш назариясига ва билим излаш фаилараро тадқиқотнинг энг яхши усули эканлигини, бу тадқиқот:

- 1) одатда бир-биридан ажралган фанлар ўртасида кўприклар со-лишини;
- 2) қарор топган фанларни қайта структуралашини;
- 3) фанларни янада ихтисослаштириш муаммоларига тузатишлар киритиб, умуман қарор топган фанлар ва касблар тизимини ўзгартиришини тушунишга асосланади.

Интеграцияловчи дастурларда фикрлаш, тадқиқот мавзуи ва муаммоли ўқитишнинг турли моделлари ўз ифодасини топади. Эркин таълим ўз асоси билан эътиборни интеграциялаш имкониятларига ва ўргатиш технологияларига, чунончи айрим фанларни ва уларнинг предмет мазмунини синтез қилиш, фан чегараларидан ўтиш орқали ҳаракатланиш ва умумий таълим билан махсус таълимни қарама-қарши қўйишни инкор этишга қаратади. Кўпинча конструктив социал ўзгаришлар воситаси деб қабул қилинадиган интеграцияловчи дастурлар ўқувчиларнинг ижтимоий атроф-теваракни тушунишини кучайтиради ва кўпинча таълимга хизмат кўрсатиш руҳини олиб киради. Интеграцияловчи ўқув курсларининг ҳарактерли жиҳатларини ва умуминсоний кадриятларни: эпчиллик (мослашувчанлик), сабр-тоқат, толерантлик (чидамлик), бошқаларга берилувчанлик, таваккал қилишга, муаммоларни ҳал қилишга ва мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини топишга тайёрликни ҳам шакллантиради.

Фанлараро ёндашув асосида ишлайдиган педагоглар интеграцияловчи таълимнинг куйидаги принципларига риоя қиладилар:

- \* тафаккурнинг интеграцияловчи қобилиятлари ҳамма ўқувчилар учун муҳим иш қуроли бўлиб, барча ўқув дастурлари уларни ривожлантиришга қаратилиши керак;
- \* ҳамма ўқувчилар таълимда ва турли мавзуларни муҳокама қилишда фанлараро ёндашувни қўлланиш имкониятига эга бўлишлари керак;
- \* ушбу имкониятлар умумий таълим дастурларида (уларнинг стандартларида) назарда тутилган бўлиши керак;
- \* ҳар бир ўқувчи талбиркорлик ва ташаббус ривожланадиган ва индивиднинг ҳам, гуруҳнинг ҳам ютуқларини интеграциялайдиган биргаликдаги таълим шаклларида қатнашиши керак;
- \* анъаналарга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш ва уларга амалда риоя қилиш учун муҳим бўлган маданиятдаги фарқларга қарамай, барча одамларни инсонийлик ва шахс қадр-қиммати, шунинг-

дек ижтимоий муаммоларни муҳокама қилишга ҳамма жалб этилганлиги туфайли фарқларни енгиш қобилияти бирлаштириб туради.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТЛАР

Бу шахснинг индивидуал фикрлаш хусусиятини шакллантирадиган усул бўлиб, у ўз навбатида, индивидуал ҳаёт авж олишига ва шахснинг ўзини ривожлантиришига таъсир кўрсатади, умуман шахснинг ўзига хос ҳаёти ва фаолиятини таъминлайди

Бола интеллектуал ҳаётининг ноёб контексти объектив мавжуд бўлган ёки субъектив қўйилган, мазмуни, турлари ва шакллари, шунингдек аҳамиятлилик даражаси бўйича ҳар хил бўлган вазифаларнинг ўзаро бирлашиб кетиши орқали яратилади. Ушбу контекстда интеллектуал қобилиятларнинг ўзига хос равишда қарор топиши ва ривожланиши кузатилади, бу уларнинг ҳар бири учун индивидуал тарзда фарқланадиган хусусият баҳш этади.

Биринчидан, “специфик ўқув” вазифасининг мазмунида ўта субъектив билимлар ишга солинган, шу сабабли уни ҳал қилиш усули шахс учун аҳамиятли ва индивидуал ўзига хосдир. Уни таълимда “алгоритм” сифатида бевосита ёки “намуна” воситасида бериб бўлмайди.

Иккинчидан, “специфик ўқув” вазифасида “предметлар тўғрисидаги” билимлар эмас, балки “усуллар” тўғрисидаги билимлар ўзаро муносабатда бўлади. Шу сабабли бевосита уни ҳал қилиш усулини субъект ҳамма вақт ҳам англамайди ва кўпинча характери жиҳатидан аниқ бўлмаган ва методологик билим сифатида мавжуд бўлади.

Учинчидан, бундай вазифаларни ҳал қилиш усулининг мазмуни старли даражада воситали ҳамда объектив мавжуд вазифаларнинг конкрет предмет-операционал мазмунидан “узилиб қолган”. Шу сабабли усул умуман бошқа ечимларга татбиқ этилиши мумкин. “Специфик ўқув” вазифасини ҳал қилиш усули объектив берилмаган вазифани ҳал қилишнинг субъектив усули сифатида мавжуд бўлиб, субъектив янги, ҳали қўйилмаган вазифаларнинг мазмунини ва уларни ҳал қилиш усулларини “олдидан кўриш” тарзида амал қилади. Шу сабабли у субъект томонидан “қўлланилмайди”, балки амалга оширилади.



Навбатдаги ҳар бир янги субъектив вазифа ҳеч бўлмаганда ўзидан олдинги “специфик ўқув” вазифаси сингари умумлаштирилганлик даражаси билан ажралиб туради. Боланинг олдида пайдо бўладиган “специфик ўқув” вазифаларининг умумлашганлик даражаси илгарилаб ўзгаришига сабаб шу. Субъектив янги ва “специфик ўқув” вазифалари предмет мазмунининг генетик ўзаро боғлиқлиги кўп жиҳатдан субъектнинг ташқаридан берилган ахборотга турлича муносабат билдиришини белгилайди ва унда мазмуни жиҳатидан бир-бири билан боғланадиган вазифаларни қўйиш ва ҳал қилишга бир қадар мойиллик туғилишига олиб боради.

Шундай қилиб, вазифаларни ҳал қилишнинг шахсга йўналтирилган таълим парадигмасида ифодаланган механизми интеллектуал қобилиятлар мазмунини ташкил этади. У қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

- индивидуал ўзига хослик билан;
- умуман турли вазифаларни ҳал қилишга татбиқ этилиши мумкинлиги билан;
- ўз-ўзидан ривожланиш тамойили билан, яъни у шахснинг субъектив янги вазифаларни, шу жумладан ўзгаришларга сабаб бўладиган вазифаларни ҳам ўртага қўйиш ва ҳал қилишга потенциал маънода тайёрлиги сифатида мавжуд бўлади;
- субъектнинг предмет мазмуни жиҳатидан бир-бири билан боғланадиган вазифаларни танлашга мойиллиги билан.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Миллий истиқдол ғоясининг мазмуни ва маъносини ташкил этувчи асослардан бири - халқимизнинг қадимий ва бой тарихидир. Тарих - буюк мураббий. У одамга намуна бўладиган мисолларнигина эмас, балки баъзан аччиқ сабоқлар ҳам беради.

Миллий истиқдол ғоямизнинг фалсафий асосини энг аввало миллий-ижтимоий тафаккурнинг бутун дунёда машҳур нодир намуналари, буюк аждодларимизнинг фалсафий мероси, диний ва илмий қарашлари, прогрессив аҳоли қатламларининг дунёқарashi, халқ орасида кенг тарқалган эзгулик ва адолат ғоялари, соф-

кўнгиллик ва олижаноблик, ҳалоллик, жасорат, маънавий ва жисмоний баркамоллик ташкил этади.

Истиқлол ғоясининг фалсафаси, унинг мазмуни ва моҳияти, энг муҳим принциплари жамиятимизнинг прогрессив тараққиёт йўлини, миллий давлат барпо этиш жараёни ва истиқболларини назарий жиҳатдан асослаб берган Ислом Абдуганиевич Каримов асарларида ўзининг теран ифодасини топди.

Миллий истиқлол ғояси кишилик цивилизациясининг - қадимги дунё, антик дунё, ўрта асрлар, бошқа даврлар ва ҳозирги замоннинг фалсафий тажрибасига таянади. Миллий истиқлол ғоясининг мазмунига Шарқ ва Ғарб ижтимоий тафаккурининг қатор буюк вакиллари, чунончи, Сукрот ва Конфуций, Зардушт ва Афлотун, Аквинский ва Форобийнинг ва жадидчилик вакилларининг ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган қарашлари; жаҳон динларида мавжуд бўлган умуминсоний гуманизм ғоялари катта таъсир кўрсатмоқда.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАР ЎРНИ

Маданият ва маънавий-маърифий муассасалар миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ҳамда уни аҳоли онига сингдиришда катта имкониятларга эга. Кутубхоналар, театрлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа муассасаларнинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, тегишли, янги таъсирчан тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

Кенг аҳоли қатламларига миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини тунунтириш юзасидан турли учрашувлар, “давра суҳбатлари”, мунозаралар ўтказиш, услубий материаллар тайёрлаш зарур.

Маданий-маърифий муассасалар ёшларни тарбиялашнинг муҳим омили бўлмоғи керак.

Маданият ва санъат муассасаларининг фаолияти фақат тижоратга асосланишига, ғоявий-ахлоқий эътиқодлар ва миллий қадриятлардан йироқ бўлган асарлар улар фаолиятидан жой олишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Умумий ва профессионал маданиятни ошириш мақсадида мамлакатнинг барча аҳолисини камраб оладиган маънавий-маърифий ишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш керак. Бунда оммавий ахборот воситаларининг маърифатчилик фаолиятини кучайтириш муҳим. Телевидение ва радиодаги кўрсатувлар ва эшиттиришларни, болалар ва ўсмирлар учун адабиётни “интеллектуаллаштириш ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан бойитиш” борасида катта ишлар қилиниши керак.

Ана шу асосда мамлакатимиз маданияти ва миллий санъатимизни ривожлантиришга қаратилган, улардан таълимнинг мазмунида, таълим амалиётида фойдаланишни, чет элда тарғиб қилиш ва кенг тарқатишни, миллий ва халқаро танловлар, фестиваллар ва бошқалар ўтказишни назарда тутадиган чора-тадбирлар тизimini амалга ошириш зарур. Ёшларнинг бадиий ижодкорлиги янада ривож топиши керак.

## МАДАНИЙ МУҲИТ

Конкрет таълим муассасасининг маданий муҳити - болалар ва ёшлар жамоасида болаларнинг маданий ривожланишига хизмат қиладиган макон бўлиб, у ҳам муҳитнинг юқорида тилга олиб ўтилган параметрларини - муносабатлар, кадриятлар, рамзлар, предметларни ўз ичига олади. Ушбу макон маданий ривожланиш учун илғари таълимда кам ҳисобга олиб келинган, унинг мультимаданий шакллари яна ҳам кам эътибор берилган. Мактабнинг маданий муҳити тўғридан-тўғри сиёсийлаштирилган ва мафкура-лаштирилган эди. Бола ва ўсмир маданий жиҳатдан ривожланидиган синфнинг маданий муҳитига яна ҳам камроқ эътибор берилар эди.

Гуманистик таълимнинг маданий муҳитини лойиҳалаш ва таъминлаш фақат таълим бериладиган бинолар ва рекреация зоналарини қайта ташкил этишнинггина эмас, балки болалар ҳамжамиятларида маданий фаолиятни ташкил этишни, шунингдек ўқув дастурлари ва режаларини хилма-хиллик, вариантлик ва муқобиллик принциплари асосида ўзгартиришни ҳам талаб қилади. Бу эса ўқувчи фаолият турини танлаб олиш, ота-оналарга ўз болаларининг истиқболини ва салоҳиятини кўриш, таълим муассасасига болалар-ёшлар ва катталар-ёшлар ҳамжамиятлари учун ҳақиқий

маданий марказга айланиш имконини беради. Бирок бу айни вақтда педагогга ўзининг педагоглик маданиятини ва билимдонлигини ошириш имконини беради, чунки, агар ўқитувчилар муҳити консерватив бўлса ва янгиликларни қабул қилмаса, таълимнинг янги маданий муҳити шакллана олмайди.

Таълим муассасасининг маданий муҳити кўп жиҳатдан минтақада (туман ёки аҳоли пунктида) вужудга келган маданий муҳитга - конкрет таълим тизимларининг маданий муҳитлари ривожланишига ёрдам берадиган ёки уни секинлаштирадиган (шартли чегараларда) конкрет муҳит ва шароитларга боғлиқ бўлади.

Кўпқиррали муҳитни шакллантириш: болалар ҳамжамиятлари хилма-хил фаолият билан шуғулланиши учун таълим муассасасининг ҳамма маконларини пухта ўйлаб ташкил этишни, юқори технологик ускуналар ва коммуникациялардан амалда кенг фойдаланишни (намойиш қилишнигина эмас) тақозо этади. Муҳитни ўзгартириш таълимнинг бошқача маданий тури, таълим муассасасининг бошқача маданий турмуш тарзи қарор топишига ёрдам беради.

## ФАНЛАРНИНГ МАДАНИЙ АСОСИ

Янги маданий қадриятлар асосида илмий билимни ўқитишда интеграцион ёндашувнинг методологик ва методик позицияси. Ушбу ёндашув фанни маданиятнинг кичик тизими деб, соф социал ўлчамли маданий конструкция деб ҳисоблайди. Таълимдаги ислохотлар ва янги миллий ўқув дастурлари жорий этилиши натижасида илмий фанлар таянч бўлиб қолди, уларни 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ўрганмоқда. Дастурларга кўплаб аниқликлар киритилаётган бўлишига қарамай, шуни эътироф этиш керакки, фан асосларини ўқитишнинг мазмуни ўқувчиларнинг чинакамига билимдон бўлишига кам ёрдам бермоқда. Фан механистик усулда, эски анъаналар руҳида индуктивизмнинг кучли таъсири остида ўқитилмоқда, масалан, курс атомистик тасаввурлардан бошланади ва билимларнинг турли даражаларини яхлит қараб чиқишдан олдин алоҳида-алоҳида қараб чиқилади.

Бу редукционистик ёндашув (қисмларни бир бутунга айлантириш, бир бутунни эса қисмларга айлантириш) биз идрок қила-

диган нарсага зиддир. Биз нарсаларни ўзаро боғлиқ холда кўрамиз. Шу сабабли “мактаб” фани бизни реал маънолардан четлаштиради. У хилма-хил илмий воситалар орасида кузатувнинг ролини ошириб юборади. Мактабда фандан дарс берувчи ўқитувчиларнинг кўпчилиги экспериментал усул чегараларини танқидий баҳолаш қобилиятига, зарур назарий билимларга (фан методологиясига) эга эмас.

Ана шундай эскирган ёндашув доирасида фактларни шунчаки ўқитиш бундан буён қаноатлантириши мумкин эмас. Илмий усулни универсал ва маданий тасаввурлардан ташқарида турувчи усул сифатида бундай ўқитиш одамларни экспертлар ва ноэкспертларга, рационал ва эмоционалларга, ривожланган ва қолоқларга ажратишни чуқурлаштиради, холос.

Модомики, биз келажакда фикрлар ва нуқтаи назарлар плюрализмига тайёр бўлган, иқтисодиёт ва технологияни умумий адолат ва экологияни сақлаш асосларида ривожлантиришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашни мақсад қилиб кўяр эканмиз, илмий саводхонликнинг турли моделлари танқидий фикрлаб кўрилиши керак.

## МАДАНИЙ САВИЯ

Индивиднинг маданий макон тўғрисидаги, ўзининг шу макондаги ўрни ҳамда муносабатининг маданий мазмуни тўғрисидаги тасаввурлари тизимини яратиш ва рўёбга чиқариш жараёни. Маданиятда ўз ўрнини белгилаш индивид томонидан доимий равишда маданий фаолликнинг ҳамда индивидуал маданий манфаатлар йўналтирилган предметнинг турли шакллари билан олиши билан, уларнинг кейинчалик трансформациялашуви ва ривожланиши билан боғлиқ. Маданиятда ўз ўрнини белгилаш шахс ижтимоийлашувининг таркибий қисмларидан биридир. У ҳамжамиятнинг бошқа аъзолари билан дастлаб конкрет кичик маданият маконида (оилада, референт гуруҳда, яқин кишилари қурашларида) муносабатга кириши натижасида пайдо бўлади ва уларнинг ҳам ўзаро таъсири натижаси, ҳам ижтимоий-маданий ўзаро алоқасининг янги шакллари тўртки бўлади.

Маданиятда ўз ўрнини белгилаш боланинг маданиятга кириб боришини таъминлайдиган муайян механизм (индивидуал механизм) мавжуд бўлишини, шу жумладан:

- муайян маданият кўринишлари ўзининг ривожланиши учун ахамиятли эканлигига ишонишни назарда тутлади. Бу эса ўзининг хис-туйғулари, фикрлари ва истаклари атрофдаги одамларнинг тасаввурлари билан бир хил эканлигини бошдан кечиришни келтириб чиқаради;
- атрофдагилар маданиятда ўз ўрнини белгилаш борасидаги ҳаракатларни ва маданий ҳулқ-атвор хусусиятларини қандай (ва адекват) қабул қилаётганлигини англашни;
- маданий фаолликни (ўзининг ва бошқанинг) ўзи баҳолашини ҳамда атрофдагилар билан ўзаро алоқаларга доимий тузатиш киритиб боришни назарда тутлади;
- атрофдаги воқеликни танлаб идрок этиш, онгли равишда танлаш ва ўзининг ҳаётдаги танловини асослаш, муайян маданий кадриятларни қабул қилиш ва бошқаларини ўзининг маданий мақсадларига (ахлоқий идеалларига, эстетик дидига ва ижодий кизиқишларига) боғлиқ ҳолда қабул қилиш ва қабул қилмаслик қобилиятини назарда тутлади.

Ўсмирнинг атрофидаги одамлар билан ўзаро муносабатлари, ўз фаолиятига муносабати, ўз индивидуаллигини ва унинг аҳамиятини англаши маданиятдаги ўз ўрнини белгилаб олишига боғлиқ бўлади. Бундай фаоллик натижасида бошқа одамларга билвосита таъсир кўрсатадиган маданий маконининг янги шакллари вужудга келади.

Таълим соҳасида маданий савияни белгилаб олиш асосий педагогик мақсадлардан бирига айланади, педагоглар ишининг асоси эса болага унинг қарор топиши учун ғоят муҳим бўлган аң шу жараёнда педагогик ёрдамни ва қўллаб-қувватлашни таъминлашдан иборат.

## ТАЪЛИМ КУЛЬТУРОЛОГИЯСИ

Таълим фалсафаси, культурология ва педагогика туташган ерда шаклланаётган, таълимнинг бутун маданий муаммолари комплексини педагогик ва маданий антропологиянинг ягона асосларида тушунтирадиган янги илмий йўналиш. Бунга қуйидаги предмет туркумлари ва муаммолар доираси киради:

- бутун таълимнинг маданий мазмуни (кадриятлари, функция-

лари, мақсадлари, вазифалари, йўналиши, маданий сифими, предмет мазмуни) ва шакллари (методлар, воситалар, методикаларнинг маданий жиҳатдан мувофиқлиги ва сифати);

- таълим тизимларининг маданий моделлари;
- педагогик (индивидуал ва ҳамжамиятда реал мавжуд бўлган) маданият;
- болани (ўсмирни) маданиятга ва кичик маданиятга олиб кириш механизмлари;
- болалар ва ўсмирлар ҳамжамиятларининг маданий (кичик маданий) ривожланиш хусусиятлари;
- бола шахси маданиятининг қарор топиш хусусиятлари;
- конкрет таълим тизимларида ва бутун таълим соҳасида маданий муҳитнинг қарор топиши ва намоён бўлиши механизмлари;
- таълим соҳасида ижтимоий-маданий лойиҳалаш;
- таълим соҳасидаги ташкил этиш ва бошқаришнинг сифати, таълимда бошқариш маданияти.

Педагогикада янги билим йўналишининг қарор топиши таълим соҳасида бир қатор ижтимоий-маданий зиддиятлар тобора кескин намоён бўлаётганлиги, хусусан, мактабларни битириб чиқувчиларнинг маданий саводи пастлиги, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг маданий савияси пастлиги, таълим муҳитида маданиятнинг пастлиги, таълим муассасасида муомала маданиятининг йўқлиги билан боғлиқ. Буларнинг барчаси маданиятни ўз таркибига олувчи конкрет лойиҳалар ва педагогик ечимларни, демак ушбу жараёнларни культурология тушунчаларида англаб етишни ҳам талаб қилмоқда.

## ЖАМИЯТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ - ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ

Миллий истиқлол гоёсидан кўзланган мақсадга эришиш умумий демократик ўзгаришлар жараёни билан, жамиятни эркинлаштириш, мамлакатда янги ижтимоий-маданий муҳитни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Биринчи навбатда, жамиятни эркинлаштириш, маънавий янгилаш ёш авлод онгида муҳим маънавий-ахлокий асосларни, гуманистик ва демократик кадриятларни мустаҳкамлаш билан таъ-

минланади. Бу эса эркин, ҳар томонлама баркамол, юксак масъулият ва бурч ҳиссига эга бўлган инсонларни тарбиялаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар туркумини ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда.

Маънавий янгиликни жараёни кўпроқ байрамлар, маросимлар, ўйинлар ва бошқаларда ўз аксини топган прогрессив миллий маънавий-ахлоқий кадрлар ва нормаларни қайта тиклаш, ривожлантириш ва ҳозирги ҳаётимизга жорий этиш билан бевосита боғлиқ.

Ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий ривожланиши, шубҳасиз, жисмоний ва психик саломатликни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни назарда тутади. Ёшларда фаол ҳаётий позицияни, ахлоқчиликни, яхшилик ва гуманизмнинг юксак идеалларини тарбиялаш жисмоний тарбия ва спорт воситалари, шакл ва усуллари билан фойдаланишнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак. Яқин вақт ичида спорт билан оммавий суратда шуғулланишни, болалар ва ўқувчи ёшлар дам олишининг фаол шакллари таъминлайдиган яхлит тизимни яратиш ҳамда амалда рўёбга чиқаришга киришиш зарур. Педагогик ва ташкилий шароитлар тизими ёшларнинг саломатлик, жисмоний ривожланиш ва тайёргарлик даражаси, тиббий-санитария маданияти анча ошишини таъминлаши керак.

Аҳоли орасида ислом ва бошқа динларнинг гуманистик асослари тўғрисидаги билимларни ўрганиш ва шакллантиришга, экстремизм ва диний мутаассибликнинг олдини олишга янги туртки бериш керак.

Таълим жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан янгилаш жамиятни эркинлаштириш нуқтаи назаридан қараганда унинг янада инсонпарварлашувини, гуманитарлашувини ва демократиялашувини таъминлаши керак.

Жамиятни эркинлаштириш жараёни шахс қобилияти ва имкониятлари ҳар томонлама намоён бўлиши, унинг маънавий ҳамда интеллектуал потенциалига талаб ошиши учун шароит таъминлаб бериши, имконият яратиши керак.

Давлат ва жамият тараққиётининг янги жиҳатлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини янги сифат даражасига кўтаришни, уни амалга оширишда юксак масъулият таъминланишини зарур қилиб қўймоқда.

Жамиятни эркинлаштириш, маънавий жиҳатдан янгилаш дав-



лат ва жамият ҳаёти ва фаолиятининг иқтисодий, сиёсий соҳаларини эркинлаштиришнинг асосий омили, кафилидир. Бу давр талаби, XXI аср муаммоларига берилажак жавоблардан биридир.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ

Адабиёт ва санъат одамлар онгига таъсир кўрсатиш, халқнинг бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий кадриятларидан, жаҳон цивилизацияси бойликларидан баҳраманд бўлишнинг гоят қудратли воситасидир. Адабиёт ва санъатни ҳар томонлама камол топган, маънавий бой шахсни тарбиялашга қаратиш асосий вазифа бўлмоғи керак.

Ижодкор кишиларни мураккаб ва шонли тарихимиз, ҳозирги ҳаётимизнинг ёрқин саҳифаларини, олижаноб ишларни, миллий истиқлол ғояларини амалга ошириш борасидаги фаолиятни акс эттирувчи адабиёт, кино, театр, музика, тасвирий санъат ва халқ хунармандчилиги асарларини яратишга қизиқтириш ва йўналтириш керак. Давлат ва жамоатчиликнинг адабиёт ва санъатга, ижодкор зиёлиларга эътиборини кучайтириш зарур.

Асарларда халққа ёт ғояларнинг моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ёритиш керак. Самарали мунозаралар, ҳолис танқид ва таҳлил йўли билан ижод оламидаги мафқуравий муҳитнинг соғломлашувига эришиш зарур.

## ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

Ўқувчининг билиш объекти ва фаолият предмети сифатидаги индивидуал хусусиятларини аниқлаш асосида, шахснинг ривожланишини ва ўзини ривожлантиришини таъминлайдиган таълим. У муқобил таълим шакллари яратиш орқали ҳар бир ўқувчининг ўз ривожланиш йўлини танлаб олиш ҳуқуқини тан олишга асосланади.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёни ҳар бир ўқувчига ўзининг қобилиятларига, майлларига, қизиқишларига, мўлжаллаган кадриятларига ва субъектив тажрибасига таяниб, билишда, ўқув

фаолиятида ва ўқишдаги хулқида ўзлигини намоён этиш имконини беради.

Таълимнинг мазмуни, унинг восита ва усуллари шундай тузиладики, натижада улар ўқувчига предмет материалига, унинг тури ва шаклига танлаб муносабатда бўлиш имконини беради. Ана шу мақсадларда тадқиқотчи сифатида фикрлашни моделлаштириладиган индивидуал таълим дастурлари ишлаб чиқилади; диалог ва имитацион-ролли ўйинлар асосида гуруҳ машғулотлари ташкил этилади; ўқув материали ўқувчиларнинг ўзлари томонидан бажариладиган тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишга мослаб тузилади (интеграцияланади).

Шахсга йўналтирилган таълимнинг мезонлар базаси ўзлаштирилган билимлар, ҳосил қилинган кўникмалардан кўра кўпроқ шахсий янгиликлар сифатида ақлий (интеллектнинг) фазилатлар қай даражада шаклланганлигини кузатиш ва баҳолашга асосланади.

Билимдонлик билимлар ва қобилиятлар мажмуи сифатида ўқувчининг маънавий ва интеллектуал фазилатлари қарор топишининг гоят муҳим воситасидирки, таълимнинг асосий мақсади ҳам ана шу.

## МУЛЬТИМАДАНИЙ ТАЪЛИМ

Муайян ҳамжамиятда мавжуд бўлган хилма-хил маданий қадриятлар, фаолият нормалари, намуналари ва шаклларининг ҳаммасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга ҳамда бу меросни, шунингдек, инновацион янгиликларни ёш авлодга топширишга қаратилган таълим. Таълимни мультимаданиятчилик ва хилма-хиллик принциплари асосида ташкил этиш: синф - битта, ундаги маданият ва кичик маданиятлар эса кўп ва уларнинг ҳаммаси бирдек қизиқарли, ҳаммаси таълим учун зарур деган постулатдан келиб чиқади.

Мультимаданий таълим аввал бошданок, ўз моҳиятига кўра маданиятга мувофиқдир, чунки маданиятни таълимга ташқаридан (узоқ мамлакатларнинг тарихидан ёки санъатидан) олиб кирмайди, балки унда доимо яшайди ҳамда болалар ва ўсмирларни ҳозирги маданий жараённи кўплаб одамлар ҳамжамиятларининг қонуний эволюцияси деб қабул қилишга ўргатади.

Таълимнинг мультимаданий мазмунини ривожлантириш дунёнинг ҳамма срида миллий тизимларни янги интеграцион схемалар

асосида қайта қуриш олдиға талаблар қўймокда, педагогларнинг культурологик муаммоларға нисбатан қизиқишини оширмокдаки, бу учта ўзаро боглик сабаб алоқаларининг оқибатидир.

Биринчидан, таълим фалсафасида етакчи концепциялар алмашуви юз бермокда ва позициялар плюрализми туфайли, педагогиканинг ўзида ҳам, таълим тизимларининг амал қилишида ҳам хилма-хил ёндашувлар ишлаб чиқилмокда. Бундай эволюция тўпланган маданий тажрибани қайтадан идрок этиш асосида юз бермокда. Шу билан бирга маданият ўзидаги барча унсурларнинг хилма-хиллиги, вариантлилиги ва сифат жиҳатидан ўзига хослиги ривожланиши ҳамда илдиз отиши учун замин яратмокда, таълим эса ўқувчиларни бу жараёнларни тушунишга ўргатади.

Иккинчидан, ижтимоий-иктисодий мақсадларнинг ўзгариши педагогларни тез ўзгариб бораётган жамият шароитида таълимнинг анъанавий маданий мақсадлари ҳамда вазифаларига ўзгартишлар киритиш ва инновацион маданий мақсадлар ҳамда вазифаларни қўйиш, шунингдек, культурология ёрдамида ислохотлар учун мувофиқ воситалар топиш мақсадида маданиятнинг асосий кадриятларига мурожаат қилишга мажбур этмокда.

Нихоят, таълим тизимларининг субъектлари - болаларнинг ўзлари, педагоглар, ота-оналар, бошқарув ходимлари, шунингдек умуман ҳамжамиятнинг ўзи педагогик фаолият натижаларини истемол қилувчи сифатида - ўқув-тарбия жараёнини маданият компонентлари билан янада кучли бойитиш зарурлигини тушуна бошладилар, чунки айнан шулар болалар ва ўсмирларнинг маънавий қарор топиши учун шароит яратади, айнан маданиятнинг умуминсоний кадриятлари янги ижтимоий-маданий эҳтиёжларни таъминлай олади.

Мультимаданий таълимнинг хилма-хил шакли ва дастурлари фақат тарихий-маданий ёндашувнигина эмас (хусусан, “Жаҳон бадий маданияти тарихи” ёки “Маданиятлар мулоқоти” сингари машхур дастурларнигина эмас), балки ўқувчиларнинг ҳозирги маданиятни таҳлил қилишига йўналтирилган муаммоли ёндашувни ҳам ўз ичига олади.

Мультимаданий таълим назариясида режалар ва дастурларнинг мультимаданий компонентларига, болаларни мультимаданий фаолият воситалари ёрдамида ривожлантиришга ҳамда этнослар ва гуруҳлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришга асосланган учта энг кўп тарқалган ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин. У

ёки бу методикаларни синтез қилувчи ёндашувлар бор. Ҳозирги вақтда тилга олинган компонентларнинг баъзиларини бирлаштирадиган ва хилма-хил маданий анъаналарни асосий гоё сифатида ўз ичига оладиган кўпмаданиятли таълим анъанаси шаклланмоқда.

Таълимнинг маданий соҳасини ривожлантиришнинг турли томонлари ва тамойилларини, унинг реал маданий ва кичик маданий муҳитининг хилма-хил вариантларини акс эттирадиган турли-туман атамалар ва концепцияларни эркин ишлатишнинг чуқур ижобий маъноси бор. Шу сабабли, ҳар бир минтақа ўзининг мультимаданий ва маданиятлараро муҳитига, ҳар бир мактаб ва ҳар бир синф эса - ҳозирги вақтда шахсни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бирига айланиб бораётган умумий маданий маконнинг ўз вариантыга эга дейиш мумкин.

## ТАЪЛИМНИНГ МУЛЬТИМАДАНИЙ МАКОНИ

Муайян маданий ва кичик маданий тажрибанинг ифодаловчиси бўлган таълим субъектлари ўзаро таъсир кўрсатадиган ва ҳамкорлик қиладиган, катталиги ва мазмуни турлича бўлган маданий майдонларнинг ҳаракатчан тизими.

Ушбу маконнинг “ядроси”ни - таълим жараёнининг бевосита катнашчиларини: ҳамжамиятда (мактаб ва синф ҳамжамиятида) ўзаро ҳамкорлик алоқа қилувчи болалар ва педагогларни шартли равишда ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунда оила, таълимни бошқариш структуралари, маданият ва санъат муассасалари, коммуникация ва ахборот тизимлари унинг ядродан кўра мураккаблиги кам бўлмаган “чекка жойи”ни ташкил қилади. Бундан ташқари, мультимаданий макон ҳар бир муайян аҳоли пунктида, минтақада, бутун мамлакатда маданият ва таълим соҳалари амал қилишининг интеграцияланган шарт-шароитлари билан яратилади. Таълим жараёнларида бевосита ва билвосита иштирок этувчилар ўртасидаги алоқа шундайки, улар бир-бирларининг маданий (ва кичик маданий) тажрибасини шакллантиради, деб айтиш мумкин.

Шу сабабли таълимнинг мультимаданий макони таълим соҳасининг бошқа субъектлари томонидан ҳам яратилиши мумкин. Масалан, конкрет оила ёки клуб, кутубхона, кўшимча (мактабдан ташқари) деб аталадиган таълим муассасасининг мультимада-

ний таълим маконининг у ёки бу характери хақида сўз юритиш мумкин. Бу макон қандай координатларда олиб қаралмасин, унга қуйидагилар қиради: таълимга киритилган субъектнинг маданий тажрибаси; ўқитиш билан боғланган ва боғланмаган маданий қизиқишларнинг характери; конкрет ҳамжамиятдаги умумий таълим жараёнларини таъминлайдиган маданий ахборот ҳажми.

Мультимаданий таълим маконининг мураккаб ижтимоий характери умуман олганда мулоҳазали педагогга ўқувчилар билан ижодий алоқа боғлаш учун жуда бой воситалар тўпламини таклиф қилади ва ҳатто, конкрет маданий маконда (масалан, аҳоли пунктидаги ёки қишлоқ туманидаги) уларнинг хилма-хил маданий фаоллигини рағбатлантириш учун шароит яратади.

## МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Миллий истиқлол гоёси халқнинг иродаси ва орзу-умидларини, унинг озодлик ва фаровонликка интилишларини акс эттириб, уни бойитувчи қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

- халқ онгида устувор бўлган фикр - дўст ва яхши қўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқиндан ҳамкорликда яшаш;
- “оила”, “маҳалла”, “Ватан” деган тушунчаларни муқаддас деб билиш;
- ота-она, қўшнилари, бутун жамиятни шубҳасиз ҳурмат қилиш;
- миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи сифатида она тилини севиш;
- катталарга - эҳтиром, кичикларга - ҳурмат, деган эътиқодга амал қилиш;
- муҳаббат, гўзаллик ва нафосат тимсоли, абадий ҳаёт рамзи бўлган аёлни қадрлаш;
- сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, “меҳр-оқибат”.

Миллий истиқлол гоёси қуйидаги умуминсоний қадриятларни эътироф этади ва ўзига сингдириб олади:

- қонуннинг устуворлиги;

- инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- турли миллат вакиллари, уларнинг маданиятини ва қадриятларини ҳурмат қилиш, улар билан ҳамкорлик қилиш, дўстлик ва яхши кўпчилик;
- динлараро бағрикенглик
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- турли халқларнинг илғор тажрибасини, инсоният маданияти ютуқларини ўрганиш ва эгаллаб олиш ва ҳоказо.

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ВА ДАСТУРИ-ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ ОМИЛИ ВА ШАРТИ

Мутлақо равшанки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз қоидаларининг кенглиги ва теранлиги жиҳатидан таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилганлиги билан чегараланиб қолмайди. У доимий ижтимоий аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, айниқса уни амалда рўёбга чиқариш ижтимоий жараёнларга қандай таъсир кўрсатади?

1. Миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир кўрсатади.

*Ижтимоий-сиёсий муҳитни ўзгартириш зарурлиги қуйи-даги омиллар билан белгиланар эди:* биринчидан, - давлатни бошқаришда ва ижтимоий ҳаётда демократик асосларнинг йўқлиги билан; иккинчидан, - ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида одамнинг ўз меҳнати натижаларидан бегоналаштирилганлиги билан; учинчидан, - шахснинг маънавий - ахлоқий бегоналаштирилганлиги билан, ижтимоий онг расмий ва реал онгга ажратилганлиги туфайли унинг бузилганлиги билан.

Ижтимоий-сиёсий муҳитдаги зарур ўзгаришларнинг йўналиши қандай?

Биринчи навбатда - бу ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларга демократия принципларини ва Қонун устунлигини жорий этишдир.

Ижтимоий онг соҳасида - бу мафкуравий зўравонликка барҳам бериш, ижтимоий жараёнларни мустақил тушуниб етиш учун

ва жамиятнинг ҳамма аъзолари, шахс ўз қарашларини эркин баён этиши учун имконият яратишдир.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши жараёнини тезлаштиради.

*Ижтимоий фаоллик ва ҳаракатчанлик* социализациялашнинг (одам ижтимоий жараёнларга тўла-тўқис қўшилишининг) самардорлигини ифодалайдиган гоят муҳим кўрсаткичлардир.

Энг аввало куйидаги фактни таъкидлаш керак: илгари ҳеч қачон бу даражадаги ҳужжатларда, шунингдек бошқа давлатларнинг шунга ўхшаш ҳозирги дастурларида *ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда шахснинг устуворлиги қатъий белгилаб қўйилган эмас эди*. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида аниқ ёзиб қўйилган. *Шахс Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва таълим тизимининг асосий, тизим ҳосил қилувчи компонентидир*.

Ана шу асосда Миллий дастурнинг “... одамнинг қобилиятларини намоён қилиш ва унинг таълим соҳасидаги хилма-хил эҳтиёжларини қондириш” деган асосий қондаси амалга оширилмоқда.

3 Таълимнинг миллий моделини амалга ошириш жамиятда эркин фикрлайдиган шахс шаклланишига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий дастурнинг моҳияти аввал бошданок фалсафанинг асосий, теран ижтимоий аҳамиятга молик “эркинлик” категориясига, яъни танлаш эркинлигига мос қилиб ишланган. Шахсга таълим йўналишини танлаш эркинлиги берилади ва бу билан Ўзбекистоннинг ижтимоий тузилишида олий инсоний қадриятлар амалга оширилиши тасдиқланади.

Миллий дастурнинг қондаларидан бирини, хусусан, таълимни гуманитарлаш ва инсонпарварлаштириш қондасини амалга ошириш конструктив эркинлик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Таълимни гуманитарлаш ва инсонпарварлаштириш билим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни, юксак маънавиятни, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантиришни назарда тутати.

Миллий дастурни амалга ошириш жараёнида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг миллий маданий-тарихий анъаналарга, халқ урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларга асосланган самарали, ташкилий ва педагогик шакллари ҳамда воситалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. *Шахсни тарбия-*

лаш ва ҳар томонлама ривожлантиришнинг устуңлиги таъминланади.

4. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида катта аҳамиятга эга.

Демократик жамият ва бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида давлат кадрларни тайёрлаш кафилидир деган коида тамомила бошқача мазмун касб этмоқда: таълим хизматлари бозорини, билим олишнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш назарда тутилади.

Давлат таълим стандартлари ва бошқа механизмлар ёрдамида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истикболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, техника, технологиянинг ҳозирги ютуқлари асосида кадрларни тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий талаблар белгиланади. Бунда таълим жараёни демократиялантирилади, инсонпарварлантирилади ва гуманитарлаштирилади, таълим соҳасида сифатли хизматлар кўрсатилиши, шахс, жамият ва давлатнинг таълим ва кадрларни тайёрлаш соҳасидаги манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатланади, яъни "Кадрларни тайёрлаш миллий модели"нинг компонентлари - шахс, давлат, жамият, фан, узлуксиз таълим, ишлаб чиқариш ўртасида самарали ўзаро алоқа ўрнатишга қаратилган реал шароитлар яратилади, энг аввало истеъмолчиларнинг ва кадрларга буюртма берувчиларнинг ташаббусига ва мустақиллигига асосланилади. Шундай қилиб, ҳозирги шароитда кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизими ҳаракатчан ва мослашувчан бўлмоғи керак.

Ана шу маънода Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро обрў-эътибори, кадрларни тайёрлаш даражаси, уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиғи, таълим хизматлари бозорида республика узлуксиз таълим тизимининг очиклиғи, ахборот ва мутахассислар алмашишнинг аҳамияти ошади.

5. Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга ошириш миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга қаратилган, бу эса ўз навбатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

Фуқаролик жамияти, энг аввало, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва жамият олдидаги мажбуриятлари тенг бўлишига, ўзаро алоқадорлигига асосланади. Ҳар бир одам фундаментал ҳуқуқ



ва эркинликларга эга, давлат эса уларга риоя этилишининг кафилидир. Одамнинг фуқаролик жамиятидаги мавқеини белгилайдиган асосий методологик принцип мана бу: одам бошқа одамларнинг эркинлигини қай даражада бўғиб қўймаса, ўз мақсадини амалга оширишда шу даражада эркиндир. Аини вақтда ҳар бир фуқаро қонунларга риоя қилиши, ўзининг социал хулқ-атвори билан жамиятнинг бошқа аъзолари эркинлигини камситмаслиги шарт.

Бу ҳол муайян, ривожланиб боралиган ҳуқуқий маданиятни талаб қилади. Шу билан бирга мазкур муаммонинг иккита жуда муҳим жиҳати қайд этилган. *Биринчи жиҳат* - қонунга турли ижтимоий гуруҳлар ёки айрим шахслар учун фарқлаб муносабатда бўлинган, “ҳуқуқий бўшлиқ зоналари” пайдо бўладиган эскича фикрлаш стереотипларини бартараф этишдир. *Иккинчи жиҳат* - “инсон ҳуқуқларининг устувиғи” принципини жорий этиш, “инсон ҳуқуқлари асосий қадрият бўлмоғи кераклигини англаш” дир.

Ҳуқуқий маданият иккита асосий омил - *ижтимоий амалиётнинг ва таълим жараёнининг таъсири* сифатида шаклланади. Ўзбекистонда таълимнинг ташкил этилиши ва мазмунидаги ислохотлар унинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти принципларига жавоб бериши керак бўлган моделини яратишга қаратилган.

Умуман олганда, миллий дастур одамнинг қурилажак фуқаролик жамиятидаги фундаментал ҳуқуқларидан бирини - билим олиш, ўзининг интеллектуал ва маънавий потенциалини рўёбга чиқариш ҳуқуқини амалга оширишнинг асосий омилдир.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин олишига имкон беради.

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга интеграцияси Ўзбекистоннинг халқаро жараёнлар ва ташкилотларда иштирок этишинигина эмас, балки уларга фаол таъсир кўрсатишини ҳам назарда тутди.

Сийсий соҳада бу мамлакатимиз қулай халқаро муҳитни шакллантиришда, халқаро низоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда фаол роль ўйнашини, минтақавий ва глобал хавфсизлик механизмларини ишлаб чиқишда унинг мавқеи ҳал қилувчи аҳамият касб этишини назарда тутди. Ўзбекистон барқарор фуқа-

ролик жамиятига, кучли ижтимоий-иқтисодий потенциалга эга бўлган, тўхтовсиз ва илгарилаб ривожланаётган демократик давлатга мисол бўлиши керак.

Иқтисодий соҳада - бу ички манбалар асосида ривожланадиган, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тенг ҳуқуқларга эга бўлишинигина эмас, шу билан бирга Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётининг асосий тармоқларида катта роль ўйнашини таъминлайдиган қудратли иқтисодий потенциални яратишдир.

Ўзбекистон миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлиги асосида яшаётган ва ривожланаётган, ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиб бораётган давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланмоқда. Ўзбекистон - “очик” жамият бўлиб, унда атрополагии дунё билан (бошқа ижтимоий тизимлар ва давлатлар билан) ўзаро алоқа очик ва тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шартлар асосида юз бермоқда.

Ўзбекистон юксак халқаро обрў-эйтиборга, жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлишининг муҳим шартии кадрларни тайёрлашнинг мукамал тизимини, жамиятнинг, ҳар бир шахснинг қудратли интеллектуал ва маънавий потенциалини шакллантиришдан иборатдир.

Фақат шулар мавжуд бўлсагина, тўхтовсиз ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани яратиш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, унда тинчлик ва барқарорликни, халқ фаровонлигининг ўсишини таъминлаш мумкин бўлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг ядроси бўлган Миллий модель ҳам очик, ривожланиб борувчи тизим бўлиб, халқ-аро тажрибадан ва мамлакатимиз тажрибасидан кенг фойдаланиш имконини беради, вужудга келган реал воқеликларни ҳамда тўпланган потенциални ҳисобга олган ҳолда мазкур дастурнинг тўхтовсиз янгиладии боришини таъминлайди.

Ҳамма даражаларда халқаро алоқаларни йўлга қўйиш - кадрлаш тайёрлаш ва таълим тизими самарали амал қилиши ва илгарилаб ривожланишининг зарур шартидир. Чет эл тажрибаси адекват тарзда ҳисобга олинмаса, унинг ижобий ва салбий томонлари таҳлил қилинмаса, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик бўлмаса, мамлакатимизнинг юксак таълим потенциалини яратиш ҳам мумкин бўлмайди.

Ўзбекистоннинг таълим тизимини янгилаш, ривожлантириш

жаҳон ҳамжамиятига тобора кўпроқ интеграциялашини шароитида жамият ва давлатни ривожлантиришдан иборат яхлит жараённинг бир-бирига боғлиқ таркибий унсурларидир.

Шу муносабат билан Миллий дастур кадрларни тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий асосини яратилиши, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини амалга оширишни, халқаро таълим тузилмаларини ривожлантиришни, илмий педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашишни кенгайтиришни назарда тутди.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисмидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳозирги кунда барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларининг, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг ишига яъни, тараққиётнинг юксак мақсадларига эришишга қаратилган умумхалқ ишига, умуммиллий ишга айланиб қолди. Худди ана шу жиҳатдан Миллий дастур миллий истиқлол ғоясининг бир қисми деб ҳисобланмоқда (Тезауруснинг махсус мақоласига қаранг).

Шундай қилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадига эришиш - ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосини таркиб топтиришнинг муҳим асосига айланмоқда.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФАН ВА ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ ЎРНИ

Фан ва илмий муассасалар миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва жорий этишда муҳим ўрин тутди.

Бунда асосий эътиборни қуйидаги йўналишларга қаратиш керак:

- \* миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва такомиллантиришнинг самарали йўллари илмий асосланганини таъминлаш;
- \* миллий истиқлол ғоясининг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий, социологик, психологик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари, унинг халқ

одатлари, анъаналари ва кадриятларини шакллантириш ҳамда бойитишдаги ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш;

\* дунёдаги мафкураларнинг уйғунлашиши ва курашиши жараёнларини ўрганиш, мониторинг ўтказиш, мафкура соҳасида, айниқса миллий омилни ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва минтақавий муаммоларни белгилаш ва уларни ҳал қилишга ёрдам бериш;

\* Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун мафкуравий таҳдидга қарши самарали кураш йўллари ҳусусида илмий асосда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Миллий дастурнинг ядроси - Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг аҳамиятини чуқур илмий тушунган, англаб етган, Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимидаги таълим муассасаларининг ҳамма босқичларида, ҳамма шакл ва турларида ўқув-тарбия жараёнини илмий-услубий жиҳатдан олдиндан таъминлаган тақдирдагина Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларига эришиш мумкин.

Турли билим соҳаларидаги олимлар ва мутахассислар фаолиятини аниқ уйғунлаштириш ва ҳамкорлигини йўлга қўйиш шароитида муаммоларнинг устувор йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалда рўёбга чиқариш имконини беради, бу эса Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар янада чуқурлашувига ёрдам беради.

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ВА ДАСТУРИ

Миллий моделни яхлит тизим, мустақил ижтимоий-иқтисодий категория деб ҳисоблаб, унга киритилган компонентлар яқиндан ўзаро боғланиб, шахсинг, амалда барча давлат тузилмалари ва жамоат институтларининг ривожланишини таъминлажagini назарда тутиш керак. Бошқача қилиб айтганда, мазкур тизим унинг “ички ва ташқи” ташкил этувчилари билан кўпдан-кўп тўғри ва акс алоқаларга эга.

“Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”нинг меъёрий асоси, уни амалга ошириш усули ва механизмидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзаги ва муҳим хусусияти унга асосий таркибий қисмлар сифатида *қўйиладиган компонентлар: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг* киритилганлигидан иборатдир.

Иқтисодиёт, фан ва техника таракқиётининг ҳозирги босқичи ҳамма даражалардаги мутахассисларни тайёрлаш сифатиغا, таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувиغا тобора катта талаблар қўймоқда.

## ТАЪЛИМ

Социал ҳаётнинг махсус соҳаси бўлиб, у индивид (бола ва катта ёшли одамнинг ўзаро ҳамкорлигида, шунингдек, яққа ҳолда) маданият қадриятларини ўзлаштириш жараёнида ривожланиши учун ташқи ва ички шарт-шароитларни яратди. Шу сабабли таълим ўқитиш ва ўқишнинг (индивидуал билиш фаолиятининг), тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг, ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг, улгайиш ва социализациялашнинг синтезидир. Мажозий маънода таълимни индивид - Олам образини яратиш деб таърифлаш мумкин.

Таълимнинг мақсадига - индивидни, ҳамжамиятни ривожлантириш ва глобал кўламда - ҳаётнинг маданий ва цивилизация шакллариини сақлаш ва ривожлантиришга индивиднинг ҳар хил фаолият турларини ўзлаштириши воситасида эришилади.

Ўқитишда ва мустақил амалга ошириладиган ўқини жараёнида технологик кўникмалар ўзлаштирилади, билим олинади. Тарбияда ва ўз-ўзини тарбиялашда анъанавий қадриятлар тизими қабул қилинади ва ўз тизимлари ишлаб чиқилади.

Тарбия кенг маънода ижтимоий-маданий тажрибани махсус ташкил этиш йўли билан авлоддан авлодга ўтказиш ҳамда боланинг ички асослари рўёбга чиқиши учун шарт-шароит яратиш жараёндир. Тор маънода эса тарбия - катта ёшли одамнинг болани ҳамжамият ҳаётининг конкрет вазиятларига олиб кириш бораси-

даги конкрет фаолияти, унинг ички ўсиши учун шарт-шароитларни яратишдир.

Бу жараёнларнинг ҳаммаси бир-биридан ажралмасдир, худди шунинг учун ҳам шахсга йўналтирилган педагогика парадигмасида таълимга кўп даражали макон деб, шахснинг ўзини ўзи ривожлантириши учун шароит яратадиган мураккаб жараёнлар деб, шахс шаклланишининг барча таркибий қисмларининг ўзаги деб қаралади.

Шунинг натижасида билимдонлик ҳам янгича тушунилади - кўп нарсани билиш ва қатор профессионал кўникмаларни эгаллаб олиш деб эмас, балки тизим характериға эға бўлган хилма-хил қобилиятларнинг ривожланганиги ҳамда уларнинг юксак даражада самарадорлиги деб тушунилади.

Шу маънода ўқитишнинг ўзи таълим жараёнларида етакчи фаолият бўла олмайди (аввалги парадигмада шундай эди), ҳар бир конкрет таълим вазиятида қизиқишларға ва унинг иштирокчилари қўядиган мақсадларға боғлиқ ҳолда у ёки бу таркибий қисмлар мазмунли бўлади, лекин бу таркибий қисмлар шахсни ва индивидуалликни ривожлантириши ва ўзини-ўзи ривожлантириш учун шароит яратилган бўлиши керак.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Миллий истиқлол ғоясини амалға ошириш доирасида узлуксиз таълим ва тарбия тизимининг асосий устувор йўналишларидан бири республика фуқароларининг янги формациясини тарбиялашдан, “маънавий бой ва ахлоқан бутун, ҳар томонлама камол топган, мустақил дунёқарашға ва мустақил фикрга эға бўлган, аждодларимизнинг бебаҳо меросиға ва умуминсоний кадриятларға таян-диган шахсни” шакллантиришдан иборат.

Мазкур мақсадларға эришиш умумий демократик ўзгаришлар жараёни билан, мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш билан, халқ менталитетига мустақиллик йилларида яратилган янги прогрессив кадриятларни жорий этиш учун шароит яратиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу жараён узоқ давом этадиган, мураккаб, барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари, табиийки, асосан узлуксиз

таълим тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг фаолияти мазмунини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қиладиган жараёндир.

Айнан социал амалиёт, ижтимоий тарбия ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарбия ва таълим жараёни - шахсни шакллантириш жараёнининг таркибий қисмларидир.

Ушбу жараёнда таълим ва тарбия тизимининг яқин орадаги ва истикболдаги вазифалари қандай?

Биринчи. Миллий мустақиллик принциплари ва мақсадларига, фан, техника, технологияларнинг ҳозирги ютуқларига мувофиқ ҳолда, бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилишини ва мазмунини тубдан ислоҳ қилишни давом эттириш керак.

Иккинчи. Ёш авлодни тарбиялаш жараёнларига кучли туртки бериш учун, биринчи навбатда, тегишли ташкилий тузилмалар, болалар-ёшлар бирлашмалари ва ҳаракатларини яратиш зарур.

Учинчи. Асосий мақсадга - камолга етган шахсни, янги ижтимоий онгни шакллантиришга, демак миллий гоя ва мафқурани амалга оширишга эришиш учун тарбия жараёнида қатнашувчи барча субъектларнинг самарали ҳамкорлик қилиши учун шарт-шароитлар, механизмларни шакллантириш ва таъминлаш зарур.

Тўртинчи. Ижтимоий институтлар бўлмиш таълим муассасаларининг вазифаларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Мактаб, лицей, коллеж институт фақат билимлар ва фан масканига эмас, шу билан бирга, чинакам маданий-маърифий марказга айланишига эришиш керак.

Бешинчи. Педагог кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилаётган талабларни тубдан қайта кўриб чиқиш, яъни педагогларнинг малакасини янги сифат босқичига кўтариш керак. Педагогик таълимнинг мазмуни, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни уларда миллий мафқура асосларини шакллантиришга қаратилган бўлиши, улар ўз тажрибаларини ёш авлодга бериш эътиқоди ва лаёқатига эга бўлишлари керак.

Олтинчи. Миллий гояни шакллантириш маъносида болалар ва ўсмирлар учун ўқув-методик, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётнинг янги туркумини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни фаолиятнинг муҳим йўналиши деб ҳисобламоқ керак. Мавжуд адабиётларни ҳар томонлама экспертиза қилиш асосида халқнинг

бой ижтимоий-маданий ва тарихий тажрибасига, унинг прогрессив анъаналари ва урф-одатларига, умуминсоний кадриятларга асосланган дарсликлар, ўқув-қўлланмалари, бадиий адабиёт нашр этилишини таъминлаш зарур.

## ИЖТИМОЙ ТАЪЛИМ

Ижтимоий таълим (ҳамжамият орқали таълим бериш) - ташаббускор гуруҳлар, ҳамжамиятлар, жамоалар, одамларнинг ўзини ўзи бошқарадиган уюшмалари ҳаёти ва ихтиёрий фаолиятининг бир қисми сифатида мунтазам, узлуксиз таълимни ташкил этиш концепцияси ва амалиёти.

Ижтимоий таълим концепцияси қуйидаги гоят муҳим принципларни ўз ичига олади:

- у айрим одамларда ҳам, гуруҳда ҳам ўз кучларига ишонишни ва уларга таянишни ривожлантиришга қаратилган;
- у ҳамжамиятда, ҳамжамият билан биргаликда ва ҳамжамият учун таълимнинг вариантлилиги принциплари асосида (яъни унинг объектив хилма-хиллигини эътироф этиш ва ушбу хилма-хилликни таълим амалиётида рўёбга чиқариш асосида) амалга оширилган узлуксиз таълимни қўллаб-қувватлайди;
- у ҳамжамиятдаги одамларнинг муаммолари ва эҳтиёжларига таълим жараёнининг бошланғич нуктаси деб муносабатда бўлади, шу сабабли тугилаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мустақил ҳал қилиш мақсадида самарали ўқитиш ва конкрет профессионал тренинг шакллари аҳамиятли деб берилади;
- у очикдир ва мушкул аҳволга тушиб қолган одамлар эҳтиёжига ҳамда болаларнинг муаммоларига айниқса ҳамдардлик билан қарайди, уларни педагогика ва психология нуктаи назаридан қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус мақсадларни қўяди;
- у мавжуд маориф тизимининг хилма-хил таълим хизматларини таъминлаш борасидаги ишини тўлдиради ва ҳар бир одамнинг айнан ўзига керакли ва таълим стандартлари ҳамда тасдиқланган ўқув режалари билан белгилаб қўйилганига қараганда анча кенг маълумот олишига имкон беради.

Ижтимоий таълим, биринчидан, ўқиш ва ўзини ривожлантириш турли шаклларда (фақат мактаб ёки профессионал таълим шаклида эмас) амалга оширилишини ва одамлар бутун умр бўйи



мустақил ўқишни давом эттиришларини, иккинчидан, таълим бериш - давлатнинг мутлақ вазифаси эмас, балки бутун жамият бу ҳақда ғамхўрлик қилиши ва фаолият кўрсатишини тан олишга асосланади. Шу сабабли ҳар қандай ҳамжамият ўз муаммо ҳамда вазифаларини ўзини ўзи ташкил этиш ва ўзини ўзи бошқариш асосида ҳал қилиш учун турли (муқобил ва вариантли) таълим тизимларини ташкил этиши мумкин.

Мамлакатимизнинг ўтган йилларидаги менталитетида ижтимоий таълимни тушуниш мафқуралаштирилган тарбиядан, таълимни ижтимоий-сиёсий мақсадлар билан чегаралаб қўйилган тизим деб тасаввур қилишдан иборат эди. Жамиятдаги ўзгаришлар таълимга ҳам, ҳамжамиятга ҳам, уларнинг ўзаро алоқасига ҳам қарашларни анча кенгайтирди. Таълим ва ҳамжамиятларга мультимаданий тизимлар деб қараладиган бўлди, бу тизимларда ҳамжамият индивиддан юқори туриб, унинг ривожланишини белгиламайди, балки турли индивидлар биргаликда ҳаёт кечирадиган, турли одамларнинг биргаликдаги ҳаракатлари амалга ошадиган жонли макон деб ҳисобланади.

Бунга гуруҳлар: ота-оналар (болалар билан бирга); таълимнинг конкрет шаклларида манфаатдор бўлган ишбилармон одамлар ва тадбиркорлар; ўз таълимини такомиллаштиришдан ва ўз билимларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган ҳамма одамлар (яъни, мутахассислар ва мутахассис бўлмаганлар) киритилиши мумкин.

Ҳамжамиятда, ҳамжамият орқали ва ҳамжамият учун шундай тушуниладиган таълим - таълим жараёнларига киритилган (шу жумладан мажбурий ўрта таълим доирасида ҳам) одамлар алоқалари ва биргаликдаги ҳаракатларининг бевосита амал қилувчи, динамик ижтимоий-маданий ва ижтимоий таълим тизимидир. Бу, шунингдек, “қуйидан” чиқадиган шахсий таълим эҳтиёжларининг, қизиқишларининг ва ташаббусларининг (холбуки давлатга қарашли таълим тузилмалари “юқоридан” чиқадиган социал-таълим манфаатлари ва мақсадларидир) намоён бўлиш ва ўзини ўзи рўёбга чиқариш соҳаси ҳамдир.

## ТАЪЛИМ МАКОНИ

Социумда мавжуд бўлган “жой”. Бу “жой”да кўпдан-кўп муносабат ва алоқалар бошланади, бу “жой”да турли тизимларнинг

(давлат, жамоат тизимлари ва аралаш тизимларнинг) индивидни ривожлантириш ва уни социаллаштириш борасидаги махсус фаолиятлари амалга оширилади. Шунингдек, ичдан шаклландиган, индивидуал таълим макони ҳам бўлиши мумкин. Бундай маконнинг пайдо бўлиши ҳар бир одамнинг тажрибасида юз беради.

Ушбу атаманинг илмий муомалага киритилиши илгари (аввалги парадигма доирасида) қабул қилинган тасаввурлардан, яъни таълим жараёнлари ўқувчи норматив равишда ҳаракатланиб бориши керак бўлган йўл, траектория ёки қандайдир йўлак деган тасаввурлардан воз кечиш билан боғлиқ.

Таълим маконини мажозий маънода тушуниш ҳаммадан кенг тарқалган. Ривожланишнинг кўпдан-кўп индивидуал шакллари ва таълим олишнинг хилма-хил имкониятлари деб тасаввур қилинадиган таълим жараёнлари (ёки институт, тизим) шундай аталади. Болалар-катталар гуруҳини, синфни ёки мактабни ана шундай тушуниш, биринчидан, уларни анча кенгроқ социал маконга киритилган имкониятлар ва танловлар макони (бир вақтда бирга яшаш) сифатида кўришга имкон беради. Иккинчидан, педагогик фаолиятни жуфтлик (ўқитувчи-ўқувчи) сифатида кўришга барҳам берилди. Аслида педагогнинг таҳлил ва амал қилиш предмети гуруҳда тақсимланган (яшайдиган) жараёнлардан иборат бўлади.

Таълим маконини бошқача тушуниш аналогияга асосланади. Конкрет таълим тизими, биринчидан, жой, омбор сифатида, иккинчидан, маконни тўлдирувчи кичик маконлар, жойлар, объектлар тўплами сифатида тасаввур қилинади. Бироқ бу - бир хиллик эмас, балки аналогиядир. Шу сабабли таълим маконидан парталар ёки алоҳида мактаблар эмас, балки бутун таълим жараёнлари ҳарактерини белгилайдиган турли омиллар, шароитлар, таълим субъектларининг алоқалари ва ҳамкорликлари жой олган бўлади.

Мураккаб ва кўп даражали макон сифатида ташкил этиш ва ўзини ўзи ташкил этиш ҳақидаги тасаввур таълим муассасасини оддий эмпирик тасаввур этиш билан (институт сифатида) уни тизим сифатида тасаввур этиш ўртасида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилиши муҳимдир. Шахсга йўналтирилган таълим концепцияси учун бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки у:

- болаларнинг хилма-хил фаолият соҳаларида ва турли ҳамжамиятлар билан алоқада ўз ўрнини белгилаб олишига;
- педагогларнинг болалар кенг социал ва маданий маънода социаллашуви учун шароитлар яратишига;

- ота-оналар таълим хизматларининг кенг доирасини яратишда (буюртмачилар сифатида) қатнашишига;
- ташкилотчиларнинг таълим борасидаги қизиқишлар ва шароитлар хилма-хиллигини назарда тутган ҳолда бошқарув соҳасида қарорлар қабул қилишига имкон беради.

## ТАЪЛИМ МУҲИТИ

Ижтимоий-маданий маконнинг бир қисми, таълим тизимлари, уларнинг унсурлари, таълим материали ва таълим жараёнларининг субъектлари бир-бирига таъсир кўрсатадиган зона. Таълим муҳити анча мураккаб ҳамдир, чунки у минтақавий даражадан то ўзининг асосий бирламчи унсури - конкрет ўқув юрти ва синфнинг таълим муҳитигача бўлган бир неча даражаларга эга. Таълим муҳити индивид томонидан ҳам вужудга келтирилади, чунки ҳар бир индивид ўзининг индивидуал хусусиятига мувофиқ ривожланади ҳамда тарих ва маданиятга олиб кирадиган ўз маконини, қадриятлар ва билишнинг устувор йўналишлари ҳақида ўз тасаввурини яратади. Бинобарин, ҳар қандай билим шахсий бўлганлигидан, ҳар бир шахснинг таълим муҳити, охир-оқибатда, билиш ва ривожланишнинг алоҳида - шахсий макони бўлади.

Ҳозирги таълим тизимларининг таълим муҳити янги таълим комплекс-тизимлари, инновацион ва анъанавий моделлар, таълим стандартларининг мураккаб тизимлари, ўқув дастурлари ва режаларининг мураккаб интеграцияловчи мазмуни, юксак технологик таълим воситалари ва таълим материали, энг муҳими, ўзаро муносабатларнинг диалогик сифати, таълим субъектлари: болалар, уларнинг ота-оналари ва педагоглар ўртасидаги янги муносабатларнинг ўзаро алоқасида вужудга келади.

Ҳозирги таълим муҳитининг яна бир сифати кўпдан-кўп локал таълим муҳитларининг ўзаро алоқасидан, бир мамлакат инновацион муҳитларининг конкрет хусусиятларидан бошқа мамлакатларнинг таълим маконида ўзаро фойдаланишдан иборат бўлиб, бу кўпгина мамлакатларда бир-бирига ўхшаш таълим вазиятларини вужудга келтиради ва бутун таълим соҳасининг ривожланишига ёрдам беради. Бу эса турли мамлакатлардаги ва минтақалардаги таълим жараёнларининг ҳозирги кунда гуманизация, демократизация ва стандартларни ошириш ғоялари асосида ривожланиб бо-

раётган жахон таълим маконига интеграциялашуви тамойилларининг намоён бўлишидир.

## ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ЎҚИТИШ

Ҳозирги тажрибага қаратилган таълимнинг йўналишларидан бири. Ҳамма томонидан қабул қилинган таълим тизими сифатида ижтимоий хизматлар тажрибаси асосида ўқитиш дастлаб “амалда ўқитиш” деган педагогик назариялар доирасида яратилган эди. Демократик жамият ўз фуқароларига демократик институцияларни таъминлаш ҳамда авторитар доктриналарга нисбатан доимий хушёрликни тарбиялаш учун зарур бўлган хурфикрлик руҳини сингдириб бориши керак. Ана шу асосда тажрибага қаратилган таълим догматик ва механик ўқитишга қарши қўйилади.

Ижтимоий хизматлар тажрибаси асосида ўқитиш юксак даражада прагматик бўлган, тажрибага йўналтирилган таълимнинг бешта хусусиятига асосланадиган технологиядир. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- ўқиш тажрибага асосланган давомли жараёндир;
- ўқиш реал вазиятларда мослашишнинг низоли моделлари ҳал қилинишини таҳлил этишни талаб қилади;
- ўқиш воқеликка доимий равишда мослашиш жараёнидир;
- ўқиш шахсларо алоқани ўз ичига олади;
- ўқиш билимлар яратиш жараёнидир.

Ўқиш жараёнида ўқувчилар ўз ҳамжамиятларига хизмат қилиш-га, социал ишга фаол киришадилар. Махсус ўқув дастурлари билан боғлаб олиб бориладиган ижтимоий хизматларда қатнашиш ҳамжамиятга конкрет ёрдам беришдангина иборат эмас. У бундай хизматга ижобий муносабатда бўладиган ва фуқаролик фазилатларига эга бўлган ҳамда социал муаммолар ва социал ишни биладиган фуқароларнинг критик массасини яратади.

Социал иш жараёнида ўқитиш тажрибаси ўқувчиларнинг турли фанлар конкрет материални амалий билимлар реал дунёси ёрдамида ўрганишини асослайди. Ўқувчилар муҳитни кенг ўрганишдан ўзларига фойда чиқариб оладилар ва билим долзарб муаммоларни ҳал қилишда амалда ёрдам беришининг реал мазмунини

англаб етадилар. Хизматлардаги социал иш жараёнида ўқитиш ижтимоий муаммоларни ва уларни ҳал қилишнинг вариантларини кўришга ёрдам беради. Янада умумийроқ қилиб айтадиган бўлсак, ижтимоий хизматлар тажрибаси асосида ўқитиш ўқувчиларнинг ўз ижтимоий мажбуриятларини бажариш қобилиятини бойитади.

Ижтимоий хизматлар тажрибаси асосида ўқитишни ташкил этиш учун ўнта тавсия ишлаб чиқилган ва улар амалга оширилмокда. Ана шу принципларга амал қилиб, ўқитиш дастурлари:

- 1) жамият манфаатлари йўлида одамларни масъулиятли ва долзарб фаолият турларига жалб этади;
- 2) умуман одамлар ўзларининг социал тажрибасига танқидий муносабатда бўлиши учун хилма-хил имкониятлар яратади;
- 3) таълим ва амалий ишнинг аниқ мақсадларини белгилайди;
- 4) иштирокчиларнинг ҳамма эҳтиёжларини ҳисобга олади;
- 5) ишга жалб этилган ҳар бир шахс ёки ташкилотнинг масъулиятини аниқ белгилайди;
- 6) вазиятни ўзгартириш учун хизматларнинг эҳтиёжлари билан иш берувчиларнинг эҳтиёжларини бирлаштиради;
- 7) ташкилий мажбуриятлар фаол ва масъулият билан бажарилишини назарда тутаяди;
- 8) тренинглар, текшириш, мониторингларни, таълим мақсадлари билан хизматларни бирлаштиришни қўллаб-қувватлаш ва маъқуллашни ўз ичига олади;
- 9) ушбу амалиётга жалб этилганларнинг ҳаммасининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда хизматлар тажрибаси асосида ўқитишни ташкил этиш учун мос келадиган ва мажбурий вақт топади;
- 10) дастурлар аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари қатнашадиган қилиб ишлаб чиқилади.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНING АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИ

Миллий тараққиёт йўлидаги асосий ғоя - Ватан равнаки, озодлик ва халқ фаровонлиги ғояси. Ушбу ғоя халқимизнинг асрий

интилишларининг моҳиятини, унинг гуманистик қадриятлар билан чамбарчас боғланган бунёдкорлик фаолиятига интилишни акс эттиради.

Миллий истиқлол гоёси шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, жонажон мамлакатимиз тинч ва хавфсиз келажагига ишонч гоёсини биринчи ўринга қўяди.

Миллий истиқлол гоёси халқнинг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналарига, умуминсоний қадриятлар ва демократик принципларга, қудратли ахборот технологияларига асосланади.

Миллий истиқлол гоёсида тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, гуманизм, ядро қуролидан холи дунё, миллий ва диний тотувлик, низоларни энгиш гоёлари устувордир.

Ватан раънақи. Ватан - одам учун муқаддасдир, у ватанда ҳаётнинг маъносини англаб етади, ватанда унинг дунёни ҳис қилиши, дунёни тушуниши ва дунёқараши шаклланади. Бу энг қадрли хотирадир, аждодларнинг авлодларга қолдирган буюк меросидир. Ватанда бобоқалонларимизнинг ҳоқи ётади.

Ватан раънақининг асоси қуйидагилардан иборат:

- давлатнинг иқтисодий қудратини мустақкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий фаолият эркинлиги, иқтисодиётни илгор технологиялар асосида модернизациялаш;
- халқнинг маънавий бойлиги, унинг интеллектуал салоҳиятини ва профессионализини ошириш;
- халқнинг бунёдкорлик қобилиятларидан ҳар томонлама ва тўла-тўқис фойдаланиш;
- маънавий бой, интеллектуал ва юксак маданиятли, ахлоқан ҳамда жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш.

Мамлакатда тинчлик ва осойишталик. Жонажон мамлакатда тинчлик ва осойишталик бўлиши - бебаҳо бойлик, буюк бахт-саодатдир. Инсоният ўз тараққиётининг ҳамма босқичларида энг аввало тинчлик ва осойишталикни қўлга киритишга интилиб келган. Ватанда мустақкам тинчлик ва осойишталик бўлиши - унинг узок вақт давомида прогрессив ривожланиб боришининг гаровидир.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданок биз ўз заминимизда тинчлик ва осойишталик бўлишини энг катта бойлик деб ҳисоблаб келмоқдамиз. Ҳозирги ва келгуси авлодлар катта меҳнат ва саъй-ҳаракатлар эвазига қўлга киритилган мана шу бебаҳо бойликни сақлаб қолишлари керак. Фақат шундагина

улар ўз мақсадларига эриша оладилар ва аждодларига муносиб бўладилар.

Биз ўз мамлакатимизни душман кучларидан ҳимоя қилишга, мустақиллик ва тинчлигимизни сақлашга ҳаминша тайёр туришимиз керак.

Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллий гоёнинг прогрессивлиги - Ватанимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашнинг асосий шарти, жамиятнинг ҳамма қатламларини, сиёсий партиялар ва ҳаракатларни бирлаштиришнинг муҳим омилидир.

Халқ фаровонлиги. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади - кўп миллатли халқ учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Ислохотлар шунчаки ислохот учун амалга оширилмайди, улар инсонга ва унинг фаровон ҳаётига хизмат қилмоғи керак.

Ушбу ҳақиқатни одамлар онгида шакллантириш, ислохотларнинг моҳиятини кенг аҳоли қатламларига тушунтириш, аҳолини амалга оширилаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айлантириш зарур. Халқнинг дунёқарашида, унинг ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабатида кўп нарсаларни ўзгартириш талаб қилинади. Фаровонликнинг асоси - озодлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорликдир.

Ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, унинг турмуш даражасини ва бунёдкорлик имкониятларини оширишнинг асосий омиллари мамлакатимизнинг демографик потенциалидан, табиий бойликларидан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий имкониятларидан иборатдир.

Миллий истиклол гоёси агар ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила ўз меҳнати туфайли бадавлат бўлса, бутун жамият бадавлат бўлади, давлат мустахкам бўлади деган ҳақиқатни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи керак.

Ҳар томонлама уйғун ривожланган шахс. Камол топган, ҳар томонлама ривожланган шахс гоёси одамнинг ҳам миллий маданият, ҳам умуминсоний жаҳон маданияти бойликларини ўзлаштириб олишга, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний мукамалликка тўхтовсиз интилишини ифодалайди.

Ушбу гоё маънавиятни ва маърифатни узлуксиз ривожлантириб боришга илҳомлантиради. Ўз камолотини кўзламаган, ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилмайдиган халқлар ва миллатларнинг келажаги йўқ.

Юксак ҳаётӣ идеалларга ишонувчи эркин одамлар жамияти-дагина юксак маънавий покликка эришиш мумкин. Бизнинг янги-лагиб бораётган мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг маънавияти ва ахлоқини шакллантиришга, маънавий-маърифий ишларнинг сифат даражасини оширишга жуда катта эътибор берилмоқда.

Демократик жамиятнинг афзал томонларига мос янги ижтимоий онг иккита асосий омил: бевосита социал амалиёт ҳамда аниқ мақсадга қаратилган тарбия ва таълим жараёни таъсири остида шаклланимоқда.

Ана шу жihatдан олганда Миллий модель ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳозирги кунда барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларининг, Ўзбекистоннинг барча фуқароларининг ишига, яъни юксак тараққийёт мақсадларига эришишга қаратилган умумхалқ ишига, умуммиллий ишга айланиб қолди. Уни миллий мафкураининг ажралмас қисми, миллий гоёни амалга оширишнинг муҳим омили ва механизми деб ҳисоблаш мумкин.

Ижтимоий ҳамкорлик. Инсоният XX - XXI асрлар бўсағасида амалга ошираётган асосий гоёлардан бири - турли социал қатлам ва гуруҳларнинг, сиёсий кучлар, партиялар ва ҳаракатларнинг ҳамкорлигидан иборатдир.

Бирдамлик гоёси жипслашиш фалсафаси бўлиб, турли миллат, ирк, дин вакилларининг, профессионал ва ижтимоий гуруҳларнинг муносабатларини мустаҳкамлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва барқарорлик янада мустаҳкамроқ бўлади.

Сунъий яратилган, бир-бирига зид ва абсолют даражасига кўтарилган ақидалардан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳамкорлик гоёси мамлакатимиз халқининг хилма-хил манфаатларини тан олиш ва рўёбга чиқаришга қаратилган.

Турли аҳоли қатламларининг ҳамкорлик қилиш муаммолари пухта ўрганилаётган давлатларда ҳамкорликнинг ташкил этувчи унсурларини жамият ҳаётида оқилона кўллаш сезиларли ижобий натижаларга олиб келмоқда.

Социумда шерикчилик ва ҳамкорлик шакллари ҳамда усуллариини такомиллаштириш жамиятнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш учун замин бўлади, ва аксинча, уларнинг кучсизланиши барқарорлик бузилишига, беқарорликка, сиёсий анархия ва миллий нифоққа олиб келади. Бинобарин, ижтимоий ҳамкорлик шакллари ва усулларининг қарор топиши ва ривожланиши жамият барча



катламларининг, биринчи навбатда давлат ва жамоат ташкилотларининг катта масъулияти билан боғлиқдир.

Миллатлараро тотувлик. Ҳозир Ер юзида 600 дан ортиқ, мамлакатимизда эса 130 дан ортиқ миллат ва элат яшамоқда. Ҳар бир миллат - Яратувчининг мўъжизасидир.

Миллатлараро тотувлик ғояси умуминсоний қадрият бўлиб, турли этнослар бирга яшаётган минтақалар ва давлатлар тараққиётининг миллий жиҳатини белгилаб беради. Ушбу ғоя ягона мақсадга интилаётган турли миллат ва элат вакиллари бир-бирини хурмат қилиши, дўстлиги ва ҳамкорлигининг асоси сифатида маънавий мазмунга эга.

Ушбу ғоя халқ орзу-умиди амалга ошириши, ҳар бир миллат вакилининг ўз лаёқатлари ва имкониятларидан фойдаланиши учун шароит яратади, қудратли омилга айланади ҳамда Ватан равнақи, Ватан тинчлиги, халқ фаровонлиги учун ёрдам беради.

Ижтимоий тараққиётнинг асосий омилларидан бири мамлакатга ном берган миллат билан шу мамлакатда яшаётган бошқа миллатлар, элатлар ва этник гуруҳлар вакиллари ўртасидаги тотувлик ва дўстликдан иборатдир. Ва, аксинча, ушбу ғоянинг моҳиятини қабул қилмаган ва унга тушуниб етмаган жамият тинчлик ва барқарорликдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Ана шу сабабга кўра мустақиллик ғоясининг асосий мақсадларидан бири мамлакатимизда яшаётган одамларни бир-бирини тушуниш, дўстлик, биргалашиб меҳнат қилиш ва дам олиш руҳида тарбиялаш борасида тўпланган анъаналардан фойдаланиш ва янги анъаналарни ривожлантиришдан иборат.

Диний толеранглик. Диний халқ ҳаётида ҳамдўстлик ва тотувлик вазиятини вужудга келтиришга ёрдам беради, турли динларга эътиқод қиладиган, бир заминда, битта Ватанда яшаётган одамларнинг дилдаги орзу ва умилларини рўёбга чиқариш йўлидан боришни таъминлайди. Қадим-қадим замонларданок динлар кўпгина ахлоқий қадриятларни ўзида гавдалантириб келмоқда. Миллатлар ва халқлар ҳаётининг хусусиятлари азалдан динларнинг хусусиятларида акс этгандир.

Шу билан бирга дунёнинг барча динлари муқаддас ғояларга асосланади, одамларнинг яхшилик, тинчлик, дўстлик, шафқат каби фазилатларига таянади, ҳалолликка ва дилнинг поклигига, бағрикенгликка чақиради.

Ҳозир мамлакатимизда ўндан ортиқ конфенцияларга муво-

фик диний ташкилотлар иш олиб бормоқда. Улар ўз фаолиятлари-ни амалга оширишлари ҳамда кўп миллатли халқ ҳаётида фаол иштирок этишлари учун шароит яратилган. Ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда акс эттирилган. Барча динларга эътиқод қилувчиларга дўст бўлиб, бир-бирини тушуниб яшаш ҳамда мамлакатимизнинг буюк мақсадларга эришишида қатнашиш имконияти берилган.

## АКС ЭТГАН СУБЪЕКТЛИК

Бир одамнинг бошқа одамда идеал равишда гавдаланиши ва давом этиши, бирон-бир одамнинг бошқа одамда яшаши.

Одам бошқа одамларда акс этар экан, уларнинг қарашлари мустақамланишига ёки ўзгаришига, янги интилишлар шаклланишига, илгари сезилмаган туйғулар пайдо бўлишига ёрдам берадиган фаол асос бўлади. Шундай қилиб, одам улар учун аҳамиятли бўлган ўзга сифатида, янги инсоний маънолар манбаи сифатида намоён бўлади.

Акс этган субъектликнинг учта яшаш шакли ажратиб кўрсатилиши мумкин.

1. *Ситуатив-аҳамиятли ўзга.* Бу ўринда одамларда ўзга билан бевосита ўзаро таъсир этиш шароитида вужудга келадиган ўзга одамнинг актуал образи одамлар хулқи ва онгига таъсир кўрсатиш манбаи бўлади. Акс этган субъектлик ходисалари жумласига унинг унбу шаклида фасилитация (фаолият самарадорлигининг ошиши) ва ингибиция (самарадорликнинг пасайиши), фикрлашнинг сифат жихатидан қайта қурилиши (масалан, креативлик даражасининг ошиши), перцепция динамикаси (ҳомҳаёллар пайдо бўлиш чегарасининг пасайиши), когнитив мураккабликнинг ўзгариши (субъектив семантик маконлар маромининг ошиши ёки пасайиши), эмоционал ҳолатлардаги силжишлар (агрессивликнинг, ситуатив ташвишнинг кучайиши ёки пасайиши ва бошқалар) киради.

2. *Идеал ўзга.* Бу ўринда акс этган субъектлик хотира тасаввурлари ёки ҳаёлотнинг таъсирчанлиги сифатида юзага чиқади. Унбу ҳолатда акс этган субъектликнинг ифодачиси ўзида, айтайлик, иккита маъно ва шу билан бирга куч марказини: “мен” ва

“Мендаги ўзга”ни кашф этади. Хатто “идеал ўзга” ҳаётдан кетган тақдирда ҳам, унинг борлигини бошдан кечириш субъектнинг ички дунёсида сақланиб қолади, баъзан эса хатто кучаяди ҳам.

3. Амалга ошган ўзга. Бундай ҳолатда индивид билан аҳамиятли ўзга ўртасидаги алоқанинг диалогик шакллари амалда йўқолади. Аҳамиятли ўзганинг акс этган субъектлиги индивиднинг ўз менидан ажралмасдир.

Акс этган субъектлик ҳолисаси - персоналланишнинг динамик натижасидир. Акс этган субъектликни тажриба ёрдамида талқил этиш усуллари мавжуд бўлиб улар одамларнинг бир-бирида субъектлар сифатида ўзаро акс этиши ҳолисаси пайдо бўлиши ва мавжудлиги ҳолларини аниқлаш имконини беради. Шахсга йўналтирилган таълимда ушбу усуллардан фойдаланиш тарбияловчи катта ёшли одамларни таълим жараёнининг субъектлари сифатида баҳолаш учун самаралидир. “Акс этган субъектлик” усулининг ўзига хослиги шундаки, шахси тажрибада талқил этилаётган одам (масалан, ўқитувчи) синовнинг бевосита иштирокчиси бўлмайди; бошқа одамлар (ўқувчилар) - тахмин қилинишича, унинг акс этган субъектлигининг ифодаловчилари синовчилар бўлишди; синовнинг кимга йўналтирилганлиги sinalаётганларга ҳам, синовчиларга ҳам бирдек номаълум бўлиши мумкин.

## ШЕРИКЧИЛИК

Таълим жараёнлари иштирокчиларининг тенглиги, ихтиёрийлиги, бирдек аҳамиятга эгаллиги ҳамда бир-бирини тўлдириши принциплари асосида ташкил этилган ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар тизимини билдирадиган тушунча.

Таълимнинг мазмуни субъектларнинг шахс сифатида ривожланиш мақсадида муаммоли фаолиятида *иштирок этиш* муносабатларини ташкил қилишдир. Уларнинг ўтмишдаги субъект сифатидаги тажрибаси турлича бўлиши мумкин, таълим вазияти эса уни расман бараварлаштиради, чунки катта ёшли одамни ҳам, болани ҳам мумкин бўлган ҳаётий йўлни биргаликда излаш, эркин танлаш ҳамда ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилиш шароитига солиб қўяди. Шахс сифатида ривожланиш истиқболига қаратилган бундай вазиятга кооперация ва биргаликда ҳаракат қилиш

муносабатлари ҳаммадан кўра яхшироқ мос келади. Шерикчилик муносабатларида намоён бўлувчи тенглик принципнинг моҳияти ана шунда.

Бошқа бир муҳим принцип - ихтиёрийлик - фаолиятдан шахсий маънолар олишда ва биргаликда ҳаракат қилишда (шахс сифатида ривожланишга қаратилган) ва ҳар бир шерикнинг шахс сифатидаги потенциали биргаликда топилган маъноларни амалга оширишга қаратилганлигида рўёбга чиқади. Бунда ихтиёрийлик шерикнинг умумий фаолиятга онгли, максимал даражада самарали равишда ва бегараз ҳисса қўшишини англатади.

Шундай қилиб, шерикчилик бола билан уни тарбияловчи катта ёнли одамнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари расман тенглиги эмас, балки уларнинг биргаликдаги фаолиятини, мулоқотини ва хулқини танкил этадиган ҳамкорликдир, яъни ўзи умумий мақсадларга ва фаолият натижаларига эришиш йўлидаги ихтиёрий жавобгарлик ва тенглик асосида танкил этилган ҳамкорликдир.

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

“Технология” тушунчасидан (юнонча *techné* - санъат, маҳорат ва *logos* - сўз, таълимот дегани) муҳандислик амалиётида машина, приборлар ва ускуна яратиш жараёнида кенг фойдаланилади.

Сўнгги вақтларда унинг ҳосила атамаси - “ижтимоий технология”, “педагогик технология” атамасидан мамлакатимиз ва чет эл муаллифлари ижтимоий ва педагогик бошқарув жараёнларини таърифлаш учун кенг фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Бунда гап одамлар фаолиятига, хусусан, таълим тизими ва жараёнига маҳорат билан, яъни технологик раҳбарлик қилиш натижасида қўйилган натижаларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш имконини берадиган илмий усуллар, воситалар, операциялар ҳақида боради.

Бошқарув (шу жумладан, педагогик) жараёнларида гоят хилма-хил технологиялардан фойдаланилади. Уларнинг ҳар бири ўз хусусиятлари ва белгиларига эга. Шу билан бирга, айрим технологиялар қанчалик хилма-хил бўлиб туялмасин, ҳар бир технология асосида қандайдир таянч структура бўлади. Ҳар қандай технология дастлаб мавҳум назария даражасида ишлаб чиқилади. Бу, агар таъбир жоиз бўлса, “соф”, “абстракт” ҳолдаги технология-

дир. Унда социал фаолият тури сифатидаги бошқарув спецификаси ифодаланган. Технологиянинг моҳияти иккита асосий тушунча: процедура ва операция тушунчалари орқали аниқланади. Процедура - муайян технологиянинг моҳиятини ифодалайдиган у ёки бу жараён (фаза, босқич) амалга оширилишига ёрдам берадиган ҳаракатлар (операциялар). Операцияни конкрет процедура доирасида муайян вазифани ҳал қилиш борасидаги амалий иш деб таърифлаш мумкин.

Глобал технология жумласига кирадиган процедуралар ва операциялар глобал технология энг юқори даражали абстракция масалалари билан боғлиқ бўлганидагина, яъни умумий аҳамиятга молик технология бўлганидагина унинг таркибий унсурлари бўлади. Глобал технология конкрет технологиялар тизимига айлантирилганида у ёки бу технология даражаси анча ўзгариши мумкин. Жамиятда юз бераётган жараёнларни таҳлил қилганда социал соҳа ҳақида яхлит тасаввурни тўғри ишлаб чиқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Социология турли сиёсий тизимларнинг трансформациялашни жараёнларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиши учун тургун ҳолатдан динамикага ўтди. Илгари иқтисодиётда “ривожланиш” ва “модернизациялаш” ҳақида гапирилган бўлса, ҳозир бир тизимдан анча замонавийроқ бўлган бошқа тизимга ўтишни кўрсатувчи жараёнларни белгилан учун жамиятдаги “ривожланиш” ва «Модернизациялаш» ҳақида гапириладиган бўлди.

Устувор умумтаълим мақсадлари билан бирланштирилган усуллар ва методикаларнинг; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ўзаро концептуал боғланган вазифалари ва мазмуни, шакл ва усулларининг мураккаб ва очик тизимлари. Бунда ҳар бир позиция бошқа барча позицияларда из қолдиради, улар эса охиригача ўқувчининг ривожланиши учун муайян шарт-шароитлар мажмуини яратди.

Қандай умумтаълим мақсадлари устувор деб тап олиншига қараб, таълим вазифалари, мазмуни, усуллари ва шакллари бу мақсадларга қанчалик мос келишига қараб анъанавий ёки шаҳсга йўналтирилган, “ахборот руҳидаги” ёки “ривожлантирувчи”, натижа берадиган ёки самараси кам бўлган (хато ёки “брак”ка сабаб бўладиган) педагогик технология вужудга келди.

Ҳар бир одамнинг индивидуал имкониятларини ривожлантиришга қаратилган таълимда интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш устувор мақсад сифатида алоҳида ажралиб туради.

Бунда ўқувчининг вазифалари куйидагилардан иборат:

- 1) фаннинг ҳозирги методологиясига мувофиқ бўлган интеллектуал фаолият усуллари эгаллаб олиш;
- 2) билишнинг энг янги усуллари доирасида индивидуал интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш;
- 3) ўз ва интеллектуал (социаллашиш жараёнлари билан чекланмаган) қобилиятларини ривожлантириш.

Бундай таълим технологиясининг мазмуни, аслини олганда, ўқувчининг *фикрлаш усуллари иерархиясини* ифодалайди. Ана шу усулларнинг навбатдаги ҳар бири мураккаблашиб, мазмун жиҳатидан ўзи билан генетик боғланган олдинги фикрлаш усули билан зиддиятга киришади, бу эса ўқувчини тушунишнинг янада юқорирок босқичига кўтаради. Бу ҳол ривожланиш нормалари, ҳар бир ўқувчи учун максимал даражада мумкин бўлган ютук сифатида, таълим босқичларини белгилашга асос қилиб олиниши кераклигини исботлайди. Ана шу босқичларга нисбатан ўқувчилар “билимларининг сифатини” баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари, шунингдек усуллари ишлаб чиқилади. Булар ўқувчилар эътиборини таълимда қўйилган вазифаларга эришишга қаратади.

Шундай қилиб, ўқув материалида берилган илмий билимлар мактаб ўқувчиларининг ақлий фаолиятини ташкил этиш *воситасига*, ўқитувчи эса - бу фаолиятнинг реал ташкилотчисига айланади. Бу ҳол ўқитувчи ва ўқувчининг ўқиш жараёнидаги функцияларини, демак, улар ўртасидаги ўзаро алоқа шакллари хам қайта ўйлаб кўришни зарур қилиб кўяди.

Ўқувчининг объектив аҳамиятли фаолият усуллари, шу жумладан интеллектуал усулларни хам ўзлаштириб олиши унинг бу усуллардаги ҳаракатининг муҳим, аммо, “ёрдамчи” натижаси бўлади. Турли таҳлил тизимларида, турли ёндашувлар, нуқтаи назарлар ва позицияларда “ҳаракатлана олиш”нинг ўзи асосий натижаларга айланади, ўқувчилар уларни таққослаб, ўз фикрлаш усуллари хамда ўзлари учун янги бўлган билиш ва фикрлаш методларини ишлаб чиқадилар. Ўқувчи ўқув материални шунчаки фикрлаб, тушуниб ва ўзлаштириб кўя қолмайди, у мазкур материал билан мулоқотга киришади, шу мулоқот жараёнида билим билан ишлашнинг янги усуллари қўлга киритилади.

Ўз фикрларини ўз-ўзидан билдириш эмас ва ўзгалар фикрларини тўғридан-тўғри олиш эмас, балки умуминсоний билим би-

лан суҳбатлашиш мактаб ўқувчилари интеллектуал ривожланишининг гоят муҳим шартидир. Ўқитувчи бундай вазиятда билим соҳибиди ёки транслятори бўлибгина қолмасдан, кўпроқ даражада ўқув жараёнидаги урта реал субъект:

- билимлар ва ўқитувчига муносабатда ўқувчининг;
- ўқувчига ва предметга муносабатда ўқитувчининг;
- ўқувчи ва ўқитувчининг эҳтиёжлари ва имкониятларига нисбатан ўқув материалнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этувчи бўлади.

Уларнинг ҳамкорлигида мазмун вужудга келади, бу мазмун субъектив ва объектив воқеликка муносабатларнинг (билиш соҳасидаги ва амалий муносабатларнинг) янги усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек бу жараёнда ўқувчи учун шахсан аҳамиятли қилиш имконини беради.

Таълимнинг конкрет усуллари тизимида ўқувчининг билиш соҳасидаги фаоллигини ташкил этиш ҳамда ўқув материалида берилган билимларни ўқитиш (баён этиш) усуллари ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси педагогик парадигмаларга нисбатан анча бетарафдир. Дарсни ташкил этишнинг турли шакллари каби, улар ҳам ўқитувчининг ихтиёрида ва унинг майллари ва қобилиятларига боғлиқ бўлади.

Шахсга йўналтирилган таълим уларни қўлланишда ўқитувчи кўпроқ эркин ва мустақил бўлишини, бинобарин, мактаб ўқувчиларининг интеллектуал ривожланиши шароитлари самарадорлиги учун кўпроқ жавобгар бўлишини тақдир қилади. Ўқитувчининг таълимнинг устувор мақсадларига эришишга қаратилган онги профессионал кўрсатмаси таълим технологиясидаги барча компонентларнинг мутлақо адекватлигини ва реал ўзаро алоқасини таъминлайди.

## ПЕРСОНАЛЛАШИШ

Бирор кишининг бошқа одамларда идеал гавдаланишига эришишини акс эттирувчи тушунча бўлиб, шу туфайли одам ўз олдига ва ижтимоий ҳаётда шахс сифатида намоён бўлади. Одам фаолият ва муносабат воситасида ўзининг фаол қобилиятларини бошқа одамларга узатади, гўё уларда ўзининг “иккинчи ҳаётини” топади.

Одамнинг персоналлашиш эҳтиёжи билан персоналлашиш қобилияти ўртасида фарқ бор.

*Персоналлашнинг эҳтиёжини* одам ҳаёти ва фаолиятининг хилма-хил асослари: альтруизм, ўзлигини белгилаб олишга интилиш ва шу қабиларнинг манбаи деб ҳисоблаш мумкин. Персоналлашиш эҳтиёжининг қондирилмаганлиги шахс сифатида ўсишга туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин (ҳозир шахс ривожини ёш даврларига бўлиш моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларда персоналлашиш эҳтиёжига ёш билан боғлиқ ривожланиш феноменларини талқин қилиш чоғида база сифатида қаралмоқда.

Бирок, катта ёшли одамлар билан болалар ўртасидаги муносабатда кўпинча персоналлашиш қийинчиликлари психологик ҳимоя механизмларини ишга солишни рағбатлантиради, бу эса бошлангич тарқоқлик вазиятини (шахснинг асабий ривожланишини) кучайтиради холос. Персоналлашиш эҳтиёжини қондиришнинг самарали йўли - одамларнинг самарали фаолияти ва уларнинг бир-бирлари билан чинакам муомалага киришишидир.

*Персоналлашнинг қобилияти* одамнинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, улар одамга бошқа одамларнинг яшаш шароитларини кўллаб-қувватлайдиган ёки ўзгартирадиган ижтимоий аҳамиятли ишларни қилиш имконини беради. Амалий персоналлашиш қобилиятининг аломати ўз шахсий даражасига мувофиқ бошқа одамда идеал тарзда намоён бўлиш, яъни “ўзида ва ўзи учун яшаш” билан “ўзгада ва ўзга учун яшаш”нинг бирлигини бошдан кечириш имкониятидир. Персоналлашиш қобилияти одамнинг бой индивидуаллиги (бошқа одамларга ўхшашлиги ва улардан фарқланиши, улар учун потенциал аҳамиятли бўлиши) билан ва унинг бошқа аҳамиятли одамларда идеал ҳозир бўлиши учун зарур шаклга эришишига ёрдам берадиган хилма-хил воситалар билан таъминланади.

Таълим жараёнининг ўқув-фан модели доирасида “персоналлашиш” деган тушунчага жой йўқ эди. “Билимлар - лаёқатлар - кўникмалар”га изчил мувофиқ тарзда иш тутиш тарбияловчи катта ёшли одамлар билан болаларнинг ўзаро *персоналлашнингдан қайтишига* олиб бориши керак эди ва амалда олиб борди ҳам.

Таълим жараёнининг шахсга йўналтирилган модели унинг иштирокчилари бир-бирларини персоналлаштириши гоёсига асосланади. Бу эса улар учун фақат шартгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга алоҳида кадрят эканлигини ҳам билдиради.



## ПЛЮРАЛИЗМ

Фикрлар ва қарашлар плюралиزمи (лотинча - кўп деган сўздан) воқеликни турлича талқин қилиш, тушуниш ва дунёни турлича ҳис этиш принципига асосланади.

“Ривожланиш максалидаги хилма-хиллик” принципи устувор бўлган шароитларни тан оладиган гоёгина - илғор, қучли ва ҳаётбахш гоёдир. Бу гоё ҳеч қачон эркин фикрга тўскинлик қилмайди. Догматизм асосида шаклланган, ўзгача фикрлашга йўл қўймайдиган гоё эса ижтимоий онгни бузиб кўрсатади, давлат, жамият ва шахс муносабатларининг уйғунлигини, умуман жамият тараққиётини таъминламайди.

Яккаҳоқимликни, мутлақ ҳақиқатни даъво қилувчи гоёнинг истиқболи йўқ. Ижтимоий гоёларни бойитувчи манба - янги фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги билан ажралиш юз беради. Етмиш йилдан ортиқроқ вақт давомида яккаҳоқим бўлиб келган, шахс ва жамият дунёни ўзгача тушунишининг ва дунёни ўзгача идрок этишининг ҳар қандай кўринишини бостириб келган коммунистик мафқуранинг таназзулга учраганлиги ва ҳалок бўлганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир.

Агар муайян ижтимоий гуруҳ ёки сиёсий партия илғари сураётган гоёлар жамиятнинг бирдан-бир, монопол гоёсига айланса, унда ҳурфикрлилик чекланади, шахснинг виждон, сўз ва қарашлар эркинлигига бўлган асосий ҳуқуқлари бузилади, ҳокимиятни монополия қилиб олиш, тоталитаризм ва зўравонлик учун асос пайдо бўлади.

Плюрализм принциплари, шу жумладан, демократиянинг сайлов ва матбуот эркинлиги каби муҳим шартини бажаришни ҳам назарда тутати. Шахснинг мазкур ажралмас ҳуқуқларини бажариш, кўпгина ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турганидек, жамият тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, тарих сабоқлари далолат бериб турганидек, ўз фикр ва қарашларини эркин билдирувчи шахс ёки социал гуруҳ энг аввало аниқ, асосли мақсадларга эга бўлиши, улар амалга оширилишининг оқибатлари учун масъулиятни ўз зиммасига олиши, мунозара маданиятининг мезонларига амал қилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги қонун талабларига, миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятларга, маънавият ва ахлоқ нормаларига қарши бўлмаслиги керак.

## ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Хуқуқий маданият иккита асосий омил асосида шаклланади:

1. *Ижтимоий амалиёт таъсирида.* Бу хуқуқий маданият жамиятда вужудга келаётган ўзаро муносабатларнинг ўзи, объектив шарт-шароитлар томонидан шакллантирилишини англатади. Маълумки, ривожланган демократик давлатларда хуқуқий нормалар шахс, ижтимоий гуруҳлар ва шу қабила ўртасидаги кўп йиллик ўзаро муносабатлар тажрибасининг натижаси сифатида шаклланган. Ўз навбатида, шаклланган қонун ҳужжатлари одамларнинг хуқуқий онгига таъсир кўрсатади. Бу ҳол уларга оғишмай риоя қилиш ҳисобига юз беради, улар жамиятнинг турмуш нормасига айланади. Фуқароларда қонунни ҳурмат қилиш асосий қадриятлардан биридир. Жамият, шахс хуқуқий маданиятининг шаклланишида асосий нарса қонун устуворлиги ва қонунга хилоф ҳаракатлар учун жазонинг муқаррарлиги принципларидир.

2. *Хуқуқий маданият таълим жараёнининг натижаси сифатида шаклланади.* Ўзбекистонда таълимни ташкил этишдаги ва унинг мазмунидаги ислохотлар унинг хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти принципларига жавоб бериши керак бўлган моделини яратиш йўналишида амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг устувор йўналишлари Миллий дастурда таълим тизимини ва кадрлар тайёрлашни ислох қилишнинг жамиятда амалга ошириладиган ўзгаришлар, ривожланган, демократик, хуқуқий давлат қуриш билан яқиндан ўзаро алоқаси асосида рўёбга чиқарилмоқда.

## ЎЗГАНИ ВА ЎЗИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Шахсга йўналтирилган тарбиянинг принциплари.

Ўзгани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш гуманистик педагогикада аввал бошдан оқ одамни ва унинг шахс сифатидаги қадрини назарда тутишни, одам билан ҳамкорлик қилишга тайёрликни, унинг ўз манфаатларига эга бўлиш ҳуқуқларини тан олишни, унинг хусусиятларини ҳисобга олишни, у бошқалардан кескин фарқ қилиши мумкинлигини эътироф этишни билдиради. “Қабул қилиш”, - унга ишонишни ҳам, уни имкони борича ўз ички дунёсига киритишни ва ўзининг хулқи, манфаатларини ўзга-

нинг манфаатлари ва хулки билан муқояса қилишни англади. Ўзгани қабул қилиш ўзига хос барча фазилатларига эга бўлган айнан ана шундай одам бетақдор мавжудлигини тасдиқлаш демакдир. Бу унинг шахсини баҳолашдан воз кечиш, унга шак-шуб-ҳасиз муносабатда бўлишдики, бошдан-оёқ “ҳукм чиқариш” ва “ёрлик ёпиштириш”га қаратилган оммавий мактабда бунга эришиш жуда қийин бўлади. Бола ёки ўсмирни қабул қилиш принципини эътироф этиш амалда кўпгина ўқитувчилар учун уларнинг болалар билан ишлашга психологик тайёрликни синовдан ўтказиш демакдир. Бу эса муҳаббатни ва юксак даражада толерантликни талаб қилади.

Шахсининг ўзини қабул қилишини, ўз кадр-қимматини билиш, ўз “МЕН”ининг кучини деб таърифлаш мумкин. У ўз ҳис-туйғуларига ишонишни, ўзига ва ўз имкониятларига ишонишни, характернинг очиклигини билдиради. Ўзини фақат ижобий жиҳатларга эмас, балки заиф томонларга ҳам эга бўлган ноёб индивидуаллик сифатида қабул қилишни кўпинча ўз ютуқларини бош-қа одамларнинг ютуқлари билан баҳолашни ҳамда ўзини муайян хусусиятлар соҳиби сифатида баҳолашни назарда тутадиган ўзини баҳолашдан фарқлайди.

Ҳозирги мактабнинг амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, таълим парадигмасида ўзгаришлар юз бераётган бир шароитда шахс психологияси ва ривожланиш психологияси тобора катта роль ўйнай бошлайди, чунки улар педагогларга “юксак педагогик технологиялар”ни психологик жиҳатдан изоҳлаб беради, шунингдек гуманистик психология ва гуманистик тарбия принципларини амалда бири-бири билан боғлаш имконини беради. Қабул қилиш ва ўзини қабул қилиш механизмлари ана шундай ўзаро боғланишнинг яққол намунасидир.

## САМАРАЛИ ТАЪЛИМ

Конкрет иш жараёнига, шахсга йўналтирилган таълим амалиёти бўлиб, ўқувчиларнинг ишни эркин ва ўз манфаатларини назарда тутган ҳолда танлаб олинишига асосланади.

Анъанавий таълимга қарама-қарши ўларок, самарали таълим автономлик ва фаолликни илдам ривожлантириш мақсадларини кўзлайди. У шуниси билан ажралиб турадики, таълим жараёни ўз

натижаси ўларок *самарали фаолиятнинг* индивидуал тажрибасига эга бўлади. Самарали фаолият (ишлаб чиқариш фаолияти) индивидуал ҳаракат бўлиб, у фойдали материал ёки номоддий маҳсулот (ёки хизматлар) ишлаб чиқаради ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлади ва, энг аввало, таълим учун самаралидир. Бундай таълим самарали (ишлаб чиқариш) фаолиятда ривожланганлигидан, ўзлигини белгилаш, ижодий ва конкрет иштирок этиш жараёнида субъективлик соҳасини кенгайтиради.

Агар биз таълим тизимидаги инновация эффектидан маҳрум бўлишни истамасак, янги фаолият концепцияларини ривожлантиришимиз ҳамда унинг янги соҳаларини кашф этишимиз керак. Ёшлар дунёни шакллантириш ва қарорлар қабул қилишда иштирок этаётганлари учун рағбатлантирилиши керак. Улар ўзларига жиддий, ўз келажаklarини онгли равишда режалаштиришга қодир одамлар дсб қарашлари керак. Бу эса ўзига ишонган ва социал асосларга эга бўлган ёшлар шундай фаол ҳаракат қилишларини ҳам такозо этади. Бундай фазилатлар ҳақиқий социал вазиятларда рўёбга чиқарилишини талаб қилади. Шу сабабли самарали таълим индивиднинг ҳам жамиятнинг ривожланишида амалда иштирок этишни англаатади.

## ЛОЙИХАЛАШ

Бу юз бериши керак бўлган нарсани гоаят қисқа тарзда фикрлаш (англаш, тушуниш) ни билдирувчи фаолият. Амалда бу таърифда бор-йўги икки нарса: ҳаракатнинг идеал характери ва унинг келгусида нимадир пайдо бўлиши (ҳосил бўлиши)га қаратилганлиги таъкидланади.

Худди мана шу икки хусусият лойиҳалашни бошқа кенг фаолият турларидан, масалан, тадқиқотдан фарқлайди. Ана шундай кенг таърифдан лойиҳалашнинг гоаят хилма-хил турлари, методлари ва усуллари мавжуд бўлиши мумкин ва реал мавжуд деган маъно келиб чиқиши муқаррар.

Бундан ташқари улар бир-бирига қарама-қарши бўлиши, яъни назарий тушунганда бир-бири билан курашга киришиши мумкинлиги, бу ҳол тарихдан амалда қайд этилади (масалан, прототиплар бўйича лойиҳалашни прототипларсиз лойиҳалаш билан қарама-қарши қўйиш). Худди ана шундай назарий жангларда асослар ёки методологик принципларнинг алоҳида проблематикаси ву-

жудга келади. Бу проблематика ҳозирги вақтда таълимга хизмат қилувчи фанлар соҳасида жуда катта аҳамият касб этди ва гоят кенг доирада талқин қилинмоқда.

Принципларда иккита ўзаро боғлиқ бўлган, аммо асло айнан бир хил бўлмаган қатлам ажралиб туради:

- \* онтологик (кўриш ва тушуниш) қатлам;
- \* ташкилий-фаолиятли (ҳаракат ва уни ташкил этиш) қатлам.

Ҳар қандай методологик принцип ана шундай икки қатламли бўлмаса, ишламай қўяди.

Методологик амалиётда *таълим тизимларини лойиҳалашнинг* куйидаги бешта *методологик принципини* ажратиш, рефлексив расмийлаштириш мумкин:- лойиҳалаш субъектларининг ўзаро таъсир этувчи тизимини (уларнинг бир-бирига мослигини) яратиш мумкин:

- фикрлаш фаолиятини таълим бирликларини яратиш ва ташкил этишнинг ядроси сифатида ривожлантириш;
- таълимга бошқа фаолият соҳаларини “қиритиш” (таълим соҳасини ташкил этишнинг стакчи жараёни сифатида);
- лойиҳалаш ва амалга оширишнинг бир вақтда юз берадиган ва ўзаро боғланган жараёнларини рефлексив тарзда авж олдириш;
- лойиҳалашни индивидуаллаштириш.

Ушбу принциплар фаолиятлар мажмуини ва уларнинг таълим тизимларини умумий лойиҳалаш жараёнида биргалиқда ташкил этилиши мумкинлигини анча аниқ тасвирлаб беради.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДИННИНГ ЎРНИ

Бу нозик ва мураккаб соҳада энг аввало шуни эсда тутиш керакки, дин-маънавият, ахлоқ ва маданиятнинг стакчи таркибий қисмларидан бири, ҳамма замонларда миллий ғоянинг ривожланиши у ёки бу даражада диний қарашларга мос бўлиб келган. Дин, ўз моҳиятига кўра, ахлоқий, гуманистик қарашлар орқали одамлар онгида миллий истиқлол ғояларини қарор топтиради. Муқаддас динимизга мувофиқ муносабатни шакллантириш - жуда муҳим мафкуравий вазифадир.

Ислом ва бошқа динларнинг гуманистик асослари тўғрисидаги билимларни ўрганишга ва аҳолида шакллантиришга янги куч-қувват бағишланг, экстремизм ва диний мутаассибликнинг олдини олиш керак. Аждодларимизнинг бой илмий-назарий меросини илмий таҳлил қилиш ва ривожлантириш, ислом дини тарихини ўрганиш асосида унинг аҳолини, ҳозирги жамиятдаги, маданиятдаги, республиканинг маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини аниқлаш ҳамда дунёвий давлат, фуқаролик жамияти, кўп конфессиялилиқ шароитида ислом дини фаолият кўрсатишининг илмий прог-нозини таъминлаш керак бўлади.

## РЕФЛЕКСИЯ

Самарали фикрлашнинг муҳим механизми; юз бераётган ҳодисани кенг тизим контекстида тушуниш жараёнларини алоҳида ташкил этиш (у вазият ва ҳаракатларни баҳолашни, вазифаларни ҳал қилиш усуллари ва операцияларини топишни ўз ичига олади); вазифаларни ҳал қилишга жалб этилган индивид ҳамда бошқа одамларнинг ўзини ўзи таҳлил қилиши, ўз ҳолати ҳамда ҳаракатларини фаол ўйлаб кўришидан иборат жараён. Шу сабабли рефлексия (орқага қайтиш) ичдан (бир индивиднинг кечинмалари ва ўзига ўзи ҳисоб бериши) ҳам, ташқаридан (коллектив бўлиб фикрлаш фаолияти ва биргаликда ечим излаш сифатида) ҳам бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, рефлексия фаолият предметига, фаолиятнинг ўзига, индивиднинг ёки бошқа одамларнинг ҳаракатларига, уларнинг ўзаро алоқаларига қаратилган бўлиши мумкин.

Рефлексия хулқ-атворнинг маъноларини аниқлашга ёрдам беради ва фикрлашнинг шахс учун аҳамиятли бўлган компонентлари билан қўшилиб, самарали вазифаларни ҳал қилиш чоғида етакчи фаолият сифатида намоён бўлади. Рефлексия фикрлаш жараёнида ҳамда хулқ-атворда бажарадиган функцияларнинг хилма-хиллиги ҳамда у хулқ-атворни ва ҳаракатларни тартибга солишда ўйнайдиган ролнинг аҳамияти рефлексияни таълим жараёнларининг жуда керакли унсурини деб ҳисоблашга асос бўлади.

Худди шунинг учун ҳам шахсга йўналтирилган таълим ўзини ўзи тарбиялаш жараёнида болалар ва ўсмирларда рефлексияни

(шу жумладан ахлоқий рефлексияни ҳам), шунингдек ривожланиб борувчи таълим доирасида рефлексив фикрланиш ривожлантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Ушбу вазифани ҳал қилиш шакллари мақсадга қаратилган (болага конкрет психологик ёрдам бериш жараёнида, болаларнинг турли муаммоли муҳокамаларда, суҳбатларда, мунозараларда, махсус психологик тренингларда қатнашувида) ҳам предметга йўналтирилган (муаммоли дарслар ва ривожлантирувчи ўқув машғулоти доирасида) бўлади. Рефлексив тренингнинг конкрет вазифалари асосида қўйилганларни айтиб ўтиш мумкин: - ўзини ўзи таҳлил қилиш қобилиятини ва, шу тариқа, умуман рефлексив фикрланиш қобилиятини ривожлантириш; фикрланиш фаолиятининг гоаят муҳим методи сифатида рефлексия тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантириш; рефлексив-маъноли ўзини ўзи бошқаришнинг ҳамма механизмларини унинг ҳар бир индивиддаги индивидуал қобилиятларга таянган ҳолда ривожлантириш; самарали вазифаларни ҳал қилиш учун ёки социал аҳамиятга молик қарорларни қабул қилиш жараёнида гуруҳ рефлексиясини қўлланшнинг конкрет амалий соҳаларини аниқлаш.

## АХЛОҚИЙ ТАРБИЯДА РОЛЛИ МОДЕЛЛАР

Ҳар бир одам томонидан яратилган идеал, ролли хулқ моделларини биргаликда эгаллаш асосида ахлоқий тарбияланишнинг амалиётга йўналтирилган усулидир.

Таълим жараёниларида ва хулқда одамлар ўзларининг МЕН-концепцияларини яратиш, бир-бирларига ахлоқан таъсир кўрсатдилар. Бу концепцияларда энг умумийларидан тортиб, анчагина специфик (профессионал, оилавий ва бошқа) бўлган социал ролларгача ўз аксини топади ва таснифланади. Аслида ҳар ким ўзи танлаган модель ёрдамида ўзини яратади. Ҳар ким МЕН - концепцияни намуна қилиб олинган шахсий хусусиятлар асосида ишлаб чиқилади.

Бу нуқтаи назар жамиятда биз бажаралиган роллар ҳақида илгари қабул қилинган концепциядан фарқ қилади, худди шунингдек у бизнинг бутун муҳитимиз - оила, жамият, дунё - аллақачон қарор топган ва бизга берилган деган гоаяни ҳам инкор этади.

Бизнинг ўзлик, роллар ва муҳит ҳақидаги тушунчаларимиз

учун жилдий чеклов мавжуд. Модомики биз ушбу тушунчаларни яратар эканмиз, демак уларга мувофиқ ҳаракат ҳам қиламиз, деган фикрни англаб олишимиз керак. Биз буни социумда қиламиз. Бу социумда имитацион хулқ реалликдир. Биз бошқа одамлар ҳам шунга мувофиқ ҳаракат қилишига ишонамиз. Ана шу вазиятлар таъсирида муҳим маънавий чеклов бизнинг конструкцияларимизни бошқарали, яъни ўзимиз бошқа одамлар учун ролли моделлар бўлиб хизмат қилишимиз учун нимани хоҳлашимиз кераклигини бошқарали.

Бу чеклов, агар унга бошқача назардан қаралса, бизнинг энг яхшии социал реалликни (ўзимизни моделлаш орқали) яратишдан манфаатдор эканлигимизни очиб берадиган ахлоқий инсайт соҳасини кўришимизга имкон беради. Биз ёмон ролли моделларни берадиган ҳамда социал реаллигимизнинг ёмонлашувига олиб берадиган конструкциялардан фойдаланмаймиз, аммо биз, фикримизча, хулқнинг фойдали ролли моделларини таъминлаб берадиган ва социал реалликни яхшилайдиган конструкциялардан фойдаланамиз. Бу конструкцияларнинг ҳаммасини бизга бошқа одамлар беради. Улар ҳам ўз навбатида бизни имитациялайди ёки ўз фаолиятларида бизнинг ва бошқаларнинг ролли моделларига амал қилади.

Ҳар бир одам таълим жараёнида ахлоқий конструкцияларни қабул этиш учун ана шундай уринишлар қилади, ва бу бизнинг дунёда, хусусан тарбияловчилар сифатида ҳам ўхшашлигимиз қарор топинишига ёрдам беради. Лекин, ролли моделлар фаолиятда қандай амал қилишини тушунмасдан туриб бунга эришиб бўлмайди.

## ЎЗ МАВҚЕИНИ БЕЛГИЛАШ

Шахснинг ўз нуқтаи назарини, мақсадларини ҳамда конкрет ҳаётий вазиятларда ўзини рўёбга чиқариш воситаларини танлаш жараёни ва натижаси; одам ички эркинлигини қўлга киритиши ва намоян қилишининг асосий механизми.

Ўз мавқеини белгилаш жараёнининг моҳияти муаммоли вазиятларда, яъни одам муқобил вариантлардан бирини танлаши ва экзистенциал ёки прагматик қарорлар қабул қилиши зарур бўлганда индивидуал позицияни аниқлаши ҳамда тасдиқлашдан иборат. Бир томондан, одамнинг ўз индивидуал хусусиятларига мос бўлган



мақсадларга, фаоллик йўналишлари ва усулларига, иккинчи томондан эса, ўзининг маънавий қадриятини, мақсадни ўйлаш орқали ўзининг табиий қисматини ўзига хос ва мустақил равишда рўёбга чиқариш қобилиятини шакллантириш даражасига етиши ўз мавқеини белгилаш натижаси бўлади.

Сўнгги вақтларгача педагогик амалиётда ўз мавқеини белгилашга бир ёқлама ёндашилар эди. Фақат профессионал мавқеини белгилашгина алоҳида ажратилар ва таъминланар эди, ахлоқий ва сиёсий тарбияда эса ўз мавқеини белгилаш формал ва декларатив (хўжақўрсин) руҳида бўлар эди. Авторитар давлатда яхлит ҳаётий мавқеини белгилаш масаласи умуман қўйилиши мумкин эмас эди. Ҳаётдаги ўз мавқеини белгилаш - профессионал, ахлоқий ёки ҳатто фуқаролик мавқеини белгилашдан ҳам кенгрокдир, чунки одамни ўз ҳаёти ва бахтининг субъекти сифатида, ўз мавқеини белгилаш ёрдамида ўз кучлари ва қобилиятларини ривожлантирувчи субъект сифатида кўрсатади. Ўз мавқеини белгилаш мақсадларини англашда “ким бўлмоқ керак”, “қандай одам бўлмоқ керак” деган вазифалар билан чекланиб қолиш мумкин эмас. “Қандай янаш керак”лиги, ўз турмуш тарзини қандай ташкил этиш кераклиги, қандай интеллектуал, жисмоний ва эмоционал зўриқишлар режимини танлаш кераклиги, мушкулотларни қандай енгил кераклиги муҳимроқ. Одам болалигиданоқ ўзининг ҳаёти абалдий эмаслигини тушунишни керак, ана шунга асосланиб жуда ҳам узоқ бўлмаган умрнинг мазмуни ҳақида ўйлашни керак. Тарбияда одам ҳаётининг мазмунини, одамнинг ўзини батамом социумга бағишлашидан иборат социаллаштириш маъносидан тушунишни енгил керак - масалага бундай ёндашилганида ўзини ривожлантириш масаласи бекор бўлади, одамнинг ички ҳаётини буйруқ асосида дастурлаш мумкин деган фикрга йўл қўйилади.

Ўз мавқеини белгилашнинг - ҳаётий танловга тайёрликнинг - асосий шarti одамнинг ахлоқий принципларни мустақил ишлаб чиқа олиши ҳамда фаолиятда ва хулқда уларга амал қила олишидир. Шу сабабли ўсиб келаётган одамга ҳаётнинг маънавий мезонларини ишлаб чиқишда ёрдам бериш - ижтимоий ва оилавий тарбиянинг марказий вазифасидир. Мустақил ишлаб чиқилган ҳаёт ва фаолият принциплари турмуш илгари сурган барча масалаларни ҳал қилиш йўллари излашни осонлаштиради, психологик ва социал барқарорликка эришиш муддатларини қисқартиради, ўзининг ва жамиятнинг ривожланиш манфаатларини уйғунлаш-

тирини воситаларини топишга ёрдам беради. Ана шу негизда болаларни мустақил қарорлар қабул қилиш кўникмаларига, танлай олиш лаёқатига ўргатиш имконияти туғилади. Танлаш лаёқати бўлмаса, ўз мавқеини белгилаш қобилияти бўлмаса, одам маданиятга эришиш, ўзини ўзига хос ва жамият ҳаётини фаол ўзгартирувчи мавжудот сифатида рўёбга чиқариш имкониятини йўқотади. «Таълим тўғрисида»ги қонунда ўз мавқеини белгилаш мактаб ўқувчилари ва талабаларни ўқитиш, тарбиялашнинг устувор мақсади деб кўрсатилганлиги тасодиқий эмас. Ўз мавқеини белгилаш концепцияси таълим “объекти” масаласини янгича кўяди. Гуманистик педагогикада алоҳида шахс ҳам, синф (гуруҳ, коллектив) ҳам объект бўла олмайди, фақат таълим материалигина (предметлар, ҳодисалар, рамзлар, моделлар, вазиятлар, қадриятлар, фаолият, муносабатлар, психологик муҳит) объект бўла олади. Уни танлаш, тадқиқ қилиш ва ўзгартириш жараёнида ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам, ҳамкорлик қилувчи гуруҳнинг ҳам ўз мавқеини белгилаши ва ўзини ўзи ривожлантириши юз беради.

Бу ҳамкорлик педагогикасининг асоси бўлиб хизмат қилади. У таълимнинг шундай турига, ўқитувчи, тарбияловчи материал билан шундай ишлашга олиб борадики, булар материалнинг ўзини ҳам, таълим субъектларининг ўзини ҳам, уларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирини ҳам ўзгартириб юборади.

## ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шахсининг психологик мақомини фаол, изчил, прогрессив ва умуман орқага қайтмайдиган қилиб сифат жиҳатидан ўзгартириш жараёни. Ёш жиҳатдан ривожланишнинг муайян босқичида (кичик ўсмирлик ёшида айниқса аҳамиятли), ўзини бошқариш механизмлари шаклланганида ўзини ўзи ривожлантириш мумкин бўлади.

Ўзини ўзи ривожлантириш - ўзини такомиллаштириш, ўзини ҳаракатлантириш, ўзини шахс сифатида вужудга келтириш эҳтиёжидир. Таълим ва тарбия ҳамма вақт ички шароитлар орқали амал қилади. Бу шароитлар орасидан одамнинг педагогик таъсирларни қабул қилишга очиқлиги, тайёрлигини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ёш улғайган сари индивиднинг ўз фаоллигининг роли аста-секин ошиб боради, сифат жиҳатидан ўзгаради, мослашувчан фа-

олликдан мослашмайдиган, ўз ижодий фаоллигига айланади. Асосий психик маҳсуллар: рефлексиялар; мақсадни ўйлаш; ўз хулқининг натижаларини режалаштириш ва олдиндан билиш мавжуд бўлганида одам ўзини ўзи ривожлантириши мумкин. Одам ўз келажagini олдиндан билиб, ўзининг реал ютуқлари ва камчиликларини англаб, фаолият, бошқа одамлар билан алоқа қилиш ёрдамида ўзини такомиллаштиришга ҳаракат қилади. У ўзини тарбиялашга ҳаракат қилар экан, ўз ривожининг субъекти бўлади, ўзининг ҳаётий дастурини белгилайди. Ўзини ўзи ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучлари идеал МЕНнинг реал МЕНга мос келмаслигини англашдан; сабаблар курашидан; хулқни ташкил этиш орқали камчиликларни енгишдан иборатдир. Ўзини ўзи ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи одам ҳаётида пайдо бўладиган ички зиддиятлар - мақсадлар (вазифалар) билан уларга эришиш учун мавжуд воситалар (уларни танлаш) ўртасидаги зиддиятлар; интилишлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги, ўзгарувчанлик ва стереотиплик тамойиллари ўртасидаги, эски билан янги ўртасидаги ва ҳоказо зиддиятлардан ҳам иборатдир. Ўзини ўзи ривожлантириш учун шароитларни тарбия жараёнида яратиш, ижодий фаолиятда ўзини фаол рўёбга чиқариш имкониятини бериш керак.

Ҳар бир бола ўзини ўзи ривожлантирганида педагогнинг ёрдами сизиб туриши керак. Ўзини ўзи ривожлантиришнинг асосини ўқувчининг фаоллиги (“сен ўзинг нима қила оласан”), сўнгра эса катта ёшли одамнинг (педагог, ота-она, катта болалар) ёрдами ташкил этиши керак. Ўзини ўзи ривожлантириш педагогикасида йўл қўйиладиган “чегаралар” ҳам, “қалтис зоналар” ҳам аниқ белгилаб қўйилиши керак. ўзини ўзи ривожлантиришнинг педагогик технологияси керак.

## ЭРКИНЛИК

Одамнинг ўз хоҳиши, манфаатлари ва мақсадларига қараб фикрлаш, ҳаракат қилиш, ишлар бажариш имконияти ва қобилияти. Дилдан эркин бўлган одам *автономликка*, ташқи муҳит ва вазиятлар таъсиридан мустақилликка эга бўлади. У мақсадларини ҳамда фаолият воситаларини танлашда мустақил ва суверендир ҳамда қабул қилган қарорлар учун масъулдир. Жамият ва табиат томонидан эркинлик чекловларини (зарурат сифатида) эркин одам

кай даражада *ихтиёрий* қабул қилса, уларни *қонун* сифатида ёки ўзи учун ўзи белгилайдиган *ички чегаралар эркинлиги* сифатида шакллантирса, ҳаёти ва фаолиятини бу чекловлар шу даражада детерминациялайди.

Ё ташки омиллар - авторитаризм, зўравонлик, мажбурлаш ёки ички хусусиятлар - иродасизлик, мақсадсизлик, ўжарлик эркинликнинг муқобили бўлади. Жамиятда одам ўзининг эркинлиги билан бошқа одамларнинг эркинлигини қанчалик ва қай вақтгача чекламаса, у шунчалик ва шу вақтгача эркиндир. Юридик ва ахлоқий нормалар агар шахс эркинлигини таъминласа, одамлар ўрта-сидаги муносабатларни тартибга солувчилар сифатида инсонпарварлик функциясини бажаради.

Уйғониш давридан бошлаб, эркинлик деганда одамнинг ўз табиий потенциалини тўқинликсиз намоён этиши тушунилар эди. Буржуа революциялари ва Маърифатпарварлик даврлари эркинликни ҳар қандай одамнинг ҳаётдаги бурчини ўзи амалга оширишдан иборат *табиий ҳуқуқи* деб эълон қилди. Шу даврда таърифланган либерализм принциплари сиёсатда плюрализм принципларига, динларнинг бир-бирига чидамлилиги ва одамлар ўрта-сидаги муносабатларда сабр-тоқат принципларига, моддий ва маънавий манфаатларни эркин айирбошлашга, иқтисодиётда мусобақаланишга, одамларнинг ўз эътиқодларига мувофиқ ҳаракат қилиш учун маънавий ҳуқуқларга эга бўлишига асосланадиган эркин жамият қуришнинг ижтимоий-фалсафий асосини яратди.

Эркинлик - шахснинг ўз иродасини билдиришига асосланган фаёллик бўлиб, унинг чекловларини ҳар бир индивид ахлоқий принциплари ва қатъий императив асосида қабул қилади. Ҳозирги экзистенциалистик назариялар одамнинг аввал бошданок эркин эканлигига, унинг маънавий автоном ўзлиги ҳаётий танловчи детерминациялашига, шу сабабли унинг ҳаётининг параметрлари (сифат ва миқдор жиҳатидан) унинг ўзига боғлиқлигига асосланади. Одамдаги маънавийлик - унинг эркинлигидир, у - ортирилган хусусият эмас, балки унинг ҳаётининг аввалдан мавжуд бўлган "субстанцияси" дир.

Социал сиёсатдаги, таълимдаги гуманизмни ҳар бир алоҳида олинган одамнинг ўз қадриятини унинг эркинлигини таъминлаш орқали эътироф этиш деб тушунмоқ керак. Демократия ҳар бир шахс эркинликка эришишининг шарти бўладиган *эркин жамиятнинг* мақсади ана шу. Эркин жамият ва унинг демократик ин-

ститутлари оламнинг маънавий камситишлардан, иқтисодий муҳтожликлардан, ҳаётига тажовуз қилишлардан озод бўлиш, социал, миллий, интеллектуал камситишдан озод бўлиш *эркинлигини* кафолатлайди, ўз қобилиятларини ва бетакрор индивидуаллигини ривожлантириш учун, ҳаётий қобилиятини амалга ошириш ва бахтли ҳаёт кечириш учун *эркинлигини* таъминлайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, *таълимни инсонларварлаштириш ва демократиялашнинг* олий мақсади ва *мазмуни* - боланинг ҳозирги пайтдаги эркинлигини таъминлаш ҳамда уни келгусида эркини яшашига тайёрлаш, экзистенциал эркинлик хиссини ва ахлокий, профессионал, ҳаётий танловни амалга ошириш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

Таълим жараёнида боланинг эркинлигига йўналтирилган гуманитар педагогика барча фаолият субъектларининг мақсадлари ва воситаларини мувофиқлаштиради (шартнома); педагогни ҳам, болани ҳам, гуруҳни (синфни) ҳам тарбия мазмунининг соҳиби деб ҳисоблайди. *Таълим объектиси эса фақат таълим материаллигини бўлиши мумкин.*

Ўзини ўзи ривожлантириш сифатидаги таълимга нисбатан шахс эркинлигини бир-бири билан боғлиқ учта психологик ҳолат - “хоҳлайман” (эҳтиёжлар) - “керак” (енгиш) - “қила оламан” (ижод) - билан кўрсатиш мумкин. Болаликда кўпдан-кўп эҳтиёжларни (билиш, ўйинлар, спорт, санъат, муомала) амалга ошириш имконияти ҳамда ўзини ижодий текшириш ва индивидуаллигини рўёбга чиқариш имконияти дунёни бахтли идрок қилиш учун устувор бўлади.

Заруратга қараб иш тутиш, “хохламайман”ни енгиш иккиламчидир ва улар шахснинг мақсад сферасига эришиш воситаси ҳамда ўзини ижодий гавдалантириши сифатида пайдо бўлганида эркин ривожланиш учун ижобий нарса деб ҳисобланиши мумкин.

Таълимда эркинлик ҳолати жуда аниқ ифодалашга танлаш эркинлигида ва ижодий фаолият имкониятида эришилади. Бундай шароитларда ўзини билиш педагогикасини ишлаб чиқиш, хусусан, таълим жараёнига болалар ҳар хил фаолият турларида ўзларини кашф этишларига ёрдам берадиган воситалар ва усулларни олиб кириш ғоят муҳим педагогик муаммо ва амалиётга йўналтирилган вазифадир. Бу йўналишдаги изланишлар - “тадбирбозлик” педагогикасидан воз кечиш, ўқиш эркинлиги билан ўқитиш эр-

кинлиги қўшилиб кетадиган эркинлик педагогикасига ўтишнинг реал йўлидир.

## БИРГА ЯШОВЧИЛАР ЖАМОАСИ

Онтогенезда *субъективликни* ривожлантириш психологияси ва педагогикасининг энг муҳим категорияларидан бири бўлиб, у одам бирлашмалари ҳаёти ва фаолиятининг онтологик асосларини қайд этади. Бирга яшаш шакллариининг индивидуал ҳаёт интервалида ўзгариши, жамоага кирувчи ўзганинг (ўзгаларнинг) характери, уларнинг биргаликда яшаши онтогенезнинг турли босқичларида қарор топаётган субъективликнинг йўлини, босқичларини ва конкрет қиёфаларини белгилаб беради. Бу жараёнларни тушунтириб бериш таълим маконининг ўзини ривожлантириш учун ҳам, ҳозирги замон таълим фалсафаси учун ҳам муҳимдир.

Ижтимоий фанларда “социал структура” тушунчаси билан “структураланмаган жамоа” (коммунитас) тушунчаси ўртасидаги оппозиция кўриб чиқиш учун қабул қилинган. Структуравий ҳамжиҳатлик ижтимоий мавқелар ва роллар аниқ жой-жойига қўйилганлиги билан белгиланади; у ҳамма вақт воқеаларнинг табиий окимида, у ёки бу эҳтиёжларга ва имкониятларга эга бўлган одамлар гуруҳлари бир-бирлари билан алоқага киришганларида пайдо бўлади. Коммунитас ташқи ижтимоий шартли ўзаро боғлиқлик бўлмаган жойда пайдо бўлади. Структураланмаган жамоа - кўп сонли одамларнинг ёнма-ён эмас, балки бирга яшашидир.

Коммунитас ҳамма вақт ҳозирги замонга мансуб; структура-нинг илдиzlари ўтмишда бўлиб, тил, қонунлар, одатлар воситасида келажакка ёйилади. Ижтимоий ҳамжиҳатлик ҳамма вақт конкрет яғонадир, биргаликдаги фаолият доирасида расмийлашади ва ўзининг шаклланишидан кўзланган мақсадга эга.

Одамга эл бўлиш, ҳамжиҳатлик одам моҳиятининг атрибутидир. У ўз табиатига кўра “бошқалар учун яшаш”дир. Шу сабабли жамоа муаммоси фақат ижтимоий ёки тарихий муаммо эмас; у чуқурроқ қаралса, теран экзистенциал муаммодир. Ҳақиқий, ҳаётий бирлик, тўсқинликларга ва ўзганинг “ноаниқлигига” қарамай, ўз доирасидан чиқишни ва ўзганинг шахсини тушунишни (англаб етишни), шунингдек МЕНни ҳам, СЕНни ҳам, БИЗни ҳам ўз ичига оладиган масъулият ва садоқат ҳиссини тақозо этади.

Бу фикрни кучайтириб, қуйидагиларни айтиш мумкин: биз ҳеч қасрда ва ҳеч қачон одам индивидини унинг бошқалар билан алоқасидан олдин ва ташқарида қўра олмаймиз; у ҳамма вақт ҳамжамиятда ва ҳамжамият орқали мавжуд бўлади ва ривожланади. Бу алоқаларнинг (жисмоний, физиологик, психологик, социал ва бошқа алоқаларнинг) мавжудлиги ва характерининг ўзи, уларнинг конкрет муносабатлар тизимига айланиш динамикаси айнан ҳақиқий ривожланиш вазиятини вужудга келтиради, дастлабки ривожланиш шарт-шароитларининг изланаётган ксракли бирлигини ҳосил қилади.

Жонли жамоа, икки ҳаётнинг чирмашиб кетиши ва ўзаро алоқаси, уларнинг ички бирлиги ва ташқаридан қараганда бир-бирига қарама-қаршилигининг ўзиёқ катта ёшли одам билан бола (ва умуман бир одам бошқа одам учун) - унинг қўплаб бошқалар билан бир қаторда ривожланиш шартларидан биригина эмас (шунчаки персонлаштирувчи ва ижтимоий ҳосил бўлган қобилиятлар манбаигина эмас), балки одам *субъективлигининг* пайдо бўлиши учун фундаментал *онтологик асос* эканлигини, одам нормал ривожланиши ва тўла қонли ҳаёт кечириши учун асос эканлигини кўрсатади. Одамларнинг мана шу ноёб, ички зиддиятли жонли жамоасини бирга яшаш деб атаймиз. Мана шу биргаликда яшаш ҳақиқий *ривожланиш вазияти* бўлиб, унда биринчи марта ўларок одамнинг ўзигагина хос бўлган қобилиятлари, субъективликнинг (унинг барча ўлчамларида) одамга бир кун эмас - бир кун ҳақиқатан ҳам ўз ҳаёти ва фаолиятига “амалий муносабатда бўлиш” имконини берадиган “функционал аъзолари” пайдо бўлади. Бирга яшаш ривожланади, шу ривожланиш натижасида субъективликнинг у ёки бу шакли вужудга келади. Бинобарин, бу ҳолда ривожланиш жараёнининг ўзи биргаликнинг (бирлик, бирга яшашнинг) бир шакли пайдо бўлиши, ўзгариши ва бошқа шакллари билан - анча мураккаб ва анча юқори даражада ривожланган шакллари билан алмашинишидан иборат бўлади. Аввал бошданок субъективликнинг ривожланиш жараёни ўқитиш ва тарбиялашнинг ижтимоий мавжуд шаклларида; индивиднинг маданий-тарихий субъект бўлиб шаклланиш (қарор топиш) усулида юзага чиқади; шу билан бирга ривожланишнинг ўзи ўқитиш ва тарбия билан айнан ўхшаш ҳам эмас. Улар билан параллел ҳам эмас. Таълимнинг у ёки бу тури ривожланиш жараёни амалга ошадиган,

натижа ҳолига келадиган шакл бўлиб, ана шу шакл бу жараённинг ўзига умумий йўналиш беради.

Ушбу биринчи асос - бевосита авлод ҳаётининг тарихан ўзгариб боровчи шакли бўлган бирга яшовчилар жамоаси - бир вақтнинг ўзида мавжуд ва одамга унинг ҳар қандай борлик ҳолатида берилган. Субъективликни бирга яшовчилар жамоасининг ривожланиш натижаси деб тушуниш чинакам ривожлантирувчи таълим тизимларини лойиҳалаш ва амалга оширишга асос бўла оладиган, амалиётга йўналтирилган психологияни ва илмга йўналтирилган педагогикани яратиш томонига қатъий қадам ташлаш имконини беради.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Миллий истиқлол ғояси ўз моҳиятига кўра ҳар бир оиланинг ва ҳар бир одамнинг турмуш даражасини, фаровонлигини оширишга қаратилган. Фаолият соҳасидан (шу жумладан давлатга қарашли, хусусий, аралаш мулк шаклларида) қатъи назар, ҳар бир фуқаро шахсий манфаатларини халқ ва давлат манфаатлари билан уйғун кўшиб олиб бориши керак.

Халқ мулк деганда фақат моддий бойликни тушунмайди. Унинг дунёқарашида “мулк” моддий фаровонлик билан маънавий ҳамда ахлоқий камолотга интилишнинг чамбарчас боғлиқлигида намоён бўлади. “ҳар бир фуқаронинг бахт-саодати - бутун жамиятнинг бахт-саодатидир” деган ғоя долзарб бўлиб бормокда.

## ИЖТИМОЙЛАШУВ

Индивиднинг социумга киришидан иборат мураккаб жараён. Бир томондан, индивидга ҳамжамиятлар аъзоси сифатида фаолият кўрсатиш имконини берадиган муайян қадриятлар тизимини (нормалар, намуналар, билимлар, тасаввурларни) ўзлаштириб олишни ўз ичига олади. Иккинчи томондан, - шахснинг ўз ижтимоий тажрибасини орттириши ва ўзини фаол қарор топтиришини ўз ичига олади (шахс, индивидуалликдан фарқли ўлароқ, - алоҳида тарзда шакланган социал жиҳатлар ва хусусиятлар тизими, ўзликнинг ташқаридан берилган “қобиғи”).



Аввалги таълим парадигмасида ижтимоийлашувга шахснинг ривожланишини ва индивидуалликнинг қарор топишини бошдан оёқ детерминациялайдиган жараён деб қаралар эди. Таълимни гуманистик тушуниш ҳамда индивидни ривожлантириш ва унинг мустақил ривожланиши экзистенциал моҳиятга эгаллиги гоёлари ижтимоийлашув ҳақидаги тасаввурларни ҳам ўзгартирмоқда.

Ижтимоийлашув - болалар ва ўсмирлар *биргаликдаги фаолиятнинг демократик принциплари* асосида ҳамжамият ҳаётига фаол қўшилиши сифатида - уларга таълим маконининг бир қисми бўлган ҳамжамиятда борган сари кўпроқ ҳуқуқ бериш ва мажбуриятлар юклаш ҳамда таъминлаш жараёнидир. Болалар ва ўсмирлар ҳамжамиятга айнан ана шундай реал қўшилгани ижтимоий ҳаётнинг социал-маданий намуналари ва нормалари такрор ҳосил бўлади ва такомиллашади. Болалар таълим муассасаларидаги ижтимоий ҳулқнинг мавжуд стандартларини эгаллаб, ана шундай стандартларни хилма-хил *шартнома муносабатлари* сифатида шакллантиришни ўрганадилар. Ижтимоийлашувни мазкур нормаларни йўналтирилган (бир томонлама) ўзлаштириш деб тасаввур қилиш ҳам ўзгаради. Уни янгича тушуниш ижтимоийлашув жўшқин маданий фаолиятни ҳамда айни вақтда болалар ва ўсмирлар ўзлари ўзгартираётган вазиятда, ўзлари ижод қилаётган янги ижтимоий-маданий муҳитда фаол яшашини қўриш имконини беради.

Ижтимоийлашувнинг муваффақияти тайёр нормаларни қанчалик кенг ва теран ўзлаштириб олишдан кўра кўпроқ ҳар бир бола ижтимоийлашув жараёнида ҳамжамиятда ва ҳамжамият фойдасига мустақил фаолият кўрсатиш учун олган индивидуал қобилиятга боғлиқ бўлади. Охир оқибатда, бу ижтимоийлашувда болаларни социум қоидаларидан боҳабар қилишдан кўра муҳимроқ нарсани қўришга ёрдам беради.

Таълим ўзининг ижтимоий-маданий функцияларини бажариб (яъни, болаларнинг ижтимоийлашувида қатнашиб), ўзи ҳам жамият ўзини ривожлантиришининг ижтимоий-маданий механизмларининг бир қисмига, унинг ижтимоий-маданий технологиясига айланади ва, шу тариқа, болаларни ижтимоийлашувида фойдаланган нормалар ва стандартлар ўзгартирилишини рағбатлантиради.

Ижтимоийлашувнинг самарадорлигини (одамнинг ижтимоий жараёнларга тўла-тўқис қўшилганлигини) билдирувчи энг муҳим кўрсаткичлар *ижтимоий фаоллик ва ҳаракатчанлик*дир.

*Ижтимоий фаоллик* - шахснинг ижтимоий жараёнларда онгли равишда қатнашиши, уларга таъсир кўрсатиш имкониятининг мавжудлигидир. Тоталитар тизим шароитида ижтимоий тизимнинг ҳар қандай жойида одам ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсата олмас, уларни ўзгартириш йўлида ижтимоий фаоллик кўрсата олмас эди. Бу ҳол одамнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши жараёни кўпинча унинг реал истаклари ва интеллектуал қобилиятларига боғлиқ бўлмаслигига олиб борар эди. Бинобарин, шахснинг социал роли унинг ижтимоий жараёнлар ҳамда уларни ўзгартириш имкониятлари ҳақидаги тасаввурларига адекват эмас эди.

Жамият ҳаёти марказлаштирилган бир шароитда *шахснинг ижтимоий ҳаракатчанлиги* ҳам, яъни жамиятдаги ўз мавқеини истаклари ва қобилиятларига мувофиқ ўзгартириш имконияти жуда кам эди. Одамнинг ҳаётдаги ўз ўрни ҳақидаги тасаввури билан реал мавқеи ўртасида фарқ бўлган бир шароитда ижтимоий мақомни шахсий талаблар, қобилиятлар ва қадрият йўналишларига мувофиқ ўзгартириш мумкин эмас эди.

Шахсга хос қобилиятлар билан боғлиқ ҳаётий мақсадлар аста-секин мавжуд тузум шароитида амалга ошириш фойдали бўлган, яъни аввал бошдан оқ бузилган мақсадлар билан алмаштирила бошланди. Масалан, қобилиятли мутахассис учун (айниқса ижодий касбларда) ўзининг интилишларига ва қобилиятига мос келмайдиган, ижодий қаноатланиш ҳиссини тутдирмайдиган, лекин карьерга ёки моддий жиҳатдан фойда берадиган маъмурий (гарчи ижтимоий аҳамиятли бўлса-да) иш билан шугулланиш анча фойдали бўлар эди.

Ёшларнинг реал эҳтиёжлари ва талабларига мос келмаслик мавжуд таълим тизимининг нотўғри томонларидан бири эди. Умумий ўрта таълим ҳар бир конкрет ўқувчининг истакларини, қобилиятини, тайёргарлик даражасини ҳисобга олмас эди, ўртамайна ўқувчига қаратилган эди, у ёки бу фаолиятга қобилликни эрта аниқлаш устида иш олиб борилмас эди. Бу ҳол одамнинг кейинги (айниқса мактабдан кейинги) таълим йўналишини ўзининг ҳақиқий истак ва имкониятлари таъсирида эмас, балки ўқишнинг обрўлилигига, ота-онанинг тазйиқига қараб, “дўстларга шерик бўлиб” ва бошқа омилларга қараб танлашига олиб борар эди.

## МУҲИТ

Одамни ўраб турган ижтимоий макон (умуман - макромухит, конкрет маънода - бевосита социал қуршов, микромухит сифатида); индивиднинг бевосита фаоллик кўрсатадиган, унга энг яқин турувчи ривожланиш ва ҳаракат қилиш зонаси.

Шахсга йўналтирилган таълим шахснинг ривожланиши социум томонидан, шу жумладан гўё индивидга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган муҳит томонидан каттиқ детерминацияланади деган тасаввурлардан узоқлашишга ҳаракат қилади. Бунда гап индивиднинг ўзини ўраб турган нарсалар билан анча мураккаб ва хилма-хил, анча зиддиятли ва, энг муҳими, характери жиҳатидан тескис эмас, балки макон ва ҳажмга эга бўлган ўзаро алоқаси ҳақида боради.

Боланинг ижтимоийлашуви юз берадиган кўплаб муҳитлар, шу жумладан бола қўшилган жамоанинг (оила, референт гуруҳ, синф) ижтимоий-маданий, таълимий ва бевосита маданий муҳити ажралиб туради.

## ИЖТИМОИЙ - МАДАНИЙ МУҲИТ

Ҳар бир болага бевосита берилган конкрет ижтимоий макон бўлиб, бу макон воситасида у жамиятнинг маданий алоқаларига фаол қўшилади. Бу - бола ҳаёти ва фаолияти ҳамда социал (ролли) хулқининг хилма-хил (макро ва микро) шароитлари мажмуидир, бу - бошқа одамлар билан тасодифий боғланишлари ва чуқур ўзаро алоқаларидир, бу - социумнинг ўзаро алоқа учун очик бўлган конкрет табиат, буюм ва предметлардан, иборат қисмидир. Шунини айтиб ўтиш керакки, ижтимоий-маданий муҳит ҳамма вақт у ёки бу кўринишда индивидга қарши турган ва унинг ўзини ривожлантиришига оппозиция бўлган, чунки айнан шу муҳитда одам олдида ҳамма ижтимоий зиддиятлар пайдо бўлади. Оппозиция характери ва шакллари жиҳатидан фарқланади - у билвосита ва кам сезиларли бўлиши мумкин, ниқобланиши ва бемаъни шаклларга кириши мумкин, аммо у ҳар доим ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзосида ўз индивидуаллигини ҳамда ўз ҳаётининг суверенлигини сақлаш ва химоя қилиш эҳтиёжини ва айни вақтда унинг доимий фаоллигини ҳам рағбатлантиради. Ижтимоий-маданий

муҳит бола учун оптимал даражада қулай, ҳолис, “иссикхона” ёки душман бўлиши мумкин. Ҳар гал муҳитнинг хусусиятлари педагог ёки психолог томонидан ҳисобга олиниши керак, чунки болага педагогнинг таъсири ҳамма вақт “воситаланган” бўлади. Яъни бола уни икки томондан: нисбатан автоном индивид бўлиб ҳам, тамомила конкрет ижтимоий-маданий муҳитнинг бир қисми бўлиб ҳам қабул қилади.

## МУҲИТНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ТАЪЛИМ

Асосий тушунча сифатида *таълим берувчи муҳит* тушунчасидан фойдаланувчи психологик-педагогик концепция. Бу тушунча предмет, социал ва ахборот муҳитларининг тизим сифатида шакллантирувчи таъсирларини акс эттиради. Аслини олганда, одам бирон-бир тарзда киритган ҳамма муҳитлар маълум даражада таълим берувчи самарага эга. Муҳитнинг таълим берувчи хусусиятлари - унинг “муҳит - субъект” тизимида пайдо бўладиган интеграл самаралари мавжуд. Улар одамнинг психофизиологик тизимида янги адаптив сифатлари пайдо бўлишида ўз ифодасини топади. Бу сифатлар унинг янги вазифаларига мослашишига ва эскиларини анча самарали ҳал қилишга имкон беради.

Муҳитлар мазмуни, хусусиятлари ва шакллари жихатидан хилма-хилдир. Таълим муҳитининг муҳим хусусияти унинг *векторлилли* - таълим берувчи самаранинг муайян вазифалар спекторида ифодалангандир. Таълим берувчи таъсирларнинг кенг спектрига эга бўлган муҳитлар бир таркибли деб аталади. Бунда таълим берувчи самара таълим муҳитининг хоссалари ва субъектнинг муҳит орқали ифодаланган психик хоссалари потенциал профессионал муҳитларга ўтишида намоён бўлади. Ҳамма профессионал муҳитлар ҳам субъектда талаб қилинган сифатлар самарали ривожланишига ёрдам беравермайди, кўпинча “муҳит - субъект” тизимида ўзаро алоқанинг “қамал” ҳолати пайдо бўлади. Уни таълим олувчининг тайёрлиги муҳит талабларига мос эмаслиги келтириб чиқаради.

Ташкил этилиш усулига қараб, *табiiй ва сунъiiй* таълим берувчи муҳитлар фарқланади. Табiiй муҳитлар табiiй ва социал тизимларнинг одам назорат қилмаган ва мувофиқлаштирмаган ҳолда ривожланиши натижасида пайдо бўлади. Улар экобиосферанинг ҳолатига боғлиқ бўлади ва ноёб бўлади. Уларнинг таълим

берувчи самараси биологик тизимларнинг яшаш муҳитига умумий тарзда мослашувида акс этади.

Сунъий таълим берувчи муҳитлар социал ва профессионал муҳитларга мақсад билан мослашиш самараларини қўлга киритиш учун ўқув тизимлари сифатида яратилади.

*Предметли ва ахборот-динамик* таълим муҳитлари ҳам фарқланади. Предметли таълим муҳитлари синф интеръерини ташкил этувчи унсурларидан, кўргазмали куроллар, макетлар ва бошқаларнинг ўзгармас объектлардан иборат бўлади. Ахборот-динамик таълим муҳитлари - таълим жараёнида муҳитга хос мантиққа ва таълим олувчининг фаоллигига бўйсуниб, ўз хоссаларини ўзгартиради.

Шундай муҳитлар ҳам борки, уларда ўқув жараёнини интенсивлаш мақсадида хоссаларни таълим олувчининг психофизиологик тизими қандай ҳолатдалигига ва хусусиятларига қараб маълум йўналишда ўзгартиришда фойдаланилади. Бундай муҳитлар *мослашувчан ахборот-динамик* муҳитлар деб аталади. Кўпинча муҳитларнинг бу тури компьютер технологиялари негизида сунъий дунёлар шаклида рўёбга чиқади. Таълим олувчи сунъий дунёга киради ва ундаги воқеаларнинг ривожланишига ахборот моделлари ва бошқарув органлари воситасида таъсир кўрсатади.

Ахборот-динамик муҳитлар таълим бериш вазиятидаги ўзаро алоқани ташкил этиш усули бўйича *ўйинли, машқ қилдирувчи ва шакллантирувчи* муҳитларга бўлинади. Ҳайвонли муҳитлар таълим олувчи, унинг сунъий муҳитдаги ўйин аналоги билан муҳитнинг ўйнаётган одам фаоллигига жавоб реакцияси ўртасида ўйин муносабатлари яратилиши билан ажралиб туради. Муҳитларнинг ушбу тури гарчи мураккаб бўлса-да, аммо жуда юқори асословчи таъсирга эга. Бунда ижобий самара шундан иборатки, бундай муҳит таълим олувчининг эътиборини узоқ вақт жалб қилиб туришга ҳамда фаоллигини сақлашга имкон беради.

Профессионал муҳитларга ўхшашлик даражаси бўйича жуда аниқ имитация муҳитлари, реаллик даражаси ўзгариб турадиган муҳитлар ва абстракт таълим берувчи муҳитлар фарқланади.

*Шакллантирувчи* ахборот-динамик муҳитлар таълим олувчининг психикасида профессионал фаолиятнинг конкрет турларига боғланмаган кенг адаптив самаралар шаклида таълим берувчи самарага эга бўлишга қаратилган. Масалан, идрок этиш, хотира, диққат-эътибор ва шу каби хоссаларни шакллантириш. Ушбу

муҳитлар таълим олувчини унсурлари мазмун жиҳатидан яқин бўлган кўпгина профессионал муҳитларга бирон-бир даражада хос вазифалар оламига олиб киришни, бироқ уларнинг конкрет профессионал мазмунига урғу бермасликни назарда тутати.

Муҳитни назарда тутувчи ёндашув доирасида ҳал қилинадиган асосий амалий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- турли-туман таълим берувчи муҳитларни вужудга келтириш;
- уларнинг умумий ва локал таълим берувчи самарасини аниқлаш ва ошириш;
- муҳит субъектнинг кейинги хулқиға, ривожланишиға кўрсатилган таъсирни таҳлил қилиш.

Таълимда муҳитни назарда тутувчи ёндашув ўқитувчининг фаолиятида асосий эътиборни ўқувчи шахсига фаол педагогик таъсир кўрсатишдан ўқувчининг ўзи таълим оладиган ва ўзи ривожланидиган таълим муҳитини шакллантириш соҳасига кўчиришга имкон беради. Таълим ана шундай ташкил этилганида таълим олувчининг муҳит билан ўзаро алоқаларида ички фаоллик механизмлари ишға тушади.

## КИЧИК МАДАНИЯТ

Конкрет, нисбатан чекланган ҳамжамият томонидан талқин қилинган анъанавий маданият нормалари, қадриятлари, тасаввурлари ва хулқ стереотипларининг жами; бундай ҳамжамиятда муомала ва маданий ҳаётнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш шакли.; нисбатан чекланган ҳамжамиятнинг ижтимоий-маданий нормалар ва қадриятларни тушуниш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлган барча аъзолари.

Ташқаридан қараганда кичик маданият бутун социум маданиятининг айрим унсурларини - унинг тилини, хулқ нормалари ва стереотипларини, рамзлари, одоби, кийим, прическа, уй-жойни безатиш услубини ўзига хос равишда талқин қилиш шакли. Бир кичик маданият субъектларининг яшаш ва фикрлаш тарзи билан бошқа кичик маданиятларнинг яшаш ва фикрлаш тарзи ўртасидаги мана шу фарқлар онг унсурларини (тасаввурлар, ўртасидаги мана шу фарқлар онг унсурларини (тасаввурлар, идеаллар, қадриятлар, манфаатларни) ҳам, шунингдек ижтимоий хулқ ва шахслар ўртасидаги муносабат унсурларини ҳам ўз ичига олади. Қадрият устуворлар иерархиясининг намоён бўлиши-

га ва ҳамжамиятда ўзини тутиш усулига қараб конкрет кичик маданият сохибларини анча аниқ белгилаш мумкин. Кичик маданият - бу ҳамма қабул қилган қадриятлар тизимидан ва анъанавий хулқ-атвор тарзидан ажралиб қолган ва ҳамжамиятдаги муайян турмуш тарзини сақлаб қолишга ва ривожлантиришга ёрдам берадиган нормалардир.

*Болалар кичик маданияти* - болалар ҳамжамиятининг маданий макони бўлиб, мавжуд нарса бу маконга сифатида ҳар бир бола кирган бўлади. У болаларнинг ҳар бир авлоди мерос қилиб олалиган, у ёки бу конкрет-тарихий вазиятда болалар ҳамжамиятлари учун хос бўлган тил шакллари, маънолар, қоидалар, муомала усуллари, хулқ-атвор тарзлари жами сифатида вужудга келади.

Болалар кичик маданияти умуминсоний маданиятда алоҳида ўринга эга. Айрим кўрсаткичлар бўйича у нисбатан автономдир, чунки унинг асосий қадриятлари оғиздан оғизга, шунингдек тенгдошларнинг бир авлодидан иккинчисига топшириладиган муомала ва ўзаро алоқа нормалари орқали ўтади.

Болалар кичик маданиятининг ифодачиси жамиятнинг табиий жинс ва ёш стратификациясида социогенезнинг илк босқичларидаёқ шаклланидиган ҳамда дастлабки социалланиш функцияларини бажарадиган болалар ҳамжамиятидир. Болалар фольклори матнлари болаларнинг референт гуруҳларида ўзаро муносабатларни тартибга солиш учун катта ёшли болалардан кичик ёшли болаларга ўтади. Болалар кичик маданияти шунингдек дунёни ёшга яраша ҳис қилишни ақс эттирадиган ўз мусиқий ва бадиий санъатини, оғзаки бадиий адабиётини (шеърлар, хикоялар, латифаларни) яратиш билан ҳам ажралиб туради.

*Ўсмирлар, ёшлар кичик маданияти* - ўсмирлар ва ёшлар ҳамжамиятларининг маданий макони ва муносабат доираси бўлиб, уларнинг социумда мослашини ва ўзларининг автоном маданий фаоллик шакллари яратишига ёрдам беради.

Аввалги, авторитар педагогика доирасида педагоглар ўсмирлар ва ёшлар кичик маданияти кўринишларини қарши маданият кўринишлари сифатида қоралар эдилар. Бунда ўсмирлар ёш болаларга қараганда фаолроқ эканликларини, улар ўзларини қарор топтириш чоғида фаолият ва хулқ-атворнинг изланишга имкон берадиган шаклларида, анча қалтис ва ностандарт ишлардан манфатдор эканликларини тушунмаслик ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Шу сабабли ўсмирлар ва ёшларнинг кичик маданиятлари - соци-

ал харакатнинг янги нормаларини яратиш йўлидаги реал уринишлар бўлиб, уларни педагог қабул қилиши ва тушуниши керак. Ўсмирлар катталарнинг нормаларини ўзлаштириш ва ўз ҳаётий тажрибаларига эга бўлиш учун болалар кичик маданият стандартларидан, у билан бирга ўзлари болаликда табиий равишда қабул қилган хулқ нормаларидан қонуний равишда ўсиб ўтадилар. Ўсмирлик ёшида юз берадиган танглик қисман болаларга хос хулқ-атвор қоидаларидан қийналиб воз кечиш билан ва кўпинча катталарнинг ҳам, болаларнинг ҳам кичик маданиятларига муқобил бўлган янги кичик маданиятларини яратишга уриниш билан боғлиқ бўлади. Бунда шахснинг мавжуд кичик маданиятлар талаб қиладиган ёки уларга мос бўлган фазилатларини ўзига хос тарзда танлаш жараёни кечали. Шундай қилиб, ўсмирлар ва ёшлар кичик маданиятлари фақат социаллаштирувчи функцияларни эмас, балки конструктив-ижодий функцияларни ҳам бажаради, чунки ёшлар кичик маданияти ходисалари бевосита жамият ҳаётига қўшилган ва уни ривожлантиришнинг айрим шакллари белгилаб беради.

*Ўқитувчилар кичик маданияти* - фақат ўқитувчилар муҳитига хос бўлган, профессионал фаолият ва муносабат усулларини шакллантирадиган ҳамда муайян социал-маданий шароитларда ўқитувчиларнинг профессионал ҳамжамияти мавжуд бўлиши принципларини белгилаб берадиган муҳим қоидаларни ўз ичига олади.

Ўқитувчилар кичик маданияти ичида муайян жамият стандартларига мос бўлишнинг ошқора ва яширин нормалари ва талаблари ишлаб чиқилади. Бу барча ташқи ва ички хусусиятларнинг профессионал ҳолатини сақлаб туришга тааллуқлидир.

Кичик маданият ифодачилари (улар ичида эса - авлодларнинг айрим жамоалари) ўзига хос одати ҳамда хулқ ва муносабат услуби билан, ташқи кўринишда муштарақ унсурлар мавжудлиги билан, кичик маданият нормасининг қатъий белгиланган имижи билан ажралиб туриши маълум. Шу билан бирга ҳамма ўқитувчилар ўз профессионал кичик маданиятларининг ифодачилари бўлиши шарт эмас. Бунда шу муносабат билан уларнинг профессионал ва шахсий ўзаро алоқалари айнан қандай кечаётганлиги муҳимдир. Одатда иккита йўл бўлади: кичик маданият ҳамжамияти “оқ қарға”га чидайди ёки кўпчилик ҳолларда уни рад этади ва ўз доирасидан чиқариб ташлайди. Ана шунда бундай педагог ўз кичик маданиятидан кутганлари ва эҳтиёжлари рўёбга чиқа олади-



ган бошқа ҳамжамиятни излашга мажбур бўлади. Камлан-кам ҳолларда ҳамжамият у ёки бу кичик маданият қодаларига мос келмайдиган индивидуалликни тан олади. Ўқитувчиларнинг профессионал кичик маданиятга ижтимоий-психологик омиллар асос бўлади. Унинг миллий, ҳудудий, ижтимоий, тарихий жиҳатлар билан боғлиқ бўлган модификациялари бўлади, шу сабабли унинг хусусиятлари универсал ва таркибан бир хил бўлмайди. Ҳозирги таълим соҳасида инновацион таълим маконини ва хилма-хил социал-маданий муҳитни лойиҳалаш вазифалари долзарб бўлиб турибди. Ривожланаётган кичик маданиятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олмасдан туриб, улар ижтимоий маданиятининг тснг ҳодисалари сифатида ўзаро алоқа қилиши учун шароит яратмасдан туриб, бу вазифаларни ҳал этиб бўлмайди.

## СУБЪЕКТИВЛИК

Антропологик психологиянинг (одам психологиясининг) асосий категорияси бўлиб, реал одам мавжудлигининг, одамнинг бевосита ўзи яшашининг умумий принципини белгилаб беради.

Одам реаллигининг тузилиш шакли ва усули сифатида субъективлик одамнинг ўз ҳаёти ва фаолиятига нисбатан амалий (ўзгартирувчилик) муносабатига кириш қобилиятида намоён бўлади ва рефлексияда ўзининг олий ифоласини топади.

Субъективликнинг келиб чиқиши ва қарор топиш манбаи онтогенезда жонли мавжудотлар ҳаёти ва фаолияти механизмлари тубдан ўзгариши билан, одамнинг ўз ҳаёти ва фаолиятини амалий ўзгартириш предметига айлантириш қобилияти пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу жонли табиатдаги шундай муҳим бурилишдирки, унда жонли тизимлар ўзини ташкил этишининг умумий хоссаси ўзини назорат қилиш механизмига ўрин бўнатиб беради. Бунда биринчи марта ўз-ўзига муносабат пайдо бўлади, “ўзлик”, *субъективлик* қарор топади, бу эса вақти келиб одам индивидининг ўз ҳаётининг ҳақиқий *субъектига* (мустақил тасарруф этувчисига) айланишига имкон беради.

Одам субъективлиги қарор топиши учун табиий ва ижтимоий, социал ва биологик, энг аввало, асос (материал)дир, яшаётган одам улардан мутлақо янги, қандайдир учинчи нарсаги - ўзи-

га қарши турувчи (унинг ичидаги эмас) ўзининг табиийлигини ва ўзига қарши турувчи ўз ижтимоийлигини ўзлаштиришига (ўзиникига айлантиришига) ёрдам берадиган нарсани қуради.

Бу ҳамиша конкрет-тарихий - бошланғич асосларини ўз ҳаёти ва фаолиятига асл инсоний, амалий муносабатни таъминлайдиган қандайдир қобилиятлар мажмуига айлантириш йўли - *одам ички дунёсининг*, унинг ўзлигининг, *“ўзи учун” бўлишдан* иборат имманент қобилиятли субъективлигининг қарор топиш йўлидир.

Одамнинг субъективлигини ўрганган вақтда детерминациянинг уч турини - *сабабли, мақсадли ва қадриятли* турини махсус равишда киритиш ҳамда доимо ҳисобга олиб бориш керак. Фақат ана шу учта координаталарда субъективликнинг ривожланиш жараёнини батамом адекват қайта тиклаш ва шу тариха уни тушуниш имконияти пайдо бўлади.

Ҳозирги замон одамшунослиги шуни кўрсатадики, одамнинг, унинг субъективлигининг, бутун психологик тузилишининг ривожланиши - бир вақтнинг ўзида ҳам табиий, ҳам сунъий жараёндир. “Ривожланишнинг” табиий ташкил этувчиси учун уни анъанавий тарзда “жараён” деб аташни сақлаб қолиш, сунъий ташкил этувчиси учун эса - “ажратиш фаолияти” деган махсус белгини киритиш мумкин. Ривожланишни *жараён* ва фаолият сифатида тасаввур қилиш муайян қадрият асослари, мақсад йўналишлари ҳамда вақт интерваллари доирасида одам реаллигида юз берадиган, тарихий (биографик) ўзгаришлар континуумини тасвирлаш учун деярли етарли бўлади.

Бу ўринда ривожланишнинг ўзини икки хил: жараён схемаси бўйича (погоналар, даврлар, босқичларнинг вақт жиҳатидан кетма-кетлиги сифатида) ва фаолият структураси бўйича (унинг усуллари ва воситаларининг йиғиндиси сифатида, бунда бири кетидан иккинчисининг келиши вақт детерминациясига эмас, балки мақсад детерминациясига эга бўлади) кўрсатиш мумкин. Лекин ривожланиш тўғрисидаги алоҳида, учинчи тасаввурни, яъни ривожланаётган нарсанинг *тубдан структуравий ўзгариши* ҳақидаги тасаввурни киритиш керак.

Бунда одам субъективлиги яшашининг алоҳида - *маънавий* - реаллигига чиқиш ва унинг қарор топишининг алоҳида - *қадриятли* - детерминанталарини излаш зарур. Фақат ана шундан биринчи марга ўлароқ ривожланиш ҳақида (унинг учинчи маъносида) - *ўзини ривожлантириш*, яъни одам ўзининг ўзлигини

ривожлантириши сифатида - сўз юритиш мумкин бўлади. Одам реаллигининг ҳаммага яхши маълум бўлган рамзлари, яъни ички дунёси, индивидуаллиги, субъективлиги, ўзлиги одамнинг ўз индивидуал ҳаёти доирасида маънавий қарор топишининг асослари ва шароитларини излашда калит бўлади.

Таълим субъектив реалликнинг тарихий замон ва маданий маконда қарор топиши ҳамда ривожланишининг умумий шакли деб ҳисобланса, таълим жараёнлари ва тизимларини одамни ривожлантириш вазифалари ва қадриятларига мувофиқ аниқ мақсадни кўзлаб лойиҳалаш мумкин бўлади.

## СУБЪЕКТ ТАЖРИБАСИ

Алоҳида олинган одам ҳаёти ва фаолиятининг уни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, муомалада, турли хил фаолият давомида орттирилادиган ва рўёбга чиқариладиган тажрибаси.

Унда аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш, шунингдек одамлар ва буюмлар дунёси билан стихияли ўзаро алоқага киришиш натижалари гавдаланган бўлади. Субъект тажрибасининг иккала манбаи онтогенез жараёнида мазмун ва функциялар жиҳатидан ўзгаришларга учрайди, аммо мустақил ва шахс учун аҳамиятли бўлиб қолаверади. Тажрибанинг иккала манбаини мувофиқлаштириш таълимда шахснинг мукамал ривожланишини таъминлаш учун керак.

Таълим жараёни социал-маданий намуналар сифатида бериладиган *ижтимоий тажрибанинг* ҳар бир субъект ҳаёти ва фаолиятида бор бўлган *индивидуал* билан ўзига хос учрашувидир. *Бериладиган тажриба билан бор бўлган тажрибанинг* ўзаро нисбати ўзгарувчан бўлиб, уларнинг мазмунини эътибор билан таҳлил қилишни талаб этади.

Ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчидир, бирдай даражада субъект тажрибасининг ифодачилари педагогик алоқада таълим жараёни ҳар бир иштирокчисига субъект сифатида хос бўлган тажрибанинг хусусиятлари алоҳида ажратилмоғи керак, токи бу муомаланинг мазмуни самарали бўлсин. Субъект тажрибасига қуйидагилар қиради:

- предметлар (билиш ва фаолият предметлари), тасаввурлар, туншунчалар;

- ҳаракатларни (ақлан ва амалда) бажариш операциялари, усуллари, қоидалари;
- эмоционал кодлар (шахсга боғлиқ маънолар, қадриятлар, қоидалар, стереотиплар).

Мана шу таркибий қисмларнинг ҳаммаси турлича, аммо муқаррар равишда ўзаро боғлиқ ҳолда гавдаланиши мумкин. Субъект тажрибасининг структураси унга кирадиган унсурларнинг ўзаро нисбати билан, уларнинг иерархияси билан белгиланади. Субъект тажрибасининг билишдаги функцияси шундан иборатки, ушбу тажриба нуқтаи назаридан, ўзига хос танлов орқали ахборотни қабул қилиш тартибга солинади, дунёни индивидуал кўриш таъминланади.

Субъект тажрибасида шахснинг биографияси, турли таъсирлар (оилавий, миллий, ижтимоий-маданий таъсирлар), шахс кундалик ҳаёти ва фаолиятининг ҳамда уни ўраб турган дунё билан ўзаро муносабатларининг натижалари акс этадики, бу ҳол билиш жараёнини ушбу дунёни шахс учун аҳамиятли тарзда тушуниб етишга айлантиради. Субъект тажрибасида дунёга қадрли муносабатда бўлиш қайл этилади ва ҳар қандай муносабат сингари у ҳам доимо эмоционал бўёқларга эга бўлади. Таълим жараёнлари субъект тажрибасига таяниши керак.

Ушбу жараёнларни лойиҳалаш субъект тажрибасини аниқлаш ва ҳисобга олишни талаб қилади, чунки унда ҳар бир ўқувчи фаолиятининг инструментал мазмунигина эмас, шу билан бирга, эмоционал ҳаёт тажрибаси ҳам қайд этиладики, уни ўзлаштириб бўлмайди, уни бошдан кечириш керак.

Боланинг субъект тажрибаси билан ишлаш таълим жараёнида мезон сифатида қадрланиши керак.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНING МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Миллий истиқлол ғояси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсадларини ифода этадиган, унинг ўтмиши билан келажак гини боғлайдиган, унинг асрий орзу-умидларига етишишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Миллий истиқлол ғояси:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, миллий ва

умуминсоний қадриятларга, демократия принципларига асосланади;

- халқнинг асрлар давомида шаклланиб келган юксак маънавиятини, унинг анъаналари ва одатларини, буюк ажлларимизнинг умрбоқий меросини ўз ичига олади;
- эзулик, адолат ва ҳақиқат, озодлик ва мустақиллик ғояларини, халқ ишончи ва эътиқодини ифодалайди;
- Ватаннинг гуллаб-яшнашига, Ватанда тинчлик таъминланишига, халқ фаровонлиги ошишига хизмат қилади;
- жамиятнинг ҳамма аъзоларини, барча аҳоли қатламларини миллий ғоя - Ўзбекистоннинг буюк келажаги мақсадларига эришишга сафарбар қилади;
- миллатидан, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарола миллий ифтихор ва қадр-қиммат туйгуларини, Ватанга муҳаббатни, ўзаро ҳурматни, мустақиллик ғояси ва демократияга садоқатни тарбиялаши керак;
- маърифатпарварлик орқали жамоатчилик онгида таракқиёт, эрк ва миллий истиқлол ғояларини шакллантиради.

Миллий истиқлол ғояси - ҳар бир ватандошимиз, унинг оиласи, бутун жамият учун Ватан олдидаги бурч ва масъулиятни бажаришнинг маънавий мезонидир.

Миллий мафкура ҳақида гапирганда шунини эсда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси плюрализмни, фикрлар ва дунёқарашлар эркинлигини тўла таъминлайди. Бу эса Ўзбекистонда иш олиб бораётган биронта партия, ҳаракат ва ижтимоий-сиёсий гуруҳнинг дастурий ғоялари ҳукмрон бўла олмаслигини аңглатади.

Миллий истиқлол ғояси социал феномен-ижтимоий ҳодиса бўлиб, турли сиёсий партиялар ва ижтимоий гуруҳларнинг мафкурасига нисбатан этакчи мафкурага айланади. Унда бирон-бир дунёқараш абсолют даражасига кўтарилмайди ва у ўзгача фикрлашни бостириш мақсадида сиёсий қуролга айланмайди.

Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий таракқиётига хизмат қилади, бутун халқнинг, барча сиёсий партиялар, гуруҳлар ва ҳаракатларнинг манфаатларини, яъни:

- мамлакат мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш ва мустаҳкамлашни;
- Ватанда тинчликни таъминлаш, давлатни ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, ахборий ва бошқа хатарлардан ҳимоялашни;

- мамлакатда фуқаролар ва миллатлар ўртасида тотувликни, ижтимоий барқарорлик муҳитини қарор топтиришни;
- ҳар бир оиланинг ва бутун халқнинг бахт-саодатга эришиш;
- жамиятда адолат принципи, демократия, ўзини ўзи бошқариш асослари ҳукмрон бўлишини билдиради.

Истиқлол гоёси умумхалқ гоёсига айланиши учун у куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ўзида одамлар онгига ижобий таъсир кўрсатадиган фикрлар ва гоёларни гавдалантириши, гуманистик ҳаётий идеалларни ўз ичига олган бўлиши керак;
- фуқаролар, халқ ва жамиятни бирлаштирадиган куч, эътиқод ва ишонч манбаи бўлиши керак;
- илгор гоёларни ўзига сингдириши ва ғайриинсоний қарашларни инкор этиши керак;
- ўз мақсадларига етишиш учун дунёда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги мафқуравий воситалар билан қуролланиши керак.

Миллий истиқлол гоёси ана шу талабларга жавоб берганидагина куйидаги асосий вазифаларни бажаришга қодир бўлади:

- фуқароларнинг ёт гоёлардан мустақил дунёқарашини ва эркин тафакқурини, прогрессив ижтимоий онгни шакллантириш;
- ижодий, эркин фикрлайдиган, ўз билимлари ва кучларига ишонадиган шахсни тарбиялаш;
- одамларнинг, айниқса ёшларнинг, юксак озодлик ва тараққиёт идсалларига ишончини мустаҳкамлаш, чинакам гуманистик эътиқодлар мустаҳкамланишига хизмат қиладиган юксак ахлоқий муҳитни яратиш;
- ватандошларимизнинг ўзлигини англаши, айниқса миллий ифтихор ва кадр-қиммат туйғулари, тарихий хотирага садоқат, ватанпарварлик, муқаддас қадриятларимизга авайлаб муносабатда бўлиш туйғулари ўсишига ёрдам бериш;
- халқда ор-номус ва ҳалоллик, саҳийлик, камтарлик ва бошқа шу каби ахлоқий фазилатларни ривожлантириш;
- кўпмиллатли халқимиз онгида “Ўзбекистон - умумий Ватанимиз” деган эътиқодни шакллантириш ва ривожлантириш.

Ана шу вазифаларни бажариш ижтимоий муносабатлар уйғунлашувига хизмат қилади, даврнинг тобора ошиб бораётган талаб

ларига жавоб беришга қодир бўлган мутлақо янгича типдаги шахснинг шаклланишини таъминлайди.

## ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Шахсга йўналтирилган педагогиканинг принципи; умумий мақсадга эришиш йўлида болаларнинг ўзаро алоқа қилиш, болалар билан катталарнинг алоқа қилиш жараёни. Бундай фаолиятда иштирокчиларнинг (шерикларнинг) ижодий қобилиятлари ва имкониятлари тўла-тўқис амалга ошади. Улар бир-бирларини тўлдириб, ривожланишда сифат жиҳатидан янги даражага қўтарилади-лар.

Камдан-кам ўқитувчилар ўқувчилар билан ҳамфикрликка эришишга ҳаракат қилиб, ўқиш жараёнида ижодий ҳамкорлик потенциалидан фойдаланадилар. Бу ҳамкорлик, коюда тариқасида, ўқитишнинг турли гуруҳ шаклларида, тенгдошлар гуруҳларида ҳам, ҳар хил ёшлилар гуруҳларида ҳам пайдо бўлади. Бунда қўйилган мақсад ва вазифалар шу гуруҳ бажара оладиган бўлиши ва ҳар бир ўқувчи ўз ўртоқларининг манфаатларини камситмаган ҳолда, ўз қобилиятларини намоён этиш имконига эга бўлиши (ёки реал имкониятлар даражасини кўрсатиши) керак.

Натижада ўқувчиларда ўзларининг ижодий қобилиятларини кўркмасдан кўрсатиш ва улардан фойдаланиш ҳамда эркин ривожланиш имкони пайдо бўлади.

Ижодий ҳамкорлик ҳар хил ёшлилар гуруҳларида янада самарали кечади, чунки уларда бошқалардан кўра ёмонроқ бўлиш деган кўрқув йўқолади ва кимдир ношудлик қилгани учун унинг устидан кулиш имконияти камаяди, зеро кичик бўлиш уят эмас, катта бўлиш эса - ҳамма вақт масъулиятлидир. Бундай гуруҳларда ижодий ҳамкорлик таълимнинг (ўқитишнинг) ҳамма субъектларига, ёшидан тортиб энг каттасигача, шу жумладан, ўқитувчигача, ривожланиш имконини беради, чунки тушунтирувчининг ўзи ўқув материални янгича тушуниши мумкин, бунда ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида пайдо бўладиган бир-бирини тушуниш эса ҳар бир одамнинг ижодий қобилиятлари ривожланишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, фақат ижодий ҳамкорлик ва пайдо бўлган норасмий муносабат натижасидагина ўқитувчи билан ўқувчилар

бир-бирларини тушуниш даражасига этишлари, ўзларини эркин намоён этишлари ва бир-бирларини чуқурроқ билишлари мумкин. Зеро, Экзюпери айтганидек, энг муҳим нарсани кўз билан кўриб бўлмайди. Биз ўзимизни билганчалик яхши биладиган одамларгагина, бизни ўзига ўргатиб олган ва биз ўзимизга ўргатиб олганларгагина ўрганишда ёрдам беришимиз мумкин.

## ТОЛЕРАНТЛИК

Толерантлик (багрикенглик) - бу дунё маданиятларининг ғоят хилма-хиллигини, ўзини ифодалаш шакллари ва инсон индивидуаллигининг кўринишларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишдир. Толерантлик - бу “бирлик хилма-хилликда” деган принципни амалга оширишдир. Толерантлик шаклланишига ва қарор топишига билимлар, аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш, очиклик, мулоқот ҳамда фикр, виждон ва эътиқодлар эркинлиги ёрдам беради.

Толерантлик ҳозирги дунёда айниқса муҳимдир. XXI аср - икти-содиётнинг глобаллашуви ва тобора кўпроқ ҳаракатчанлик, коммуникация, интеграция ва бир-бирига боғлиқлик тез ривожланиб бориши, йирик кўламдаги миграциялар ва аҳолининг бир жойдан бошқа жойга кўчиши, урбанизация ва социал структураларнинг ўзгариши асридир. Бундай шароитда сабрсизлик кўринишлари ай-рим давлатлар билангина чегараланиб қолмайди, улар глобал рухда бўлади.

Жамиятнинг ҳар бир фуқароси, ижтимоий гуруҳлар, партия ва ҳаракатлар, уларга нисбатан давлат, шунингдек давлатлар ҳам ўзаро багрикенглик бўлишлари керак. Бу тушунча ва уни амалга ошириш догматизмдан, ҳақиқатни абсолютлаштиришдан ва уни монополия қилиб олишдан воз кечишни, универсал ҳуқуқлар ва одамнинг асосий эркинликлари соҳасида қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган нормаларни қарор топтиришни англатади.

Шу билан бирга толерантлик ижтимоий адолатсизликка чидаб туришни, ўз эътиқодларидан воз кечишни ёки бошқаларнинг эътиқодларига ён беришни билдирмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир одам ўз эътиқодларига амал қилишда эркин бўлиб, ўзгаларнинг шундай ҳуқуқини ҳам тан олади.

Диний толерантлик (чидамлилиқ) ғояси халқ ҳаётида ҳам



дўстлик ва тотувлик муҳитини яратишга ёрдам беради, турли динларга эътиқод киладиган, бир заминда, бир Ватанда яшайдиган одамларнинг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқиши йўлидан илгариллаб боришни таъминлайди. Қадим-қадим замонлардан буён динлар энг муҳим ахлоқий қадриятларни ўзида мужассам этган. Миллат ва элатлар ҳаётининг хусусиятлари қадимдан динларнинг хусусиятларида акс этиб келади.

Шу билан бирга ҳамма динлар муқаддас гоёларга асосланади, одамларнинг яхшилик, тинчлик, дўстлик, меҳр-мурувват каби фазилатларига таянади, ҳалолликка ва қалбнинг поклигига, бағрикенгликка чақиради.

Ҳозир мамлакатимизда ўндан ортиқ конфессияга мансуб диний ташкилотлар иш олиб бормоқда. Улар ўз фаолиятлари билан шуғулланишлари ҳамда кўпмиллатли халқ ҳаётида иштирок этишлари учун шароит яратилган. Ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда акс этирилган. Барча динларнинг қавмларига дўст бўлиб, бир-бирларини тушуниб яшаш ҳамда мамлакатимиз буюк мақсадларга эришишида қатнашиш имконияти берилган.

## ТРАНСФИНИТЛИК

“Трансфинитлик” (trans - чегарадан ташқарида, finitus - чекланган) атамаси “яратилган табиатда” актуал чексиз мавжудлигини ифодалаш учун киритилган, одамнинг индивидуал онгида актуал - чексизнинг гавдаланиши ҳодисасини тасвирлашга йўл очар эди.

Трансфинитлик ҳақидаги тушунчаларга *потенциал ва актуал чексизликни* фарқлаш асос бўлади.

Потенциал чексизлик у ёки бу ҳаракатланиш схемаси мутлақо чексиз (тугамаган ҳолда) такрорланиши мумкинлиги билан ажралиб туради. Потенциал чексизга қуйидагилар мисол бўла олади: тугалловчи унсури бўлмаган ҳисоб, деб қабул қилинадиган фазода ва замонда охири йўқ фикран ҳаракатланиш ва бошқалар.

Актуал чексизлик, аксинча, ички тугаллиги, амалга ошганлиги, уни ҳосил қилувчи барча унсурларнинг бир вақтда мавжудлиги билан ажралиб туради.

Онгда актуал-чексизнинг мавжудлик шаклларида бири *ту-*

*шунчадир.* Ҳар бир тушунча чексизликдир, чунки ўзида охири бўлмаган кўплаб тасаввурларни бирлаштиради. Шу билан бирга тушунча ўзининг муайянлиги ва фикрлашга мансублиги билан мавжуд бўлиб, бу унга актуал чексизлик мақомини беради.

Трансфинитлик анъанавий таълимнинг ҳал қилувчи қадрияти деб ҳисобланмас эди. Бироқ шахсга йўналтирилган таълим учун трансфинитликни тушуниб етиш принципиал аҳамиятга эга, чунки у одамнинг *ноёб тажрибаси* (яъни, унга ва фақат унинг ўзига очиладиган нарсанинг - *яққанинг* тажрибаси), шунингдек *биргалликдан* тажриба (яъни, одамга бошқалар билан бир қаторда баъзи ижтимоий жамоа чегараларида очиладиган нарса) ва *универсал* тажриба (яъни уруг вакили бўлган одамга очиладиган нарсанинг - *умумийнинг* тажрибаси) ўз-ўзидан аҳамиятли деган ғоядан келиб чиқади.

Одам трансфинитликни бошидан кечириши асосидагина ўзининг дунёда борлиги яхлит эканлигини, ўзининг МЕНи ҳақиқийлигини ҳис қилиши мумкин.

## ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ

Ўзбекистон - улкан имкониятлар мамлақати. У битмас-туганмас табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга эга. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар, истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон - ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Бу йўл чет элда ҳам давлат ва жамият қурилишининг “ўзбек модели” деб тан олинган. Моделнинг моҳияти жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион, тадрижий, мантиқий тарзда ўзгартиришдан иборат.

Истиклолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Унга тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси асос қилиб олинди, халқимиз бошидан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, шунингдек, халқимизнинг турмуши ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Натижада И.А.Каримов ўзимизга

хос тараққиёт йўлининг қуйидаги бешта асосий тамойилини ишонарли тарзда асослаб берди.

**Биринчи тамойил.** Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иқтисодий ислохотлар бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас, ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафкурадан холи бўлиши лозим.

**Иккинчи тамойил.** Давлат бош ислохотчи. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

**Учинчи тамойил.** Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги. Демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

**Тўртинчи тамойил.** Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

**Бешинчи тамойил.** Бозор муносабатига объектив иқтисодий қонунларни ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

Ушбу тамойиллар ўз тараққиёт йўлимизнинг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламокда.

Тараққиётнинг ўзбек модели халқимизнинг ғоят бой миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталитетига таянгани, айтиш мумкин, вақтда, жамиятни ислох этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани туфайли халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган.

## “ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲА” ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ

“Йўналтирилайдиган лойиҳа” деб аталадиган ўқув дастурлари фаол таълим (ўқиш) хусусиятларини педагогик тадқиқ қилишга

асосланган таълим берувчи усул бўлиб, ўқув жараёни билан боғлиқ вазиятларининг изчил тузилишини назарда тутати. У “таълим-ўқиш-тестлаш жараёнини кун сайин ташкил этиш” учун амалий кўлланмани ўз ичига олади. Бу усул турли ўқув фанларида, шу жумладан фалсафада, педагогика ва илмий фанларда жуда яхши натижалар берди. Ундан ҳозирги вақтда миллатлараро ва кроссмаданий мавзулар ва муаммоларни ўқитишда ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Методика ўқувчиларнинг таклиф қилинган муаммоларни ҳал қилиш керак бўладиган вазиятни баён шаклида тасвирлашга уришиб кўришидан бошланади.

Мисол учун қуйидагича лойиҳани келтириш мумкин. Чунончи, бу лойиҳада ўқувчилардан муҳим сиёсий муаммоларни ҳал қилишга ваколати бўлган қандайдир давлат кўмитасида ўзларининг иштирок этишларини, тасаввур қилишлари сўралади. Лойиҳа бўйича қилинадиган иш қуйидагиларни назарда тутати:

1. 5 - 7 ўқувчидан иборат гуруҳга олдиндан йўл-йўриқ бериш,
2. Индивидуал топшириқлар,
3. Мавзунини тушуниш учун тарихий манбаларни ўқиш ва библиографияни ўрганиш,
4. Индивидуал тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантириш.

Ўқувчилардан берилган вазиятнинг мумкин бўлган ҳамма ечимларини эркин шаклда ва очик муҳокама қилиш сўралади. Мунозара кизиқ борган сари гуруҳга қуйидаги босқичлар орқали узил-кесил ҳал қилишга қаратиладиган йўл-йўриқлар таклиф қилинади:

- муаммони идентификациялаш;
  - ахборотни бирлаштириш;
  - муаммонинг турли жиҳатларини таҳлил қилиш;
  - мумкин бўлган ечимларни генерациялаш;
  - масаланинг ечимига тўсқинлик қилувчи вазиятларни ва унинг ечимини чеклайдиган шартларни белгилаш;
  - муаммони ҳал этиш нуқтаи назаридан истиқболли ечимларни синтезлаш;
  - эришилган консенсус асосида қабул қилинган қарорда гуруҳнинг нуқтаи назарига яқунловчи тушунтириш хати тайёрлаш.
- “Йўналтириладиган лойиҳа” методологияси ўзаро ҳамкорликни, ўзганинг фикрига қулоқ солишни, қимматли устувор фикрларни муҳокама қилишни ва фалсафий фикрлашни рағбатлантиради. Айни вақтда у таклиф қилинаётган тадқиқот лойиҳаларига

жавоб бериш вақтида индивидуал позицияни ривожлантиришга ёрдам беради, бу эса, охир-окибатда гуруҳ учун умумий қарорни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

“Йўналтириладиган лойиҳа” методологияси илмий методикаларни қўллаб ва ҳамкасблар социал аҳамиятга молик натижани биргаликда излаётган ва қўлга киритаётган вақтда демократик воситалардан фойдаланиб, муаммоларни ҳал қилиш бўйича самарали интеллектуал жараён моделини тузиш ва шакллантириш имконини беради.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ РЎЁБГА ОШИРИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ЎРНИ

Жисмоний тарбия ва спорт жисмоний, ахлоқий баркамолликка эришишнинг муҳим омилidir. Спорт иродани, одамнинг мақсадга эришишга интилишини мустаҳкамлайди, қийинчиликларга сабр-тоқат билан чидашга ўргатади, одамда галабага ишонч, Ватанимиз, халқимиз шон-шухратини жаҳон ҳамжамияти олдида улуғлайдиган ютуқлардан фахрланиш ҳиссини тарбиялайди.

Ёш авлодни миллий мафкура асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шубҳасиз, жисмоний ва руҳий саломатликни муҳофаза қилишни ва мустаҳкамлашни, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантиришни назарда тутати. Ёшларда фаол ҳаётий позицияни, маънавиятни, эзгулик ва гуманизм идеалларини тарбиялаш жисмоний тарбия ва спорт воситалари, шакллари ва усулларидан фойдаланишнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи керак. “Соғлом авлодни шакллантириш жараёнларининг моҳиятини, мазмунини ва ҳақиқий аҳамиятини чуқур англаган ҳолда биз бу ишни давлат сиёсати даражасига кўтаришимиз, уни чинакам умумхалқ ҳаракатига айлантиришимиз керак”.

Яқин вақт ичида спорт билан оммавий суратда шуғулланишни таъминлайдиган бир бутун тизимни, болалар ва ўқувчи ёшлар дам олишининг фаол шакллари яратиш ва амалда рўёбга чиқаришга киришишимиз керак.

“Соғлом авлод учун” деган махсус давлат дастурини, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунни амалга ошириш, уч босқичли: «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада»

спорт ўйинларини жорий этиш, болалар ва ўқувчи ёшларнинг жисмоний тарбия-спорт бирлашмаларини ташкил этиш, “Кичкинтой”, “Барчиной” ва “Алпомиш” спорт-норматив комплексларини жорий этиш - булар соғлом авлодни тарбиялаш ишида давлат ва жамият фаолияти йўналишларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Одамлар онгида соғлом авлодни шакллантиришга муносабатни тўдан ўзгартиришни яна ҳам муҳим иш деб ҳисобламоқ керак. Катта авлод болалари ва набиралари билан бирга спорт иншоотларига бориши удумга айланиб бормоқда. Шунинг оқибати ўлароқ, спортчиларимиз халқаро майдонларда тобора катта ютуқларни қўлга киритмоқда, ёшларни спорт-жисмоний тарбия ҳаракатига жалб этиш кўлами кенгайиб бормоқда.

## МАФКУРАНИНГ ФАЛСАФИЙ, ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ АСОСЛАРИ

Ғоялар ўзининг вазифаси ва моҳияти жиҳатидан фалсафий, дунёвий ва диний таълимотлар асосида яратилади. Турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратиш чоғида сиёсий ғоялар билан бир қаторда, диний оқимлар, фалсафий мактаблар ва фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Мафкуранинг фалсафий илдиэлари ҳақида гап борганида, унинг, фалсафа фанининг хулосаларига қандай асосланиши назарга тутилди. Бу ўринда, хусусан, Европа халқларини мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бири Уйғониш даврида ва ўрта асрларда ўз миллий давлатчилигини қарор топтирар экан, ўзига хос сиёсий ғояни яратган. Бу ғоялар Рим империяси парчаланиб кетганидан кейин халқларнинг ўзига хос кадриятлари, менталитети негизда пайдо бўлган миллий фалсафий мактаблар ва оқимлар асосида шаклланди. Шу сабабли ўша даврдаги итальян, инглиз, француз, немис фалсафаси жамиятни жиқслаштиришга хизмат қилган.

Ғоянинг дунёвий илдиэлари маърифатли дунёга хос сиёсий, иқтисодий, социал, маданий муносабатлар мажмуидан иборат. Асрлар мобайнида инсоният дунёвийликка интилиб келган. Қонуннинг устуқлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, диний толсрантлик каби умумий қабул қилинган принциплар дунё-

вий жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизини ташкил этади. Бу жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, хусусан, виждон эркинлиги қонун билан кафолатланади. Бундай жамият гоёси “дунёвийлик динсизлик дегани эмас” деган тушунча асосида ривожланади, яъни у диннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ахамиятини инкор этмайди.

Мафқуранинг диний иллизлари ҳақида гапирганда, унинг динга ишонадиган одамнинг онги ва руҳий ҳолати билан яқин алоқаси назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, кўпгина гоёларда “Таврот”, “Инжил”, “Қуръон” ва бошқа муқаддас китобларда баён этилган олижаноб диний гоёлар маълум даражада ўз аксини топади.

Дунёвий ва диний гоёлар бир-бирини бойитган тақдирда жамият ўз тараққиётига юксак даражага кўтарилмига қодир. Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотрудий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий ва Ибн Сино, Имом Термизий ва Абу Наср Форобий каби буюк, ўткир зехнли мутафаккирлар янаб, ижод қилган давр бунга ишонarli далил бўла олади.

Ушбу жараён прагматизм - дунёвий ҳамда диний гоёлар билан йўғрилган амалий фалсафа, экзистенциализм - мавжудлик фалсафаси, неопозитивизм, неотомизм ва бошқа таълимотлар мисолида ҳам кузатилади.

Илмий кашфиётлар мафқуранинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Ҳозирги фаннинг, масалан, космонавтика, кибернетика, информатика, ген муҳандислиги соҳасидаги фан ютуқлари, биоклонлаш устидан олиб борилаётган муваффақиятли тажрибалар ва бошқа кашфиётлар одамларнинг дунёқарашини сезилarli даражада ўзгартирмоқда.

Айни вақтда, фан-техника тараққиёти, гарчи одамнинг асло тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятларига ишончли оширса-да, бироқ, иккинчи томондан, умумбашарий муаммоларни чунончи, Хиросима ва Нагасаки, Чернобил фожиалари, оммавий қиргин қуроллари ва экологик фалокатлар, маънавий тубанлашнинг ва шу қабиларни келтириб чиқармоқда.

Асрлар давомида кўпгина авлодларнинг бебаҳо бойлиги сифатида шаклланиб келган одатлар, удулар ва байрамлар ҳам миллий истиқлол гоёларини амалга оширишнинг қудратли омилидир. Янги байрам ва маросимлар: Мустақиллик, Наврўз байрамлари, Ўқитувчи ва мураббийлар, Хотира ва кадрлаш кунидан

оқилона фойдаланиш кенг имкониятлар яратади.

Миллий гоёни рўёбга ошириш жараёни узлуксиз таълим тизимларини, кўпроқ халқ педагогикасида, удумларида, байрамларда, ўйинларда ва шу қабиладарда ўз аксини топган прогрессив миллий, маънавий-ахлоқий кадриятлар ва нормаларни қайта тиклаш, ривожлантириш ҳамда ҳозирги ҳаётга, ўқув-тарбия ишларида жорий этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Оила - жамиятнинг бирламчи бўғини бўлиб, кўп асрик анъаналарга, одатларга, асосларга амал қилиб яшайди. Оила халқ учун ишончли таянчдир, унинг маънавияти ва ахлоқининг ўчоғидир.

Миллий ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос модели бўлган, асрий анъаналар, одатлар ва удумларга таянадиган маҳалла муҳим таъкилий-тарбиявий вазифаларни бажармоқда. Маҳалла ҳамжамиятида ижтимоий онг оқсоқоллар, катталарнинг шахсий намунаси, коллектив хулқ-атвор нормалари орқали бойиб боради.

Меҳнат жамоалари одам умрининг каттагина қисми ўтадиган, унинг ижтимоий ва шахсий мақсадлари, ҳаётга қарашлари шаклландириладиган ижтимоий-ахлоқий муҳитдир. Меҳнат жамоалари - одамларда жамиятга мансублик руҳи, меҳнатсеварлик, профессионализм, адолат ҳисси, ютуқлардан биргаллашиб қувониш ҳамда муваффақиятсизлик аламига шерик бўлиш ҳисси тарбияландиган жойдир.

Сийсий партиялар (ҳаракатлар, кенгашлар, фуқароларнинг жамоат бирланмалари ва шу қабиладар) фикрлар ва қарашлар эркинлигига, ҳаёт тажрибасидан ўтган либерализм мезонларига асосланган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган.

Мамлакатимизда иш олиб бораётган нодавлат ташкилотлар мафкуравий жараёнда фаол катнашишлари керак. Ана шу маънода Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, Маърифатпарварлар жамияти, Оила маркази, Файласуфлар илмий жамияти, Жамоатчилик фикри маркази ва бошқаларнинг роли катта.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришда, халқ, биринчи навбатда ёш авлод онгига миллий истиқлол гоёсини сингдиришда алоҳида роль ўйнамоқда. Улар маънавий-маърифий ислохотларни амалга ошириш жараёнида сама



рали восита бўлиб, бу соҳала пайдо бўлаётган масалаларни оператив ёритмоқда ва кўтариб чиқмоқда.

“Тўртинчи ҳокимият” ҳисобланувчи оммавий ахборот воситалари ўз фаолият давомида турли фикрлар ва қарашларнинг эркин ифода этилишига кенг йўл бериб, ижобий янгиликларни қабул қилиш ва ҳаётга жорий этиш зарурлигини англаш ҳиссини уйғотди, объективлик ва ҳаққонийлик принципларига таянади.

Айнан оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятлари ва идеалларини ривожлантиришлари, ёшлар онгини шакллантириш борасида фаол иш олиб боришлари керак. Мустақиллик ва демократия гояларини, янги социал қадриятларни тарғиб қилиш улар фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб қола олади.

## МАФКУРАНИНГ МАҚСАДЛАРИ

Тарих шоҳид: инсоният тараққиётининг турли босқичларида турли мақсадларни қўйган ва уларни хилма-хил воситалар, айниқса, мафкуравий воситалар билан ҳал қилиб келган. Таълаб олинган миллий гоя турли миллат ва элатларнинг вакиллари бўлган миллионлаб одамлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда, ижтимоий онгни шакллантиришнинг қудратли омилига айланмоқда. Прогрессив гоянинг йўқлиги одамни, жамиятни, давлатни тараққиёт йўлидаги стратегик мақсаддан маҳрум қилади.

Прогрессив гоя қўйидаги асосий мақсадлардан иборат бўлади:

- шахс, давлат ва жамият муносабатларига уйғунлик бағишлан;
- прогрессив ижтимоий онгни шакллантириш;
- маънавий бой ва ахлоқан муқаммал, мустақил дунёқарашга ва мустақил тафаккурга эга бўлган, ажлодларимизнинг бебаҳо меросига ва умуминсоний қадриятларга таянган, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялан;
- фуқароларда миллий ифтихор ва қадр-қиммат, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялан;
- олижаноб миллий гояга этишнинг учун жамиятни сафарбар қилиш;
- жамиятда, ҳар бир фуқарода тараққиётнинг стратегик мақсадларига эришишга ишонин ва ишонч ҳиссини шакллантириш;
- миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналар ва одатларни, умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва бойитиш;

- мафкуравий иммунитетни шакллантириш;
  - реал амалий ҳаракатлар дастурига айланиш.
- Мазкур асосий мақсадлар амалга оширилган тақдирдагина гоյ ижтимоий гоյнинг амалга оширилишига ёрдам берали.

## ҚАДРИЯТЛАРНИ БИЛИШ

Қадриятларни билиш - шахснинг интилишлари тизими, шуниингдек бу интилишнинг хусусияти, идеаллар, ҳаёт ва фаолиятнинг мазмуни ҳақидаги тасаввурларнинг юқори даражаси бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳар бир одамнинг фаоллигига асос бўлади ва унинг ўз фаоллигининг ички манбаини ташкил этади. Анъанага кўра, қадриятларни билиш деганда, воқеликни шахс учун аҳамиятли тарзда баҳолаш билан ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий аҳамиятли интилишнинг мазмуни деб тушунилар эди. Бироқ қадриятларни билиш ҳақидаги бундай тасаввур иккита гоёт муҳим фазилатидан - ички сабабга кўра ўзини баҳолаш билан замондаги ўзгарувчанлигидан маҳрум эди.

Қадриятларни билиш субъектнинг тажрибасини муайян социумда мавжуд бўлган маънавий ва маданий намуналар билан таққослаш асосида вужудга келали ҳамда одамнинг янашдан мақсадларини, ҳаётда кўзлаган ва афзал кўрган нарсаларини, зарурият ҳақидаги тасаввурларини ҳамда эстетик дидини конкрет тушунишни ифодалайди.

Шахс қадриятларни билишининг динамикаси билан боғлиқ муаммо шахснинг (ёш ҳамда стук ёшдаги одамнинг) ривожланишини психология-педагогика нуқтаи назаридан тушунтириш учун, индивид ҳаётидаги танглик даврларини амалий тарзда енгини жараёнларини тушуниш учун муҳимдир. Бу жараёнларга *шахсий қадриятларни қайтадан аниқлаш* асос бўлади.

Қадриятларни билиш динамикаси фактини эътироф этиш қуйидагилар учун муҳимдир:

- таълим тизимларидаги барча субъектларнинг ўзлигини белгилани ва ўзини рўёбга чиқариши механизмларини тушуниш учун;
- педагоглар фаолиятида янги маъноларни танлаб олишнинг психологик механизмини тушунтириш учун (бу таълим соҳасидаги ислохотлар шароитида айниқса долзарб);

- болаларнинг социал, маданий, ахлоқий қадриятларни ўзлаштириб олинишга ёрдам берувчи оптимал психологик шароитлар яратиш учун;
- ниҳоят, шаҳсга йўналтирилган педагогика аксиологиясида ахлоқий жиҳатдан жуда муҳим бўлган қабул қилиш, ўз-ўзини қабул қилиш, ўзини қадрлаш, ўзгаломинантлик принципларини амалга ошириш учун.

Қадриятларни билиш динамикасининг муҳим унсури турли қарама-қарши маънолар ва мазмунлар ўртасидаги *қадриятлар зиддиятидан* иборатдир. Бунда шахснинг турли қадриятларни қарама-қарши қўйиши юз береди ёки унинг қадриятлари, эски ва янги тажрибаси ҳамда янги бошланган фаолияти бир-бирига мос келмай қолади. Қадриятлар зиддиятини шахс қарорни ва қабул қилиш қийинчилиги сифатида бондан кечирилади ва англайди. У одам томонидан қадриятни билиш фаолияти (ўзидан қаноатланмаслик ҳиссини бондан кечириш, қадриятларни англаш ва таққослашни актуаллаштириш, янги фаолият тажрибасида янги қадриятларни билишни амалга ошириш воситаларини топиш) жараёнида ҳал қилинади. Шундай қилиб, қадриятларни билиш шахснинг ўз динамизми ва очиклиги даражасининг ифодасидир. Қадриятларни билиш иерархияси муайян ижтимоий-маданий *турдаги шахсни* шакллантиришга таъсир кўрсатади. Ўхшашлик асосида, - қадриятлар иерархияси умуман муайян *турдаги таълимни* (таълимнинг ўз мазмуни ва фалсафасини ҳам, унинг субъектларининг онгини ҳам) шакллантиришга таъсир кўрсатади. Қадриятли таълим тури педагогик фаолиятининг маъноларини у ёки бу тарзда тушунишга асос бўлади, педагоглар қадриятларни билишининг структураси ва мазмунига таъсир кўрсатади.

## ҚАДРИЯТ

Бу тушунчани илмий муомалага И.Кант ахлоқийлик (эркинлик) соҳаси билан табиат (зарурият) соҳасини қарама-қарши қўйиш чоғида киритган. Бир томондан, зарурият тўғрисидаги, қадриятлар ва нормалар тўғрисидаги тасаввурлар билан иккинчи томондан, мавжудот тўғрисидаги, буюмлар дунёси тўғрисидаги, бор нарса тўғрисидаги тасаввурлар ўртасида фарқ бор. Зарурият

дунёси бамисоли мавжудот, демак шубҳасиз борлик дунёсини яхлитлик ва тизим даражасигача қуриб охирига стказади, шу сабабли ҳаракат, Кант фикрича, зарурият таркибига киритилмас экан, унинг бўлиши мумкин эмас.

Бирок норма ва қадриятлар ҳаракатларни бошқарибгина қолмайди. Ҳар қандай қадрият - ўз ҳолича мақсаддир, унга унинг ўзи учун интиладилар, чунки у - идеал бўлиб, ҳар қандай нормаларнинг яратувчиси бўлган танқидий онг унинг манбаидир.

Қадриятни билиш, уни фикран мушоҳада қилиш ва бошдан кечириш ҳисларга, энг аввало севги ва яхшиликка, ҳақиқатга ва гўзалликка интилиш каби асосий ҳисларга асослангандир. Масалан, М.Шелер фикрича, қадриятни ҳар қандай билиш афзал кўриш ходисаси бўлиб, унинг интуитив аёнлигида қадриятларнинг “даражалари” аниқланади: қадриятлар “бўлинишга” қанча кам дахлдор бўлса, қадриятлардан қаноатланиш ҳисси қанча чуқур бўлса, улар шунча юқори бўлади. Ана шу маънода, одамнинг ўткинчи майллари ва эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, ҳаммадан кўпроқ “бўлинадиган” “ёқимли” ёки “моддий нъмат” ҳисобланувчи қадриятларнинг умри ҳаммадан қисқа.

Одам доимо муқобил қарорлардан бирини *танлаш* вазиятида бўлар экан, бундай танловнинг *мезони қадрият* ҳисобланади. Агар конкрет фаолиятга кўпинча вазият сабаб бўлса, қадриятларни социал ва маданий ҳаёт шароитлари ҳамда одам мавжуд бўлиб туришининг анча чуқур омиллари келтириб чиқаради.

Қадриятлар одам ҳаётининг мазмуни ролини бажаради, *маъно универсалиялари* бўлади ва одамнинг ҳаётини маъноли қилишга имкон берадиган учта асосий синфни ташкил этади: булар - ижод (шу жумладан меҳнат) қадриятлари, *кешималар* (энг аввало севги) *қадриятлари* ва *муносабат қадриятлари*. Қадриятларнинг манбаи - “ўн минг ноёб вазият” дунёси ҳамда вазиятларнинг ҳар биридан ноёб маъно топишга қодир бўлган “маъно органи” сифатидаги одам виждонидир.

Шундай қилиб, “қадрият” оддий онг соҳасида ҳам, илмий, хусусан, методологик ва фалсафий билим соҳасида ҳам ёйилган кўп маъноли тушунчалар жумласига қиради. Улар шахс томонидан актуал аҳамиятга молик маъно, идеал сифатида англандиган ва бошдан кечириладиган ҳамма нарсани акс эттириб, индивид онги ва хулқининг муҳим хусусияти, социал фаолиятнинг мақсад конструкторлари сифатида ҳам намоён бўлади.

## УЛҒАЙИШ МАКТАБИ

Бу атама илмий лексикага В.В.Давидов томонидан *ривожланишни* таъминлайдиган алоҳида педагогик технологиялар мажмуини ифодалаш учун киритилган. Ҳозирги ривожланиш психологияси боланинг бир ёш босқичидан (стадиясидан) бошқасига ўтиши унинг айрим фазилатлари (интеллектуал, жисмоний ва шу каби фазилатлари) ривожланишидангина иборат эмаслигини кўрсатди. Бундай ўтиш жараёнлари, бундан ташқари, алоҳида шароитларни, таълим муҳитини алоҳида ташкил этишни талаб қилади. Ёшнинг ҳаракатланишини (улғайишни) махсус таъминлайдиган мактабни *улғайиш мактаби* дейдилар. Унинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардир:

- ёш стратификациясини ва символизациясини жорий этиш - яъни, ҳар бир ёш босқичи учун алоҳида таълим шаклларини, усулларини, мазмуни ва маконларини қуриш;
- ёшдан ёшга ўтишни ва ўтиш давларини расмийлаштириш (уларнинг юксак аҳамиятини ҳисобга олиш), катталар (шу жумладан ўқитувчилар) ҳаётидан намуналарни кенг қўламда кўрсатиш.

Улғайиш мактабидаги педагогик шароитлар ёш катталашган сари ўзгариб боради. Улар мактаб ўқувчисига тобора кўпроқ эркинлик, мустақиллик бериш ва масъулият юклашни ўз ичига оладики, бу дастлабки босқичлардаёқ ҳар бир мактаб ўқувчиси олдида унинг мустақил ривожланиш истиқболини очиб беришга имкон туғдиради.

# МУНДАРИЖА

## Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий - услубий ёндашувлар

КИРИШ.....	5
<b>I БЎЛИМ. ЯНГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУҲИТНИ ШАКЛ- ЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ ЎРНИ...</b>	<b>19</b>
1.1. Миллий истиқлол ғояси - ижтимоий-сиёсий таракқиёт асоси.....	19.
1.2. Стратегик мақсадларга эришини йўлидаги вазифалар.....	24
1.3. Толерант онгнинг шаклланиши.....	41
<b>II БЎЛИМ. КОМИЛ ИНСОН – МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ АСОСИЙ ҒОЯСИ.....</b>	<b>48</b>
2.1. Таълим жараёнини мақсадли такомиллаштириш.....	52
2.1.1. Таълимни инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва демократлаштириш.....	52
2.1.2. Таълимни дифференциациялаш.....	60
2.1.3. Мактаб таълим тизимининг вариативлиги ва униинг тузилмаси.....	71
2.2. Тарбиявий жараён субъектларининг ўзаро алоқалари самаралдорлигини ошириш.....	77
2.3. Фуқаролик асосларини шакллантириш.....	95
2.4. Соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш.....	97
<b>III БЎЛИМ. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ-СТРАТЕГИК МАҚСАД НЕГИЗИ.....</b>	<b>107</b>
3.1. Устувор йўналишлар.....	107.
3.2. Педагоглар малакасининг юқори даражада бўлишини таъминлаш.....	114
<b>IV БЎЛИМ. ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД ОНГИГА МИЛ- ЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ СИНГДИРИШНИНГ БАЎЗИ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРИ.....</b>	<b>118</b>
4.1. Мактаб иштини такомиллаштириш.....	118
4.2. Ижтимоий фанлар соҳасида илмий тадқиқотлар сифатини ошириш.....	131
4.3. Ижтимоий педагогика - ёш авлодни тарбиялашнинг амалий механизми.....	139

Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий -  
 услубий ёндашувлар номли илмий-методик ишланмага  
 ТЕЗАУРУС

Тушунтириш хати .....	155
Категориялар, тушунчалар, атамалар ва сўз бирикмалари.....	158
Мослашувчанлик - мосланмаслик.....	158
Ўзаро алоқа .....	160
Инсоний мулоқот жараёнида бир-бирини тушунинч .....	160
Ёш .....	162
Мулоқот .....	165
Танлов .....	166
Фуқаровий саволхонлик .....	167
Фуқаролик жамияти.....	168
Тарбия ва тарбиявий муҳити нобои ижтимоий гуруҳлар.....	168
Таълимни инсонларварлаштириш ва гуманитарлаш.....	170
Диалогик муносабат .....	173
Таълимни табақалаштириш .....	174
Ҳазилат.....	175
Шарҳнома .....	177
Ўзгаломианталик.....	178
Миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқариш билан боғлиқ вазифалар ва жамият таракқиёти.....	179
Ҳимоя .....	180
Мафкура.....	181
Ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғоялар таъсири.....	183
Индивидуализм.....	184
Индивидуаллик .....	186
Инновациялар .....	187
Педагогнинг инновацион салоҳияти .....	188
Интеграцияловчи ўқув дастурлари.....	189
Интеллектуал қобилиятлар.....	191
Миллий истиқлол ғоясининг тарихий ва фалсафий асослари.....	192
Миллий истиқлол ғоясини амалга оширишда маданият ва маънавий-маърифий муассасалар ўрни.....	193
Маданий муҳит.....	194
Фанларнинг маданий асоси.....	195
Маданий савия .....	196
Таълим культурологияси.....	197
Жамиятни эркинлаштириш - ижтимоий таракқиётнинг стратегик йўналиши.....	198
Миллий истиқлол ғоясини амалга оширишда адабиёт ва санъатнинг ўрни.....	200
Шахсга йўналтирилган таълим.....	200
Мультимедий таълим.....	201
Таълимнинг мультимедий макони.....	203
Миллий ва умуминсоний қадриятлар.....	204
Қадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва дастури - таракқиётнинг	

умумий мақсадларни эришиш омилли ва шартли.....	205
Миллий истиқлол тоясини амалга оширишда фан ва илмий муассасаларнинг ўрни.....	210
Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва дастури.....	211
Таълим.....	212
Миллий истиқлол тоясини амалга оширишда таълимнинг ўрни.....	213
Ижтимоий таълим.....	215
Таълим макони.....	216
Таълим муҳити.....	218
Ижтимоий хизматлар таърибаси асосида ўқитиш.....	219
Миллий истиқлол тоясининг асосий мақсадлари.....	220
Акс этган субъектлик.....	225
Шерикчилик.....	226
Педагогик технологиялар.....	227
Персоналланш.....	230
Плорализм.....	232
Хуқуқий маданият.....	233
Ўзгани ва ўзини қабул қилиш.....	233
Самарали таълим.....	234
Лойиҳалаш.....	235
Миллий истиқлол тоясини амалга оширишда диннинг ўрни.....	236
Рефлексия.....	237
Ахлоқий тарбияда ролли моделлар.....	238
Ўз макеини белгилаш.....	239
Ўзини ўзи ривожлантириш.....	241
Ўркичилик.....	242
Бирга яшовчилар жамоаси.....	245
Миллий истиқлол тоясининг ижтимоий-иқтисодий асослари.....	247
Ижтимоийлашув.....	250
Муҳит.....	250
Ижтимоий-маданний муҳит.....	251
Муҳитни назарда тутувчи таълим.....	253
Кичик маданият.....	256
Субъективлик.....	258
Субъект таърибаси.....	259
Миллий истиқлол тоясининг моҳияти ва мазмуни.....	262
Ижодий ҳамкорлик.....	263
Толерантлик.....	264
Трансфинитлик.....	265
Ижтимоий таракқиёгнинг ўзбек модели.....	266
“Йўналтириладиган лойиҳа” ўқув дастурлари.....	266
Миллий истиқлол тоясини рўёбга оширишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни.....	268
Мафкураинг фалсафий, илмий ва диний асослари.....	269
Мафкуравий мақсадлар.....	272
Кадриятларни библиш.....	273
Кадрият.....	274
Улгайиш мактаби.....	276



Миллий истиқлол гоясини  
шакллантиришда ташкилий-  
услубий ёндашувлар  
Илмий-методик ишланма

Миллий истиқлол гоясини  
шакллантиришда ташкилий-  
услубий ёндашувлар  
номли илмий-методик ишланмага  
Тезаурус

“Академия” нашриёти  
Тошкент, 2002 й

*Муҳаррир Б.Рустамов  
Мусаҳҳиҳ Т.Соатова  
Рассом Р.Султонов*

*Техник муҳаррир, компьютерчи Л.Фахрутдинова, Г. Абдуллаева  
Нашр учун масъул Д.Қобулова*

Теришга берилди 08.08 .2002 й. Босишга рухсат этилди 05.09.2002 й.  
Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 17,6.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,0 Адади 2000. Баҳоси шартнома асосида.  
Буюртма № 02

«Akadem-Xizmat» босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шох кўчаси, 45.